

3-
D-23



Хожимурод Одилқориев

**КОНСТИТУЦИЯ
ВА
ФУҚАРОЛЫК
ЖАМИЯТИ**

ХОЖИМУРОД ОДИЛҚОРИЕВ

**КОНСТИТУЦИЯ ВА
ФУҚА ОЛИК ЖАМИЯТИ**



**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2002**

Т а қ р и з ч и л ар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги,
юридик фанлар доктори, профессор Ш.З.ЎРАЗАЕВ;
юридик фанлар номзоди, профессор Р.К.ҚАЮМОВ

Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т.: Шарқ, 2002. — 320 б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституяси мамлакатда демократик ҳуқуқий давлатчилик ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг қонуний замини сифатида ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий фикр марказида бўлиб келмоқда.

Китобда Конституциянинг яратилиш тарихи, моҳияти, асосий принциплари, ўзига хос ҳусусиятлари, қонунчилик тизимининг ўзаги эканлиги, унинг мафкуравий ва маънавий-ахлоқий салоҳияти жонли мисоллар асосида илмий-назарий таҳдил этилган.

Конституция юксак ижтимоий-ҳуқуқий қадрият сифатида талқин этилиб, фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришда ҳаётбахш роль ўйнаётганлиги кўрсатиб берилган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 67.99(2)01

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллигига багишиланади.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди.

...Конституция суверен давлатимизнинг қонунчлилик-хуқуқий негизини шакллантиришининг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди”.

Ислом Каримов

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг хуқуқий рамзи, ҳалқ ҳоҳиш-иродасининг олий ифодаси бўлмиш Конституция қабул қилинганига ўн йил тўлди. У фуқароларимиз сиёсий ва хуқуқий эркинлигининг буюк мадҳияси сифатида янграмоқда, яшамоқда ва амал қилмоқда. Асосий қонунимиз ўтган қисқа тарихий давр мобайнида янги демократик ўзбек давлатчилиги ҳамда адолатли фуқаролик жамияти қарор топишининг, мазкур мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг барқарор қонуний замини бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Конституциямизнинг ўн йиллиги арафасида муҳтарам китобхонларга тақдим этилаётган “Конституция ва фуқаролик жамияти” деб номланган мазкур китоб иқтидорли хукуқшунос олим, юридик фанлар доктори Ҳожимурод Одилқориев қаламига мансубдир. Китобга муаллифнинг мустақиллик йилларида конституциявий-хуқуқий тараққиётимиз, сиёсий ва хуқуқий тизим ислоҳоти, мамлакатимизда фуқаролик жамиятияни шакллантириш, янги давлатчилик ҳамда демократик институтлар ва қадриятларнинг қарор топиш жараёнларига оид масалалар юзасидан чоп этилган мақолалари, ўқиган маъruzалари, таҳлил ва мулоҳазалари асос қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши билан боғлиқ бўлган бутун жараён, Президент Ислом Каримов раислигидаги Конституциявий комиссиянинг ижодий фаолияти, Асосий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жонли тарихий фактлар асосида муфассал ёритилганлиги ва бу борада чуқур назарий ҳамда амалий хулосалар қилинганлиги асарнинг конституцияшунғелигимиш

манбалари қаторидан муносиб ўрин олишини таъминлаши шубҳасиз. Муаллиф Конституциямизнинг моҳиятини, ижтимоий-сиёсий, юридик, мафкуравий ҳамда маънавий табиатини, унинг замирига қўйилган асосий демократик принциплар мазмунини, барча қирралари ва хусусиятларини юксак илмийлик, событқадамлик, ажойиб маҳорат билан ифода этган.

Алоҳида эътиборли жиҳати шундаки, асарда Конституция талқинига ноанъанавий, теран фалсафий ёндашув амалга оширилган. Унга кўра, Конституция нафақат сиёсий ва юридик нуқтаи назардан, балки мафкуравий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан изоҳланиб, у жамият ҳукуқий қадриятлари тизимида юксак ўрин тутувчи беназир қадрият, олий ижтимоий неъмат эканлиги исботлаб берилган.

Сиёсий демократиянинг улкан ютуғи бўлмиш Конституциямизда ҳокимият масалалари муҳим ўрин тутади. Конституция воситасида давлат ҳокимияти билан инсон ўртасидаги муносабат ўзининг мўътадил ечимини топмоқда. Давлат ҳокимиятининг демократиклиги Конституцияда инсон (фуқаро) ҳукуқлари нечоғлиқ мукаммал акс эттирилганлиги ҳамда кафолатланганлиги билан изоҳланади. Асарда ҳокимиятнинг илмий-назарий талқинига, Конституция билан ҳокимият ўртасидаги нисбатга, уларнинг ўзаро муносабати диалектикасига катта эътибор қаратилган. Шу муносабат билан асарда ҳокимиятлар тақсимланишининг конституциявий механизми мұфассал ёритилган.

Ўзбекистонда рўй берадиган муҳим ўзгаришлар, яъни қонунчиликни либераллаштириш, парламент ислоҳотларини амалга ошириш, суд-ҳукуқ тизимини демократлаштириш айнан Конституциядан ўз ибтиносини олганлиги ёрқин ифодалаб берилган. Муаллиф Ўзбекистонда икки палатали қонун чиқарувчи идора шаклланиши ҳамда у билан боғлиқ янги парламентаризм амалиёти ва анъаналари қарор топишига оид бир қатор назарий ва амалий холосалари ҳамда таклиф-мулоҳазаларини илгари сурган.

Конституцияда инсон ва фуқаронинг демократик ҳукуқлари ҳамда эркинликлари мустаҳкамланганлиги, уларнинг дунё стандартлари, ҳалқаро ҳукуқ тамойилларига тўла мослиги эътироф этилади. Энг муҳими, Асосий қонунда мустаҳкамланган устувор нормаларнинг, жумладан, инсон ҳукуқларига оид қоидаларнинг амалга оширилиш механизми, конституциявий-ҳукуқий тартибга солишнинг турли жиҳатлари илмий-оммабоп тарзда таҳлил этиб берилган. Зоро, демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда инсон ҳукуқларининг таъминланганлигига устувор эътибор қаратилиши лозим. Худди шундан келиб чиқиб, Конституциямиз инсон шахсини улуғлаш, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини кафолатлаш йўлини тутган. Бу унинг адолатли ва инсонпарвар табиа-

тидан далолатдир. Мазкур жиҳатлар асарда ўзининг яққол ифодасини топган.

Қонун устуворлигини, инсоннинг хукуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб, — деб уқтиради Президент И. А. Каримов, — фуқаролик жамиятини куриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди. Бу тамойиллар Конституциямизда аниқ белгилаб қўйилган...¹

Китобнинг диққатга сазовор жиҳатларидан яна бири шундаки, унда жамиятимизнинг сиёсий тизими чукур илмий таҳлил этилган. Сиёсий тизимнинг конституциявий асослари, уни демократик ислоҳ этиш ва эркинлаштириш муаммолари ҳамда бу борада мустақиллик йилларида эришилган жиддий ютуқлар тарихийлик, реал воқелик замирида кўрсатиб берилган. Фуқаролик жамияти ва сиёсий тизимнинг таркибий тузилмалари ҳисобланган сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, уларнинг ўзаро тизимли алоқадорлиги батафсил ёритилган. Муаллиф сиёсий ислоҳотларнинг қонуниятлари ва тенденцияларини англаб этиш ҳамда уларни ифодалашга саъй-уриниш қилган. Эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга йўналтирилган таклиф ва мулоҳазаларини баён этган.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш хусусида илмий таҳлил юритиш ва бу фояларни кенг омма эътиборига (ижтимоий онгга) етказиш мазкур асарнинг марказий мавзусидир. Унда Конституциянинг мазмун-моҳияти, қоида ва принциплари мамлакатда эркин фуқаролик жамияти барпо этиш манфаатлари нуқтаи назаридан ёритилган. Фикримизни янада аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, Асосий қонунимиз ўз ички салоҳиятига кўра фуқаролик жамияти инфратузилмасини қарор топтириш учун хукуқий пойдевор вазифасини бемалол ўттай олади. Шунга асосланиб таъкидлаш мумкинки, Конституция фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари, сиёсий шакли, хукуқий маданияти ва маънавий устунлари вужудга келиши ҳамда ривожланишига тўла-тўқис хизмат қилади. Асар муаллифи ана шу масалаларга ниҳоятда катта эътибор қаратган ва бу ҳол таҳсинга лойикдир.

Мустақиллик йилларида республика қонунчилигининг жадал ривожланаётганлиги давримизнинг ўзига хос хусусиятидир. Шу боис китобда қонунчиликни такомиллаштириш стратегияси масалалари кўтарилганлиги айни муддаодир. Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлик жараёни учун ва қонунчиликни истиқболдаги тараққиёти учун Конституция стратегик асос эканлигининг далиллаб берилиши улкан ил-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Халқ сўзи. 2002. 30 авг.

мий ва амалий аҳамиятта эга. Конституция қонунчиликнинг барча соҳалари учун асосий манба ҳисобланади. Қонунчиликнинг алоҳида тармоқларига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларда конституциявий принцип ва қоидалар конкретлаштирилади ҳамда ҳаётга жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмуни ва барча нормалари руҳи миллий истиқбол мафкураси фоялари билан ҳамоҳанглигига урғу берилиши учун асарнинг аҳамиятини, долзарбилигини янада оширади. Мафкура ва миллий истиқбол фояси бугунги кундаги марказий масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўринли таъкидлаганидек, “ўз келажаги ҳақида қайгурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий фоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар”¹.

Маълумки, Конституциянинг ҳар бир моддаси муайян ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-хуқуқий маънони ўзида мужассам этади. Шунга кўра, “Бизнинг Конституциямиз умуминсоний фоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуг фояларга хизмат қиласди”².

Китобда, шунингдек, Конституциянинг маънавий-ахлоқий салоҳияти, конституциявий хулқ-атворни шакллантириш, аҳоли хуқуқий маданиятини юксалтириш, конституциявий нормаларни кундалик ҳаётда амалга ошириш ҳамда Конституцияни муҳофаза этиш механизми каби кўплаб масалалар хусусида мулоҳаза юритилган. Табиийки, улар китобхонда катта қизиқиш уйғотади ва халқимизнинг хуқуқий саводхонлигини оширишда, айниқса, Конституцияни мукаммал ўрганишда ниҳоятда фойдали манба бўлади, деб умид қиласмиз.

Талабчан китобхоннинг учбу асарда кўтарилиган мавзу, билдирилган мулоҳазалар ҳамда илгари сурилган таклифлар хусусидаги фикри муаллифнинг кейинги ижодий изланишларига ижобий туртки бўлади, деган ниятдамиз.

*Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар доктори,
профессор У. ТАДЖИХАНОВ*

¹ Миллий истиқбол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2000. 5—6-бетлар.

² Ислом Каримов Конституция тўғрисида / Тузувчилар А.Саидов, У.Таджиханов. Т.: Академия, 2001, 52-бет.

I. Конституция — мустақиллик маҳсули ва тимсоли

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши

Миллий истиқлол ҳамда давлат мустақиллигига эришиш шарофати билан ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигига Ўзбекистон Республикасининг тамомила янги, демократик Конституциясини яратишдек улкан тарихий имконият юзага келди. Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрдаги ўн биринчи сессияси томонидан суверен давлатимиз биринчи Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат тарихида оламшумул воқеа бўлди.

Конституция дунё сиёсий харитасида янги суверен демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси қарор топғанлигини қонунлаштириди. Бутун жаҳон аҳлига халқимизнинг хоҳиш-истаги баён қилиниб, унда ўзбек давлатчилигини замонавий маърифий асосларда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни чукурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гояларига содик қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар осойишталиги ҳамда миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби олижаноб ниятлар эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституциявий комиссиянинг раиси И.А.Каримов Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида Конституция лойиҳаси юзасидан сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлади: “Хур Ўзбекистонимиз тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумхуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойdevор қуришдир. Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиласиган, миллатни миллат қиласиган қонунларга асос бўлиши муқаррар”¹.

Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг моҳиятини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркин-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992. 44-бет.

ликлари кафолатланганлигини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди. “Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоясига кўра янги хужжатдир, — деб баҳо берди мамлакатимиз Президенти.— Унда коммунистик мафкура, синфиийлик, партия-вийлиқдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда “фуқаро — жамият — давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона хукуқий ечимини топишга интилдик”¹.

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш гояси 1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши билан бевосита боғлиқ. Мазкур Декларацияни қабул қилган Олий Кенгашнинг иккичи сессияси бу хужжатдаги заминдор принциплар асосида давлатнинг янги Конституцияси ишлаб чиқилиши лозим деган хulosага келди. Сессия Президент И.А. Каримов раислигига 64 кишидан иборат Конституциявий комиссияни тузиш тўғрисида қарор қабул қилди². Унинг таркибига депутатлар, Коракалпогистон Республикаси ва вилоятларнинг вакиллари, давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг, корхоналар, хўжаликларнинг раҳбарлари, таниқли хукуқшунослар, олимлар ва мутахассислар кирди. Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида Комиссия таркиби қисман янгиланди³.

Ўзбекистонда конституциявий аҳамиятга молик ислоҳотлар Конституциявий комиссия тузилишидан анча аввалроқ бошланган эди. 1990 йил 24 мартада республика Олий Кенгашининг биринчи сессияси муҳим тарихий қарор қабул қилиб, Ўзбекистон Президенти лавозимини таъсис этди. Президентликнинг жорий этилиши илгариги советлар хукмрон бўлган давлат бошқарув шаклига барҳам бериб, амалда давлатимизнинг президентлик республикаси шаклига ўтишини англатарди. Президентлик институтининг киритилиши давлат ҳокимияти ваколатларининг янгича тақсимланишини тақозо зо этар эди. Шу муносабат билан ижроия-бошқарув ҳокимиятининг тизими такомиллаштирилди. Хусусан, 1990 йил 1 ноябрда “Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллашти-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992. 37-бет.

² Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ведомостлари. 1990. № 16.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. №9. 326 ва 327-моддалари.

риш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонун қабул қилинди¹. Мазкур қонунга мувофик, Президентлик ҳокимияти билан Республика Министрлар Совети қўшилиб, Ўзбекистон Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Ижроия ҳокимият Президент қўлида бирлаштирилди. У ҳам ҳукумат раҳбари, ҳам давлат бошлиги сифатида майдонга чиқди. Навбатдаги конституциявий-ислоҳий қадам вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги давлат ҳокимиятининг вакиллик ҳамда ижроия идораларига раҳбарлик қилувчи ҳокимлар лавозимини таъсис этишдан иборат бўлди.

Ижтимоий-сиёсий тараққиётимизда ҳаётий эҳтиёж тарзида рўй бераётган реал ўзгаришлар, ўз навбатида, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурни шакллантириб борди. Конституция лойиҳаси устида бевосита ишлашни фаоллаштиришга вазият етилгач, Конституциявий комиссия 1991 йил 12 апрелда И.А. Каримов раислигида ўзининг биринчи мажлисига тўпланди. Конституция лойиҳасини яратиш билан боғлиқ барча ташкилий ва ижодий жараённи мувофиқлаштириб бориш учун Конституциявий комиссия аъзолари ҳамда етакчи мутахассислар ва олимлардан иборат 32 кишилик ишчи гурӯҳи ташкил этилди. Унинг таркибига қонун чиқарувчи идора бир неча қўмиталарининг раислари, вазирликлар, суд, прокуратура идораларининг раҳбарлари, Республика Президенти девони ва Олий Кенгаш идорасининг масъул ходимлари кирди. Шунингдек, Конституция лойиҳасининг мўлжалланаётган бўлимларини тайёрлаш учун 6 та кичик гурӯҳлар ташкил этилди. Кичик гурӯҳлар таркибига 50 нафар илмий ходим ва мутахассис жалб қилинди. Бу кичик гурӯҳлар қўйидагилардан иборат эди: 1) Конституциянинг муқаддимаси бўйича; 2) Ўзбекистоннинг конституциявий тузуми асослари бўлими бўйича; 3) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва мажбуриятлари бўлими бўйича; 4) фуқаролик жамияти бўлими бўйича; 5) давлат тузилиши бўлими бўйича; 6) давлат ҳокимияти тизими ва якуний қоидалар бўйича².

¹ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ведомостлари. 1990. № 31. 376-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарх. Т.: Ўзбекистон, 1995. 11-бет.

Конституциявий комиссия раиси ишчи гуруҳ олдиға қуйидаги вазифаларни күйди: конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибаси ўрганиб чиқилсин, бошқа мамлакатларнинг инсон хуқуqlари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида кўлга киритган ютуқлари ҳисобга олинсин, кенг халқ оммаси дилига яқин ва тушунарли бўлган сиёсий юридик хужжат яратилсин. Мазкур топшириқقا мувофиқ, АҚШ, Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Испания, Португалия, Гречия, Туркия, Эрон, Хиндистон, Покистон, Миср, Венгрия, Болгария, Литва давлатларининг конституциялари чуқур қиёсий ўрганилди. Шунингдек, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистан республикаларининг Асосий қонунлари ҳамда конституция лойиҳалари дикқат билан ўрганиб чиқилди.

Юқорида келтирилган манбаларни таҳлил этиш асосида хорижий давлатлар конституциялари мазмуни ва структурасини тавсифловчи каттагина ҳажмли қиёсий жадвал тайёрланди. Ушбу таҳлилий жадвал жаҳон конституцияшунослиги тажрибаси намуналарининг умумлашмаси сифатида республикамиз Президенти томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини яратиш салмоқли назарий, концептуал заминга таянди. Конституциявий комиссия раисининг топшириғи билан 1991 йил бошларидаёқ бўлгуси Конституциянинг foявий мағзи, яъни концепцияси устида иш бошлаб юборилган эди. Натижада учта муқобил концепция яратилди. Республика Фанлар академияси Фалсафа ва хуқуқ институтининг концепцияси, Сиёsatшунослик ва бошқарув институтининг концепцияси ва Президент девони юридик бўлими тайёрлаган концепция. Ишчи гуруҳ мажлисида учинчи концепция асос учун қабул қилинди. У қолган икки концепциянинг дикқатга сазовор foялари билан бойитилиб, умумлашган пухта ягона foявий асос шаклига келтирилди. Конституциявий комиссия ва унинг раиси томонидан маъқулланган ана шу концепция асосида бўлажак Конституция лойиҳасини яратишга киришилди.

Лойиҳанинг дастлабки варианти 1991 йилнинг ноябригача тайёрлаб бўлинди. У муқаддима, олти бўлимга тақсим қилинган 158 моддадан иборат эди. Ушбу лойиҳа

юзага келаётган пайтда мамлакатимиз тарихида туб бурилиш юз берди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллiği асослари тўғрисидаги конституциявий қонунни ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллiği тўғрисидаги Олий Кенгашнинг Баёнотини қабул қилди. Бу билан Республика парламенти мустақил Ўзбекистон Республикаси—суверен давлат қарор топғанилигини бутун дунёга эълон этди. Қонунда халқ ҳокимиятчилиги, демократик давлатчилик, инсон хукуқлари муқаддаслиги, қонун устуворлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши, мамлакатнинг ҳудудий бутунылиги каби муҳим принциплар мустаҳкамланди. Ушбу илғор демократик ғоя ва принциплар Конституция лойиҳаси мазмунига ҳам сингдирилди. Шунга қарамасдан дастлаб лойиҳа ҳали мукаммаллик даражасидан анча йироқ эди. Янада жиддийроқ ва талабчанлик билан ишлаш лозим эди. 1992 йил баҳорида лойиҳанинг 149 моддадан иборат иккинчи варианти ишлаб чиқилди. Республика Президенти, Конституциявий комиссия Раиси матнни яна синчилаб кўриб чиқди. Ҳар сафар унинг нигоҳидан ўтгач, лойиҳа мукаммаллашиб, аник, лўнда ва ифодали бўла борди. Учинчи вариант 137 моддани ташкил этди. Лойиҳани кенг халқ оммаси муҳокамаси учун матбуотда эълон қилишдан олдин Конституциявий комиссия ва унинг раиси яна бир бор ўрганиб чиқди. Лойиҳа энди 127 моддага келтирилди.

1992 йил 5 сентябрда Конституциявий комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Конституция лойиҳаси устида олиб борилган ишлар тўғрисидаги ахборот тингланди. Таъкидланишича, ишчи гуруҳ Ўзбекистон халқ депутатлари, меҳнат жамоалари раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда лойиҳанинг бешинчи кўриниши тайёрланди. Унда ўзбек халқининг тарихий, миллий ва маънавий хусусиятларини имкон қадар акс эттиришга ҳаракат қилинди. қабул қилинган қарорда қуйидагилар белгиланди: “Конституция лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиши учун ишчи гуруҳ (комиссия) тузилсин (унинг таркибига 25 киши кирди). Унинг зиммасига тубандаги вазифалар юклатилсин:

- ҳукуқий демократик давлат барпо этиш тажрибасини ҳар томонлама умумлаштириш ва уни Конституция лойиҳасида ҳисобга олиш;
- Ўзбекистоннинг демографик ва ижтимоий-сиёсий

турмуш тарзи, унинг тараққиёти тажрибасининг ҳамда депутатларнинг, турли ижтимоий гурӯҳларнинг, миллий-маданий марказларнинг мулоҳазалари ва таклифларини умумлаштириш;

— Конституциявий комиссия аъзоларидан тушган таклифларни кўриб чиқиш ва лойиҳага ўзгартишлар киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси пухта ишловлардан сўнг умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Бироз олдинроқ хulosа қилиб шуни таъкидлаш лозимки, муҳокама давомида Конституция лойиҳасининг асосий бўлимлари, боблари, моддалари ҳамда қоидалари умумхалқ синовидан муваффақиятли ўтди. Бу Конституциявий комиссия нақадар пухта ва самарали ишланлиги, у яратган Асосий қонун лойиҳаси нечоғлик мақсадга мос эканлигига берилган юксак баҳо эди.

1.2. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилиниши

Мустақил давлатимиз Конституциясининг дунёга келишида унинг лойиҳаси умумхалқ томонидан кенг муҳокама қилиниши ниҳоятда муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссиясининг 1992 йил 5 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида Конституция лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур Комиссиянинг шу мажлисда қабул қилинган қарорига мувофиқ, Конституция лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Малакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун ҳалқ оммаси Конституция лойиҳасини улкан қизиқиш ва озод Ватан учун чексиз ифтихор туйгулари билан кутиб олди. Бу ўз-ўзидан тушунарли ҳолат. Зеро, давлатимизнинг келажаги, ҳалқимизнинг тақдирни кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи ҳалқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради”¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992. 36-бет.

Конституция лойиҳаси эълон қилингач, фикрлар, таклиф-мулоҳазалар баён этилган хатлар Конституциявий комиссияга оқиб кела бошлади. Комиссия аъзолари томонидан ёши ва ижтимоий мавқеи, эътиқоди ва фикр-қарашлари, тасаввурлари турлича бўлган кишилар нуттаи назарларини таққослаш борасида фоят катта таҳлилий иш олиб борилди. Лойиҳадаги ҳар бир сўз ақл ва тафаккур тарозига солиниб, ҳар томонлама ўлчаниб, бир-бирига қиёсланиб, ўз муносиб ўрнига қўйишга интилинди. Таъкидлаш жоизки, Комиссияга келган хатлар, таклиф-мулоҳазаларнинг бирортасида лойиҳа тўлигича инкор этилмади, унинг тузилиши, концепцияси ва йўналишига жиддий эътиrozлар бўлмади.

Барча мулоҳаза ва таклифлар самимий мазмунда бўлиб, уларда лойиҳа умуман маъкуллангани ҳолда унинг айрим моддалари ва қоидаларига доир асосли фикрлар баён этилган эди. Лойиҳа муҳокамасида бутун ҳалқ, барча фуқаролар фаол, манфаатдорлик билан қатнашганлиги жуда катта қониқиши ҳосил қиласди. Қарийб икки ярим ой давом этган муҳокамада лойиҳа ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Конституция лойиҳаси тўғрисидаги мактубларда республика раҳбарияти, энг аввало Президент И.А.Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёsatни қизғин қўллаб-куvvатлаш фикрлари ифодалanganган эди.

Олимлар ва ёзувчилар, талабалар ва пенсионерлар, ишчи ва деҳқонлар, дин арбоблари ва ҳарбий хизматчилар, ўқитувчилар ва табиблар, аҳоли турли қатламларининг вакиллари, ёши ва мавқеи ҳар хил кишилар ўз хатлари, фикрлари, таклиф ва мулоҳазаларини Конституция комиссиясига йўлладилар¹.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ниҳоятда кенг кўламли бўлиб, юксак ижодий кўтарин-килик ва ишчанлик кайфиятида ўтди. Муҳокама том маънода кенг меҳнаткашлар оммасининг мислсиз до-нишмандлиги дорилфунуни бўлди. У жамиятимизда чинакам демократия қарор топишининг ёрқин намойишидир. Ўз руҳи ва мазмуни жиҳатидан муҳокама давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича бутун ҳалқнинг умумий сұхбатига айланиб кетди. Лойиҳанинг қизғин ҳамда манфаатлий муҳокамаси ҳалқимиз-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т.: Ўзбекистон, 2001. 20-бет.

нинг ўзи мустақил Ўзбекистон Асосий қонунининг бевосита ижодкори бўлганлигини кўрсатади.

Умумхалқ муҳокамаси сентябрь охиридан то декабрь ойининг бошларигача давом этди. Унда мамлакатнинг барча катта ёшдаги аҳолиси иштирок қилди. Матбуотда, радио ва телевидения орқали, корхона, муассаса ҳамда ташкилотлардаги йиғилишларда, талабалар аудиторияларида қизғин муҳокама, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Лойиҳа Қорақалпоғистон Олий Кенгаши сессиясида, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги фаоллар йиғилишларида муҳокама этилди. Олий Кенгаш Раёсати, вилоят ҳокимликлари таклиф ва мулоҳазаларни мунтазам равишда умумлаштириб, якуний жадваллар тузиб, уларни Конституциявий комиссияга йўллаб турдилар.

Шу давр Ўзбекистон Республикаси давлат-хуқуқий тажрибасида муҳим бир янгилик содир бўлди. Унинг мазмуни шундаки, Конституциявий комиссия дастлаб белгиланган икки ярим ойлик муддат мобайнида (1992 йил 26 сентябрдан бошлаб) лойиҳа меҳнаткашлар таклифлари асосида қайта тузатилиб, 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун яна иккинчи маротаба матбуотда эълон қилинди. Шундай қилиб, хуқуқий прецедент рўй берди — умумхалқ муҳокамаси икки босқичда амалга оширилди. Бу ҳол муҳокама иштирокчиларини фаоллаштирувчи, ташаббусни жўш урдирувчи қудратли туртки бўлди. Унинг мақсади фуқароларга уларнинг муҳокамадаги жонбозлиги маҳсули ва самараларини аниқ кўрсатишдан иборат эди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида Конституция лойиҳаси юзасидан жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Фақатгина Конституциявий комиссияга мингдан зиёд хатлар тушди. Уларда лойиҳанинг ихчам, лўнда, чуқур маъноли ва барчага тушунарлилиги каби афзал хусусиятлари таъкидланган. Таклиф ва мулоҳазалар Конституция лойиҳасининг ҳамма моддаларига дахлдор бўлиб, матнинг деярли ярмига тузатишлар қилинди. Лойиҳадаги 127 моддадан 60 тасига тузатиш ва аниқликлар киритилди. Дастлабки вариандан 4 та модда чиқарилиб, матнга бир неча янги модда киритилди¹.

Таклиф ва мулоҳазаларнинг аксарияти фуқароларнинг хуқуқ ва бурчлари; шахснинг дахлсизлиги; дин-

¹ Халқ сўзи. 1992. 21 ноябр. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссиясининг қарори // Халқ сўзи. 1992. 8 дек.

нинг жамиятдаги ўрни ва роли; иқтисодий ҳуқуқлар, жумладан, мулк ҳуқуқи; бозор муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш; ҳуқуқий тартибот ва қонунийликнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган моддалар, боблар ва бўлимларга таалуқли бўлди.

Масалан, Конституция лойиҳасининг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деган бўлими бўйича 1978 таклиф ва мулоҳаза тушган. Шулардан Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар, Сиёсий ҳуқуқлар, Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари, Фуқароларнинг бурчлари деган VII—XI боблардаги 29 та модда юзасидан 1656 та таклиф ва мулоҳаза билдирилган. Булар ичида ўта қизғин муҳокама ва мунозарага сабаб бўлган ўн битта моддани (24, 25, 26, 28, 30, 32, 35, 36, 40, 47, 49), яъни инсоннинг яаш ҳуқуқи; фуқаронинг айбизилик презумпцияси; шахс дахлсизлиги; фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги; ҳар кимнинг исталган ахборотни олиши ва уни тарқатиш ҳуқуқи; дин эркинлиги ва диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми; фуқароларнинг митинглар, йиғилишлар ва на мойишлар шаклида фаоллик кўрсатиш ҳуқуқи; мулкдор бўлиш ва мулкни мерос қолдириш ҳуқуқи; меҳнат қилиш ва ишсизлиқдан муҳофаза этилиш ҳуқуқи; билим олиш ҳуқуқи; фуқароларнинг атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти; Ватанини ҳимоя қилиш ва ҳарбий хизматни ўташ мажбурияти каби масалаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Мазкур долзарб масалалар бўйича тушган таклифлар сони 1050 та бўлиб, улар Конституциявий комиссия номига келган таклифларнинг салкам 20 фоизини ташкил этди. Бу рақам VII—XI боблардаги моддаларга оид таклифлар миқдорига нисбатан эса 63,5 фоизни ташкил қиласди.

Рақамлар ортида маъно ва мазмун борлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, 25-моддада 165 таклифдан 22 таси, 28-моддада 105 таклифдан 16 таси, 40-моддада 140 таклифдан 13 таси инобатга олиниб, тегишли қоидалар мазмуни мукаммаллаштирилди, уларнинг таҳрири тиниклаштирилди¹.

¹ Қаранг: Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. Т., 1995. 127-бет.

Шундай қилиб, Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг иродасини бевосита аниқлаш, шунингдек, муҳокама давомида тўпланган бой материални ҳар томонлама ва чукур ўрганиб, умумлаштириб, уни мужассам давлат иродаси тарзида Асосий қонунда ифодалаш имконини берди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ҳақли равишда Конституцияни “халқчил қомус” деб атади. “Унинг лойиҳаси устида, — деди у, — тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди”¹. Конституция халқимизнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсули бўлди.

Умумхалқ муҳокамаси давом этаётган даврда ҳам Конституциявий комиссия раиси лойиҳани такомиллаштиришга катта эътибор қаратди. Фуқаролар ва меҳнат жамоаларидан тушаётган таклиф-мулоҳазалар ҳафта сайин жамланиб, раис эътиборига ҳавола этиб турилди. Республика Президенти И. А. Каримов Конституция лойиҳаси устида ишлар экан, Ватан тақдири учун юксак маъсулиятни ҳис этиб турди, ҳар бир конституциявий норма ортида миллионлаб инсонларнинг тақдири турғанлигини англаб етарди. Президент ишлаган лойиҳалар нусхасида унинг дастхати билан қилинган қўйидаги тузатишлар ва қўшымчалар гувоҳи бўламиз. Лойиҳанинг 1-моддасида “Ўзбекистон — демократик республика” деб ёзилган эди. Президент бунга аниқлик киритиб, “суверен” сўзини кўшиб кўйди. Натижада бу модда шундай кўринишга эга бўлди: “Ўзбекистон — суверен демократик республика”. Маълумки, суверентет — ҳар қандай давлатнинг муҳим белгисидир. Конституцияда бу жиҳатга урғу берилиши Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон энди илгаридек иттифоқ давлатининг таркибида эмас. Иккинчи тарафдан, унинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қўшилганлиги мустақилликни ва давлат суверенитетини йўқотди, деган маънони англатмасди.

Дастлаб лойиҳанинг 7-моддаси 2-қисми мана бундай таҳрирда эди: “Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Конституция... ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади”. Президент бунга ни-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т., 1992. 37-бет.

ҳоятда мұхим тузатиш кирилди. Яъни, республикада давлат ҳокимияти халқ манфаатларини күзлаб... амалға оширилади. Бу билан Конституциянинг халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир (7-м., 1-қисм), деган қоидаси билан юқорида көлтирилгән қоидаси ўргасидаги мантиқий боғлиқлик кучайды.

Лойиҳанинг 17-моддаси 2-қисмида тубандаги норма мустақамланган эди: “Республика ўзининг суверен ҳукуқларини бошқа давлатлар билан биргаликда амалға ошириши шарти асосида умумий фаровонлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳамдүстлик ва бошқа давлатлараро бирикмаларга кириши, иттифоқлар тузиши ҳамда иттифоқлардан, ҳамдүстлик ва бошқа давлатлараро бирикмалардан чиқиши мүмкін”. Президент бу ерда яна давлат раҳбарига хос доноликни намойиш этди. У матндан “ўзининг суверен ҳукуқларини бошқа давлатлар билан биргаликда амалға ошириши” сўзларини чиқариб ташлади ва норманинг қуйидаги таҳририни баён қилди: “Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдүстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мүмкін”.

Инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва бурчларини мустақамловчи қоидалар алоҳида дикқат-эътиборга молик бўлди. Бу масала даставвал лойиҳада қуйидагича эди: “Ўзбекистон Республикаси фуқароси табиий, ажралмас, бузилмас ҳукуқ ва эркинликларга эга. Улар дахлсиз ва ҳеч ким судсиз улардан маҳрум этишга ва уларни чеклашга ҳақли эмас”(19-модда). Бир қарашда ҳаммаси халқаро ҳукуқ мезонларига мувофиқдек кўринади. Аммо Конституциявий комиссия раиси бу моддани чиқариб ташлаб, уни 20-модданинг иккинчи жумласи охирига кўшишни таклиф этди. Натижада модда қуйидаги кўринишга эга бўлди:

“...Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳукуқ ва эркинликлари дахлсизdir, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”.

Киритилган тузатиш исходий тафаккур ва донишмандлик маҳсулидир. Унинг тўғрилиги лойиҳадаги 19-модда мазмунини қўшимча таҳлил этганда аён бўлади. Илгариги маънога кўра: шахснинг барча табиий ҳукуқ ва эркинликлари дахлсиз деб ҳисобланиб, улар суд

муҳофазасига даъвогарлик қилар эди. Мазкур норманинг юридик жиҳатдан ноаниқ ва бўшлиги кўриниб турибди. Акс ҳолда инсон ва фуқаронинг барча табиий хуқуқлари тўла рўйхатини қандай аниқлаш мумкин? Бу ноаниқлик шароитида ҳамма хуқуқ ва эркинликлар суд ҳимояси билан таъминланиши ақлга сифадими? Албатта, йўқ. Президент таҳрири юридик жиҳатдан бенуқ-сондир.

Конституция лойиҳасида “фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларидан ажралмасдир”, дейилган эди. Бу сўзларни Президент қўйидаги аниқ ифодалар билан алмаштириди: “**Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар**” (Конституциянинг 47-моддаси). Энди бу норма хуқуқий жиҳатдан лўнда ва аниқ кўринишга эга бўлди.

Конституциявий комиссия раисининг ташабbusи билан лойиҳага шахснинг дахлсизлиги, айбисизлик презумпцияси, оналиқ ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши тўғрисидаги моддалар киритилди. Конституциявий комиссиянинг 1992 йил 7 декабрда бўлиб ўтган мажлисида Президент Конституция лойиҳасини хотин-қизлар билан эркаклар тенг хуқуқли эканлиги ҳақидаги, шунингдек, маданий ёдгорликлар давлат томонидан муҳофаза қилиниши ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф этди. Мазкур мажлис иштирокчиларидан бири “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши” деган бўлимни Ўзбекистон Республикаси Президенти тўғрисидаги боб билан бошлашни таклиф қилди. Конституциявий комиссия раиси бунга эътиroz билдириб: “**Аввало, Парламент ҳақидаги, сўнгра Президент ҳақидаги боб баён этилади. Конституциямизда, биринчи навбатда, халқ демократияси устуворлик қилиши лозим**”, — деди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси (1992 йил 8 декабрь) фаол ва манфаатли муҳоммадан сўнг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини — Асосий қонунни қабул қилди. Сессияда депутатлар лойиҳага 80га яқин ўзгартиш, қўшимча ва аниқликлар киритдилар. Жумладан, Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судларининг ваколат муддати ўн йилдан беш йилгача туширилди. Олий Кенгаш 84-моддани қўйидаги янги қисм билан тўлдириди: “**Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон**

Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили ҳисобот бериб турадилар". 78-модданинг 8-бандига эса шундай жумла кўшилди: "Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш" ва ҳ.к¹.

Лойиҳанинг 42-моддаси тубандагича эди: "Давлат жамиятнинг илмий, техникавий ва маънавий ривожланиши тўғрисида фамхўрлик қиласи, ватанимиз ва жаҳон илмий ва маданий бойликлари ва ютуқларидан баҳраманд бўлишини кафолатлади". Депутатлар бу моддани янги таҳрирда қабул қилдилар: "ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хуқуки кафолатланади.

Давлат жамиятининг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига фамхўрлик қиласи".

Лойиҳанинг 55-моддасида (Конституциянинг ҳозирги 56-моддаси) сессия муҳокамаси натижасида жамоат бирлашмалари қаторига "Фахрийлар ташкилоти" ҳам кўшилди.

Албатт, депутатлар таклифларининг рад этилганлари, лойиҳага қўшилмаганлари ҳам бўлди. Масалан, баъзи депутатлар лойиҳанинг 58-моддасида касаба уюшмаларига аъзолик мажбурий равишда бўлиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлансин, деган таклифни илгари сурдилар. Ушбу фикр ҳам қўллаб-куватланмади, чунки у жамоат бирлашмаларининг ихтиёрийлик асосида тузилиши принципига зид эди. Шунингдек, 118-модданинг 3-қисмида "вилоят, шаҳар ва туман прокурорлари тегишли маъмурий-худудий бирликнинг ҳокими билан келишилган ҳолда тайинланадилар", деган қоида ёзилиши таклиф этилди. Бу таклифга Олий Кенгаш депутатларининг кўпчилиги қўшилмади. Сабаби амалдаги қонунчилик ва тажрибага мувофиқ, прокуратура органлари яккабошчилик принципи асосида тузилади ва фаолият юритади. Шу боис барча бўғиндаги прокурорлар республика Бош прокурори томонидан вазифага тайинланадилар. Бундан ташқари, прокуратура органлари худди судлар сингари маҳаллий ҳокимият органлари таъсири остида бўлиши мумкин эмас. Боз устига, прокуратура тегишли худуддаги ҳокимлар фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади.

¹ Қаранг: Уразаев Ш.З. Конституция независимого Узбекистана. Т., 1993. 28-бет.

Депутатларнинг бир қатор таклиф ва мулоҳазалари Конституция лойиҳасининг таҳририни, услубий равонлигини баркамоллаштиришга кўмак берди.

Шундай қилиб, суверен демократик Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Асосий қомусимиз давлат мустақиллигимизнинг меваси, маҳсули сифатида яратилди ва ҳурлигимиз, озод-эркинлигимиз мадҳияси сифатида яшамоқда. Конституция келажаги буюк Ўзбекистоннинг қад ростлаши учун, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойdevор бўлиши шак-шубҳасиздир.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: моҳияти, принциплари ва хусусиятлари

Мамлакатимиз Конституцияси ўз моҳият-эътибори билан ҳалқ иродасини олий даражада ифодаловчи, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ҳамда давлат бошқарувининг демократик тамойилларини мустаҳкамловчи Асосий қонундир.

Конституция жамият ҳаётида муҳим ўрин тутувчи мураккаб ва серқирра ижтимоий-сиёсий ҳужжатдир. Унинг туб моҳиятини теран англаш учун бу иборанинг тушунчасини илмий изоҳлаш лозим.

“Конституция” (*constitutio*) — лотинча сўз бўлиб, “тузилиш”, “ўрнатиш” деган маънони билдиради. Қадимда “Конституция” ибораси сиёсий тузум маъносини англатган. Буюк фаранцуз инқилоби арафасида “давлатнинг аҳволи”ни “конституция” ибораси билан ифодалай бошладилар. Жаҳон конституциявий-ҳуқуқий назариясида конституция мазмунига нисбатан ягона ёндашув йўқ. Бугунги Европа маданияти икки гуруҳ конституцияларини вужудга келтирди. Биринчи гуруҳ — эски конституциялар бўлиб, бундай конституциялар тарихан XX асрга қадар қабул қилинган эди. Бунинг яққол мисоли 1787 йилдаги АҚШ Конституцияси, 1831 йилдаги Белгия Конституцияси ва 1874 йилдаги Швейцария Конституциясидир.

XX асрда қабул қилинган конституциялар эса иккичи гуруҳни ташкил этади. Бу конституциялар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлаш, Асосий қонунни муҳофаза қилиш, ижтимоий муаммоларга мурожаат этиш натижасида конституциявий тартибга со-

лиш кўламини кенгайтирганлиги билан биринчи гуруҳ конституцияларидан фарқ қиласи.

Хозирги замон конституциявий назарияси ва амалиётида демократик қадриятларни талқин этиш асосида муайян уйғунлашув намоён бўлмоқда. Хусусан, ҳар қандай мамлакатнинг конституцияси олдида турган асосий мақсади инсон ва фуқаронинг ҳукуқ ва эркинликларини кафолатлаш, давлат ҳокимиятининг демократик ва самарали бўлишида ҳокимиятлар тақсимланиши принципига риоя этиш, вакиллик тизими орқали халқ суверенитетини мужассамлаштиришдан иборат.

Демократик жамиятда шакллантириладиган ҳокимиятнинг конституциявий механизми — бу ҳамма вақт ҳокимият учун кураш олиб бораётган ёки унда иштирок этаётган сиёсий кучлар ўртасидаги муроса ва ён бериш (компромис)нинг ифодасидир. Мазкур келишув (консенсус)нинг асосий мақсади ҳокимият ва эркинлик масалаларини куч ишлатиб эмас, балки қонун асосида ҳал этишдан умумий манфаатдорликдир. Шу боис конституция айrim ижтимоий гуруҳ манфаати учун хизмат қилмай, фуқаровий ва миллий тотувлик ифодаси сифатида жамият манфаатларига хизмат қиласи.

Шундай қилиб, Конституция алоҳида юридик хуссиятларга эга бўлган ягона сиёсий-ҳукуқий хужжатдир. Конституцияда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги мунносабатларнинг асосий принциплари ўрнатилади, давлат ҳокимиятининг тузилиши, субъектлари, ҳокимиятни амалга ошириш механизми белгиланади, жамият, инсон ва фуқаронинг давлат томонидан кўриқланадиган ҳукуқлари мустаҳкамланади.

Агар “конституция” тушунчаси уни алоҳида ҳукуқий ҳодиса сифатида таърифловчи умумий белгиларини ифода этса, конституциянинг моҳиятини очиш унинг ички табиатини, асосий мағзини ҳамда кимнинг иродасини акс эттиришини аниқлаш билан боғлиқ.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг моҳияти каби, конституциянинг моҳияти ҳам у қачон, қандай ва нима учун вужудга келди, қайси ижтимоий эҳтиёжлар туфайли ҳаётга зоҳир бўлди, деган саволларга жавоб бериш орқали аниқланади. Юқорида таъкидланганидек, хозирги маънодаги конституциянинг қарор топиши XVIII асрга тўғри келади деб эътироф этилади. Конституциянинг келиб чиқиши буржуа-демократик инқи-

лоблар шароитида шакланаётган янги иқтисодий мұносабатларни хуқуқий шаклда мустақамлаш ва муҳофазалаш әхтиёжи билан бевосита боғлиқ бўлган. Табиийки, бу вазифани фақат жамият ва давлат тузилиши асосларини умумий тарзда белгилаб бера оладиган хуқуқий ҳужжат бажариши мумкин эди. Бу ҳужжат жамият, ҳалқ иродасининг мужассам ифодаси сифатида алоҳида хукмдорнинг иродасидан устунликка эришиши лозим бўлган.

Айнан шу әхтиёж ҳалқни олий ҳокимият соҳиби эканлиги, унинг суверенлиги, жамият аъзоларининг юридик тенглиги, фуқароларнинг ўз давлатчилиги асосларини белгилаш хуқуқи ҳақидаги ғояларни келтириб чиқарди.

Дастлаб ёзма конституцияни вужудга келтириш ғояси Англияда пайдо бўлган. Бироқ, бу ғоя у ерда ўз амалини топмаган. Бу мамлакат то шу бугунги кунгача ўзининг ягона ёзма Конституциясига эга эмас. Энг биринчи ёзма конституциялар АҚШ (1787 й.), Франция (1791 й.) ва Польшада (1791 й.) пайдо бўлган.

Ҳозирги замон конституцияларининг моҳияти умумисоний, хуқуқий қадриятларни ва умумдемократик асосларни мустақамлашда ифодаланади. Улар ҳар бир инсон тенг хуқуқли фуқароси бўлиб фаолият юрита оладиган давлатда яшашини тарғиб қиласди.

Юқоридаги фикрларга мухтасар хулоса ясад, шундай дейиш мумкин: Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган Конституция ўз моҳиятига кўра, демократик хуқуқий давлат куриш Конституцияси сифатида Ўзбекистон ҳалқи иродасининг ифодасидир ва бу ирода умумдемократик тамойилларни ўзида мужассам этувчи, инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб эътироф этувчи давлат ва жамият ҳаёти асосларини мустақамлашга йўналтирилган Асосий қонундир.

Конституция замонавий демократик жамият хуқуқий тизимида алоҳида нуфузли мавқени эгалловчи норматив-хуқуқий ҳужжатdir. Ўз юридик табиати ва моҳиятига кўра, конституция бошқа хуқуқий ҳужжатлардан қуидаги муҳим жиҳатлари билан ажralиб туради:

биринчидан, конституция маҳсус субъект томонидан ёки унинг номидан ўрнатилади;

иккинчидан, конституциявий қоидалар таъсис этувчи, йўналтирувчи, бирламчи аҳамиятга эга;

учинчидан, конституциявий тартибга солиш ўз ҳаж-

мининг кенг қамровлилиги билан тавсифланади, яъни у ниҳоятда муҳим ва кенг қўламдаги ижтимоий муносабатлар доирасига таъсир кўрсатади;

тўртинчидан, конституция алоҳида юридик хусусиятларга, яъни устуворликка, олий юридик кучга, ўзига хос муҳофаза шаклига, маҳсус тарзда қабул қилиниш ва ўзгартирилиш тартибига эга.

Ушбу юридик хусусиятларга муфассал тўхталайлик.

1. Конституция ўзининг замонавий аҳамиятига қўра, халқ томонидан ёки халқ номидан қабул қилинадиган муҳим юридик ҳужжатдир.

Бинобарин, XVII асрда конституция шаклидаги ҳужжатнинг вужудга келиши халқ суверенитети фояси билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, ўша давр мутафаккирларидан бири Ж.Ж.Руссонинг фикрича, конституциянинг ўрнатилиши фақат барча фуқароларнинг розилиги билан амалга ошиши мумкин эди. У барча жамият аъзоларининг яқдиллик билан қабул қилинган қарори бўлиши, ҳамма фуқаролар томонидан имзоланиши шарт эди. Конституция моҳиятини акс эттирувчи бу жиҳат ҳозирги конституциявий назария ва амалиётда устувор саналади. Шу боис дунё мамлакатларининг аксарият конституциялари: “Бизким халқ... мазкур конституцияни қабул қиласиз (ўрнатамиз, таъсис этамиз ва ҳ.к.)” сўзлар билан бошланиши бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам бундан истисно эмас. Унинг Муқаддимасида шундай дейилади:

“Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети фояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,..

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишини кўзлаб,..

Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қиласи”.

2. Конституциянинг алоҳида субъект (халқ) томонидан қабул қилиниши унинг иккинчи муҳим хусусиятини келтириб чиқаради. Бу Конституция ва ундаги нормаларнинг таъсис этувчи табиатга эгалигидир. Ҳамонки демократик давлатда халқ суверинитет соҳиби ва ҳокимиятнинг бирдан-бир манбай экан, айнан у ифодалайдиган олий ҳокимият — таъсис этувчи ҳокимият сифатида майдонга чиқади. Таъсис этувчи ҳокимиятнинг мазмуни шундаки, халқ конституцияни қабул қилиш орқа-

ли ўзи учун мақбул кўрган, муносиб жамият ва давлат тузуми асосларини жорий этади. Айнан таъсис этувчи ҳокимият жамият ва давлат қурилиши асосларини ўзгартира олади, ҳатто тубдан ислоҳ қила олади. Энг муҳими шундаки, конституция ёрдамида суверен халқ ҳокимиятчилиги ўзининг қонуний (легитим) ифодасига эга бўлади. Конституцияни айнан халқнинг таъсис этувчи ҳокимияти ифодаси сифатида эътироф этилиши унинг устуворлигини, жамият ҳуқуқий тизимидағи йўналтирувчи ролини, ҳокимият тузилмалари учун сўзсиз бажариладиган қонун бўлишини таъминлайди.

Конституциянинг таъсис этувчилик табиати яна шунда намоён бўладики, унинг ҳар бир нормаси бирламчилик, яратувчилик салоҳиятига эгадир. Конституциявий қоидаларнинг ўзи бошқа ҳуқуқий нормалар учун йўналтирувчи маёқ, бошланғич асос вазифасини ўтайди. Лекин давлатнинг ҳеч бир ҳуқуқий акти конституция нормалари учун кўрсатма ёки андоза сифатида майдонга чиқа олмайди. Бильякс, ҳар қандай қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция қоидаларидан “озиқланади”, ўз ибтидосини бошлайди, ундан мантиқан келиб чиқади. Бирон бир қонун ва қонуности ҳужжати конституцияга зид бўлиши мумкин эмас.

3. Конституцияни юридик жиҳатдан тавсифловчи яна бир муҳим хусусият — конституциявий тартибга солиш предмети, яъни алоҳида тоифадаги ижтимоий муносабатлар мажмуидир.

Конституциявий таъсир этиш соҳаси ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, бошқа ҳеч бир ҳуқуқий ҳужжат бундай мақомга даъвогарлик қилолмайди. Конституция жамият ҳаётининг барча жабҳаларига — сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётга бирдек дахл қилиб, бу соҳалардаги асосий, заминдор ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

4. Конституция ўзининг алоҳида юридик сифатлари билан ҳам тавсифланади. Конституциянинг ҳуқуқий тизимдаги нуфузли мақомини нафақат унинг юридик хусусиятлари, балки юқорида кўрсатиб ўтилган барча хусусиятлари биргаликда таъминлайди.

Асосий қонуннинг юридик хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) конституциянинг устуворлиги (олийлиги);
- 2) унинг олий юридик кучга эгалиги;
- 3) унинг милий ҳуқуқий тизим ўзаги эканлиги;

4) Конституциянинг алоҳида муҳофаза механизмига эгалиги;

5) Конституциянинг маҳсус тартибда қабул қилиниши ва унга ўзгартириш киритишнинг мураккаб жараёни ўрнатилганлиги.

Мазкур хусусиятларни Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси мисолида кўриб ўтамиз.

1. Давлатимиз Асосий қонунида илк бор Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устунлиги принципи ўзининг қонуний тасдигини топган. Аввалги конституцияларимизнинг бирортасида бу қоида мустаҳкамланмаган эди. Конституциямизнинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси устунлиги сўзсиз тан олинишининг ўрнатилиши бир неча жиҳатдан аҳамиятлидир. Бунда, энг аввало, мамлакатда конституциявий тузум қарор топтирилиши ифодаланади. Конституциянинг устунлигини тан олишда давлатнинг конституцияга, қонунга, ҳукуқقا бўйсундирилиши ғояси илгари сурилгандир.

Конституциянинг устунлиги (олийлиги) принципининг моҳияти:

Биринчидан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида Конституциянинг қатъий ҳукмронлигини билдириб, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг унга сўзсиз бўйсуниши ва риоя этишини англатади;

Иккинчидан, ижтимоий турмушни батартиблаштирувчи ҳукуқий восита бўлиб хизмат қилишини билдиради;

Учинчидан, олий ҳукуқий қадрият, юридик ва ахлоқий мезон сифатида барчанинг фаолиятини улуг мақсадлар сари йўналтириб туришида кўринади.

Конституциянинг устуворлиги барча давлат идоралари, ижтимоий тузилмалар ҳамда фуқароларнинг фаолияти Асосий қонунда мустаҳкамланган қоидалар, принциплар ва ғоялар асосида амалга оширилишини билдиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Конституциямизнинг қабул қилиниши чоғидаги нутқида шундай деган эди: “Ҳукуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, барча жорий қонунлар

ва меъёрий-хукуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади".¹

2. Конституция давлатнинг Асосий қонуни сифатида мамлакат миллий-хукуқий тизимида устунлик қилади, "хукмрон" мавқени эгаллайди. Унинг нормалари бошқа қонунларнинг қоидаларидан юқорироқ юридик кучга эга. Бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар ўз мавқеи, юридик кучи жиҳатидан Конституциядан қуида туради, улар Конституцияга мувофиқ ҳамда унинг ижроси учун чиқарилади. Бу демократик ривожланган мамлакат ҳаётининг қатъий қоидасидир.

3. Конституция бутун хукуқий тизимнинг пойдевори, уни баҳамжиҳатлаштирувчи маркази, барча хукуқ ва қонунчилик соҳаларини шакллантирувчи ҳамда ривожлантирувчи юридик асосдир. Қонунчиликнинг ҳамма тармоқлари бевосита Конституция қоидалари ва принципларига таянади. Бинобарин, у қонунчилик тармоқлари вужудга келиши ва амал қилиши учун сарчашманба бўлиб ҳисобланади.

Асосий қонун — Ўзбекистон Республикасида ҳаракатланувчи объектив хукуқнинг манбаи. У турли хукуқ ва қонунчилик соҳаларининг муштараклигини, бир бутунлигини ва ўзаро мувофиқлигини, бошланғич принципларининг умумийлигини таъминлайди. Шу тариқа бутун хукуқ тизимига батартиблиқ ва барқарорлик баҳш этади.

4. Конституциянинг олийлигини таъминлаш алоҳида муҳофаза механизми бўлишини тақозо қиласиди. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўғинини Конституциявий суд ташкил этади. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият идоралари норматив-хукуқий ҳужжатларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб, холоса чиқаради. Ўзбекистонда Конституциявий суднинг қарор топиши мамлакатда реал мустақил суд ҳокимияти вужудга келишидан ва биз хукуқий давлатчилик сари бораётганигимиздан ёрқин далолат беради. Мазкур суд Конституцияга тўла содиклик, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги, ишларни кўриш ва қарор қабул қилишнинг коллегиаллиги, судьяларнинг фақат қонунга бўйсуниши, ошкоралик ва судьялар хукуқларининг тенглиги каби принципларга таяниб иш олиб боради.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т., Ўзбекистон, 1992. 38—39-бетлар.

Конституциявий суднинг асосий функцияси мамлакатимиз Конституциясининг жамият ҳаётида реал устулигини таъминлашдан иборат. Ўнга давлат идоралари, мансабдор шахслар ва фуқароларда Конституция ва қонунларга алоҳида ҳурмат ҳамда одил судловга юксак эҳтиром шаклланишига эришишдек масъулиятли, айни вақтда, шарафли вазифа юклатилган.

5. Конституция алоҳида ўрнатилган тартибда қабул қилинади ва нисбатан мураккаб жараён воситасида унга кўшимишча ва ўзгартиришлар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг табиитини чуқурроқ англаб этиш учун уни ҳам сиёсий, ҳам юридик, ҳам маънавий жиҳатдан талқин этиш зарур:

1) Конституция давлатимизнинг Асосий қонуни бўлиш билан бир вақтда ўта муҳим **сиёсий хужжат** ҳамдир. Даставвал айтиш жоизки, унда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий характеристери, тараққиётимизнинг бош мезонлари, давлатимиз ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Бошқача қилиб айтганда, Конституцияда давлатнинг асосий функциялари ва сиёсий йўли ўзининг мужассам ифодасини топган. Конституциямизнинг энг муҳим сиёсий аҳамияти шундаки, у дунё давлатлари ҳамжамиятида янги суверен давлат — Мустақил Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини қонуний тарзда расмийлаштирган.

Конституция билан **сиёsat** ўртасидаги узвий алоқадорликка кўра, конституция сиёsatдан холи бўлиши ва, аксинча, сиёsat конституциядан ташқари бўлиши мумкин эмас. Конституцияда давлатнинг сиёсий негизлари мустаҳкамланади. Айниқса, демократик ҳукуқий давлатда агар сиёsat жамият томонидан тан олинган бўлса, у конституция нормаларида ифодаланмоғи лозим.

2) Конституция, ўзининг асл моҳиятига кўра, **юридик хужжатdir**. Унинг қоидалари ҳамиша раҳбарий, дастурий мавқега эга бўлади. Жорий қонунлар у ёки бу тарзда конституциявий қоидаларни ривожлантиради ҳамда ҳаётга татбиқ этади. Башарти, қонунлар Конституцияга зид келиб қолса ёки унда белгиланган талабларни бузиб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлса, улар ўз кучини йўқотиши шарт. Бирорта норматив-ҳукуқий акт, юридик кучига кўра, Конституциядан устун бўлолмайди.

Дикқатта сазовор яна бир нарса — конституциявий нормалар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим томонларини тартибга солади. Шу жиҳатдан Конституция бошқа жорий қонун ҳужжатларидан фарқ қиласиди.

3) Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси улкан **маънавий-ахлоқий** салоҳиятга эга. Унда инсон-парварлик ҳамда адолат ғоялари мустаҳкамланган. Конституциянинг инсон манфаатлари йўлида яратилганлиги унинг энг муҳим хусусиятидир.

Конституциявий эҳромнинг чўққисига инсон, фуқаро ва унинг қонуний манфаатлари кўйилган. “Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва ажралмас хукуқ ҳамда эркинликлари мұқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади”¹.

Асосий қонунда давлат, унинг идоралари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар (2-модда), давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган хукуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-модда), ҳар бир шахсга ўз хукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти кафолатланади (44-модда), деган инсонни муҳофаза этувчи қоидалар мавжуд. Айниқса, шахснинг дахлсизлиги ва айбиззлик презумпциясининг мустаҳкамланиши республика конституциявий қонунчилигида олдинга кўйилган ижобий қадам бўлди.

Булардан ташқари, Қомусимизнинг чуқур ахлоқий хусусиятга эга бўлган қуидаги қоидалари ҳам таҳсинга сазовор:

1) хотин-қизлар ва эркаклар teng хукуқлидир (46-модда);

2) вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг хукуқлари давлат ҳимоясидадир (45-модда);

3) оила жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади (63-модда);

4) давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради (64-модда, II қисм);

5) оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади (65-модда);

¹ К а р и м о в И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т., 1992. 38-бет.

6) вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар (66-модда).

Ушбу нормалар мазмунида ўзбек халқининг бойички маънавий дунёси, саҳовати ва қадимий маданияти акс этган. Зоро, оналарга, аёлларга чексиз хурмат, болажонлик, етимларга муруват ва уларнинг бошини силаш, меҳр-шафқатлилик, оила мустаҳкамлиги учун ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва соғлом авлод учун курашиш — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг саҳий қалбини, улуғвор салоҳиятли табиатини намоён этувчи фазилатлардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти ҳукуқий давлатнинг муҳим талабларини акс эттирувчи асосий принциплар тизими орқали очиб берилади.

“Принцип” — бу раҳбарий фоя демакдир. Ушбу ибора воситасида файласуфлар, ҳукуқшунослар ва социологлар ўрганилаётган ҳодисанинг мавжудлик қонунини, ички мантигини ифода этадилар. Принцип категорияси “қонуният”, “моҳият” категориялари билан узвий боғлиқдир. Худди шу сабабли Конституциянинг моҳияти унинг қуидаги асосий принциплари ёрдамида очилади.

Биринчи принцип. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим принципи — бу давлат суверенитети принципидир. Ҳокимият суверенитети, бир томонидан, мамлакат ичкарисида унинг устунлигини ва мустақиллигини билдирса, иккинчи томондан, ташқи сиёsat борасида, бошқа давлатлар билан ўзаро алоқаларда устунлик, мустақиллик ва эркинликни билдиради. Давлат суверенитетининг мазмуни Конституциянинг биринчи бобида акс этган. Масалан, 1-модда “Ўзбекистон суверен демократик республика” деб мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат ўзининг худудига ва миллий бойлигига нисбатан олий ҳукуқقا эгадир. “Ўзбекистоннинг давлат чегаралари даҳлсиз ва ягонадир” (3-модда). Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий давлат ва маъмурий-худудий тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимини мустақил равишда белгилайди, ички ва ташқи сиёsatини амалга оширади, ўз худудида устунликка эга бўлган Конституция ва қонунларни қабул қиласди.

Давлат суверенитети умумий ҳокимият ваколатла-

рини тўлиқ ва сўзсиз равишда фақат Конституция асосида шакллантирилган ва фаолият кўрсатадиган давлат институтлари ихтиёрида жамланишини тақозо этади. Бу борада Конституциянинг 10-моддаси мантиқий қоидани мустаҳкамлайди: “Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас”.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига биноан ваколатга эга бўлган органлар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган. (7-модданинг 2-қисми).

Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги мустақиллиги унинг давлатлараро муносабатларнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъекти эканлигини билдиради. Конституция Республикада худди шу талабларга жавоб берувчи хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган.

Иккинчи принцип. Конституция халқ ҳокимиятчилиги принципига асосланади ва уни мустаҳкамлайди. Яъни бутун ҳокимиятнинг халққа тегишлилигини ҳамда унинг билвосита ва бевосита амалга оширилишини билдиради. Конституциянинг 7-моддасига биноан, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи халқдир ва ушбу ҳокимият халқ манфаатларини ҳисобга олиб амалга оширилади. Асосий қонунда реал халқ ҳокимиятчилигининг механизмлари кўрсатилган. Халқ сайловлар ёрдамида вакиллик ҳокимияти органларини шакллантиради, мамлакат Президентини сайлайди, умумхалқ муҳокамаси ва референдумлари орқали (9-модда) жамият ва давлат ишларини бошқаришда, қарорлар ва қонунларни қабул қилишда қатнашади. Бу ҳолда халқнинг суворен хоҳиши-иродасини ифодалашнинг асосий институтлари рўёбга чиқади ва халқ томонидан давлат ҳокимиятини амалга ошириш воситалари конституциявий тартибда мустаҳкамланади.

Учинчи принцип. Инсон — олий қадрият ва давлат сиёсатининг асосий мақсадидир. Унинг қадр-қиммати ҳамда шаънини юксак кўтариб ва муҳофаза этиб, давлат, биринчи наебатда, ўзининг пойдевори, яъни эркин

шахснинг ва давлат фуқароси ҳамда хуқуқнинг субъекти сифатида мавжуд бўлишини таъминлайди. Ушбу фикр Конституциянинг асосий мағзидир. Шундан келиб чиқиб, Асосий қонуннинг ички тузилиши куйидагичадир: “фуқаро — жамият — давлат”. Ушбу учликнинг ўзаро алоқалари **фуқаро (инсон) хукуқ ва эркинликларининг устуворлиги ва ўзгармаслиги принципига асосланади**. Ўзбекистоннинг Асосий қонунида ҳар бир фуқарога тегишли бўлган табиий ва ажралмас хукуқлар тан олинади. Унга аввалги Конституцияларда мустаҳкамланмаган янги хукуқлар ҳам берилади. Бу, масалан, яшаш хукуқи, жисмоний ва маънавий дахлсизлик, шахсий ҳаётга бўлган хукуқ, фикрлар ва foялар эркинлигига бўлган хукуқ, ахборот олиш хукуқи, айбиззлик презумпцияси, суд ҳимоясидан фойдаланиш хукуқи, мамлакатдан эркин чиқиб кетиш ва унга кириб келиш хукуқи, соғлом атроф-муҳитга бўлган хукуқ ва бошқалар. Ўзбекистоннинг барча фуқаролари бир хил хукуқ ва эркинларга эгадирлар,— жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, фикрлари, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар,— қонун олдида тенгдирлар (18-модда).

Муҳим сиёсий хукуқлар ҳам аниқ ва лўнда берилган. Фуқаролар жамият ва давлат ишларида қатнашишлари (32-модда), қонунчиликка мувофиқ ўз ижтимоий фаоликларини митинглар, йиғилишлар, намойишлар шаклида амалга оширишлари мумкин (33-модда), касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш хукуқига эгадирлар (34-модда).

Иқтисодий ва ижтимоий хукуқлар ҳозирги кун талблари ва бозор иқтисодиёти инфраструктурасини шакллантириш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Улар фуқароларнинг мулкка ва меросга эга бўлиш хукуқлари билан тўлдирилган (36 ва 53-моддалар). Давлат иқтисодий фаолият эркинлигини, тадбиркорликни ва меҳнат қилиш хукуқлари устунигини, мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги ва хукуқий ҳимоясини ҳисобга олган ҳолда кафолатлайди. Барча фуқаролик хукуқ ва эркинликларининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, улар янги мазмун билан бойитилган ва ижтимоий муносабатларни инсонийлаштиришга қаратилган. Уларни қатъий юридик кафолатларнинг мавжудлиги ва умумсиёсий декларатив қоидаларнинг йўқлиги ажратиб туради.

Тўртингчى принцип — демократизм. Бу — Конституциянинг асосий принципидир. Халқнинг ҳаётий тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига мос келадиган асл демократияни вужудга келтириш катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Конституциянинг муқаддисида халқнинг демократия ва ижтимоий адолат, инсон ҳукуқларига бўлган садоқати мустаҳкамланган. “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлизиз ҳукуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда). Конституция демократияни халқ ҳокимиятчилигининг бир шакли сифатида қабул қилиб, давлатнинг халқ иродасини ифода этиши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши ҳақидаги қоидани мустаҳкамлайди (2-модда). Умумхалқ муҳокамаси ва умумхалқ овоз бериши (референдум) институтлари бевосита демократия институтлари ҳисобланади. Халқ қонун чиқарувчи орган ва Республика Президенти сайловларида бевосита иштирок этади (9,77 ва 90-моддалар).

Демократияни чукурлаштириш мақсадида Асосий қонунда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўппартияйлик, турли хил сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар мавжудлиги мустаҳкамланган. Шу билан бирга, якка мафкура ҳукмонлигига чек қўйилган. “ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас” (12-модда).

Бир қанча нормаларда сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ҳаракатларнинг конституциявий мақоми белгилаб берилган. Уларнинг республика сиёсий ҳаётида тенг равишда иштирок этиши кафолатланади. Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминилаб беради. Давлат органлари, мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига аралашишига ва ушбу бирлашмаларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистонда дин ва диний ташкилотларга нисбатан жуда оқилона сиёсат юритилади. Конституцияда “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”, — деб ёзиб қўйилган (61-модда).

Бешинчи принцип. Ҳукуқий давлатнинг муҳим конституциявий принципларидан бири давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллигидир. Конституциянинг 19-моддаси айнан мана шу принципни мустаҳкамлайди: “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳукуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар”. Мазкур норма сиёсий ҳокимият соҳиби бўлмиш давлат билан уни амалга оширишнинг иштирокчиси бўлган фуқаро ўргасидаги муносабатларнинг маънавий-ахлоқий магзини ифода этади. Таъкидлаш жоизки, жамият билан шахснинг эркинликларини қонун даражасида мустаҳкамлаган давлатнинг ўзи хатти-ҳаракатлари ва қарорларида жамият ва шахс манфаатлари учун бўладиган муайян чекловлардан холи бўлиши мумкин эмас. Давлат қонун воситасида ўзига шундай мажбуриятлар оладики, токи унинг фуқароларга, жамоат бирлашмаларига, ҳукуқнинг бошқа субъектларига нисбатан муносабатлари адолат мезонлари асосида амалга ошсин.

Давлат ўз идоралари ва мансабдор шахсларининг фаолиятлари учун жавобгарлик чегаралари ва чораларини белгилайди. Ҳукуқий давлат барча даражадаги мансабдор шахсларнинг ҳалқ олдидаги, фуқаролар олдидаги масъулиятининг юридик жавобгарлиги меъёрларини белгиламаслиги мумкин эмас. Зоро, бусиз ҳукуқий давлат мавжуд бўлмайди.

Олтинчи принцип. Қонунийлик принципи — жамиятнинг нормал ҳаёти ва давлат органлари фаолият юритишининг асосидир. 15-моддага биноан давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Мазкур принцип ҳалқнинг давлатга, унинг органларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига, хўжалик тузилмаларига нисбатан сиёсий-конституциявий талаби, яъни уларнинг республика қонунларига асосан фаолият юритиши ҳақидаги талабдир. Қонунийлик ҳақидаги конституциявий принципда ҳалқ ҳокимиётчилигининг ички диалектикаси ўз аксини топган, яъни ҳамма биргалиқда ҳокимиётни амалга оширади, айни пайтда, ҳар бир фуқаро ўзбек ҳалқининг қонунларда акс эттирилган суврен давлат иродасига бўйсунади.

Конституцияда биринчи марта ҳукуқий давлатнинг иккита зарурӣ шарти, яъни Конституция ва қонун-

нинг устунылиги ҳамда ҳокимиятларнинг тақсимланиши асосий принциплар сифатида келтирилган.

Етгинчи принцип. Конституция ва қонуннинг устунылиги давлат-хуқуқий қурилишнинг принципи сифатида, ҳеч бир қонун ёки бошқа норматив-хуқуқий акт Конституциянинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмаслигини билдиради (16-модда). Конституция талабларини қандайдир қонунлар ва бошқа хуқуқий актларни рўйкач қилиб бажармасликка йўл кўйилмайди. Конституция ва қонунлар ҳар бир фуқаро учун, ҳар бир хуқуқ субъекти учун олий қадрият бўлиши лозим. Бунга эришиш учун Конституция ва қонунлар инсоний, адолатли ва демократия руҳида, замонавий шарт-шароитлар ва эҳтиёжларга жавоб берадиган тарзда бўлиши лозим. Фақат шу шароитдагина улар сўзсиз бажарилади, деб умид қилиш мумкин.

Конституция Асосий қонун сифатида мамлакатнинг норматив-хуқуқий актлари тизимида устуворликка эга. Унинг нормалари олий юридик кучга эга. Бошқа барча қонунлар ва хуқуқий актлар Конституция асосида қабул қилиниши лозим. Бу маърифий жамиятнинг асосий талабидир.

Конституция ва қонунларнинг устунылигини таъминлаш алоҳида ҳимоя механизмининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Шу мақсадда Конституциявий суд сайланган. У Конституциянинг 108-моддасига биноан, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг Конституцияга қанчалик мос келиши тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Конституциявий суд аъзолари мустақил бўлиб, фақат Конституцияга бўйсунадилар.

Саккизинчи принцип. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органлари тизими **ҳокимиятлар бўлининиши принципига** асосланади. Конституцияда қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятининг мустақил ҳамда ҳамкорликда фаолият олиб боришининг оптимал механизми мустаҳкамлаб кўйилган. Ҳокимиятнинг уч тармоғи бир-бирига ўзаро таъсир этиш ва ўзаро қарама-қарши туришидек оқилона тизим вужудга келтирилган. Қонунчилик ҳокимиятини — Олий Мажлис, ижроия ҳокимиятни — Президент ва унинг раҳбарлигидаги Вазирлар Маҳкамаси, судлов ҳокимиятини — Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди амалга оширади ва улар ягона суд тизимини ташкил этади.

Олий Мажлиснинг ваколатларига Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш ва қонунларга ўзгартириш киритиш йўли билан қолган иккита ҳокимиятнинг мақомини белгилаб бериш киради. Президентнинг чиқарган фармонлари Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Ўз навбатида, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, республиканинг барча олий суд органлари Олий Мажлисда қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эгадирлар (82-модда). Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судларининг аъзолари Олий Мажлис томонидан сайланади, Президент эса вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади (78 ва 93-моддалар). Президент қонунларни имзолайди (93-модда, 14-банди). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Конституциявий суд республиканинг қонунларини ва Президентнинг фармонларини Конституцияга мослигини аниқлайди. Унинг конституциявий ваколатлари доирасидаги қабул қилган қарорлари қатъий юридик кучга эга.

Конституцияда кучли ижроия ҳокимият мақоми мустаҳкамланган. Бир ижтимоий-сиёсий тизимдан бошқа тизимга ўтиш жараёнида бу жуда зарур ҳолдир. Унинг мустаҳкамланиши қонун чиқарувчи ҳокимиятни чегаралаш ҳисобига бўлаётгани йўқ. Асосий қонунда Президентнинг ваколатларини аниқлаштириш ва тўлдириш жараёнида қонун чиқарувчи ва ижроия этувчи ҳокимиятнинг ўзаро мутаносиблиги сақлаб қолинди. Конституциянинг 89-моддасига биноан Президент фақат давлатнинг бошлиғи бўлмай, ижро этувчи ҳокимиятни ҳам бошқаради: айни пайтда, у Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади. Президент ваколатлари тўғрисидаги модда ҳукуқларни санаашдан эмас, балки унга юқори масъулиятли мажбуриятларни юклашдан бошланади, яъни Президент фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир; у Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлигини му-

ҳофаза қилиш бўйича зарурий чоралар кўради (93-модданинг 1-2 бандлари).

Президент республика номидан давлат ичкарисида ва халқаро муносабатларда иш кўради, музокарапар олиб бориб, шартномаларни имзолайди, Ўзбекистон ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъулдир.

Давлат бошлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаб беради. У ижро этувчи ҳокимият тизимини шакллантиради, унга раҳбарлик қиласи, вазирликларни, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади. Бу тўғрисидаги фармонларни кейинчалик Олий Мажлис тасдифига киритади. Президент Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлис тасдифига киритади (93-модданинг 8 ва 9-бандлари).

Прокурор назорати ҳозиргача ўзига хос “ҳокимият” тармоғи бўлиб келган эди. Прокуратура эндиликда ижро этувчи ҳокимият тизимига киради. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва ўринбосарлари Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Президентнинг бу фармонлари ҳам Олий Мажлис тасдифига киритилади. Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси худудида қонуларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади (118-модда).

Президентнинг вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судлари судьяларини лавозимига тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармойишларини судьяларни ўзига хос рафбатлантирувчи, ваколатлантирувчи асос деб тушуниш мумкин. Яъни, судьялар одил судловни амалга оширишда, давлат номидан ҳукмлар чиқариш ва қарорлар қабул қилишда эркин бўладилар. Судьяларнинг мустақиллиги Президентнинг нуфузи билан мустаҳкамланади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Президент ҳам, давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳам, судларнинг процессуал фаолиятига аралаша олмайди. Конституциянинг 106-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади”.

Президент Республика Куролли Кучларининг Бош Кўмандони бўлиб, Ўзбекистон Республикасига ҳужум ўюштирилганида уруш ҳолати эълон қилади ва уч сутка муддат ичидаги ушбу қарорни Олий Мажлис тасдиғига киритади.

Тўққизингчи принцип. Конституциянинг асосий принципларидан яна бири **Ўзбекистон Республикаси томонидан фаол ташқи сиёсатнинг амалга оширилиши**дир. Бу ерда асосий омил мамлакатимиз миллий-давлат манфаатларининг устунлигидир. Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида халқаро ҳукуқнинг тўлақонли субъекти бўлиб, Конституцияда мустаҳкамланган куйидаги принциплардан келиб чиқади: давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳукуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларини тан олиш ва ҳоказо.

Ўнинчи принцип. Конституцияда фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролининг ошиб бориши принципи мустаҳкамланган. Конституциянинг маҳсус боби (XXI) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бағишлиланган. Ўзини ўзи бошқариш органларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият бошлиғи бўлган ҳокимлик институти жорий этилди. Халқ депутатлари Кенгашлари — маҳаллий вакиллик ҳокимияти ҳамда ижро этувчи ҳокимият тегишли ҳудудда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан бошқарилади.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими ўз лавозимига Президент томонидан тайинланади ва тегишли Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланади. Туман, шаҳар ва туман ичидаги шаҳарларнинг ҳокимлари юқори турувчи ҳокимлар томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли Халқ депутатлари Кенгashi томонидан тасдиқланади (102-мода). Ҳоким ўз ваколатларини яккабошлиқ асосларида амалга оширади ва ўзи раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардир.

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда маҳаллий ҳокимият жамоа томонидан ўзини ўзи бошқариш шаклида амалга оширилади. Бундай бошқариш органлари фуқароларнинг йиғинлари ҳисобланади. Улар икки ярим йилга

раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайдилар. Бундай тажриба шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда мавжуд бўлган маҳаллаларда ҳам кўлланилади (105-модда).

Ўн биринчи принцип. Конституцияда суд ҳокимиятини амалга оширишнинг муҳим принциплари мустаҳкамланган. Конституциямизда биринчи марта Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти тўғрисидаги маҳсус боб пайдо бўлди. Мамлакатда тенг ҳукуқли бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва улардан мустақил бўлган суд ҳокимиятини шакллантиришнинг конституциявий асосларини вужудга келтириш — демократиянинг энг катта ютуғидир. Конституция суд тизимишнинг асосий принципларини мустаҳкамлаб, суд ҳокимиятини амалга оширишни тартибга солади. Бу суднинг мустақиллиги ва судьяларнинг дахлсизлиги (106 ва 112-моддалар); судьяларнинг фақат қонунга бўйсуниши (112-модда); судья лавозимини депутатлик фаолияти билан бирга олиб боришининг мумкин эмаслиги (108 ва 112-моддалар); судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари мумкин эмаслиги (108 ва 112-моддалар); ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши (ишларни ёпик мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиди) (113-модда); суд ишларини давлат тилида ва муйайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб бориш лозимлиги (115-модда); адвокатнинг тергов ва суд ишларининг барча босқичларида қатнашиши (116-модда); суд ҳокимияти ҳужжатларининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги принципларидир (110, 114-моддалар).

Қонунийлик ва ҳукуқий тартиботни таъминлаш мақсадида Конституцияда прокуратура органларининг мақоми ва ташкилий асосларига катта эътибор қаратилади. Прокурорлар қонунийлик устидан назоратни амалга ошириб, барча давлат органлари, жамоат бирлашмалири ва мансабдор шахслар фаолиятини назорат қиласидилар ҳамда қонунга бўйсунадилар. Ўзларининг ваколатлари даврида (5 йил) улар сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларидағи сиёсий фаолиятларини ҳамда ушбу ташкилотлардаги аъзоликларини тўхтатадилар (119 ва 120-моддалар).

Суверен Ўзбекистоннинг Конституцияси — инсон ва фуқаро ҳукуқларининг демократик хартияси бўлиб,

хукуқий ва инсонпарвар давлатни шакллантиришнинг стратегик дастуридир. У катта сиёсий, юридик ва халқаро аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат мустақиллигимизнинг хукуқий замини, халқ ҳоҳиш-иродасининг олий ифодаси сифатида майдонга чиқди. У мустақилликнинг бевосита ҳосиласи тарзида вужудга келди. Конституция “янги Ўзбекистонни қарор тоғтириш жараёнидаги муҳим қадам, ... суверен давлатимизнинг қонунчилик-хукуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди”¹.

Бутун жаҳон аҳлига халқимизнинг истак-иродасини баён қилиб, Конституция ўзбек давлатчилигини замонавий маърифий асосларда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни чукурлаштириш, инсон ҳукуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳукуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлашдан иборатлигини эълон қилди.

Ўзбекистон Конституцияси юксак нуфузли қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳукуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини ҳамда маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.

Конституция сиёсий ҳамда ҳукуқий эркинликнинг буюк тимсоли сифатида халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олди, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси эъзозловчи мўътабар ижтимоий қадриятга, олий маънавий неъматга айланди. Унинг бекиёс қадр-қиммати ва нуфузи, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти йиллар ўтгани сайнин тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мөҳияти, ижтимоий-сиёсий ва юридик табиати унинг қуийдаги асосий хусусиятларида яққол намоён бўлади:

1. Ўзбекистон Конституцияси том маънода чинакам демократик Конституциядир. У тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998. 539-бет.

этган ҳужжатдир. Бундан ташқари, у энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган¹.

2. Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари борасида конституциямиз Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. “Давлат органлари ва мансабдор шахслар, — дейилади Асосий қонунимизнинг 2-моддасида, — жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”. Бу фуқароларнинг ҳукуқ ва манфаатлари устуворлигини ва улар конституциявий даражада кафолатланишини англатади. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни ва қадр-қиммати ҳамда бошқа ҳукуқ ва эркинликлари муқаддас бўлиб, улар давлат томонидан ҳимояланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик ҳукуқий давлат ва эркин фуқаровий жамият барпо этишнинг ҳақиқий ҳукуқий пойдеворидир. Унда ҳукуқий давлатчиликнинг асосий тамойил ва белгилари, хусусан, Конституция ва қонуннинг устунлиги, демократизм, ижтимоий адолат принциплари мустаҳкамланган. Барча норматив-ҳукуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунга асосланиши; қонунлар эса, ўз навбатида, Конституцияга мос бўлиши талаб қилинади. Қонун олдида барча баробар. Қонунга бўйсуниш мажбуриятидан ҳеч ким ҳалос этилмайди.

4. Конституция бозор иқтисодиётига ўтишга, хусусий мулкчилик муносабатларини қарор топтиришга хизмат қиласи. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини, иқтисодий фаолият юритиш ва тадбиркорлик эркинлигини акс эттирувчи ғоя ҳамда қоидаларни мустаҳкамлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат томонидан ҳимояланади (Конституциянинг 53-моддаси).

5. Конституцияда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм (хур фикрлилик) институтлари мустаҳкамланган. Ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч бир сиёсий партия яккаҳоким бўлишига, ҳеч қайси партиянинг мафкураси давлат мафкураси даражасига кўтарилишига йўл қўйилмайди. Сиёсий партиялар парламент демократияси қоидалари ва талабларига риоя

¹ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳукуқий кафолати. Т., Шарқ, 1993. 7-бет.

этган ҳолда Конституция ва қонунлар асосида фаолият юритадилар.

6. Конституция давлатнинг динга нисбатан одилона демократик муносабатини белгилайди. Барчага виждан эркинлиги ҳуқуқи кафолатланиши, диний эътиқод ва диний ташкилотлар фаолиятига монелик йўқлиги қонунлаштирилди. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлик ҳуқуқига эга бўлди. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги конституциявий даражада эътироф этилди. Давлат диний ташкилотлардан ажратилган ва уларнинг қонунга мувофиқ фаолиятига, ички ишларига аралашмайди. Ўзбекистондаги барча динлар қонун олдида тенг, улар диний бағрикенглик асосида ўзаро ҳамкорлик ва муроса қиласдилар.

7. Конституциянинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, у инсоният ақл даҳоси кашф этган демократик тамойиллардан бири ҳокимиятлар тақсимланиши принципини мустаҳкамлайди. Шу асосда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов шоҳобчалари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишининг оқилона конституциявий механизми шакллантирилди.

8. Асосий қонунда сўнгти йилларда жорий этилган ва ҳаёт синовидан ўтиб ўзини оқлаган конституциявий институтлар ўз ифодасини топди. Булар президентлик институти ва шу заминда қарор топтирилган давлат бошқарувининг республика шаклидир, шунингдек жойларда — вилоят, туман, шаҳарларда ижроия ҳокимият раҳбари — ҳокимлик институти жорий этилганлиги; мамлакатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдари тизими шаклланишига конституциявий-ҳуқуқий замин яратилганлиги ва ҳоказо.

9. Конституция жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ҳалқаро ҳуқуқ тамойил ва қоидаларига мос даражада ишлаб чиқилган. Ўзбекистон ҳалқаро ҳукуқнинг тенг субъекти сифатида ҳалқаро муносабатларга киришади. Ўзбекистон Республикасининг ташкисиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қиласлик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва ҳалқаро ҳукуқнинг умум эътироф этган бошқа нормаларига

амал қилиш заминига қурилгандир (Конституциянинг 17-моддаси).

10. Конституция жаҳон конституционализми тажрибасига кенг таяниш ва унинг ижобий жиҳатларидан баҳраманд бўлиш асосида яратилган. Айни вақтда, унинг эътиборга молик ютуғи шундаки, Асосий қонунимиз дунёнинг илфор конституцияшунослиги тажрибаси билан ўзбек халқининг бой тарихий, миллий ва маънавий қадриятларини уйғунлаштира олган. “Мазкур ҳужжат умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттирган. Шу кўхна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатда муносиб ўрин олган”¹.

11. Конституция Ўзбекистон таркибида суверен давлат — Қорақалпоғистон Республикаси мавжудлигини ва унинг конституциявий-хукуқий мақомини белгилайди. Қорақалпоғистон суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари улар ўртасида Ўзбекистон Конституцияси доирасида тузиладиган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади (Конституциянинг 70, 75-моддалари).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юқорида саналган сифат ва хусусиятлари унинг беназир нуфузи, салмоғи ва қадр-қимматидан далолат беради, у мустақилликнинг қонуний ифодаси ва буюк келажагимизнинг хукуқий кафолатидир.

1.4. Мустақиллик, Конституция ва хукуқий қадриятлар

Мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андазасини ишлаб чиқишига ҳаракат қиласди. Ўзбекистон ўзининг истиқтол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш режасини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъа-

¹ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг хукуқий кафолати. Т., Шарқ, 1993. 7-бет.

наларни инобатга олган ҳолда адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳукуқий давлат қуриш, бозор муносабатларига ўтиш, мустақил давлат манфаатлари устуворлигига ва тенг ҳукуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг аниқ принципларини ва йўналишларини белгилаб олди.

Мустақил Ўзбекистон биринчи Конституцияси айни шу эзгу мақсадларнинг ҳукуқий кафолатидир. У мустақил ҳукуқий йўлимизнинг ва миллий ҳукуқларимиз тизимининг таянч пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: “Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир”¹.

Конституциямизнинг Муқаддимасида Ўзбекистон халқининг ўз истиқдол ва тараққиёт йўлида қайси сиёсий ва ҳукуқий негиз ҳамда принципларга таяниши аниқ кўрсатиб берилган. Бу негиз ва принциплар:

биринчидан, жаҳоннинг маърифий ривожланган мамлакатлари эътироф этган инсон ҳукуқлари ва давлат суверенитети фоялари ва принципларига содиқлик;

иккинчидан, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулиятни англаш;

учинчидан, ўзбек миллий давлатчилигининг бой тарихий тажрибасига таяниш;

тўртингчидан, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига садоқат;

бешинчидан, халқаро ҳукуқнинг бутун жаҳонда эътироф этилган принцип ва нормаларини тан олиш;

олтинчидан, Ўзбекистон фуқароларининг фаровон ҳайёт кечиришларини таъминлаш;

еттингчидан, инсонпарвар демократик ҳукуқий давлатни барпо этиш;

саккизинчидан, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлигини кафолатлаш.

¹ Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳукуқий кафолати. Т., Шарқ, 1993. 6-бет.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси чи-накам демократик конституциядир, у тарихда синалган умумбашарий ҳуқуқий қадриятларни ўзида мужассам этган. Ҳақиқатан ҳам, “мустақил Ўзбекистоннинг куч-кудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Ҳалқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишилаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждан эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун шарт-шароит яратишдир”.

Ўзбекистон Республикаси учун мустақиллик йиллари, қад ростлаш, ўзликни англаш, истиқбол режалини белгилаш ҳамда улуғвор мақсадларга эришишга йўналтирилган ислоҳотлар палласи бўлди. Сарҳисоб қилинадиган бўлса, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий соҳаларда эътиборга молик ютуқларни кўлга киритдик.

Хўш, мустақиллик бизга нима берди, деган саволни ўргага қўяйлик.

Биринчидан, **Мустақиллик бизга тилимизни қайтарди**. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди.

Иккинчидан, **Мустақиллик бизга динимизни, эътиқодимизни қайтарди**. Виждан ва эътиқод эркинлиги конституциявий асосга ҳамда қонуний кафолатга эга бўлди. Ҳозир Ўзбекистонда 15 та диний конфессияга мансуб 1800 дан зиёд диний ташкилотлар, шу жумладан 1496 та исломий диний бирлашма — масжид ва диний мадрасалар фаолият кўрсатмоқда. Мусулмонлар муентазам равищда Муборак ҳаж ва Умра ибодатларига бориб келмоқдалар.

Учинчидан, **Мустақиллик бизга тарихимизни қайтарди**. Бугунги кунда уч минг йиллик миллий тарихимизни қайта тиклаяпмиз ва холисона ўрганаяпмиз, тарихий ҳақиқатни англамоқдамиз.

Тўртинчидан, **Мустақиллик бизга маънавиятимизни қайтарди**. Истиқдол шарофати билан собиқ совет тузуми даврида тақиқлаб қўйилган бой миллий-тарихий маънавий хазинамиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Инсоният цивилизациясига, дунё илм-фани ва маданиятига беназир ҳисса қўшган бобокалонларимиз — Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин

Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Аҳмад Ал-Фарғоний, Мирзо Улугбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб аждодларимиз “юрга қайтдилар”.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг тўққизинч сессиясида И. А. Каримов фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш хусусида нутқ сўзлаб, шундай деди: «Мустақиллик биз учун муқаддас маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда ва тарзда яшаш, ана шу бебаҳо меросни асрар-авайлаб, келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш демакдир»¹.

Бешинчидан, **Мустақиллик бизга инсоний ҳукуқларимизни, сиёсий эркинлигимизни қайтарди**. Эндиликда Ўзбекистон фуқаролари ўз давлатининг эгаси, ягона ҳалқ тарзида давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи сифатида майдонга чиқмоқдалар. Фуқароларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳукуқ ва эркинликлари Конституция ҳамда бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган. “Мустақиллик — бу ҳукуқ демакдир”, деб хитоб қилганида Президент Ислом Каримов минг бора ҳақ эди. Дарҳақиқат, инсон ўз ҳукуқларини англаш ва рўёбга чиқариш орқали эркин, мустақил ҳараратланиш имкониятига эга бўлади.

Мустақиллик шароитида қўлга киритилган энг катта ютуғимиз шундаки, аввало, ҳалқимизнинг миллий, тарихий қадриятлари тикланди, шунингдек ўз табиатимизни ифода этувчи янги замонавий демократик қадриятларимиз тизими шаклланмоқда. Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг моҳияти, мазмуни унда қарор топган ҳамда ҳалқнинг турмушидан мустаҳкам ўрин олган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ва ҳукуқий қадриятлар тизими билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу хусусда қуйидаги фикрларни билдиради: “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгига маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Ҳалқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ ҳалқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ давом этган қаттиқ мафкуравий тазиикقا

¹ Ҳалқ сўзи. 2002. 30 авг.

қарамай, Ўзбекистон халқи ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган фоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”¹.

“Қадрият” ибораси инсонга, жамиятга нисбат берилиб таърифлангандағина муайян маънога эга бўлиши, аниқ мазмун касб этиши мумкин. Зоро, қадрият деганда, инсониятга хизмат қилувчи, унинг эҳтиёж ва манфаатларини қондирувчи жамики моддий ҳамда маънавий неъматлар тушунилади. Албатта, ҳеч бир буюм ёки воқелик инсон ва унинг эҳтиёжларидан алоҳида олиб талқин этилганда бирон-бир қадр-қимматга эга бўлмайди.

Дунёнинг энг олий неъмати, бетакрор хилқати инсондир. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, инсонларнинг ижтимоий турмуши учун зарур ва фойдали бўлган, уларнинг ривожланиши учун хизмат қиладиган, шароит яратадиган барча предмет ҳамда воқеиликлар қадрият саналади. Атрофимизни қуршаб турган нарсалар — ашёлар, ҳодисалар, маънавий воқеиликларнинг қадр-қиммати инсонларнинг уларга нисбатан билдирадиган муносабати билан белгиланади. Бу муносабат ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Табиийки, инсонларнинг манфаат ва эҳтиёжларини қаноатлантиришга хизмат қиладиган, интилиш ва мақсадлари рўёбга чиқишига кўмаклашадиган неъматларга ижобий, эъзозли муносабат бўлади. Ҳар бир қадрият фақат инсонлар муносабати туфайлигина ўзининг муносиб баҳосига сазовор бўлади.

Жамият ҳаётида мавжуд турли-туман қадриятларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, хукуқий, диний, миллий, маънавий мазмундаги қадриятларга ажратиш мумкин. Бу ўринда барча қадриятлар хусусида муфассал тўхталишни ўз олдимизга мақсад қилиб кўймаймиз. Асосий эътиборни хукуқий қадриятлар талқинига, айниқса, мустақиллик йилларида ижтимоий турмушимиздан жой олиб улгурган хукуқий қадриятларга қаратамиз.

Хукуқий қадриятлар тўғрисидаги илмий тасаввурларимизни чукурлаштиришдан олдин хукуқнинг ўзи ул-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998. 524-бет.

кан ижтимоий қадрият эканлигини таъкидлаш жоиз. Ҳукуқнинг қадр-қиммати унинг инсон ҳукуқлари ва эркинликлари мезонини белгилашида, ижтимоий адолатни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида майдонга чиқишида, фуқароларнинг, бутун жамиятнинг илгор ижобий талаб-эҳтиёжларини ва манфаатларини қондиришга хизмат қилишида намоён бўлади. Ҳўш, ҳукуқнинг ижтимоий қадрият сифатидаги хусусиятлари нималарда кўринади?

Биринчидан, ҳукуқ таъсирчан восита тарзидаги қадр-қимматга эга. У кишиларнинг хатти-ҳаракатига уюш-қоқлик, ташкилийлик, барқарорлик, ўзаро муносабатларлик бахш эта олади. Айни вақтда, улар устидан назорат ўрната олади. Шу тариқа ҳукуқ ижтимоий муносабатлар тизимиға батартиблиқ ҳамда барқарорлик киритади, уларнинг муайян маърифийлик даражасида бўлишини таъминлайди. Ҳукуқ, шунингдек, жамиятда давлат бошқарувини амалга оширишнинг қурдатли воситаси ҳамdir.

Иккинчидан, ҳукуқнинг қадри шундаки, у ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг умумий (мувофиқлашган) иродасини ифодалаб, индивидлар, бутун жамият манфаатдор бўлган муносабатларнинг ривожланишига кўмаклашади. Ҳукуқнинг энг олий қадр-қиммати, унинг кишилар хулқ-автори ва фаолиятига таъсир этиб, турли хусусий манфаатларни муросага келтириши ҳамда мувофиқлаштиришида ифодаланади. Гап хусусий манфаатларни бостириш ёки сиқиб чиқариш ҳақида бораётгани йўқ, аксинча, уларни таъминлаш, шунингдек, ижтимоий манфаатлар билан уйғунлаштириш устида бормоқда. Ҳукуқнинг мазмунида маҳсус ёки хусусий манфаатлар қанчалик тўла акс эттирилса, унинг қадри шунчалик баланд бўлади.

Учинчидан, ҳукуқ шахснинг жамиятдаги эркинлигини ифодалайди, эркинликнинг мезони сифатида намоён бўлади. Бунда ҳукуқнинг ижобий салоҳияти ва қиммати эркинликни умуман эътироф этишда эмас, балки унинг чегарасини, меъёрини қатъий белгилаб беришидадир. Кундалик ҳаётимизда ҳукуқ ижтимоий эркинликнинг, шахс фаоллигининг мужассам ифодаси, эркинлик ва масъулият ўзаро уйғун эканлиги рамзи сифатида гавдаланади. Ҳукуқнинг бундай вазифаси туфайли ижтимоий муносабатларнинг батартиблигига эришилади, кишилар ҳаётидан ноқонунийлик, зўра-

воилик, ўзибўларчилик, хўжасизлик каби иллатлар истисно этилади.

Хукуқ ва эркинлик ўзаро узвий боғлиқ ҳодисалардир. Хукуқ ўз моҳиятига кўра, эркинликнинг реал муносабатлардаги тарихан муайян ва объектив белгиланган шакли, унинг меъёри ҳисобланади. Бошқача айтганда, хукуқ эркинликнинг мавжуд бўлиш шакли ёки шаклан расмийлаштирилганлигидир.

Тўртинчидан, хукуқнинг қадр-қиммати унинг адолат фоясини ифодалай олиш имконияти билан белгиланади. Аслида “адолат” сўзи “ҳақ”, “ҳақиқат”, “хукуқ” сўзлари билан теран маънодош ҳисобланади. Амалиётда эса хукуқ адолатнинг меъёрланган ифодаси, моддий неъматларни адолатли тақсимлаш мезони бўлиб, барча фуқароларнинг — келиб чиқиши, мулкий ҳолати, ижтимоий мавқеидан қатъи назар — қонун олдида тенглигини мустаҳкамлайди. Шу боис қонуний ҳал этилган ҳар бир иш кишилар онги ва тасаввурнида адолатли ҳал қилинди, деб эътироф этилади. Хукуқ билан адолат ўргасидаги чукур алоқадорлик адолатнинг туб хукуқий табиатга эгалиги билан изоҳланади. Ўз ижтимоий вазифасига кўра хукуқ адолатсизликка қарши туради, жамият аъзоларининг ўзаро келишилган манфаат ҳамда иродасини ифодалаб, пировард-натижада адолат қарор топишини таъминлайди. Эркинлик ва адолат фояларини, қоида ҳамда тамойилларини мустаҳкамлаш орқали хукуқ том маънода инсоний мазмун, аҳамият касб этиди ва ҳар бир инсон, бутун жамият учун чинакам юксак қадрият мақомига эга бўлади.

Демак, хукуқнинг юксак қадри, нуфузи унинг инсонпарварлик рухи билан сугорилганлигига, инсон манфаатларига бўйсундирилганлигидадир. Жамики дунёвий неъматлар ичida энг улуғи инсон, “...барча нарслар меъёри Инсондир” (Протагор) деган ҳикматлар хукуқни баҳолашда асосий мезон вазифасини ўтайди.

Бешинчидан, хукуқнинг қадри яна шунда кўринаники, у тараққиётнинг курратли омили, жамиятни ижтимоий ривожланишининг тарихий маромига мос равишда янгилашнинг манбаи сифатида майдонга чиқади. Хукуқнинг бундай роли мамлакатимизда кечётган ислоҳотлар, сиёсий, ижтимоий ва маънавий янгиланишлар палласида алоҳида кўзга ташланмоқда. Юртимизда мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар янги, бозор иқтисодиёти муносабатларини, шу-

нингдек, демократик тамойил ва қадриятларни қарор топтиришда бекиёс аҳамият касб этмоқда.

Хукуқий таъсир этиш натижасида, шунингдек турмушимиизда хукуқнинг фаол амал қилиши ҳамда турфа ҳолларда намоён бўлиши билан муайян воқеликлар, ҳодисалар, институтлар, қоидалар ва хулқ-автор стереотиплари (андазалари) шаклланадики, уларнинг аксарияти хукуқий қадриятлар тарзида эътироф этилиши мумкин. Хукуқий қадриятлар — ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солишга, жамиятда қонун устуворлиги ва адолат тантана қилишига, инсон ҳукуқлари ва эркинликлари сабитқадамлик билан таъминлашишига, юксак ҳукуқий онг ва маданият шаклланишига хизмат қиласиган ҳукуқий ҳодисалардир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, янги демократик жамият барпо этиш йўлига киргач, юртимиизда кўплаб ижобий ижтимоий-хукуқий қадриятлар вужудга келди. Улар сиёсий, давлат-хукуқий амалиётимиздан, халқнинг ижтимоий онгидан мустаҳкам ўрин олди ва мамлакатимиз ривожланишида катта роль ўйнамоқда. Янги ҳукуқий қадриятлар ўз мазмуни, йўналиши ҳамда кўлами бўйича ниҳоятда ранг-баранг, серқирра ва пурмаънодир. Мустақиллик шароитида қарор топган жами ҳукуқий қадриятларни қўйидагича таснифлаш мумкин:

- а) институционал-ҳукуқий (ташкилий-моддий) қадриятлар;
- б) норматив-ҳукуқий қадриятлар;
- в) маънавий-ҳукуқий қадриятлар;
- г) мафкуравий-ҳукуқий қадриятлар.

Мазкур тасниф доирасида мавжуд ҳукуқий қадриятларимизнинг умумий йўқламаси ва тавсифини беришга уриниб кўрамиз.

1. Институционал-ҳукуқий қадриятлар сирасига, аввало, сиёсий тизимимизда, давлат идоралари тизимида вужудга келган сиёсий-ҳукуқий институтларни киритиш лозим. Давлатчилигимиз ривожидаги муҳим қадамлардан бири — Ўзбекистон Республикасида президентлик лавозимининг таъсис этилиши бўлди. “Президентлик” институти тимсолида давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимият бошлиғи олий давлат мартабалари мужассамлашди. Бу институт туфайли мамлакатимизда ҳокимиятлар тақсимланиши принципини жорий этишга йўл очилди. Дастребаки даврда Президент қонун чиқарувчи,

ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини уйғунаштирувчи омил сифатида майдонга чиқди. Унинг юксак нуфузи ҳар бир ҳокимият шохобчасининг мустақил шаклланишига, ўз хуқуқий мақомини мустаҳкамлашига имкон яратиб берди.

Тез орада давлат идоралари тизимида замонавий парламентаризм анъаналарига мос тарзда фаолият юритувчи, кўппартиявийлик асосида сайланадиган олий вакиллик органи, қонун чиқарувчи идора — Олий Мажлис қарор топди. Суд ҳокимияти идоралари ҳам янги қонунлар асосида шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг таъсис этилганлиги хуқуқий давлат сари қўйилган муҳим қадам бўлди. Бундай суд Ўзбекистон тарихида илк бор қарор топди ва бу ўта муҳим хуқуқий демократик қадрият сифатида баҳоланди. Конституциявий суднинг энг асосий вазифаси — Конституциянинг устунлигини таъминлаш; қонунларнинг, Президент фармонларининг, хукумат ва маҳаллий давлат идоралари қарорларининг, шунингдек, Қорақалпоғистон Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон Конституциясига мослигини назорат қилиш ва бу хусусда ўз хуласасини беришдан иборат.

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган институционал-хуқуқий қадриятлар қаторида Олий Мажлиснинг инсон хуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман институти, Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлис хузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти ва бошқаларни эътироф этиб ўтиш лозим. Айни вақтда, республикамида хуқуқни муҳофаза этувчи давлат органлари ва инсон хуқуқлари ҳимоясини ўз фаолиятининг асосий мезони деб ҳисобловчи қатор нодавлат тузилмалар амал қилмоқда. Бу идора ва ташкилотлар тизими инсон хуқуқларини муҳофаза этишининг ягона механизмини ташкил қиласиди.

Жойларда маҳаллий вакиллик давлат идоралари — Халқ депутатлари Кенгашларининг ва ҳокимликларнинг вужулга келтирилганлиги, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳаллаларнинг қайта шакллантирилганлиги аҳоли кенг қатламларини давлат ва жамият ишларини бошқаришга фаол жалб этишга, сиёсий фаоллик ва сиёсий маданиятни юксалтиришга хизмат қилувчи муҳим хуқуқий демократик қадриятлар ҳисобланади.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий хурфикарлилик, кўппартиявилик мұхитининг вужудга келтирилганини демократиянинг мұхим тантанасидир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия:- Ўзбекистон халқ демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партияси, Миллий тикланиш партияси фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий партиялар ўз сафларида минглаб фуқароларни бирлаштириб, улар учун демократия мактаби вазифасини ўтамоқдалар. Конституциямизда таъкидланганидек, Ўзбекистон фуқаролари сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиб, ўзларининг сиёсий ҳаётдаги ўринларини топадилар, муайян манфаат ва эҳтиёжларини қондирадилар.

2. Норматив-хуқуқий қадриятлар қонунлар ва бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар мазмунидা, шунингдек, хуқуқий тамойилларда мужассамланган, кишилар хулк-атворини ижобий мақсадлар сари йўналтирувчи қоидалар шаклида майдонга чиқувчи қадриятлардир. Бундай хуқуқий қадрият сифатида, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини кўрсатиш лозим. Конституция ўз моҳият эътибори билан навқирон демократик давлатчилигимизнинг мустаҳкам хуқуқий пойдеворидир. Унинг қадри шундаки, Асосий қонунда халқимизнинг олий иродаси, адолатли фуқаровий жамият барпо этиш борасидаги интилишлари, эзгу истаклари мужассам ифодаланган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси истиқлолнинг буюк неъмати сифатида мўътабар ижтимоий-хуқуқий қадриятга айланди. Асосий қонумизнинг олий нуфузи, беназир қадр-қиммати унинг инсон ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлашга хизмат қилаётганлигидадир.

Конституция туфайли онгу шууримизга янги демократик қадриятлар сингиб бормоқда. Булар орасида “суверен давлатчилик”, “инсон хукуқлари устуворлиги”, “фуқаролик жамияти”, “қонун устуворлиги”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “ҳар кимнинг мулкдор бўлиш хуқуқи”, “ҳокимиятлар тақсимланиши”, “айбизизлик презумпцияси”, “сиёсий плюрализм” ва ҳоказолар бор.

Эътиборга молик ўта мұхим жиҳати шундаки, Конституция қоидалари, хуқуқий давлат ва фуқаровий жамият барпо этиш тоғаси билан йўғрилган. Шунга кўра, биз кураётган янги жамият Ўзбекистон халқи учун му-

носиб фаровон турмушни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари адолат мезонлари асосида кафолатланишини, милий ва ҳуқуқий қадриятларимиз ҳамда маданиятилиз қайта тикланишини, шахснинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаб бериши тайин. Худди шу нарса қонуний тарзда акс эттирилганлиги улуг неъмат, қадрият ва таҳсинга сазовор жиҳатдир.

Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар мажмуаси ҳам жамият ҳаётида катта ўрин тутувчи ижтимоий-ҳуқуқий қадрият саналади. Қонун халқ иродасини давлат амри даражасига кўтарувчи энг юқори юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий хужжатдир. Айнан қонун воситасида ижтимоий муносабатларни олий даражада ҳуқуқий тартибга солиш амалга оширилади. Конституция ва қонунлар ёрдамида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ўрнатилади ҳамда ишончли тарзда кафолатланади. Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йиллари мобайнинда 400 га яқин қонунлар (шулардан 15 таси ҳуқуқнинг турли соҳаларига оид кодекслар) қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг барчаси жамиятимиз қўлга киритган ижтимоий, маънавий-ҳуқуқий бойлиkdir. Уларда халқнинг табиатига, менталитетига мос ва унинг манфаатини акс эттирувчи қоидалар, ижобий меъёrlар ўз ифодасини топган. Қонун билан мустаҳкамланган меъёрий қадриятлар одамлар онгига осон сингади ва уларнинг хулқ-атворини, хатти-ҳаракатларини йўналтириб турувчи раҳбарий қоидаларга айланади.

Норматив-ҳуқуқий қадриятлар тизимида Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳуқуқий хужжатлар алоҳида аҳамият касб этади. Жадал кечётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар даврида Президент фармонлари ностандарт вазиятлардаги муаммолар ҳуқуқий ечимини топишнинг, янги ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий шакл баҳш этишнинг оқилона воситасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти бу борада шундай деган эди: “Давлат курилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, фоят муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилади ва унинг фармонлари билан тасдиқланади. Айни шу фармонлар ислоҳотларнинг асосий мағкурасини ва уларни амалга оширишнинг муҳим босқичларини ўзида акс эттиради. Қабул қилинаётган муҳим қарорлар қандай мақсадга қаратилганлиги, уларни амалга ошириш механизми

фармонларда очиб берилади... Фармонларда ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида баён этилган асосий қоидалар... ўз умрини яшаб бўлган иқтисодий муносабатларни ва сиёсий тузумни юридик йўл билан алмаштириш, чинакам демократик нормалар ва ижтимоий кафолатларни қарор топтириш жараёнининг мустаҳкам хукуқий негизини яратади”¹.

Мустақил тараққиёт йўлига кирганимиздан то шу бугунги кунгача 3000 га яқин Президент фармонлари ва 5500 дан зиёд Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Президент фармонларининг асосий қоидалари хукумат қарорла-рида батафсил ёритилиб, конкретлаштирилиб берилади ва аниқ чора-тадбирлар билан мустаҳкамланади. Вазирлар Маҳкамаси қарорларини чиқариш орқали иқти-содий ислоҳотларнинг боришини давлат-хукуқий жи-ҳатдан жадал суратда тартибга солиш, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни ўзгартириш жараёни амалга оши-рилади.

Қонунлар, фармонлар ва қарорлар мазмунига жо этилган қоида ҳамда тамойиллар ҳаётий муносабатла-римизни равон тартибга соловчи, ижобий хулқ-авторни шакллантирувчи қадрият, юридик-маънавий неъмат сифатида жамиятни бойитишга, энг муҳими, буюк фар-ровон келажак сари тараққий этиб боришимизни таъ-минлашга хизмат қиласди.

Демократик тараққиётимизнинг ёрқин кўрсаткичлари бўлмиш қадриятларимиз қаторида сайлов қонун-чилиги ва унинг асосида шаклланган сайлов тизими-мизни ҳамда ҳалқ иродасини ифодалашнинг ишончли воситаси — референдумни таъкидлаш ўринлидир. Сўнгти йилларда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” (1993 йил), “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” (1991 йил), Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сай-лов тўғрисида” (1994 йил), “Фуқаролар сайлов хукуқла-рининг кафолатлари тўғрисида”ги (1995 йил) қонунлар қабул қилинди (мазкур қонунларга 1997 ва 1999 йил-ларда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, улар замонавий талаб даражасида такомиллаштирилди). “Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, ушбу демократик институт ўзи-

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. Т. 3. Т., Ўзбекистон, 1996. 195, 201-бетлар.

нинг қонуний негизига эга бўлди. Шу тариқа Ўзбекистон фуқароларининг мамлакат қонунларини қабул қилиш, давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар бўйича ўз иродасини баён этишдек конституциявий хукуки кафолатланди.

Хукукий принциплар сиёсий ва хукукий тизимлар фаолияти негизини ташкил этувчи меъёрланган раҳбарий foялар бўлиб, улар Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топади. Хукукий принциплар давлат қурилиши, давлат идоралари ҳамда хукуқнинг бошқа субъектлари фаолиятини муайян тартибга солади ва қатъий йўналтириб туради. Жамият барча аъзоларининг онтига ва хулқ-автори мазмунига сингиб кетган хукукий принциплар ўта таъсирчан ҳамда самарали қадриятга айланади.

Хўш, сўнгги ўн йилдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз, ислоҳотлар давридаги фаолиятимиз қандай хукукий принципларга асосланмоқда? Аввало, бу Конституцияда мустаҳкамланган илфор принциплардир. Яъни: давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, инсон хукуқларининг устуворлиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги, демократизм, ҳокимиятлар тақсимланиши, қонунийлик, ижтимоий адолат, сиёсий плюрализм, кўппартиявийлик, қонун олдида ҳамманинг тенглиги, давлат ва фуқаронинг ўзаро масъуллиги, суд ҳокимиятининг мустаҳқиллиги, айбизлик презумпцияси, ягона фуқаролик, ошкоралик, фуқаролар сайлов хукуқларининг тенглиги, яширин ва тўғридан-тўғри амалга оширилиши каби асосий принциплар. Шунингдек, жорий қонунларда мустаҳкамланган хукукий принциплар ҳам мавжуд. Ҳусусан, хукуқнинг оммавий ва хусусий хукуқقا бўлинниши; қонунда мустаҳкамланган хукуқ ва эркинликларнинг юридик кафолатланганлиги; хукуқ бузилиши учун юридик жавобгарликнинг муқарарлиги; юридик жавобгарликнинг фақат айбли қилмиш учун келиб чиқиши; енгиллаштирувчи қонуннинг орқага қайтиш кучига эгалиги; фуқаролик ва меҳнат хукуки соҳаларида моддий жавобгарликнинг кўлланиши; (фуқаролик ишлари бўйича) суд процессида томонларнинг тенглиги ва баҳсласишиш принципи; ишларни судда кўришда миллий тил принципи ва ҳоказо.

3. Манавий-хукукий қадриятлар. Ўзбек халқининг адолат, озодлик ва эркинликка бўлган асрий интилиши мустаҳқиллик туфайли рўёбга чиқди. Миллий ўзлик,

инсоний фурур, қудратли тарихий илдизларга таянишдек маънавий қадриятлар, эзгу туйғулар Конституция ва қонунларимизда ўзининг юридик тасдигини топди. Ватан озодлиги, одил демократик жамият барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари foялари Асосий қонунимизда марказий ўринни эгаллайди. Бугун мана шу юксак foяларни тараннум этувчи, уларни моддийлашган кўринишда ифодаловчи давлат рамзларимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси барчамиз учун беназир маънавий-хуқуқий қадриятга айланди. Зеро, ҳар тонг юртдошлиримиз қалбига нур бўлиб кирувчи қўйидаги сўзларда олам-олам маъно, ҳаётбахш маънавий озуқа мужассам:

*“Багри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони!
Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар Она юрт, мангу бўл обод!”*

Давлат рамзларимиз, бир томондан, халқ руҳияти ва қалбida ардоқлаб келинаётган юксак идеаллар, эзгу ниятлар ва ўзбекона фазилатларни акс эттиrsa, иккичи томондан, давлатимиз ҳар бир фуқаросини Она-Ватанга муҳаббат, халқ олдида масъуллик, бурчга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Фуқаролик жамияти кишилар ўртасидаги муносабатларнинг юксак маданий савияга ва теран маънавий заминга асосланганлиги билан ажralиб туради. Бундай жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, уларнинг мўътабар ва, ҳатто, муқаддас саналиши одатий бўлмоғи шарт. Мазкур жамиятнинг ҳар бир аъзоси эмин-эркин, озод ҳамда мустақил бўлиши учун унинг шахсий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатланиши лозим. Инсоннинг ички маънавий дунёсига ва руҳиятига бевосита алоқадор ҳуқуқ ва эркинликлар орасида виждан (диний эътиқод) эркинлиги, сўз ва эътиқод эркинлиги, ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи алоҳида ўрин тутади. Хусусан, виждан эркинлиги ҳақида гап кетганда шуни эътироф этиш керакки, мазкур эркинлик инсоннинг ўз фикрлаш тарзи ва шахсий маънавий эътиқодига мос хатти-ҳаракат қилиш ҳуқуқидир. Бошқача айтганда, виждан эркинлиги ҳар бир муайян инсоннинг ақлий салоҳиятига хос маънавий дунёсини

рўёбга чиқариш ҳамда уни камол топтириш имкониятни яратиб берувчи улуг неъматдир.

Хукуқий қадриятларнинг таҳлил этилаётган турига жамиятнинг ижтимоий хукуқий онги, хукуқий маданияти, шунингдек хукуқий тушунча ва категориялар ҳам киради. Хукуқий онг жамият аъзоларининг хукуқ, қонун ҳамда давлат механизми фаолияти хусусидаги тасаввурлари, қарашлари, таърифлари, ҳис-туйғу ва кайфиятларининг мужассам ифодасидир. Хукуқий онг давлат хукуқий ҳодисаларнинг инъикосигина бўлиб қолмасдан, балки баҳоловчи-иродавий хусусиятга ҳам эгадир. Хукукий ҳодисалар, институтлар ва жараёнлар хукуқий онгдан қанчалик мустаҳкам жой олса, уларнинг қадрият сифатида жамият ижтимоий-маънавий мулкига айланиши шунчалик юқори бўлади.

Хукуқий маданият хукуқий тизим, амалдаги қонунчилик асослари тўғрисидаги муайян билим ва улардан фойдаланиш укуви (кўникмалари)нинг мавжудлиги, шунингдек амалий фаолиятда хукуқий воқеликларга ҳурмат бажо этиб, маърифий муносабатда бўлишидир.

Хукуқий маданият маънавий-ахлоқий ва хукуқий қадриятларнинг муштарак тизими сифатида жамият хукуқий тараққиётининг, норматив-хукуқий ҳужжатлар савиасининг, ижтимоий муносабатлар хукуқий тартибга солинганлик даражасининг кўрсаткичидир. Колаверса, хукуқий маданият хукуқий онг даражасининг реал ифодаси ҳисобланади.

Демократик ислоҳотлар туфайли мамлакатда янги миллий хукуқий тизим қарор топмоқда, ҳаракатдаги объектив хукуқ, қонунларимиз ўзбекона миллий руҳ касб этиб бормоқда, ўзгаришларга мос янги хукуқий тафаккур шаклланмоқда. Энг муҳими, хукуқий тизими-мизнинг инсонпарварлик, адолатпарварлик, маърифий ҳамда маънавий асослари теранлашиб бормоқда. Бундай йўналишнинг аҳамияти ва қадри фуқаролик жамияти ва хукуқий давлат барпо этишда ниҳоятда сарбаланддир.

4. Мафкуравий-хукуқий қадриятлар. Хукуқий мафкура — хукуқий назариялар, концепциялар, хукуқий қарашлар ва талабларнинг илмий тизимлаштирилган ифодаси тарзида талқин этилади. Ҳар қандай ижтимоий-хукуқий янгилик амалиётга, ҳалқ турмушкига ўз-ўзидан кириб ўрнашиб қолмайди. Аввал унинг ғояси шаклланади, онга сингади. Ғоя ижтимоий-хукуқий онг

томонидан мушоҳада этилади. Сўнгра, ушбу ғоялар хуқуқий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий нормаларга, ҳаётий меъёрларга айланади; тегишли қонун ҳамда хуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланади ва инсонлар ўргасидаги муносабатларни тартибга сола бошлайди. Шу тариқа ғоялар, мафкуравий қоидалар ижтимоий ҳаёт мазмунига кўчади.

Масалан, Конституциямиз муайян демократик сиёсий-хуқуқий мафкурани ўзига жо этган ва уни қонуний тарзда ифодалайди. Бу — миллий истиқлол мафкураси, инсон қадри эъзозланадиган демократик жамият барпо этиш мафкураси. "...Бизнинг Конституциямиз, — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, — умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, ҳалқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қиласди". Миллий истиқлол мафкураси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади... Адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақилик ғоялари ҳамда ҳалқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради². Бошқа иборалар билан айтадиган бўлсак, Конституциямиз истиқлол мафкурасининг хуқуқий асосидир. Конституция сиёсий плорализм, фикр ва қарашлар эркинлиги тамойилларини тўлиқ таъминлайди. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади (Асосий қонуннинг 12-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунари тараннум этадиган, мустаҳкамлайдиган ўта муҳим мафкуравий қоидалардан бири — бу инсоннинг улуғланиши ва унинг демократия шароитида яшашга муносиблигиdir. Ўзбекистон ҳалқи миллий тараққиёт йўлининг бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ҳисобланади. Бу стратегик мафкуравий йўриқнинг турли жабҳа ва қирралари қонуларда, хуқуқий ҳужжатларда ўз тасдигини топиб, муайян мафкуравий-хуқуқий қадриятлар тизимини ташкил этади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда хуқуқий давлатчилик мафкураси, қонун устуворлиги ва қонунга итоат-

¹ Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг хуқуқий кафолати. Т., Шарқ, 1993. 8-бет.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2000. 43-бет.

гўйлик мафкураси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги мафкураси, давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги ва фуқароларнинг давлат олдидаги масъуллиги мафкураси, юртнинг тинчлиги, барқарорлиги ва унинг хавфсизлигини таъминлаш мафкураси шаклланиб, ижтимоий онгимизнинг таркибий қисмига айланмоқда. Муҳими, бу foялар қонуний эътирофга эга бўлиб, мафкуравий-хуқуқий қадрият даражасига кўтарилди. Замонавий ҳуқуқий мафкурамизнинг ўзагини ҳуқуқни, авваллари бўлганидек, давлат ихтиёридаги оддий бошқарув воситаси, таъсир ўтказиш “мурвати” деб тушунишдан янгича талқинга, яъни уни ижтимоий қадрият, адолат ва эркинлик мезонини белгиловчи қадрият деб тушунишга ўтиш ташкил қиласиди. Бу ҳуқуқий мафкурага кўра, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари энг бебаҳо неъмат, ҳуқуқнинг ўзи эса ҳар бир инсоннинг ички салоҳияти ва истеъодидини очиш омили деб қаралади.

Шундай қилиб, Истиқлол шарофати билан биз миллат сифатида, халқ сифатида ўз маънавий қиёфамизга, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий қадриятларимизга эга бўлиб бормоқдамиз. Ана шундай юксак қадриятлар асосида мамлакатда соғлом маънавий-руҳий, адолатли ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг вужудга келтирилиши халқимизни буюк мақсадлар йўлида бирлаштиради, бунёдкорлик ишларига сафарбар этади, ҳар бир инсоннинг комилликка эришиши учун реал шарт-шароит яратади.

II. Конституция ва сиёсий демократия

2.1. Конституция ва ҳокимиятнинг демократик тизгинланиши

Ҳокимият — кишилик жамияти пайдо бўлганидан бўён мавжуд бўлиб, то ҳозиргача қурдатли «жозиба» или инсонлар ақлини ўзига тортиб келаётган ниҳоятда мураккаб ижтимоий ҳодиса. Бугунги кунда аксарият олимлар эътироф этган нуқтаи назарга кўра, ҳокимият — бу муайян шахс (гурух)нинг у ёки бу киши (гурух) устидан бошқарувни амалга ошириш (хукмронлик қилиш), у ёки бу нарсанинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқ-имкониятидир. Ҳокимиятнинг муҳим сифати унинг кишилар ўргасидаги иродавий муносабат эканлигида ифодаланади. Ҳокимият бу шундай ижтимоий иродавий муносабатки, бунда хукмрон ироданинг устунлиги, белгиловчи роли таъминланади¹. Ҳокимият амалга ошган жойда муайян иродавий акт (муносабат) бор ва шунинг натижасида рўй берадиган бошқарув ва бошқарилиш мавжуд бўлади. Бошқарув эса маълум бўйсунини талаб этади. Демак, ҳокимият бўйсуниш ва зарур бўлганда мажбурлаш элементлари өрқали амалга оширилади. Маълум обрў (авторитет) ва бўйсунинизиз бошқариш мумкин эмас.

Ҳокимият сиёсат билан узвий боғлиқ. Бироқ ҳокимиятни сиёсий курашнинг бирдан-бир мақсадига айлантириш тўғри бўлмаса керак. Профессор Е.Вятр таъкидлашибча, “ҳокимиятни эгаллаш ва уни амалга ошириш учун кураш сиёсатнинг асосий мазмунини ташкил этади”². В.Н.Амелин эса ҳақли равишда ҳокимиятнинг моҳиятини курашга, зўрликка олиб бориб тақашга қарши чиқади³. Бу тўғри, зеро бу ерда “ҳокимият” билан “ҳокимиятга муносабат” масалалари чалкаштирилмоқда.

Ҳокимиятнинг яна бир жиҳатига эътибор қаратайлик. Ўтган аср мобайнида Энгельсга тегишли бўлган бир таъриф, яъни “ҳокимият — хукмрон ироданинг итоат этувчига ўтказилиши”, деган фикр бир томонла-

¹ Қаранг: К е й з е р о в Н.М. Власть и авторитет. М., 1973. С. 38.

² В я т р Е. Социология политических отношений. М., 1979. С. 157.

³ Қаранг: А м е л и н В.Н. Власть как общественное явление. // Социально-политические науки. 1991. №2. С. 3.

ма изоҳлаб келинди. Чамаси, бу немисчадан нотўғри таржиманинг оқибати бўлса керак. Аслида муаллиф, “ҳокимият муносабатларида бир томоннинг иродаси устунлик қиласи”, деганлиги ҳақиқатга яқинроқ. Ироданинг зўрлик билан ўтказилиши эмас (бу ҳолда синфий назария томонига оғиб кетилади), аксинча, бир ироданинг устунлиги ҳокимият муносабатларининг узвий белгисидир. Мажбурлаш ва зўрликдан фойдаланиш ҳокимиятни амалга оширишнинг усулларидан биридир, холос. Ҳукмронликка эришишда мажбурлаш, куч (зўрлик) ишлатиш, ишонтириш, рафбатлантириш, тарбия каби турли-туман усул ва воситалардан фойдаланилади.

Сиёsat – муайян субъектлар ўртасидаги ҳокимиятга оид муносабатлар ифодаси бўлиб, бунда улар ўз манфаатларини қондириш учун ҳокимиятга интиладилар ёки ҳокимиятдан фойдаланадилар. Бошқача айтганда, сиёsat ҳокимият ёрдамида энг муҳим умумий манфаатларни амалга оширишга йўналтирилган муносабатлар мажмуидир.

Сиёсий ҳокимият шундай сиёсий институтлар, ташкилотлар ва сиёсий-хуқуқий нормалар воситасида амалга ошириладики, улар ҳокимиятта ташкилий шаклу шамойил баҳш этади.

Ҳокимиятнинг алоҳида ижтимоий-сиёсий моҳиятга эга бўлган тури давлат ҳокимиятидир. Давлат ҳокимияти оммавий-сиёсий характерга эга бўлиб, асосий ижтимоий вазифаси жамиятни уюштириш ва бошқаришдан иборат. У муайян ташкилий шаклларда намоён бўлади, маҳсус усуллар ва воситалар билан амалга оширилади.

Ҳозирги замон демократик жамиятларида давлат ҳокимияти хуқуқ воситасида, Конституция тарзида қонунларда институционал қўринишда расмийлаштирилади. Шу боис Конституция давлат ҳокимиятининг моҳиятини акс эттирувчи, унинг фаолият принципларини расман ифодаловчи асосий хужжатdir. Айни вақтда, бу Шоҳ қонун ижтимоий-сиёсий ҳаёт кўзгуси, мамлакат хуқуқий тизимининг, бутун қонунчилик мажмунининг ўзаги сифатида майдонга чиқади. Давлат ҳокимиятининг сиёсий тизимга, фуқаролик жамиятига нисбатан тутадиган мавқеи ва мақоми, давлат билан фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазмуни ва кўламлари Конституцияда белгилаб берилади.

Бугунги кунда демократик тарзда конституциявий

мөъёрланган давлат ҳокимияти жамият умумий манфатлари ва фаровонлигига хизмат қилувчи институтга айланди, дейиш ўринли бўлади. У жамиятнинг ялпи фароғатини таъминлаш мақсадида фуқаролар ҳамда улар уюшмаларининг турли эҳтиёж ва манфаатларини мувофиқлаштириш механизми бўлиб хизмат қилмоқда.

«Демократия шароитларида эса, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, — давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади»¹.

Худди шу мақсадда жамиятдаги турли-туман ижтимоий манфаатларни аниқлаш, уларни ўзаро мувофиқлаштириш, уйғулаштириш ва пировардида, консенсус (келишув) асосида ягона иродага айлантирувчи давлат ҳокимият механизмни вужудга келтирилади. Ушбу механизм Конституцияда ўзининг қонуний тасдигини топади. Бошқача айтганда, Конституция давлат ҳокимиятини тизгинловчи, мөъэрловчи, уни моддийлаштирувчи, шунингдек, таъбир жоиз бўлса, чекловчи сиёсий-хукуқий хужжат ҳисобланади. Шу ўринда Конституция ва давлат ҳокимияти ўртасидаги нисбат ёки муносабат диалектикасига эътибор қаратиш лозим. Давлат ҳокимияти конституция воситасида чекланади, дейиш улар ўртасидаги муносабат мазмунини тўла-тўқис очиб беролмайди. Табиий савол туғилади: Конституцияни давлат ҳокимиятининг ўзи ўрнатади, демак, ҳокимият ўз суверенитетини қай даражада чеклаш ёки умуман чекламаслик масаласини ўзи ҳал этади-ку. Қандай қилиб Конституция ҳокимиятни чеклаши мумкин?

Тўғри, Конституцияни ваколатли давлат ҳокимият органи қабул қиласи. Демократия шароитида Конституция давлат ҳокимияти ўзбошимчалигининг маҳсули бўлмай, аксинча, халқ суверенитетининг, халқ ҳокимиятчилигининг қонуний ифодаси бўлади. Конституция воситасида ўзини расмийлаштирган ҳамда мөъёrlаган ҳокимиятгина демократик, халқчил ҳокимият саналади. Пировард натижада давлат ҳокимияти жамият таъсири ва назорати остида ҳаракатланувчи ижтимоий ҳодисадир. Конституцияда нафақат давлат ҳокимияти-

¹ Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. З. Т., Ўзбекистон, 1996. 20-бет.

нинг иродаси, балки ҳалқ иродаси, жамиятда шаклланган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ҳамда мафкура ўз ифодасини топади. Ҳокимият зўравонлигининг маҳсули бўлган конституцияларнинг умри қисқа бўлганлигига тарихда мисоллар кўп.

Давлат ҳокимиятини меъёrlаш ҳамда мувозанатлашнинг бош мезони жамият ва фуқаролар эркинлиги, ҳуқуқлари кўламидир. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши «инсоний мезонлар» бўйича конференциясининг Копенгаген Кенгаши ҳужжатида таъкидланнишича, ҳозирги замон ҳуқуқий давлати шунчаки қонунийликни таъминлабгина қолмасдан, балки «инсон шахси қадр-қиммати олийлигини тан олиш ва қабул қилишга, уни имкон қадар тўла ифодалашга қаратилган тузилмаларни ташкил этувчи муассасалар билан кафолатлашга асосланган» адолатлиликни таъминлаши лозим (2-банд). Адолатлилик тамойили қўйидагилардан таркиб топади: эркин даврий (белгиланган муддатда ўтказилиб турувчи) сайловлар; ўз мазмунига кўра вакиллик шаклидаги бошқарув мавжуд бўлиши бунда ижроия ҳокимият вакиллик органи ёки сайловчилар олдида ҳисоб бериши; давлат ҳокимият идораларининг Конституцияга риоя этиши ва қонунга мувофиқ тарзда фаолият юритиши; давлат билан сиёсий партиялар ўтасидаги аниқ чегараланиш; ижроия ва суд идоралари-нинг қонунда белгиланган тартибга мувофиқ ҳаракат қилиши; ҳарбий кучлар фуқаровий ҳокимият назорати остида бўлиб, унга ҳисоб бериши; ҳалқаро ҳукуқ талабларига мувофиқ, қонун инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлаши ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳокимиятининг ваколатлари, ҳуқуқий мақомини белгилашда юқоридаги ҳалқаро ҳукуқ тамойилларидан ҳамда жамият, фуқаро ҳуқуқлари мажмуудан келиб чиқади. Энг аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз Конституциясининг 7-моддасида «**Ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбай**» эканлиги мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимијати ҳалқ манфаатларини кўзлаб ва Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимијати ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокими-

ятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади. «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин» (10-модда).

Халқ ҳокимиятини рўёбга чиқаришнинг, яъни бевосита демократиянинг муҳим конституциявий институтлари — референдум, умумхалқ муҳокамалари ва ялпи сайловлардир. Асосий қонуннинг 9-моддасида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади, деб таъкидланган. “Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида”ги 1992 йилги қонуни (мазкур қонун 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинди) ва “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги қонуни (2000 й.) ушбу институтларнинг амалга оширилиш механизмини (тартибини) белгилаб берган.

Референдумда умумхалқ овоз бериши йўли билан қонун (маълум масала юзасидан қарор) қабул қилинади. Унда қабул қилинган ҳужжат бевосита халқ ҳукми тарзида императив (мажбурий) маъно касб этади ва шу заҳотиёқ юридик кучга эга бўлади. Умумхалқ муҳокамалари эса референдумдан фарқ қиласи. Бунда қонун лойиҳаси ёки бошқа муҳим масала матбуотда эълон қилиниб, кенг халқ муҳокамасига чиқарилади. Муҳока-ма натижалари давлат идоралари учун мажбурий эмас, балки маслаҳат характеристига эга бўлади.

Сайловлар эса давлат органига ёки мансабдор шахсга ҳокимият ваколатларини бериш бўйича халқ иродасини баён этиш механизмидир. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш... хукуқига эгадирлар... Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимият вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади (Конституциянинг 117-моддаси).

Бош мезон саналмиш яна бир муҳим жиҳат — инсон (фуқаро) ҳукуқ ва эркинликлари ҳисобланади. Инсон (фуқаро) ҳукуқларини таъминлаш ва муҳофаза этишининг институционал, ташкилий воситаларини мустаҳкамлай олган Конституциягина инсон ҳукуқлари ва

эркинликларини ҳимоя этиш учун давлат ҳокимиятини оқилюна меъёрлаш вазифасини ўтай олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг комплекс тизими ни мустаҳкамлаган. Асосий қонунда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликлари мужассам этилган. Давлат ҳокимияти зиммасига ана шу ҳуқуқ ва эркинликларни тўла таъминлаш масъулияти юклатилган.

«Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» (2-модда). Энг муҳим конституциявий қоидалардан бири шундай жаранглайди: «Ўзбекистон Республикасида демократия умумисоний қадриятларга асосланади, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлизиз ҳукуқлари олий қадрият ҳисобланади» (13-модда). Бунинг асл маъноси шундаки, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — **инсондир**.

Сиёсий адабиётда ва амалиётда давлат ҳокимиятининг «легитимлиги» мавзуси долзарб саналади. Мазкур масала жамият ва фуқаронинг манфаатлари билан бевосита боғлиқ. «Легитимлик» — бу давлат ҳокимияти халқнинг ишончини қозонгандиги демақдир. Ўзгача талқин этадиган бўлсақ, бу ҳокимиятнинг қонунийлигидир. Агар гап парламент ёки Президент ҳақида борадиган бўлса, бу улар томонидан сайловда халқнинг, яъни сайловчиларнинг талаб этилган кўпчилик овозини олганлиги, уларнинг иродасига мос, эътирофига сазовор бўлганлиги демақдир. Бу ишонч, сиёсий ирова ифодасидир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида 1995 йил марта Президент ваколатларини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласида референдум бўлиб ўтганлигини ва бу хусусда Ислом Каримов эътироф этган қуйидаги сўзларни келтириш жоиз: “Референдумнинг якуни — парламентга, Президентга, барча ҳокимият органларига, халқ ишончининг сиёсий белгиси, нишонидир. Референдумнинг якуни танлаган йўлимизнинг тўғрилиги, демократик жамият қураётган давлатнинг туб ислоҳотларни чукурлаштириш ва охирига етказиш юзасидан сиёсий мандатидир ... ”¹.

Давлат ҳокимиятининг легитимлиги — инсонларнинг, аҳоли турли қатламларининг ҳокимият тузилма-

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддаслир. Т.3. Т., 1996. 77-бет.

лари томонидан ижтимоий адолат қоидалари, инсон хуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш тарабларига риоя этиш борасидаги кечинма, тасаввур ва қараашлари мажмуидир. Легитим ҳокимият жамият томонидан кўллаб-куватланса ҳамда обрўга, ишонч ва ҳурматта сазовор бўлса, нолегитим ҳокимият кучга, зўрлик ва мажбурловга таянади. Легитим ҳокимият демократик жамиятнинг ихтиёрий эътироф этилган узвий таркибий қисмидир.

Республикамиз ҳаётига оид аниқ мисолларга мурожаат этайлик. 1999 йил 5 ва 19 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатлар сайлови ўтказилди. Сайловни ўтказиш учун мамлакатда 7684 та сайлов участкаси тузилди. Парламентта сайлов ўтказиш учун 250 та ҳудудий сайлов округи ташкил этилди. Бунда бешта сиёсий партиядан муқобиллик асосида 2,5 мингдан ортиқ номзодлар кўрсатилди. Икки турда ўтган сайловлар натижасида ҳар бир округдаги сайловчиларнинг эллик фоиздан ортигининг овозини олишга муяссар бўлган 250 нафар депутат Олий Мажлис таркибига сайланди. Ана шундай ишончга сазовор бўлган парламент легитим (қонуний) фаолият кўрсатишга ҳақлидир.

2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтди. Сайлов кўппартиявилик ва муқобиллик асосида ўтди. Сайловда рўйхатга олинган 12 миллион 746 минг 903 сайловчидан, 12 миллион 123 минг 199 сайловчи иштирок этди. Бу рўйхатга олинган сайловчилар умумий миқдорининг 95,1 фоизини ташкил этди. Фидокорлар миллий демократик партиясидан кўрсатилган номзод И.А.Каримов учун 11 миллион 147 минг 621 сайловчи ёки умумий сайловчиларнинг 91,9 фоизи овоз берди¹. Ўзбекистон халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган А. Жалолов учун 505 минг 161 сайловчи ёки 4,17 фоиз сайловчи овоз берди². Демак, Ислом Каримов Президент сифатида Конституцияда белгиланган муайян ҳокимият ваколатларига эга бўлди. У сайловчилар мутлақ кўпчилигининг овози ва ишончига сазовор бўлди. Шубҳасиз, унинг ҳокимияти қонуний — легитим деб тан олинади.

Давлат ҳокимиятининг халқ изми билан боғлиқлиги унинг демократик тарзда ташкил этилиши ва фаолият юритишини кафолатлайди. Мамлакатимизда давлат ҳоки-

¹ Халқ сўзи. 2000. 12 янв.

² Ўша жойда.

мияти идораларининг тузилиши, такомиллаштирилиши, фаолият тартиби ва ваколатларини белгилашда халқ иродаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Мазкур методологик хуносани яна бир карра тасдиқловчи ёрқин далил – 2002 йил 27 январида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумидир. Унда иккита муҳим масала: Ўзбекистон парламентининг келгусида икки палатадан иборат бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш тўғрисидаги масала халқ ҳукмига ҳавола этилди. Референдум демократик асосда, очиқ ва ошкора, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ташаббускор гурӯҳлари қузатувчилари иштирокида ўтди. Референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13266602 нафар фуқароларнинг 12113070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисидаги Баёнига кўра, икки палатали парламентни шакллантириш масаласи юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11344242 нафари ёки 93,65 фоизи ёқлаб, 768828 нафари ёки 6,35 фоизи қарши овоз берган. “Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?” деган иккинчи масала юзасидан овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг 11117841 нафари ёки 91,78 фоизи ёқлаб, 995229 нафари ёки 8,22 фоизи қарши овоз берган¹.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, референдум орқали халқ парламентимиз таркибий тизимида демократик ўзгартиришлар амалга оширилишига изн берди. Айни вақтда, мамлакат Президентининг ваколатлари илгари бўлганидек бундан буён ҳам ҳар сафар демократик сайловлар воситасида расмийлаштирилиб, эндиликда етти йиллик муддат мобайнида ўз легитимлигини, қонунийлигини сақлаб туришига овоз берди.

Демократия шароитида давлат ҳокимиятини ташкиллаштириш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий шакли – **ҳокимиятлар тақсимланишидир**. Мазкур принципнинг туб маъноси шуки, унда ягона ҳокимиятнинг уч

¹ Fidokor. 2002. 5 февр.

таркибий бўғини: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўз конституциявий ваколатлари доирасида мустақил фаолият юритиб, бир-бирларининг ваколатларига аралашмайдилар. Ҳар бир ҳокимият шохобчasi ўз ҳимояси нуқтаи назаридан ўзгасини назорат қилади, чегаралаб-чеклаб туради, ваколатларидан четга чиқишига йўл қўймайди.

Ҳокимиятни ташкил этишнинг ушбу принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида назарда тутилган. Давлат ҳокимияти ваколатлари қонун чиқарувчи идора — Олий Мажлис, давлат бошлиги ва ижроия ҳокимият бошлиги — Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва суд ҳокимияти — Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судидан иборат идоралар ўргасида тақсимланади (Конституциянинг V бўлими).

Ўзбекистон Конституцияси мазмунига сингдирилган ҳокимиятлар тақсимланиши принципи, шунингдек, улар ўртасидаги «ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш тизими» қўйидаги қоидаларда намоён бўлади. Аввало шуни айтиш керакки, қонун чиқарувчи идора — Олий Мажлиснинг ўзи ҳокимиятлар тақсимланиши принципига қатъий риоя этган ҳолда тузилади. Масалан, мамлакат Президенти давлат ҳокимияти вакильлик органининг депутати бўлиши мумкин эмас (91-модда). Шунингдек, қўйидаги лавозим эгалари депутатлик мандатини ололмайдилар: Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг раиси ва судьялари (108 ва 112-моддалар). Бундан ташқари, хукумат аъзолари, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоят, туман ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдиридагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонуннинг 23-моддаси).

Конституциянинг 82-моддасига кўра, қўйидаги субъектлар Олий Мажлисда қонунчилик ташабуси хукуқидан фойдаланадилар: Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат олий органи орқали Қорақалпостон Республикаси, Олий Мажлиснинг депутатлари,

Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди ва Бош прокурор. Мазкур ҳукуқни амалга ошириш орқали ижроия ҳокимият соҳиблари — Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимияти соҳиблари — Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди қонун чиқарувчи ҳокимият эътиборига қонун лойиҳалари ёхуд қонунчиликка оид таклифларни киритадилар. Демак, ижроия ва суд ҳокимияти шу механизм воситасида қонун чиқарувчи ҳокимиятта мурдагини таъсир ўтказадилар.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятга таъсир ўтказишнинг яна бир йўли Президентнинг «вето» ҳукуқига эгалигидир. Хусусан, Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Президенти Республика қонунларини имзолайди. Бу билан у бутун ҳалқнинг иродасини мужассам этади. Зоро, уни ҳалқ сайлаган. Мабодо, имзолаш учун тақдим этилган қонун юзасидан Президентнинг эътирози бўлса, у қонунга ўз эътиrozларини илова этиб, уни тақроран муҳокама қилиш ва овозга кўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар Олий Мажлис илгари қабул қилган қарорни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди (Конституциянинг 93-моддаси 14-банди). Ушбу банднинг биринчи қисмида Президентнинг парламентта таъсир эта олиши баён этилган бўлса, банднинг иккинчи жумласидаги учдан икки қисм овоз кучи парламентнинг қатъий фикрини ва Президентга таъсир этиш мурватини, кучини ифодалайди.

Президентнинг “вето” ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг 2002 йил 4—5 апрелида бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида қабул қилинган “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонунда янада такомиллаштирилди. Қонун сиёсий-ҳукуқий амалиётимизда ilk бор “вето” ҳукуқи муддатларини аниқ-тиниқ белгилаб берди. Бу билан мазкур ҳукуқ ўзининг реал бажарилиш механизмига эга бўлди. Қонунда зикр этилишича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонун ўн кун ичida Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш учун юборилади. Мамлакат Президенти ўттиз кун ичida қонунни имзолайди. Бироқ, қонун фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларига ёки мамлакат хавфсизлиги ҳамда бошқа манфаатларига зид

бўлса, Президент имзолашни кечикириши (рад этиши) мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақоран муҳокама қилиш ва овозга кўйиш учун ўз эътиrozлари билан қонунни Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳрирда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камидаги учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичida имзоланиши керак (10-модда).

Президент ҳар йили республика Олий Мажлисига ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади. Унинг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги қарори уч кундан кечикирилмасдан Олий Мажлиснинг тасдифига киритилади. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият суд ҳокимиятиning шакллантирилиши, ташкил этилишига бевосита дахлдордир. Олий Мажлис Президент тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик судининг раиси ва судьяларини сайлайди (78-модданинг 12, 13, 14-бандлари, 93-модданинг 10-банди). Бундан ташқари, Олий Мажлис суд ҳокимиятиning мақомини белгиловчи қонунларни қабул қиласди, уларни ўзгартира олади. Президент эса бу қонунларни имзолайди.

Суд ҳокимияти ҳам қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларга таъсир кўрсата олади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари устидан назорат олиб боради, уларнинг Конституцияга мослигига доир ишларни кўради (108-модда). Шунингдек, у вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг Конституцияга мослигини аниқлайди (109-модданинг 1-банди). Конституциявий суднинг қарорлари қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Юқоридаги конституциявий нормаларнинг гувоҳлик беришича, ҳокимиятлар тақсимланиши механизми давлат ҳокимиятиning оқилона ташкил этилиши ва амал қилишини таъминлайди, ҳокимиятнинг суистеъмол қилинишига йўл қўймайди, фуқароларнинг демократик хукуқ ва эркинликлари бетўсиқ таъминлашини, улар асло завол топмаслигини кафолатлайди.

Ҳокимиятлар тақсимланиши реал қарор топмаса, хуқуқий давлат, фуқаровий жамият, адолатли хуқуқий қонунчилик қарор топиши даргумон.

Пировард натижада эса, халқ барча давлат ҳокимијати идоралари фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Давлат идоралари, айниқса, халқ сайлаган тузилмалар халқ, фуқаролар олдида ҳисоб беради. Худди шу мақсадга йўналтирилган қоидани эътироф этиш лозим. Ҳар бир шахс давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуқига эга (44-модда). Мазкур конституциявий қоидани кафолатлаш ва ҳаётга татбиқ этиш учун 1995 йил 30 августа «Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Мазкур қонун демократия пиллапояларида яна бир муҳим қадам эканлиги шубҳасиз. У давлат ҳокимијати фуқаролар хуқуқ ва манфаатларини таъминлашга масъул эканлигини яна бир бор таъкидловчи заминдор хужжатдир.

Ҳокимиятнинг тақсимланиши — демократик хуқуқий давлатнинг зарурый шарти. Мазкур принципнинг қўлланилиши ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишига тўсиқ кўяди, фуқароларни мансабдор шахсларнинг тазиикидан ҳимоя этади, давлат идоралари фаолиятининг самарали бўлишига шарт-шароит яратади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясининг яралиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо унинг мустақил ва бир бутун сиёсий-хуқуқий таълимот сифатида шаклланиши XVII—XVIII асрдаги буржуа инқилоблари даврига тўғри келди. Давлат органлари фаолиятининг (ваколатларининг) чегараланиши foяси энг умумий кўринишда антик давр донишманлари — Платон, Аристотель, Полибий, Ликург ва бошқалар томонидан ифода этилган.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси “классик” шаклининг анъанавий асосчилари Джон Локк ва Шарл Луи Монтескьёлардир. Ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федерал турларга бўлиниши, Локкнинг фикрича, инсон ҳукуқларини таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бирийdir. Бунда “барча қонун чиқарувчи ҳокимиятга итоат этади, чунки у қонунларни ўrnата оладиган энг олий идорадир”. Локк суд ҳокимиятини алоҳида эътироф этмаган, сабаби

уни ижроия ҳокимиятнинг таркибий қисми деб ҳисоблаган.

Бу борада буюк француз тарихчиси ва файласуфи Шарл Монтескьёning хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. У “ҳокимиятлар тақсимланиши” деб ном олган бир-бутун тугал таълимотни яратган. Олимнинг хуросасига кўра, адолатли қурилган давлатда ҳокимият ягона эмас, балки, аксинча, бир-бирига тобе бўлмаган учта ҳокимият — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мавжуд бўлиши шарт. Уларни ҳар қандай кўринишда бирон-бир орган ёки шахс қўлида мужас-самланиши умумий манфаатларга путур етказади, сунистеъмолликларга олиб келади ва шахснинг сиёсий эркинлиги билан асло сифишимайди. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг бир кўлда бирлаштирилиши қонуннинг устун бўлишига зарар етказади, борди-ю, судьялар фақат судлов билан машғул бўлмай, қонун яратиш иши билан шуғуллансалар, инсонлар ҳаёти ноҳақлик курбонига айланиши мумкин.

Ўз ўтмишдошлари сингари Монтескьё ҳам бошқарувнинг самарали бўлиши учун давлат фаолияти соҳасида одилона “меҳнат тақсимоти” зарур, деб таъкидлаган. У, учта ҳокимиятнинг ҳар бири ўз фаолиятининг хусусиятига мувофиқ алоҳида мустақил орган томонидан амалга оширилгани маъқул, деган. Айни вақтда донишманд давлат органлари тизимини, улар ўртасидаги алоқалар табиатини, ўзбошимчаликни чеклаш ва инсон эркинлигини таъминлаш мақсадида, идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда бир-бирини “тийиб” туриш муносабатларини таҳлил қилишда давом этган.

Бу ўринда ҳокимиятлар мустақиллиги ва уларни амалга оширувчи органларнинг мустақиллиги, бир-бирининг фаолиятига аралашмаслиги ниҳоятда муҳимдир.

Монтескьё таълимотида алоҳида ўрин тутадиган foя — ҳокимиятларнинг мувозанати, тенглиги ҳамда уларнинг “ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатлаш” системаси ҳақидаги foядир. Юқорида зикр этилган ҳокимиятлар ўртасида шундай муносабат ўрнатилмоғи лозимки, бунда уларнинг ҳар бири давлат вазифаларини мустақил ўташ билан бирга, ўз ҳуқуқий воситалари ёрдамида бир-бирини мувозанатга чорлаб турадилар, ҳокимият ваколатларини биргина муассаса томо-

нидан қонунсиз равищда тортиб олиниши (узурпация қилиниши)ни бартараф этадилар. Масалан, қонун доирасида ишлаши лозим бўлган ижро этувчи ҳокимият, айни пайтда, қонун чиқарувчи кенгашнинг фаолиятини чегаралаб туриши талаб этилади, акс ҳолда парламент ўзининг мутлақ ҳокимлигини ўрнатиши мумкин. Шу сабабли ҳам ижро ҳокимиятининг бошлиғи қонуларни имзолашда “вето” (яъни, вақтинча рад этиш) ҳукуқидан фойдаланади, қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлади.

Ўз навбатида, қонун чиқарувчи орган қонунлар ижро этувчи идора томонидан қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш ваколатларига эга, хукumat эса парламентга ҳисоб беришга мажбур.

Ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ўзаро муносабат масаласига чуқурроқ кириб борар эканмиз, унда Монтескъёning қарашлари Локкнинг фояларидан фарқлилигини кўрамиз. Ҳокимиятларнинг узвий алоқадорлигини тан олиш билан бирга, Локк қонун чиқарувчи ҳокимият ижро этувчи ҳокимиятдан устун туришини таъкидлайди. Монтескъё эса уларнинг тўла тенглиги, мустақиллиги, ҳатто алоҳидалигини ёқлаб чиқади. Бундан ҳокимиятлар мутлақо чекланмаган деган маъно чиқмайди. Аксинча, ҳеч бир ҳокимият идораси бошқасининг ваколатлари доирасига аралашмайди. Ҳар бир ҳокимият ўз ҳимояси нуқтаи назаридан ўзгасини назорат қиласди, чеклаб туради, ваколатларидан четта чиқишга йўл қўймайди. Буни таъминлашнинг тартиби, воситалари (механизми) вужудга келтирилади.

Ҳокимиятларнинг энг мақбул тақсимланиши “ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш” системаси ёрдамида таъминланади. Мазкур система бирон-бир ҳокимият органи мутлақ авторитар мавқега эга бўлишига, ҳукуқни ва конституцияни поймол этишга йўл бермайди.

Монтескъё кашф этган “ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш” ва, ҳатто, қарама-қарши қўйиш системаси давлат органларининг самарали ҳамкорлик қилишига шароит яратса олмайди, — деб ёзади рус олим А. Барнашов.

Монтескъёning схемаси “уч ҳокимият” орасида улардан бирининг устун бўлишини инкор этади. Бу таълимот, аввало, ҳокимиятлар тақсимланишига ташкилий-ҳукуқий ёндашувни англатади.

Кейинчалик Монтескьёning қарашлари буржуазиянинг мафкурачилари томонидан танқидга учраган. Хусусан, буюк француз олими Ж.-Ж. Руссо ажралмас, ягона ва бўлинмас “халқ суверенитети” позициясида туриб Монтескьёning ҳокимиятлар тақсимланишиғоясини танқид қилган. Руссо ўз даври учун илгор санаалган сиёсий дастур билан чиққан. Унинг асосида давлат ҳаётини “акл ҳукмронлиги” ва халқ суверенитетини таъминловчи “ижтимоий шартнома” воситаси билан демократик ташкил этиш гояси ётади.

Руссо, давлат функциялари тақсимланишини, яъни давлат органлари ўртасида ваколатлар тақсимланишини тан олган. Руссонинг таъбирича, қонун чиқарувчи ҳокимият — суверен халқ иродаси бўлганлиги сабабли у (қонун чиқарувчи) барчага тааллукли ҳисобланган умумий масалаларни тартибга солиши лозим. Ижроия ҳокимият суверен халқ қарори билан ўрнатилганлиги боис, у халқнинг ишончли таянчи ва хизматкори сифатида майдонга чиқади. Барча давлат органларининг тенглигига олий қонун чиқарувчи ҳокимиятни қайта тузиш эвазига эришилади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни халқнинг ўзи бевосита мажлисларда амалга оширади (йирик шаҳарларда вакиллик органлари тузилиши мумкин).

Юқорида биз келтирган икки ёндашув элементларини бирлаштириш биринчи марта Америка Кўшма Штатларининг 1787 йилги Конституциясида ўзининг қонуний ифодасини топган. Конституция муаллифлари “биз Кўшма Штатларнинг халқи...” деган сўзлар билан унинг суверенитетини баён этган. Давлат органлари (Конгресс, Президент ва унга итоат қилувчи вазирлар, судлар)нинг ваколатларини бўлиб бериш орқали эса “тийиб туриш ва мувозанатлаш” системаси билан тўлдирилган ҳокимиятлар тақсимланишини жорий қилган.

Кўпчилик давлатлар, шу жумладан АҚШ ҳам, халқ суверенитети ва ундан келиб чикувчи қонуннинг олийлиги принципи замирида “ҳокимиятлар тақсимланиши”ни эътироф этган. Масалан, АҚШ Конституциясига биноан, қонун чиқарувчи ҳокимият Вакиллар палатаси ва Сенатдан иборат Конгрессга тегишли. Ижро этувчи ҳокимият сайлашга вакил қилинган кишилар томонидан сайланади. Президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат бошлифи, ҳам ҳукумат бошлифи ҳисобланади.

ди. У қонунларга итоат этиши шарт, аммо Конгрессга ҳисоб бермайди.

АҚШнинг Олий суди нафақат одил судловни амалга ошириш ваколатларига, балки конституциявий назорат ҳукуқига ҳам эга. Бунинг маъноси шуки, Олий суд қонунларнинг ва маъмурий ҳужжатларнинг Конституция нормаларига мувофиқлигини текширади ва уларни ғайриконституциявий деб эълон қилиш ҳамда Президент ёки Конгресс ҳужжатларини юридик кучга эга эмас, деб топиш имкониятига эга. Жиддий сиёсий инқирозлар даврида эса Америка Олий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида ҳакамлик вазифасини бажаради ва шу йўл билан ҳокимиятлар фаолиятини ўзаро уйғунлаштиради.

ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигига тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тузумининг барбод бўлиши оқибатида собиқ Совет Иттифоқи вайроналарида бир қатор янги суверен давлатлар вужудга келди. Собиқ иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка эришиш жараёни демократлаштириш, умуминсоний қадриятларни қайта тиклаш, инсон ҳукуқлари ва эркинликлари устуворлигини тан олиш, қонуннинг (ҳукуқнинг) олийлиги, ҳукуқий давлат яратиш шиори остида амалга ошди. Ёш мустақил давлатларнинг шаклланиш тӯфонларида турли ғоялар ва концепцияларнинг пайдо бўлиши табиий бир ҳолдир. Ана шулар жумласидан ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси ҳам кенг тарқалди. Бундан кутилаётган мақсад ҳокимият суиистеъмол қилинишидан, бюрократизмдан ва сиёсий ҳаётдаги бошбошдоқликдан сақланишдан иборатдир. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи деярли ҳамма республикаларнинг янги конституцияларида давлат тузумининг ҳукуқий асоси сифатида мустаҳкамланган.

Конституциявий қонунчилик соҳасида бундай ўта масъулияти қарорга ўз-ўзидан келингани йўқ. Гап сиёсий механизмларнинг оддийгина ўзгариши ҳақида эмас, балки давлат қурилишининг “демократик” шакллари ҳақидаги чуқур сингиб кетган эски ақидаларнинг тубдан ўзгарганлиги, МДҲ давлатларида умуман давлат ҳокимияти концепциясининг ўзгарганлиги ҳақида бораётир.

Ҳокимиятларнинг оқилона тақсимланиши — давлат тузилмаларининг самарали фаолият қилиши, суиистеъмолликларнинг бартараф этилиши, инсон ҳукуқла-

ри ва эркинликлари ҳимоя этилиши, умуман, қонунчилик таъминланишининг гаровидир. Шунинг учун ҳам ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг давлатчилигимиз ҳаётига реал сингдирилиши масаласи катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ҳокимият тақсимланиши серқирра ҳодиса бўлиб, у структура ҳосил қилувчи ва функционал принципидир. У алоҳида таркибий қисмларнинг қотиб қолган йигиндиси эмас, балки ишловчи, ҳаракатланувчи механизmdir. Бу механизм мураккаб келиштирув ва маҳсус хуқуқий жараёнларни (шу жумладан, ихтилоф ва экстремал ҳолатларга мўлжалланган жараёнларни) бирлаштириш воситасидир. Ҳокимиятларнинг ягоналиги ва тақсимланиши давлат ҳокимияти тармоқларининг диалектик ҳолатидир. Ягоналикка диалектик мувозанат орқали, ҳокимият шохобчаларини мувофиқлаштириш ёрдамида эришилди.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясининг тарихий ва умуминсоний қадр-қимматига тан бериш билан бир қаторда шуни таъкидлаш керакки, у маъмурий-буйруқбозлиқ тизимининг барча балоларидан ва бетайин давлат бошқаруви оқибатларидан фориғ бўлишнинг ягона воситаси эмас. Бунинг учун ҳали яна талайгина омиллар керак. Яъни, илғор тараққий этган демократия, тегишли сиёсий маданият даражаси, “тийиб туриш ва мувозанатлаш”нинг конституциявий расмийлаштирилган системаси ва ҳоказо. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ҳокимиятлар тақсимланиши принципини аслида тўла ҳажмда жорий этиш мумкин эмас. Ҳатто, Америка Кўшма Штатларида ҳам ҳокимиятлар тақсимланиши соғ кўринишда амалга ошмаган. Шунинг учун ўзга давлат-хуқуқий андазасини муайян бир мамлакатга кўр-кўронга кўчириб ўтказиш тўғри эмас. Чунки барча халқлар ва давлатлар учун ягона намуна, қолип, нусха бўлиши мумкин эмас.

Бизнинг мамлакатимизга келсак, Ўзбекистон хуқуқий давлатчиликка ўз йўли билан боради. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов давлатимизнинг янгиланиш йўналишлари ва кўламларини белгилаб шундай деб ёзади: “Барқарор бозор иқтисодиёти очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак... Сиёсий соҳадаги муҳим вазифалардан бири қонун чиқарувчи, ижро

этувчи ва суд ҳокимиюти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этишдир”¹. Табиийки, бизнинг республикамизда ҳокимиятлар тақсимланиши принципини жорий этиш ўзбек давлатчилигининг тарихий, маданий ва миллий хусусиятларини акс эттирувчи жиҳатларга эга бўлади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида ҳокимиятлар тақсимланиши принципи ўзининг қонуний ифодасини топган.

Конституция бизда парламент демократиясини шаклантиришнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Олий Мажлис депутатлари ҳудудий округлардан **кўпартиявийлик асосида** сайланадилар. Фикрлар ва ғоялар хилма-хиллиги, сиёсий институтлар турли-туманлиги мамлакат ижтимоий-сиёсий ва давлат ҳаётининг асосидир.

Олий Мажлис олий қонун чиқарувчи орган сифатида қуидаги мутлақ ваколатларга эга:

1) Конституция ва қонулар қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) республика ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлатнинг стратегик дастурларини қабул қилиш;

3) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, давлат банкларини бошқариш;

4) маъмурий-худудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, республика чегараларини ўзгартириш;

5) давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судини, Олий судини ва Олий хўжалик судини сайлайди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини сайлайди. Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этади, Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ва битимларини тасдиқлайди ҳамда деяностасия қиласи (барваҳт тўхтатади), Президент фармонларини тасдиқлайди.

Ўзбекистонда президентлик ҳуқуқий институт сифатида ўзининг ҳозирги кўринишида бирданига қарор топгани йўқ. Республика парламенти 1990 йил марта-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли. 8-бет.

да қонун қабул қилиб, ўша вақтда амалда бўлган Конституцияга тузатишлар киритди. Шу тариқа Президент лавозими жорий этилди. Ҳозирги янги Конституция нафақат бу борада ворисликни давом эттириди, балки Президентнинг ҳукуқий ҳолатини янада такомиллаштириди ҳам.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясига мувофиқ, Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. У айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади (89-модда).

Ўзбекистон Президенти:

1) фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликлари, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилишига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) Ўзбекистон давлати номидан иш кўриши мумкин. Ўзбекистонни мамлакат ичкарисида ва ҳалқаро муносабатларда намоён этади, музокаралар олиб боради ҳамда республиканинг шартнома ва битимларини имзолайди;

4) Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади, Баш вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ҳамда уларни лавозимидан озод қиласди, кейинчалик бу масалалар юзасидан фармонларни Олий Мажлис тасдигига киритади;

5) вилоят, туман, шаҳар судларининг ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

6) вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

7) Ўзбекистон Республикаси қонунларини имзолайди, “вето” ҳукуқига эга, яъни имзолаш учун Президентга юборилган қонунларга ўз эътиrozларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли;

9) Республика Куролли Кучларининг Олий Баш қўмондони ҳисобланади, Куролли Кучларнинг олий

кўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қила-ди, олий ҳарбий унвонларни беради;

9) республика фуқаролигига қабул қиласи, сиёсий бошпана бериш масалаларини ҳал этади;

10) амнистия эълон қиласи, афв этиш ҳужжатлари-ни чиқаради ва ҳоказо.

Президент давлат бошлиги сифатида парламентга таъсир этишга имкон берувчи тегишли ваколатларга эга. Аввало, у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокими-миятларнинг фаолиятини уйғунлаштиради. Қонунларнинг Президент томонидан имзоланиши чуқур рамзий маънога эга бўлиб, бу билан у бутун ҳалқ (миллат)нинг иродасини мужассам этади. Президент ўз ваколатлари-ни ҳалқдан олади, шу боис ўз имзоси билан ҳалқ иродаси ва эзгу истагини акс эттирувчи қонунни тас-диклайди. Конституция Президент зиммасига бутун дав-лат тақдири учун жавобгарликни юклайди.

Президентнинг қонунчилик ташаббуси хукуқини, яъни Олий Мажлис эътиборига қонун лойиҳаси, шунингдек, қонунчилик хусусиятига эга бўлган тақлифларни тақдим этиш хукуқини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур хукуқ ҳам Президентнинг парламентга таъсир этиш мурватларини мустаҳкамлайди (Конституциянинг 82-моддаси).

Яна бир қиёсий мисол, АҚШ Конституциясига му-вофиқ, ижро ҳокимияти фақат Президентга берилади. Бу Президентта билдирилган юксак ишончгина эмас, балки улкан масъулият ҳамdir. Кучли президентлик ҳокимияти— бу қонунларнинг аниқ ва оғишмай ба-жарилишининг ишончли гаровидир. Президент ҳокими-миятининг тўла-тўқислигига ҳеч қандай хавф йўқ, чунки у сайловчиларга ёки парламентга ҳисоб бериб туради.

Ҳокимиятларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатлаш тизимининг энг муҳим бўғинларидан бири шуки, Олий Мажлис таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайди-ган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билаӣ бамаслаҳат қабул қилинган қарори асосида Олий Мажлис тар-қатиб юборилиши мумкин (Конституциянинг 95-мод-даси).

Ўз навбатида, Конституцияда Олий Мажлис томо-

нидан Президент бошчилигидаги ҳукуматга ва олий суд ҳокимиятига тийиб турувчи таъсир ўтказиш механизмлари назарда тутилган. Масалан, Олий Мажлис қонунлар, шу жумладан Конституция қабул қилиш йўли билан Президентнинг, Вазирлар Маҳкамасининг ва судларнинг ҳукуқий ҳолатини белгилаб кўяди; ижроия ва суд ҳокимияти органлари учун мажбурий норматив мўлжал бўлиб хизмат қилувчи ички ва ташқи сиёsat асосларини белгилайди; Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг таркибини сайлайди, Вазирлар Маҳкамаси таркибининг тайинланишини, Президентнинг фармонларини тасдиқлади.

Президент ҳар йили Олий Мажлисга ички ва ҳалқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади. Унинг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги қарори уч кундан кечиктирилмасдан Олий Мажлиснинг тасдиғига киритилади.

Суд ҳокимиятининг мақомини конституциявий тартиба солиш қўйидаги масалаларни қамраб олади:

- 1) қонунийликни муҳофаза этиш соҳасида суд ҳокимиятининг устунлиги ва олийлиги;
- 2) судларнинг тузилиши принциплари ва судьяларнинг мақоми;
- 3) демократик одил судлов асослари — судларнинг фаолият принциплари;
- 4) одил судлов соҳасида фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари кафолатлари.

Афсуски, совет давлати мавжуд бўлган бутун тарихий давр мобайнида қонунга нисбатан менсимаслик кайфияти устун бўлди, суднинг аҳамияти эса камситиб келинди. Судларни “бошқариш” мумкин бўлди, ҳатто улар устидан “қўмондонлик” қилинди.

Махсус юридик адабиётда суд анъанавий тарзда ҳукуқни муҳофаза этувчи органлардан бири сифатида эътироф этиб келинди. Судга дастлаб “оддий” кейинчалик ҳукуқни муҳофаза этувчи “асосий”, “етакчи” орган деб қаралди. Бундай ёндашув ҳукуқий давлат шароитида на сиёсий, на назарий ва на амалий жиҳатдан ўринсиздир. Суд оддийгина ҳукуқни қўриқловчи орган эмас. У ҳокимиятнинг тўлақонли субъекти. Суд — адолат, адлия элтувчидир. Суд — инсоният ақлиининг бутун цивилизация тарихи давомида эришган энг буюк ютуғидир. “Суд — қонунийлик ва ҳукуқий-тартиботни таъ-

минлашнинг ўта нозик сайқал топган, энг такомилга еттан воситаси (механизми)дир".

Мазкур таъриф ва тафсилотдан келиб чиқиб айтиш лозимки, ҳозирги пайтда суд давлат ҳокимиятининг зарурий ажралмас қисми сифатида талқин этилиши лозим.

Ўзбекистонда реал суд ҳокимияти кенг кўламли чуқур суд-хукуқий ислоҳоти натижасида қарор топмоқда. Ушбу ислоҳотнинг бош мақсади суднинг мустақиллигини таъмин этишдан иборатdir.

Суд ислоҳоти доирасида одил судловнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор сиёсий, ташкилий-хукуқий, моддий, мафкуравий чоратадбирлар кўрилмоқда (суд ислоҳотлари ҳақида кейинги бобларда алоҳида тўхталамиз). Булар мужассам ҳолда ва событқадамлик билан олиб борилсагина судлов тизимиға сифат жиҳатдан янгича тус беради, уни юқори роқ поғона қўтаради. Пировардида судларнинг республикада қонунийликни ва хукуқий тартиботни мустаҳкамлаш бобидаги аҳамиятининг ошишига олиб келади.

Илмий адабиётларда суд ваколатини кенгайтириш зарурлиги хусусида асосли фикрлар билдирилмоқда. Ижро этувчи органлар билан фуқаролар ўртасида вужудга келадиган барча низолар (шу жумладан норматив ҳужжат қабул қилиниши туфайли шахс ҳукуқларининг бузилишига доир даъволар) суднинг муҳокамасига тааллуқли бўлиши керак. Зоро, хукуқий давлатда ҳар бир фуқаро суд ёрдамида ўзининг бузилган ҳукуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиши шарт.

Суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимиятлар билан тенг фаолият кўрсатиши Конституция даражасида мустаҳкамланган. Асосий қонунимиз "судьялар мустақиллар, фақат қонунга бўйсунадилар", деб эълон қиласи. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади (112-модда). Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир (114-модда).

Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи органга нафақат ҳукуқ ижодкорлик фаолияти устидан назорат қилиш орқали, балки қонунчилик ташаббуси ҳукуқидан фойдаланиш йўли билан ҳам таъсир кўрсата олади. Суд фикри қонун чиқарувчи орган учун ҳамиша қимматли-

дир. Зеро, суд ўз фоя ва тақлифларини бевосита ҳаётдан, ҳуқуқни кўллаш амалиётидан келиб чиқиб шакллантиради.

Шундай қилиб, ҳокимиятлар тақсимланиши ва давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва ўзаро бир-бирини назорат қилиши нуқтаи назаридан, улар ўртасидаги низоли вазиятларни ечиш ва фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш жиҳатидан энг самарали юридик восита бўлиб хизмат қиласди. Ҳокимиятлар тақсимланиши ижтимоий-сиёсий ҳаёт демократлаштирилганлигининг меъёри ва ўлчовидир. У ўзаро турли қутбларда турувчи ҳокимият ва эркинлик, қонун ва адолат, давлат ва шахс каби ижтимоий ҳодисаларни инсон қадр-қиммати нуқтаи назаридан келиб чиқиб узвий мужассамлаштиради.

2.2. Сиёсий тизимнинг конституциявий асослари

Сиёсий демократияни равнақ топтириш, бошқача айтганда, сиёсий тизимни демократлаштириш жамиятимиз тараққиёти ҳозирги босқичининг устувор йўналишларидан биридир. Сиёсий ҳаётни муттасил тарзда эркинлаштириб бориш масаласи мамлакат Президентининг доимий дикқат марказида турди десак, асло муболага бўлмайди. И.А. Каримов ўзининг 1999 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси биринчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” номли маърузасида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш масаласини қатъий тарзда кун тартибига қўйди. “Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизmlарни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим принципи — одамларнинг сайлов ҳукуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рёybga чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳукуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳукуқий замин яратиб бериш лозим”¹.

Бу борадаги событқадамликнинг ёрқин исботи тарзида кейинги йилларда амалга оширилган қонунчиликни (ҳукуқий тизимни), хусусан, жиноят ҳукуқига оид сиёсатини, жазо тайинлаш тизимини эркинлаштириш

(иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессияси, 2001 йил 29 август), парламент демократиясини ривожлантириш, икки палатали парламентни шакллантиришга қаратилган ислоҳотларни (иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси, 2002 йил 4—5 апрель), шу масала юзасидан 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумни ва бошқа сиёсий-хуқуқий мазмундаги чора-тадбирларни эътироф этиш ўринлидир.

Эркинлаштириш сиёсий ислоҳотларнинг асл мағзи сифатида бутун сиёсий тизимни қамраб олмоқда. Мамлакатда рўй бераётган сиёсий демократик жараёнларни англаб этиш учун жамиятимиз сиёсий тизимини кўздан кечириш етарли бўлади. Шу мақсадда республикамиз сиёсий тизими ва унинг конституциявий-хуқуқий асосларига алоҳида тўхталишни лозим топамиз.

Ўзбекистон жамияти ҳар қандай кишилик жамияти сингари серқирра, мураккаб ижтимоий тизимдир. Тизимлилик жамиятнинг табиий ҳолати ва яшашининг зарурӣ шартидир. Жамият нисбатан йирик тизимли ҳодиса сифатида, ўз навбатида, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий, хуқуқий тизимларнинг мажмуудир. Мазкур мустақил тизимларнинг ҳар бири ҳақида тегишли бобларда мавриди билан баён қиласиз, ҳозир эса асосий эътиборни сиёсий тизим масалаларига қаратамиз.

Сиёсий тизим — халқ иродасига мувофиқ сиёсий ҳокимиятни амалга оширишга хизмат қилувчи сиёсий ташкилотлар (давлат, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, подавлат уюшмалар), сиёсий нормалар, принциплар, институтлар, жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги ва муштарак йиғинидисидир. Ушбу тизимга кирувчи элементлар нафақат сиёсий ҳокимиятни амалга оширишни, балки жамиятга оқилона сиёсий раҳбарликни таъминлайди.

Сиёсий тизим инсонлар фаолиятининг алоҳида соҳаси — сиёсат, сиёсий муносабатлар ва алоқалар соҳаси билан боғлиқдир. У муайян сиёсий ироданинг маҳсулли сифатида вужудга келади ва бу ироданинг амалга оширилишига сафарбар этилган воситаётарнинг институциявий (ташкилий-тузилмавий) расмийлашган шакли тарзида намоён бўлади. Сиёсий тизим кишилар ўтара-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999. 16-бет.

сидаги сиёсий муносабатларнинг барқарор шакли бўлиб, унинг ёрдамида жамият аъзоларининг барчасига нисбатан ҳокимият таъсири амалга оширилади ёхуд қатъий иродавий қарор қабул қилинади.

“Сиёсий тизим” талқинига чуқурроқ кириб бориш, унинг моҳиятини англаб этиш учун “сиёсат” ва “система” (тизим) ибораларининг лугавий ҳамда илмий маъносини аниқлаш лозим.

“Сиёсат” — юонча “*Polis*”, “*politikos*” сўзларининг таржимаси бўлиб, унинг маъноси “давлатни бошқариш санъати”, “давлат ишлари” демакдир.

Қадимги юонон файласуфи Демокритнинг фикрича, “сиёсат давлатни идора этиш, бошқариш маҳоратидир”. Бу фикрни давом эттириб Платон (Афлотун) сиёсатни хукмдорнинг санъати сифатида, яъни шоҳнинг одамларни (жамиятни) бошқариш соҳасидаги билими ва қобилияти сифатида таърифлайди. “Сиёсий санъатнинг моҳияти, — дейди у, — давлатнинг умумий ҳаётини оқилона ташкил этиш ва олиб бориш қобилиятида, сиёсий “мато”ни тўқиши қобилиятида намоён бўлади”.

Бугунги кунда сиёсат давлат ишларида иштирок этиш, давлатни йўналтириб туриш, унинг шакли, вазифалари, фаолияти мазмунининг белгиланиши (ифодаланиши) деб талқин қилинади. Сиёсат турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига муносабатининг ифодасидир. Инглиз сиёсатшунос олимлари Г.Понтон ва П.Жилл сиёсатни уч жиҳатнинг муштарак бирлиги:

- 1) кишиларнинг ижтимоий масалаларни тушуниш ва ҳал этиш усуслари;
- 2) бу фаолият асосида ётувчи прициплар;
- 3) айрим шахс ёки гуруҳнинг вазият устидан назоратни кўлга киритиш ва уни сақлаб қолиш воситаси тарзида изоҳлайдилар.

Фарб сиёсатшунослигида кенг тарқалган нуқтаи назарга кўра, сиёсат — жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини муросага келтириш, уйғунлаштириш асосида оқилона қарор қабул қила олиш қобилиятидир.

“Система” ибораси сўнгги 40—50 йил давомида фалсафа фанида чуқур тадқиқ этиб келинмоқда ва уни ижтимоий ҳаёт соҳасига кенг жорий этиш расм бўлиб бормоқда. Ижтимоий, шу жумладан хукуқий ҳодиса-

ларга системали ёндашиш бу реал воқеликларнинг туб моҳиятини теран англашга, уларнинг атрофдаги бошқа ҳодисалар билан узвий алоқадорлик ва ўзаро таъсир ҳолатида ривожланишини англаб етишга кўмаклашмоқда. Ягона система — ўзаро узвий алоқадор ва чамбарчас боғлиқ қисмлар (предмет, жараён, воқеалар)нинг бир бутун вужуд сифатида ҳаракатланиши, мавжуд бўлиши.

Фалсафий талқинга мувофиқ, “система” (қисмлардан таркиб топган бутун, бирикма) — ўзаро муносабатда ва алоқадорликда бўлган элементлар йигиндиси бўлиб, муайян яхлитликни, бир бутунни ташкил этади¹.

Системанинг муҳим жиҳати — структуравий хусусиятнинг борлиги, яъни воқеликнинг ички таркибий қисмларга эгалиги, бу қисмлар орасида поғонали бўйсуниш мавжудлиги ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллиги².

Системанинг мазкур сифатларига эътибор қаратишимиизнинг боиси сиёсий тизим таркибига кирувчи қисмлар ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд эканлигини чуқур тушуниш ва улар ўртасидаги муносабатлар узвий боғлиқлиги ва диалектикасига эътиборни жалб этишдир.

Сиёсий ва ҳукуқий адабиётларда сиёсий тизим (система)нинг таркибий тузилиши қўйидаги қисмлардан иборат деб кўрсатилади:

ташкилий жиҳат — давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;

норматив жиҳат — ҳукуқ, сиёсий норма ва анъаналар, сиёсий ҳаёт доирасидаги ахлоқ ва маданият қоидалари;

алоқалар тизимига оид жиҳат — сиёсий институтлар ўртасидаги алоқа боғлаш воситалари ва шакллари: сайловлар, референдумлар, оммавий муҳокамалар, мажлислар, давлат ва сиёсий партияларнинг аҳолига мурожаатлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ҳоказо;

¹ Философский энциклопедический словарь. М., 1983. С. 160.

² Блауберг И.В., Юдин Б.Г. Понятие целостности и его роль в научном познании. М., 1972. С. 16; Афанасьев В.Г. Системность и общество. М., 1980. С. 21—31.

мафкуравий жиҳат — сиёсий онг, жамиятда хукмрон ва уни йўналтирувчи сиёсий мафкура.

Сиёсий тизимни бундай тушуниш унга комплекс ёндашишни таъминлайди. Юқоридаги талқиндан келиб чиқиб, сиёсий тизимнинг қуидаги асосий таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

- 1) сиёсий ва ҳуқуқий нормалар;
- 2) сиёсий тузилмалар (институтлар);
- 3) сиёсий фаолият;
- 4) сиёсий онг;
- 5) сиёсий маданият.

Сиёсий ва ҳуқуқий нормалар — Конституция, кодекс, низом, партиявий ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидалар бўлиб, улар сиёсий муносабатларни тартибга солишга ва ривожлантиришга йўналтирилган бўлади.

Сиёсий тузилмалар (институтлар) — сиёсий ва давлат ташкилотлари, улар ўртасидаги муносабатлар, институтлар ҳамда муассасалар йиғиндицидир. Бу ўринда сиёсий фаолият, ҳаракатлар ва муносабатни амалга оширишнинг ташкилий жиҳати назарда тутилади.

Сиёсий фаолият — жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш тизимини муҳофаза этиш, ривожлантириш ҳамда функционал жиҳатдан таъминлашга қаратилган фаолият тури.

Сиёсий онг — ижтимоий онгнинг бир тури бўлиб, у сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизmlарини акс эттирувчи ва кишиларнинг сиёсий муносабатлар соҳасидаги хулқ-авторини йўналтирувчи тафаккурнинг намоён бўлишидир. Сиёсий онг — сиёсий назариялар, дастурлар, таълимотлар тарзида, шунингдек, сиёсат ҳақидаги оддий инсоний қараашлар, тасаввурлар ва ань-аналар кўринишида бўлиши мумкин.

Сиёсий маданият — сиёсий тизим субъектлари бўлмиш сиёсий партиялар, бирлашмалар ва жамоалар давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштироки чоғида, шунингдек, сиёсий муносабатларни тартибга солиш борасида қўлланиладиган (риоя этадиган) қадриятлар, сиёсий ғоялар, эътиқод ва рамзлар тизимиdir. Бугина эмас, сиёсий маданият муайян миллат ёки ижтимоий-сиёсий жамоанинг сиёсат олами, сиёсий жараёнлар амалга ошишининг қонун-қоидалари хусусидаги тасаввурлари мажмуи ҳамдир. Профессор Б.Тўйчиевнинг таъбирича, сиёсий маданият ижтимоий онг ва умумий маданиятнинг сиёсий институтлар ҳамда

сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган қисми ва жиҳатларини қамраб олади. Улар, ўз навбатида, давлат ва сиёсий институтларнинг шаклланиши, амал қилишига сезиларли таъсир ўтказади. Сиёсий маданият таркибига сиёсий тизим доирасида намоён бўлувчи эътиқод ва фикр йўналишлари ҳам киради¹.

Бошқа бир олим К.С.Гажиевнинг фикрича, сиёсий маданият – сиёсий ҳамжамият субъектларининг кўпчилги томонидан эътироф этилган норматив қадриятлар тизимиdir².

Сиёсий тизимнинг марказий таркибий бўғинини, ўзагини давлат ташкил этади. Давлат сиёсатни шакллантирувчи, амалга оширувчи ва жамиятни бошқарувчи муҳим зарурый ташкилий тузилмадир. Давлат сиёсий тизимга киравчи барча элементларни баҳамжиҳат этувчи, уларнинг ҳаракатига (фаолиятига) сиёсий мазмун бағишловчи, система ҳосил қилувчи бўғиндир. Сиёсий тизимнинг вазифа ва функцияларини адо этишда давлат ниҳоятда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакат сиёсий тизимининг қонуний асосларини ташкил этади. Унда давлат, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми ва ўзаро алоқалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим принциплари белгиланган.

Сиёсий тизимнинг амал қилиши, фаолият кўрсатиши мазкур институт ҳақидаги конституциявий қоидаларнинг рўёбга чиқишини ва ҳаётга татбиқ этилишини англатади.

Сиёсий тизимнинг асосий функциялари куйидаги лардан иборат:

биринчидан, ҳалқнинг сиёсий иродасини аниқлаш, ифодалаш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

иккинчидан, ҳалқ оммасини жамият ва давлат олдида турған вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига сафарбар этиш;

учинчидан, жамиятни уюштириш ва бошқариш, жамият ривожининг қонуниятларини аниқлаш ва илмий асослантирилган механизмларни яратиш.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий системасининг моҳияти – ҳалқ ҳокимиятчилигининг амалга ошири-

¹ Қаранг: Туйчиев Б. Проблемы формирования политической культуры и демократизация современного общества. Т., 1991. С. 33—34.

² Қаранг: Гаджиев К.С. Политическая наука. М., 1995. С. 338.

лишидан, ҳокимиятнинг халқ манфаатига бўйсундирилганлигидан иборат. Зеро, унинг ижтимоий базасини халқ ташкил этади. Республикаиз сиёсий тизимининг *мақсади*:

1) Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини вужудга келтириш;

2) демократик ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш;

3) ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократик муҳитни, сиёсий барқарорликни, миллатлар ўргасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими куйидаги *вазифаларни* бажаради:

— Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини таъминлаш;

— мамлакатдаги сиёсий кучларни юқоридаги мақсадлар йўлида бирлаштириш;

— жамиятга сиёсий раҳбарликни амалга ошириш; унда демократик принципларни қарор топтириш;

— бозор иқтисодиёти муносабатларининг муваффақиятли ривожланиши учун тегишли сиёсий шарт-шароит ва ҳуқуқий заминни яратиш;

— қонун устуворлигини таъминлаш;

— жамиятда маънавий барқарорликни таъминлаш учун миллий истиқлол мағкурасини шакллантириш ва шу асосида янги авлодни — комил инсонни тарбиялаш.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий системасига куйидаги *хусусиятлар* хос:

биринчидан, сиёсий, иқтисодий ва ғоявий манфатларнинг бирлиги; халқни ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга сафарбар қилиш;

иккинчидан, ўзбек халқининг миллий, маънавий ва маданий қадриятлари, тарихий мероси билан замонавий демократик қадриятлар ва принципларни ҳамоҳанг бирлаштириш ва шу йўл билан ривожланишнинг маърифий даражасига эришиш.

Мамлакатдаги сиёсий тизим ўз фаолиятида Конституцияда белгиланган асосий принципларга таянади. Булар:

1) давлат суверенитети;

2) инсон ҳуқуқларининг таъминланиши;

3) Конституция ва қонунларнинг устунлиги;

4) халқ манфаатларининг биринчи ўринга қўйилиш.

ши, ижтимоий адолат ва демократия талабларига қатъий риоя этиш;

5) ҳокимиятлар тақсимланиши принципига риоя этиш;

6) ҳурфикарлилик ва кўппартиявийлик, ошкоралик ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек, мамлакатда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади (12-модда). Сиёсий тизимнинг демократик тарзда фаолият кўрсатишига кафолат берувчи конституциявий қоидалардан бири оппозиция (мухолифат) хукуқларининг таъминланишидир. “Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас” (34-модданинг 2-қисми).

Шундай қилиб, Конституцияда Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг хукуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган.

Демократик ислоҳотлар натижасида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда сиёсий плюрализм ҳамда кўппартиявийлик институтлари (анъаналари) қарор топмоқда.

Сиёсий ва мафкуравий ҳурфикарлилик (плюрализм) демократик фуқаролик жамиятининг муҳим хусусияти бўлиб, шахснинг эркинлиги, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигини, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлашга хизмат қиласди. Инсонлар табиатан хилма-хилдирлар, уларнинг манфаатлари ва яшаш тарзлари ҳам турличадир. Шу боис ҳар бир инсон ўзига хос фикрлайди, мушоҳада юритади. Маълумки, ҳар бир инсон танҳо ва бетакрордир. Фикрлар хилма-хиллиги фуқаролик жамиятининг эҳтироси эмас, балки табиий ҳолатdir.

“Плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги маърифий жамиятга хос бўлиб, муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш, тушуниш ва талқин этиш тамойилига асосланади. Мана шундай тамойил устувор бўлган шарт-шароитни эътироф этадиган ва ўз ғояларини шу мезонлар асосида ривожлантирадиган мафкура илғор, кучли ва ҳаётбахш бўлади”¹.

¹ Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2000. 19-бет.

Инсоният сиёсий тарихининг сабоқлари шундан да-
лолат берадики, ўз фикрини эркин ифода эта оладиган
шахс, ижтимоий гурух, партия, аввало, ўзининг аниқ-
равшан, асосли қарашларига эга бўлиши, ўз нуқтаи
назарининг оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига
олиши, баҳс-мунозара маданияти талабларига амал
қилиши лозим. Энг муҳими, фикрлар ва қарашлар хил-
ма-хиллиги жамиятнинг устун манфаатларига, миллий
ва умумбашарий қадриятларга, қонунларга, ахлоқий
мезонларга зид бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳот-
ларнинг муҳим йўналишларидан бири — мамлакатимиз
сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият
қурилишини демократлаштириш, эркинлаштириш,
аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий
ва умуминсоний қадриятларга асосланган сиёсий мада-
ниятни шакллантиришдан иборат. Мазкур жараёнда де-
мократия, фикр ва виждан эркинлиги, плюрализм ва
инсон ҳукуқларини таъминлаш ҳамда инсонпарварлик
қоидаларига риоя этиб яшашни жамият ҳаётининг асо-
сий мезонига айлантириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов
собитқадамлик билан олиб бораётган сиёсат ва амалга
oshiрилаётган демократик ислоҳотлар мамлакатимиз
сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўп partiya вийлик
муҳити қарор топишига йўналтирилгандир. Сиёсий пар-
тиялар аҳоли муайян қатламларининг, фуқаролар ҳамда
улар уюшмаларининг фикрини, нуқтаи назариниifo-
далашнинг муҳим демократик воситасидир. Ҳудди мана
шунинг учун ҳам “ҳар бир партия муайян ижтимоий қат-
ламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг
ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дас-
турига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партияning
мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги
муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим. Амал-
да кўп partiya вийлик — бу ҳар хил қараш ва гоялар ўрта-
сидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, муҳо-
лиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдонидир”¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамия-
тимизда кўп partiya вийлик тизимини шакллантириш-
нинг ҳукуқий асослари яратилган. “Ўзбекистон Респуб-

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт —
пировард мақсадимиз. Т.8. — Т.: Ўзбекистон, 2000, 333-бет.

ликаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш хукуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас".

Конституцияда қатъий белгилаб қўйилган фуқароларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш хукуқлари:

биринчидан, ўзларининг аниқ мақсадлари ва вазифаларини кўзлаб, фуқароларнинг сиёсий фаолиятларини ривожлантириш ва уларнинг кўп қиррали манфаатларини қондиришга мувофиқ келувчи ташкилот ва бирлашмалар тузишда;

иккинчидан, ихтиёрий ва бошқа фуқаролар билан тенг асосларда ҳаракатдаги жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатларга кириш ва аъзо бўлишда;

учинчидан, жамоат бирлашмаларининг мақсади ва низомидаги вазифаларини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга ошириш, унинг ҳимоясидан ва аъзоликдан келиб чикувчи хукуқларидан фойдаланишда;

тўртингчидан, жамоат бирлашмалари орқали жамият ва давлатни бошқариш ишларида қатнашиш кабиларда ифодаланади.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг хукуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза этади. Бундан ташқари, давлатнинг зиммасига сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг хукуқларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳамда сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш учун тенг хукуқий имкониятлар яратиб бериш вазифаси ҳам юклатилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия ва иккита ижтимоий ҳаракат фаолият юритмоқда. Сиёсий партиялар қаторига: Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Адолат социал-демократик партияси, Фидорлар миллий демократик партияси, Миллий тикланиш партияси киради. Сиёсий партияларнинг хукуқий мақомига оид конституциявий қоидалар 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонунда батафсил ривожлантирилган.

Давлат сиёсий партияларнинг хукуқлари ва қону-

ний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уларнинг уставларида белгиланган мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг хуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралашишлари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига ҳам йўл қўйилмайди (“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси)¹. Агар совет даврида хукмон яккаҳоким партиянинг раҳбарлари ўз амрини давлат ҳокимияти органларига ўтказган, қонунларни инкор этган бўлсалар, эндиликда қонун бундай хатти-ҳараратларнинг файриқонунийлигини алоҳида белгилаб қўйди.

Қонун сиёсий партияларга аъзолик якка тартибда қайд этилишини талаб қиласди. Бу аъзоларни ҳисобга олиш ишларини юритиш учун моддий маблағ ва кадрлар мавжуд бўлишини назарда тутади. Шуни тан олиш керакки, баъзи партияларда уларнинг аниқ сонини белгилашда муаммолар мавжуд. “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги қонуннинг 6-моддасига кўра, ҳеч бир партия сафидаги аъзолар беш мингдан кам бўлмаслиги лозим. Энг йирик Халқ демократик партияси 470 мингдан зиёд аъзога эга бўлиб, бу кўрсаткич бўйича бошқа партиялардан 8 дан 80 бараваргача олдинда туради. Гарчи, жаҳон тажрибасидан маълумки, энг муҳими, партия аъзоларининг сони эмас, балки унинг сиёсий конструктивлиги, сайловчилар томонидан қўллаб-куватланишга қодирлигидир.

Конституциянинг 77-моддаси ва “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун парламентда ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида фаолият юритиш учун партияларга кенг имкониятлар беради. Ўз вакиллари уларга сайланган тақдирда, улар қонунчилик ташаббуси билан чиқишлари, ҳукуматга ва маҳаллий маъмурларга сўров билан мурожаат этишлари, муҳокама қилинаётган кун тартиби бўйича партия нуқтаи назарини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №2. 36-модда.

тушунтириб беришлари мумкин. Партия гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида тузилади. Партия гуруҳлари тегишли вакиллик органи қўмиталари ва комиссияларининг раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш хукуқидан кенг фойдаланадилар. Бундай лавозимни эгаллаган партия вакили сайловчилар, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга партиянинг тайёрлигини ўз ишлари билан исботлаш учун катта имкониятларга эга.

Ҳар бир партияning устувор дастурий йўналиши бўлиб, унга кўра партия сиёсий таклифлар ишлаб чиқади ва уларни ўз нашрларида тарғиб қиласди. Халқ демократик партиясида бу — аҳолини бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнida ижтимоий ҳимоя қилиш, “Адолат” партиясида — барқарорликнинг ва Ўзбекистон бозор ислоҳотлари моделини рӯёбга чиқаришнинг кафолати сифатида фуқароларнинг хукуқий маданиятини шакллантириш, “Фидокорлар”да — мулкдорлар “синфи”нинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий мавқенини ошириб бориш, “Миллий тикланиш”да — халқ маънавиятини, тарихий хотираси ва маданиятини тиклаш каби масалаларни партиявий дастур сифатида илгари сурадилар.

Йирик ва ўрта корхоналарда одатда Халқ демократик партиясининг бошланғич ташкилотлари ишлаб турибди. “Адолат” партияси туманлар ва шаҳарлардаги худудий ташкилотларда муайян мавқега эга. “Фидокорлар” ва “Миллий тикланиш” партиялари асосан худудий белгига кўра тузилган.

Сиёсий партияларнинг ташкилотлари Тошкентда, Самарқандда, Бухорода, Андижонда, Фарғонада, Қаршида энг фаолдир.

Барча сиёсий партиялар жамиятда обрўли кишиларга ва ёшларга таянишга интилади.

Ҳар бир сиёсий партия барча асосий масалалар бўйича у ёки бу даражада хукumatни қўллаб-қувватлашини ва сиёсатни амалга ошириш усуллари тўғрисида таклифлар билдиришда муайян мустақилликка эгалигини эълон қиласди.

Сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва фаоллари ўзларининг шиорларига фуқароларнинг аксарияти лоқайдлигини ва уларни сайловларда қўллаб-қувватлашга

тайёр эмаслигини тан оладилар. Буни бартараф этиш учун сиёсий партиялар ўз раҳбарияти таркибига ёшларни киритишни ва айни чоғда маҳаллаларда обрўли, партия сиёсатининг тарғиботчилари бўлишга тайёр фуқароларни жалб этишни мўлжалламоқдалар. Шу мақсадда жамоатчилик фикри ўрганилмоқда ҳамда ҳалқ байрамлари ва миллий байрамлар муносабати билан оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказилмоқда¹.

Сиёсий партиялар давлат органларини шакллантиришда фаол иштирок этадилар. Ҳусусан, 1999—2000 йилларда парламент ва президент сайловлари ҳақиқий маънода кўп партиявийлик асосида ўтказилди. Бу фуқароларнинг сиёсий жараёнда демократик иштирок этишини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонун асосида 1999 йил декабрда ўтказилган парламент сайловларининг аҳамияти шундаки, аввалги сайловларда иккита партия иштирок этган бўлса, бу сайловларда бешта партия иштирок этди. Бу, шубҳасиз, депутатлар ўртасида рақобатни ошириш имкониятини берди ҳамда сайловчилар учун танлов имкониятини кенгайтирди. Яна бир ҳусусият шундаки, “Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилиши муносабати билан фуқаролар ўз ташаббускор гуруҳларини ташкил қилиш ва мустақил номзодларни кўрсатиш хуқуқига эга бўлдилар.

Сиёсий партияларнинг фаоллигини кўрсатувчи бир мисолга эътибор қаратайлик. 1999 йил 5 декабрда ўтказилган Олий Мажлисга сайловларни тайёрлаш ва ўтказиш учун республика бўйича 250 округ сайлов комиссиялари ва 7723 сайлов комиссиялари участкалари тузилди. Сайлов бюллетенларига сиёсий партиялар, ваколатли ҳокимият органлари, ташаббускор сайловчи гуруҳларидан 1010 депутатликка номзодлар киритилди, ҳусусан, “Адолат” социал-демократик партиясидан — 119 номзод, “Ватан тараққиёти” партиясидан — 108, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан — 93, “Фидокор” миллий демократик партиясидан — 207, Ҳалқ демократик партиясидан — 180, ҳокимият вакиллик органларидан — 205, ташаббускор сайловчи гурухларидан — 98 номзод киритилди.

Республика бўйича сайловчилар рўйхатларига

¹ Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза, Ўзбекистон 1998 й. 88—89-бетлар.

12692202 киши киритилди, булардан 12061266 нафари (барча рўйхатта олинган сайловчиларнинг 95,03%) овоз беришда иштирок этдилар¹.

2.3. Конституция ва парламентаризм: ислоҳот ва истиқбол

Ҳозирги замон конституциявий тизимларида парламентлар фавқулодда муҳим ўрин тутади. Парламент сайлов асосида шакллантириладиган вакиллик ва қонун чиқарувчи орган бўлганлиги боис у конституциянинг демократик хусусиятларини яққол намоён этувчи институтдир. Сайланган вакиллардан иборат бўлган парламент бутун жамиятнинг ранг-баранг манзарасини, турли-туман ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода эта олади. Жамиятдаги хилма-хил ижтимоий кучлар парламент доирасида баҳс-мунозара, фикр алмашув ва муросаи мадора қилиш имкониятига эга бўладилар. Айнан шундай мулоқот натижасида жамият (халқ)нинг умумий иродаси шаклланади. Мазкур ирода парламент механизми воситасида кўпчиликка мақбул хукуқий қарор тарзида баён этилади.

Парламентнинг моҳиятига хос хусусият шундаки, у турли ва ўзаро рақобатли ижтимоий манфаатларни ҳимоя этувчи конгресс (мажлис) эмас, балки бутун миллатнинг, халқнинг умумий мажлисиdir. Шу боис парламент қабул қиласидан қарор (қонун) жамиятнинг умумий манфаати ва фаровонлигини кўзлайди. Парламент ўзининг халқчил легитим табиатга эгалиги туфайли давлат сиёсатини белгилашда нуфузли мақом касб этади.

Парламенттар (вакиллик) бошқаруви билан либерал конституционализм умумий илдизларга эга. Улар ўзаро бир-бири билан чирмашшиб кетган. Конституционализм— давлат қурилиши ва ижтимоий ҳаётни конституция асосида ташкил этишининг назарияси ва амалиётидир. Конституционализм сиёсий-хукуқий таълимот сифатида давлат ва конституциявий тузумга оид либерал-демократик қадриятларни ўзида мужассам этади. Мамлакатда Конституциянинг мавжудлиги ҳали том маънода конституционализмнинг зоҳир бўлишини англатмайди. Бунинг учун давлат ҳокимияти, унинг органлари амалда

¹ Халқ сўзи. 1999. 11 дек.

Конституциянинг руҳи, принциплари ва нормалари билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

“Конституционализм” оддий конституциявийлик ёки конституциявий қонунийликдан кенгроқ тушунчадир. Чинакам конституционализм тантанаси ҳақида гапириш учун давлат ва жамият ҳаётида ҳокимиятлар тақсимланиши — ҳокимият идораларининг “ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш” тизими, демократик сиёсий муҳит, кўппартиявийлик, мафкурий плюрализм, шахснинг табиий ва узвий ажралмас ҳуқуқлари таъминланганлиги кабилар бўлиши лозим¹.

Мухтасар хулоса қилгандা, конституционализм Конституция билан чекланган давлат (сиёсий) бошқаруви, конституцияга асосланган сиёсий тузум ва бошқарувнинг қонуний усуслари, шунингдек, конституциявий тузум ўрнатиш зарурлигини асословчи сиёсий ҳуқуқий назария муштараклигидир².

Парламентар (вакиллик) бошқаруви конституционализмнинг таркибий қисми, реал ҳаётий ифодасидир. Парламент вакиллик тизими учун куйидаги хусусиятлар хосдир:

1) ҳокимиятни амалга оширувчилар биргаликда ҳақиқатни излашга мажбур бўладилар;

2) ошкоралик шарофати билан бу изланишлар жамики фуқаролар кўз ўнгига содир бўлади;

3) эркин матбуот мавжудлиги туфайли фуқароларнинг ўзлари ҳақиқатни излаш жараёнида иштирок этадилар ҳамда ўз изланишлари маҳсулини ҳокимият соҳиблари эътиборига етказиш имкониятига эга бўладилар³.

Парламент конституциявий давлат тузумининг муҳим институти сифатида, бир томондан, ҳалқ вакиллигини, бевосита ҳалқ ҳокимиятчилигини таъминласа, иккинчи томондан, ҳалқ иродасини қонун шаклида ифодалашни, қонун чиқариш вазифасини адо этади. Қонун чиқарувчи ҳокимият Конституция асосида шаклантирилади ва фаолият юритади. Айнан Конституция қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мустақиллигини,

¹ Каранг: Российская юридическая энциклопедия. М.: ИНФРА, 1999. С. 450—451.

² Юридик энциклопедия / У.Таджиханов умумий таҳрири остида. Т.: Шарқ, 2001. 241-бет.

³ Каранг: Шайо А. Самоограничение власти. М.: Юрист, 1999. С. 118—119.

бошқа ҳокимият шохобчаларидан мустақиллигини ка-
фолатлайди.

Юқорида баён этилган конституционализм ва пар-
ламентаризмга оид назарий хulosалар асосида мамла-
катимизда бу борада қарор топаётган сиёсий тизим —
янти миллий парламентаризм амалиётига нигоҳ таш-
лайлик.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Консти-
туцияси қабул қилинганда (1992 йил 8 декабрь) парла-
ментимизнинг номи “Олий Мажлис” бўлиши ва у олий
давлат вакиллик органи сифатида қонун чиқарувчи ҳоки-
миятни амалга ошириши мустаҳкамланди. Ўзбекистон
Республикасининг Олий Мажлиси худудий сайлов ок-
руглари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муд-
датта сайланадиган депутатлардан иборат, деб белги-
ланди.

Конституция қабул қилингунга қадар республика-
нинг қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи “Олий
Кенгаш” ҳисобланар эди. Янги мустақил парламент
сифатида Олий Мажлис аввалги Олий Кенгашдан кўпги-
на жиҳатлари билан тубдан ажралиб туради. Ўзбекистон
Республикаси Президенти Ислом Каримов биринчи
чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида (1995
йил 23 февраль) сўзлаган нутқида ушбу фарқларни
кўрсатиб, шундай деган эди: “Олий Мажлис собиқ
Олий Кенгашдан бутун мазмун моҳияти билан фарқ
қиласди. Унинг шаклланишидан тортиб, ўз фаолиятини
ташкил этиш тартиблари ва иш усувларигача буни
яққол исботлайди”¹.

Ўзбекистон Олий Мажлиснинг Республика аввал-
ги Олий Кенгашидан биринчи фарқи шундаки, Олий
Мажлис биринчи марта кўппартиявийлик асосида шакл-
ланди.

Ҳар бир сиёсий партиядан сайланган депутатлар
Олий Мажлисда партия фракцияларини ташкил этади-
лар. Ўз партиявий фракцияси орқали сиёсий партиялар
Олий Мажлиснинг қонун чиқариш фаолиятида таъсир-
чан қатнашиб, шу тариқа давлат бошқарувига муносиб
ҳисса қўшиш имкониятига эга бўладилар.

Республика Олий Мажлиснинг аввалги Олий Кен-
гашдан иккинчи фарқи шундаки, Олий Мажлис депу-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ис-
тиқболининг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 1995. 25-бет.

татларини шакллантириш собиқ Олий Кенгашни синфий принцип асосида сони ва ўрнини аввалдан кўрсатиб шакланишидан бутунлай фарқ қилиб, ҳозирда мавжуд сиёсий партия вакилларидан иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингизнинг аввалги Олий Кенгашдан учинчифарқи шундаки, Олий Мажлис таркибидаги депутатларнинг маълум бир қисми Олий Мажлис тузилмалари ва унинг қўмиталарида доимий ишлашга жалб этилади.

Олий Мажлиснинг яна бир муҳим фарқли жиҳати шундаки, Олий Мажлис Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсат олиб бораётганлигини қонунчилик даражасида ифодалаб беради. Олий Мажлиснинг ўзи, масалан, 1992 йилда Парламентлараро Иттилоғга аъзо бўлиб кирди. Шунингдек, у Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ)нинг Парламент ассамблеяси аъзосидир. Олий Мажлис Ўзбекистоннинг жаҳондаги барча парламентлар билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўз хузурида маҳсус Парламентлараро алоқалар қўмитасини ташкил қилди.

Олий Мажлиснинг қонун чиқариш соҳасидаги ваколатларини беш гурухга бўлиб таснифлаш мумкин:

- 1) давлат қурилиши соҳасидаги;
- 2) хўжалик (иктисодий) соҳасидаги;
- 3) бошқарув ва суд идораларини тузиш соҳасидаги;
- 4) хукуқий тизимга оид қонунчилик соҳасидаги;
- 5) халқаро алоқалар соҳасидаги ваколатлар.

Олий Мажлис ташкил топганидан бўён юзлаб қонулар ва қарорлар қабул қилди, давлат мустақиллигини таъминлаш ва ислоҳотларни амалга оширишнинг хукуқий пойдеворини яратди. Бугунги кунда кечеётган демократик ислоҳотларнинг мазмуни ва йўналиши парламентнинг ўзини ҳам такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Зеро, парламентни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш ҳар қандай жамият учун ўзига хос демократия мактабидир. Юқорида таъкидланганидек, парламент турли ижтимоий қатламлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар вакиллари орқали жамиятдаги мавжуд сиёсий қараашлар ҳамда манфаатларни ифода этиди, уларни уйғунаштириб халқнинг ягона иродасини шакллантиради.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида (2000 йил

25 май) қонун чиқарувчи идорамизни доимий асосда ишлайдиган **икки палатали парламент** тизимиға ўтказиши тўғрисида таклиф киритди. Мазкур таклифни юртимиизда рўй бераётган демократик ислоҳотларнинг муҳим янги босқичи деб баҳолаш мумкин. “Ҳаёт ўзгариши билан, – дейди Президент, – одамларимизнинг аввалиги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир”¹.

Парламент ислоҳотига оид таклифларнинг аниқ амалий мазмуни шундан иборатки, 2004 йилда бўладиган сайловларда Ўзбекистон парламенти икки палатали қилиб ташкил этилади. Бунда қуи палата партиялар вакиллари ва мустақил номзодлардан сайланадиган депутатлардан иборат бўлади. Номзодлар муқобиллик асосида сайланадилар. Сайланган депутатлар парламентда доимий равишда ишлайдилар. Муҳими шундаки, янги парламентда мутахассис депутатлар фаолият кўрсатиши, вакиллик ва қонун чиқарувчи идорамиз юқори малакали, профессионал бўлиши назарда тутилмоқда. Бўлажак янги қонун чиқарувчи идорамиз олдида турган муҳим вазифа – жаҳон парламентаризми тартиблари ва анъаналарини, демократик парламент тарзида ишлаш илмини ва парламент маданиятини пухта эгаллашдан иборат.

Президент И.А.Каримов парламент ислоҳотига оид ташабbusли таклифни умумхалқ муҳокамасига ва овоз беришга кўйиш foясини илгари сурди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси (2001 йил 6 декабрь) икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколати муддатини ўзгартириш масалалари юзасидан Ўзбекистон референдумини ўтказиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди.

2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатда икки палатали парламент тузиш foясини қўллаб-куватлади. Референдум асл мазмунини эркинлаштириш ташкил этувчи демократик ислоҳотлар даврини кечираётган сиёсий тизимимиз учун, юксак тараққиёт марраларини кўзлаётган халқи-

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: Ўзбекистон, 2000. 483-бет.

миз учун катта синов бўлди. Референдумни тайёрлаш ва ўтказиш жараёни аҳолининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий фаолигини оширишга жиддий туртки бўлди. Умумхалқ овоз бериши Ўзбекистон тарихи учун тақдириломон бўлган қарор қабул қилиш, яъни икки палатали парламент тизимига ўтиш гоясини қувватлаш билан якунланди.

“Референдум, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов,— фуқароларнинг эркин фикр билдириш минбари, уларнинг ўтказилаётган ислоҳотларга ва уларнинг келажагига бўлган муносабати бўлди”. Шундан сўнг юрганлишимиз: “Халқимиз танлаган йўлимиzioni, яъни тоталитар режимдан воз кечиш, очиқ демократик давлат барпо этиш йўлини кўллаб-куватлади...”¹, — деб эътироф этди.

Референдум Ўзбекистонда давлатнинг конституциявий тузилишини ривожлантиришга оид энг муҳим масалаларда юксак даражадаги келишувга (консенсусга) эришилганлигини кўрсатди ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини ислоҳ қилиш учун кенг йўл очиб берди.

Референдум давлат-ҳуқуқий тизимимиз тараққиётида беназир истиқболлар очди. Халқ давлат ҳокимияти органларига, мансабдор шахсларга демократик ислоҳотларни ўтказиш учун зарур бўлган юксак ишонч билдириди ва уларнинг зиммасига улкан масъулият юклади.

Референдумнинг Ўзбекистон Республикаси бутун худудида олий юридик кучга эга бўлган қарори давлатчилик ривожланишида ва қонун ижодкорлигини фаолаштириш борасида янги босқичнинг бошланиши бўлди. Халқимиз референдумга қўйилган масалаларни мъкуллаб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш борасидаги фаолиятни давом эттириш зарурлигини тасдиқлади. Референдум қарорлари фуқаролик жамияти асосий институтларининг изчил ривожлантирилиши учун зарур бўлган энг муҳим йўналишларни белгилаб берди.

Референдум қарорларини ҳаётга жорий этиш қўйидагиларга имкон беради:

1) ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини тўлароқ амалга ошириш, уларнинг самарали ҳамкорлиги учун зарур шароитни яратиш, ўзаро тийиб

¹ К а р и м о в И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди // Халқ сўзи. 2002. 5 апр.

туриш ва мувозанатлаш тизимининг барқарорлигини таъминлаш;

2) қонун чиқариш иши ва давлат қарорларини қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш;

3) қабул қилинаётган қонунларнинг самарадорлигини ошириш;

4) суд ҳокимиятининг мустақиллиги ҳамда ҳалқнинг қонун ва адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

5) фуқароларнинг сиёсий ва ва ҳукуқий фаолигини ошириш;

6) мамлакатда ҳақиқий кўп партияли тизимни ривожлантириш;

7) демократик жараёнларни ривожлантиришни рафбатлантириш.

Референдум натижалари давлат ҳокимияти органдари ҳақидаги қонунларни янгилаш ва ривожлантиришни ҳамда фуқаролик жамияти институтларини тақомиллаштириш, қонунчилик қарорларини қабул қилишда холисона изчилликни талаб этади. Бунда амалга оширилаётган ишлар у ёки бу норматив-ҳукуқий ҳужжатни қабул қилиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Зоро, уларнинг миқдори ўз-ўзидан давлатчилик институтлари ривожланганигидан, ижтимоий муносабатларни ҳукуқий тартибга солиш даражаси юксалганигидан ва қонунийликнинг мустаҳкамлигидан далолат бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг Референдуми якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 2002 йил 4 апрель қарорида шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳамда демократик давлатчилик асосий институтларини ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, XXI аср бошидаги қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналишлари, шунингдек, қонунларни қабул қилиш кетма-кетлиги белгилаб берилди. Қонунларни тақомиллаштириш жараёнида, аввало, иккита асосий вазифа узвий ҳолда ҳал этилмоқда: биринчидан, ўтказилаётган ислоҳотларнинг ишончли ҳукуқий асоси яратилмоқда, сиёсий ва ҳукуқий ривожланишнинг устувор мақсадларига эришиш кафолатланмоқда; иккинчидан, ҳукуқий принципларнинг барқарорлиги ҳамда қонун ҳужжатлари тузилишининг яхлитлиги ва

унинг жадал суратларда ривожланиб бориши таъминланмоқда.

Референдум натижалари “биринчи галда Конституциямиз ва қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топиши лозим”¹, яъни мустақил давлатчилигимизнинг конституциявий асосларини такомиллаштириш талаб этилади. Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида қонун исходкорлиги ишларининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. “Референдум якунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги 2002 йил 4 апрель конституциявий қонуни кейинги ўзгаришларни чукур ўйлаб ва асосли амалга ошириш имконини берувчи норматив асос бўлиб хизмат қиласди. Унда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари белгиланди. Унга конституциявий қонун мақомининг берилиши референдум қарорларини амалга оширишга қаратилган хукуқий асосни яратиш ҳамда тегишли қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш имконини беради. Бинобарин, янги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтиради. Конституциявий қонун, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб – муҳрлаб беради ва асосий қонунимиз бўлмиш Конституциямизга тегишли ўзгартишлар киритишга асос бўлади”².

Асосий қонунда яхлит, принципиал концепция ўз ифодасини топади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ҳамкорлигининг турли жиҳатлари уйғунлашади. Назарда тутилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, биринчи навбатда, Конституциянинг давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимини, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг палаталарига оид, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти ва суд ҳокимияти органларининг конституциявий ҳолатини тартибга соловучи моддаларига киритилади.

XXI аср бошида Ўзбекистон қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат бўлади:

¹ Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди //
Халқ сўзи. 2002. 5 апр.

² Уша жойда.

1) икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги парламент ислоҳотларини давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилишининг асосий вазифаси сифатида амалга ошириш;

2) давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов ўтказиш тартибини янгилаш ва такомиллаштириш;

3) президентлик институтининг конституциявий қоидаларини ривожлантириш;

4) ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи хукуқий нормаларни такомиллаштириш, аввало, Вазирлар Маҳкамаси, прокуратура, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

5) суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

6) сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тайёрлаш, халқаро шартномалар, қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш, нормативхукуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатларига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

“Референдум натижалари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 2-моддасида демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг бешта асосий принципи белгиланди:

биринчи принцип – қонун устуворлитини, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

иккинчи принцип – халқаро хукуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари асосида инсон хукуқлари ва эркинликлари кафолатларини, фуқаролар хукуқ ва манбаатларининг хукуқий ҳимоя қилинишини таъминлайдиган самарали тизимни яратиш;

учинчи принцип – сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабхаларини изчил эркинлаштириш;

тўртинчи принцип – нодавлат, нотижорат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустаҳкамлани-

ши ҳамда ривожланиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

бешинччи принцип – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида икки палатали парламентни қарор топтириш, **биринчидан**, том маънода профессионал парламентга ўтиш, **иккинчидан**, давлатчилик қурилиши ва сиёсий воқелигимизда замонавий парламентаризм анъаналари (тартиблари)ни шакллантириш ва янада ривожлантириш, **учинчидан**, давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мавқеи ва хуқуқий мақомини изчиллик билан мустаҳкамлаш ва шу тариқа ҳокимиятлар тақсимланиши принципини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш имконини беради.

Республикамизнинг давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейинги давр мобайнидаги тараққиётига баҳо бериб, шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда ҳақиқий парламентаризм қарор топиши учун зарур сиёсий-хуқуқий пойdevor яратилди. Парламентаризм ўзининг класик маъносига кўра жамиятда давлат раҳбарлиги (бошқаруви)ни амалга оширишнинг демократик тизимиdir. Бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви механизмида сайлаб қўйиладиган қонун чиқарувчи органнинг етакчи ўринни эгаллашини англатади.

Ҳозирги шароитда парламентаризм жамият иродасини аниқлаш ва ифодалаш юзасидан барқарор шаклланган анъана, тартиб ва қоидаларга бойлиги билан тавсифланади. Айни вақтда, муайян демократик парламентчилик маданияти қарор топди. Бу қонун лойиҳаларининг оммавий муҳокамасида ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан бўлган мунозаралар ўтказиш ҳамда оқилона қарорлар қабул қилиш жараёнида муросага келиш санъати кабиларда намоён бўлади.

Икки палатали парламент тизимига ўтиш бизнинг давлат-хуқуқий қурилишимизда ўта масъулияти ва туб

бурилиш палласи бўлиши табиий. Бу борада жаҳон парламентаризми назарияси ва амалиётида тўпланган барча ижобий намуналардан фойдаланиш зарур.

Гарчанд, парламентаризм тарихида кўп палатали парламентлар учраса-да, ҳозирги замондаги аксарият парламентлар бир ёки икки палатадан иборат. Икки палатали парламентни тузишнинг жуда кўп усул ва йўллари мавжуд. Бироқ, энг аввало, аҳолининг умумий сиёсий маданиятини юксалтириш, сиёsat билан профессионал даражада шуғулланувчи шахслар қатламини вужудга келтириш, парламент қурилиши тажрибасини орттириш ва кўпайтириш зарур. Жаҳон тажрибасида икки палатали парламент тизимининг икки асосий қўриниши — кучсиз юқори палата ёки кучли юқори палата тизимлари фарқланади. Кучсиз юқори палата ўзи норози бўлган парламент қарорлари қабул қилинишини орқага суриши мумкин, холос, аммо унга тўсиқ бўла олмайди. Кўпинча бу қонунчилик жараённига тегишилдири. Масалан, Британия парламентининг лордлар палатаси қуи палата қабул қилган билл (қонун лойиҳаси)ни бир йилгача, агар билл молиявий масалада бўлса бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриши мумкин (1911 йилги Парламент тўғрисидаги Актнинг 1-моддаси, 1-қисми ҳамда 1911 йилги Парламент ҳақидаги Актга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги 1949 йилги Актнинг 1-моддаси). Польша Сейми қабул қилинган қонунга Сенат билдирган эътиrozни мутлақ кўпчилик овоз билан рад қилиш мумкин (Кичик Конституция 17-моддасининг 4-қисми).

Кучли юқори палатанинг ўзига хослиги шундаки, унинг розилигисиз парламент қарори қабул қилинмайди. Масалан, АҚШ Конституцияси 7-бўлими 1-моддасининг 2-қисмидан шу қоида келиб чиқадики, агар Конгресснинг ҳар бир палатасида қабул қилинмас экан, бирор-бир қонун қабул қилинган, деб ҳисобланмайди. Бу нарса Италия Конституциясининг 70-моддасида ҳам ўз аксини топган: Қонунчилик функцияси ҳар икки палатанинг ҳамкорлигида амалга оширилади¹.

Палата парламентнинг ўз номига, ваколатлари ва вазифаларига эга бўлган, нисбатан мустақил таркибий

¹ Конституционное (Государственное) право зарубежных стран. Общая часть / Отв. ред. Б.А.Страшун. М.: Бек, 1995. С. 448.

қисмидир¹. Икки палатали парламент модели шунга олиб келдики, XXI аср арафасида Европа ва Америка-нинг аксарият минтақаларида давлатлар икки палатали парламентга эга бўлдилар. Айни пайтда икки палатали тизим нафақат федератив давлатлар, балки унитар давлатларга ҳам хосдир.

Бикамерализмнинг (парламентнинг икки палатали модели шундай аталади) аҳамияти унинг қуидаги функцияларида акс этади:

1) аҳоли ва ҳудуднинг анча тўлиқ вакиллигини тъминлаш. Агар бир палата муайян сайловчилар депутатлар вакиллиги асосида ташкил топса, бошқаси давлатнинг таркибий қисмлари (штат, ўлка, вилоят ва ҳ.к.) вакиллиги асосида ташкил топади. Ҳар икки палата биргаликда бутун мамлакат аҳолиси ҳамда унинг таркибий қисмлари манфаатларини эътиборга олиш ва ифодалаш имконини беради;

2) меҳнатни самарали ташкил этиш бу ўринда мурракаб ва сермашақват фаолиятни оқилона тақсимлашни тъминлайди. Ҳар бир палата қонунчилик жараёнида ўз функциясини бажаради. Биргаликда эса улар шошилинч ва хато қарорлар қабул қилинишини истисно қилувчи пухта ўйлаб қарор қабул қилиш жараёнига кўмаклашадилар;

3) парламентнинг икки палатали тузилиши ўзида муроса, келишув, қарама-қаршиликларни бартараф этиш, зарур қонунларни ишлаб чиқиш воситаларини мужассамлаштирган қонунчилик ҳокимиятининг тарихий шаклланган механизмидир. Икки палатали тизимга ўтган мамлакатлар унинг ижобий томони сифатида юқори палатанинг кўпинча ўйламасдан, ҳис-ҳаяжонга берилиб, баъзан эса, тўғридан-тўғри шуҳрат қозониш мақсадида қарорлар қабул қилишдан тўхтатиб туришини эътироф этадилар. Палаталар қоида тариқасида ўзларининг шаклланиш тартиби, ички тузилиши ва бошқа хусусиятлари билан ҳам фарқланади. Масалан, юқори палаталарда одатда партия ва блоклар тузилемайди.

Парламент ислоҳотини ўтказишда ҳали кўп ишларни қилиш мумкин ва лозим деб ўйлаймиз. Масалан, парламент аъзоларининг қасамёд қабул қилиш қоидасини жорий этиш масаласини ўйлаб кўриш мумкин.

¹ См: Конституция Российской Федерации: Энциклопедический словарь/ В.А. Туманов, В.Е. Чиркин, А.Ю. Юрин и др. М., 1997. С.180.

Зеро, улар ҳам худди шундай қасамёд қабул қиласидиган Президент каби халқ вакиллари бўлиб, халқ олдида масъул ҳисобланадилар. Шунингдек, Куролли Кучлар ва бошқа ҳарбийлаштирилган тузилмаларда қонун назорати бўйича парламент комиссари лавозимини таъсис этиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш ўринли бўлади. Парламент жараёнига интерпелляция, мунозара (дебат), парламент тинглови каби тартибларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Икки палатали парламент тизимини жорий этиш қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти ўртасидаги ваколатларни қайта тақсимлаш ҳисобига давлат ҳокимияти механизмини маълум даражада ўзгартиришга олиб келади. Шунинг учун давлат ҳокимияти механизмини қайта ташкил этиш жуда чукур ўйланган ва режалаштирилган бўлиши керак. Чунки, номутаносибликка йўл кўймаслик мақсадида унда қонун чиқарувчи ва уни мустаҳкамловчи давлат ҳокимияти органларининг функция ва вазифаларини аниқ белгилаш талаб этилади. Бунинг учун иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг сакизинчи сессиясида қабул қилинган юқорида кўрсатилган хужжатлар асос бўлиб хизмат қиласиди. Жумладан, Конституциявий қонунда икки палатали парламентнинг хукуқий ҳолати ва тузилишига доир асосий қоидалар мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг хукуқий ҳолати бир қатор масалаларни, жумладан, парламентни шакллантириш, ташкил қилиш, унинг амал қилиши ва ваколатларининг тўхтатилиши, давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан ҳамкорлиги масалаларини қамраб олади.

Ўзбекистон парламенти – Олий Мажлис – Ўзбекистон Республикасининг доимий амал қилувчи вакиллик ва қонун чиқарувчи органи бўлиб, Қонун чиқарувчи қути палата ва Сенат номли юқори палатадан иборат. Таъкидлаш жоизки, парламентнинг назорат қилиш ваколатлари қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият муносабатларини ташкил қилишнинг демократик тизимидағи муҳим элемент бўлиб, парламент назорати тоясини жаҳон парламент тараққиётидаги ҳозирги замон тамойилларига жавоб берувчи шаклларда амалга ошириш имконини беради.

Ҳар бир палатанинг ваколат муддати – беш йил.

Палаталар кўриб чиқиши учун тақдим этиладиган масалаларни дастлабки кўриб чиқиши ва тайёрлаш учун

Қонун чиқарувчи палата ва Сенат ўз таркибидан қўмиталар (комиссиялар)ни сайлайди. Уларни шакллантириш принциплари, ваколатлари ва фаолият тартиби қонунда белгиланади.

Қонунчилик палатасининг фаолият кўрсатишида депутатлар фракциялари катта ўрин тутади. Қонунда фракцияларни тузиш тартиби, уларнинг парламент фаолиятида иштирок этиш шакллари назарда тутилган.

Қонунчилик палатасининг асосий вазифаси қонуларни ишлаб чиқиши ва қабул қилишдан иборат. Сенат Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунларни минтақаларнинг манфаатларини ва хусусиятларини инобатта олган ҳолда маъқуллайди. Сенат ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяларини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини ва унинг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва бўшатиш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисботларини тинглаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, мамлакатнинг давлат ва жамоат ҳаётига оид бошқа муҳим масалаларни ҳал этиш киради.

Қонунларни Қонунчилик палатаси қабул қиласи, сўнгра Сенатга маъқуллаш учун юборади. Сенат қонуни қабул қилмаган тақдирда палаталар юзага келган низоларни ҳал этиш учун келишув комиссиялари ташкил қилишлари мумкин.

Қонунчилик палатаси қабул қилган ҳамда Сенат маъқуллаган қонун Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш учун юборилади (Конституциявий қонуннинг 10-моддаси).

Сенатнинг Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунга қўйган ветосини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунчилик палатаси қабул қилган ва Сенат томонидан маъқулланган қонунга қўйган ветосини бартараф этишининг маърифий механизми ишлаб чиқилган. Хусусан, Олий Мажлис қабул қилган қонун ўн кун мuddатда имзолаш учун Президентга юборилади, у эса ўтгиз кун ичida қонунни имзолайди. Башарти, Президент қонунга вето қўйса, қонун парламентга қайтарилади. Ўз навбатида, Олий Мажлис қонунни такrorан муҳокама қиласи ва аъзола-

ри умумий сонининг учдан икки қисми овози билан қайта маъқулланса, Президент қонунни ўн тўрт кун ичида имзолаши керак (Конституциявий қонуннинг 10-моддаси).

Мазкур қоиданинг мустаҳкамланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 14-бандидаги Президентнинг вето хукуқини амалга ошириш механизмини оқилона аниқлаштириб берди.

Сенат қуи палата билан параллел тарзда қонун чиқариш фаолияти билан бевосита шуғулланмайди. Сенат аъзолари мамлакат ҳамда тегишли минтақалар манфаатларини инобатга олган ҳолда, қуи палата тақдим этган қонун лойиҳаларини маъқуллаш ёки маъқулласмаслик орқали қонунчилик фаолиятида иштирок этадилар. Қуи палатадан фарқли ўлароқ, Сенат доимий асосда ишламайди, балки ўз фаолиятини сессияларга тўпланиб амалга оширади, Қуи палата қабул қилган қонунларни муҳокама қиласи ва улар бўйича ўз қарорини чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қонун чиқариш ҳокимиятини амалга ошириши Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида ташабbus билан ва фаол иштирок этиши ҳамда уларнинг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал этишига асосланади. Қонунчилик жараёни демократик тартибининг хукуқий кафолатини кучайтиrmай туриб, Ўзбекистонда парламентаризмни ривожлантириш мумкин эмас. Ушбу кафолатлар сиёсий партиялар ва депутатлик бирлашмаларининг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишининг барча босқичларида иштирок этишини таъминлашга қаратилган. Бу эса парламент ишининг юксак даражада ошкоралигини, оммавий парламент муҳокамаларининг ўтказилишини тақозо этади. Мазкур кафолатлар парламентнинг фаолиятини тартибга солувчи хужжатларнинг бутун тизимига сингиб кетган.

Қонунчилик палатасининг барча депутатлари профессионал, доимий асосда ишлайдилар ҳамда педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан бошқа ҳақ тўлана-диган фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас. Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари бутун ваколат муддати давомида дахлсизликка эгадирлар.

Қонунчилик палатасининг касбий хусусияти, биринчи навбатда, парламентнинг ёрдамчи тузилмалари ни ислоҳ қилишни зарурий шарт қилиб қўяди, чунки қонун чиқарувчи орган фаолиятининг самарадорлиги бевосита ишчи аппаратнинг профессионал хусусиятларига боғлиқ. Ушбу ёрдамчи тузилмаларнинг савияси ва салоҳияти парламент маданияти ҳамда профессионаллик даражасини белгилаб беради.

Ҳар икки палатанинг иш тартиби (регламенти) улар ўртасида юз бериши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф этиш механизми, мамлакат ичкарисида инқизор юз берганда (фавқулодда ҳолат, уруш, босқинчлилик ва ҳ.к.) парламент фаолияти мажмуини ташкил этиши керак. Қонунчиликда зиддиятларни ҳал қилиш тартиби батафсил белгиланган бўлиши лозим (келишув комиссияси, музокаралар, Қонунчилик палатасини тарқатиб юбориш тартиби ва ҳ.к.).

Қонунчилик палатасининг асосий вазифалари, қонун хужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан ташқари, давлат бюджетини тасдиқлаш, халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш, Бош Вазирни, Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги хужжатларини тасдиқлаш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатаси ишида Республика Президенти тайинлаган муҳтор вакил иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Қонунчилик палатаси профессионал асосда фаолият кўрсатар экан, тўрт ойдан кам бўлмаган депутатлик таътиллари (танаффуси) билан давом этадиган икки сессияни (баҳорги ва ёзги) ўtkазиш мантиқий бўлар эди.

Сенат ҳар чоракда камида бир марта йиғилиши мақбулdir. Йилига камида икки марта ҳар икки палатанинг қўшма йиғилишини ўtkазиш лозим. Бизнинг фикримизча, қонун чиқарувчи палата депутатлари эркин, юқори палата аъзолари эса императив мандатга эга бўлишлари ўринли. Улар тегишли иммунитет ва индемнитет билан таъминланадилар.

Халқ овоз бериши билан қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши ва юридик мустаҳкамланиши қонунчилик стратегиясининг йўналишларини белгилаш, янги парламентнинг самарали ишлашини таъминлашни, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ва-

колатларни аниқ қайта тақсимлаш заруратини кўзда тутади.

Шу муносабат билан қуйидаги масалалар кечиктирилмасдан ҳал этилиши мақсадга мувофиқдир:

— референдум қарорлари ижросини ва бунда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи қонун хужатлари мажмуини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

— парламентни ва парламент атрофидаги тузилмаларни ислоҳ қилишнинг ҳукуқий, маъмурий, моддий, информацион ва бошқа шароитларини яратишга йўналтирилган ташкилий-техник тадбирларни ўтказиш;

— хорижий давлатлар парламентаризмини ўрганиш ва таҳдил қилиш ҳамда ижобий тажрибадан Узбекистон парламентини ташкил этиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш;

— парламентдаги ислоҳотларни жамиятда рўй берадиган ўзгаришлар, жамият ва давлат қурилишидаги эркинлаштириш йўналишлари билан узвий боғлаш.

— давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари ҳамкорлиги механизмини такомиллаштириш, уларнинг вазифалари, функция ва ваколатларини аниқлаш.

Референдум қарорларини ташкилий таъминлаш учун уларни бажаришга йўналтирилган қонун лойиҳалари мажмуини ишлаб чиқиш учун турли органлар ва институтлар вакиллари, депутатлардан иборат комиссиялар тузиш мақсадга мувофиқдир. Комиссиялар қошида қонунларнинг алоҳида лойиҳаларини ишлаб чиқиш, чет эл тажрибаларини ўрганиш, билдирилган таклифларни таҳдил қилиш ва танлаш бўйича ишчи гуруҳларни тузиш лозим. Бу гуруҳлар ишига олимлар — юристлар, сиёсатшунослар, социологлар ва бошқа мутахассисларни жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Парламентни ислоҳ қилиш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш муаммолари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинар ва коллоквиумлар ташкил қилиш ижобий самара беради.

Парламентнинг инфратузилмасини — ахборот хизмати, парламент ҳузуридаги назорат (ҳисоб) идораси, парламент кутубхонаси, нашриёт ва бошқаларни ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан тадбирлар тузиш ва уларни амалга ошириш бугунги кун талабидир. Шунингдек, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда парламент аъзоларининг штатли ёрдамчилари институтини шакллантириш, ҳар бир парламент қўми-

таси ҳузурида ёрдамчи котибиятлар тузиш, парламент ҳузурида кучли матбуот марказини ташкил этиш каби депутатлар фаолиятини ташкілій таъминлашдек мұхим масалаларни ҳал қилиш зарурдек күринади.

Юридик фан олдида парламентнинг самарали ва илмий асосда қайта ташкил қилинишига, унинг фаолиятини тұлық ҳукуқий асосда тузишга ёрдам берішдек мұхим ва улуғвор вазифа турибди. Парламентни ислоҳ қилишдаги у ёки бу муаммони ҳал қилиш юзасидан таклиф қилинаёттан йұллар, алоҳида таклифлар муаллифнинг Олий Мажlisнинг юқорида айттылган ҳужжатларини ишлаб чиқыш бүйіча ишчи гурұхи фаолиятидаги иштироки давомида түппланған тажрибаларига асосланади.

Давлат ҳокимияти энг мұхим институтларини шакллантиришнинг янги стратегияси ҳамда парламент демократиясینи ривожлантаришнинг асосий белгиловчи жиҳати – Ўзбекистон Республикаси Президенти, парламент, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органдарининг депутатларини сайлашга бағищланған сайлов қонунларини такомиллаштиришдан иборат.

Қонунчилік палатасини сайлаш учун Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий бўлинишини инобатга олган ҳолда тахминан teng сонли сайловчилардан бир мандатли сайлов округлари ташкил этилади. Депутатларни сайлаш кўппартияли асосда умумий, teng, тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи билан яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

Депутатликка номзодларни кўрсатиш ҳукуқи сиёсий партияларга берилған. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари улар ташкил этадиган ташаббускор гурӯҳлар орқали ўзининг номзодини кўрсатиш ҳукуқига эга бўладилар.

Олий Мажlisнинг Сенатини шакллантиришда минтақаларнинг teng вакиллиги таъминланади. Бунда Сенатта вакиллик нормаси ҳар бир минтақадан олти кишидан иборат қилиб белгиланған ва Сенатта минтақаларнинг вакилларини сайлаш тартиби кўрсатилған. Сенат аъзоларини сайлаш тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллик органларининг кўшма мажlisларида яширин овоз бериш йўли билан ушбу вакиллик органларига сайловлар ўтказилганидан сўнг кўпи билан бир ой ичida амалга оширилади.

Юқори палатада қарорлар қабул қилишда умумдавлат манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳамда халқаро парламентаризм амалиётидан келиб чиқиб, давлат бошлиғига катта амалий тажрибага эга бўлган, фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш ҳамда давлат ва жамоат фаолиятининг бошқа соҳаларида алоҳида хизматларга эга бўлган энг обрўли фуқаролар орасидан 16 нафар Сенат аъзоларини тайинлаш хуқуки берилган.

Конституциявий қонунда Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзолигига кўрсатиладиган номзодларга қўйиладиган талаблар мустаҳкамланган. Айни бир шахс бир вақтнинг ўзида қути ва юқори палаталарга сайланиши мумкин эмас.

Шунингдек, Конституциявий қонунда сайловларни ўтказиш муддатлари белгиланган. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ушбу масалани ҳал этишнинг энг мақбул йўли — сайлов ўтказиладиган вақтни (кунни) қонунда аниқ белгилаб қўйиши. Конституциявий қонуннинг 3-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Олий Мажлиснинг ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қонунчилик палатасининг вилоят, шаҳар, туман вакиллик органларининг сайловлари ягона тегишли муддатларда — уларнинг конституциявий ваколатлари тугайдиган йилнинг декабрь ойида, учинчи ўн кунликнинг биринчи якшансасида ўтказилади.

Президент ва парламент сайловларининг муддати мос келган тақдирда, давлат ҳокимиятининг узлуксизлиги ва ворисийлигини таъминлаш, унинг барча тармоқлари конструктив ҳамкорлигини сақлаб қолиш мақсадида, Конституциявий қонунда парламент ваколатлари муддатини бир йилга узайтириш ҳақидаги норма мавжуд. Бундай ҳолларда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколатлари ҳам худди шу муддатга узайтирилади.

Сайлов учун бундай тартибининг белгиланиши катта амалий аҳамиятга эга:

биринчидан, сайлов ўтказиш муддатини аниқ белгилаш ушбу соҳада ўзбошимчалик ва ҳар кимнинг фаразли манфаатлари намоён бўлиши ҳамда бошқа шу каби субъектив ёндашувларнинг олдини олади;

иккинчидан, кўпгина демократик давлатларда мавжуд бўлган тартибга мос келади;

учинчидан, фуқаролар сайловлар фақат йил охири-

да, хотиржам шароитда, йил учун мўлжалланган барча режалар ва ишлар якунланганидан кейин ўтказилиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўладилар;

тўртингидан, бундай тартиб қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида мувозанат ва келишувни таъминлаш учун, уларнинг фаолиятида такрорлашга йўл қўймаслик, ушбу органларнинг ўз вазифалари ни бажаришлари учун шароит яратади.

Давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг янги тартиби қуидаги имкониятларни беради:

1) янги парламентни, давлат ҳокимиятининг сайланадиган бошқа институтларини шакллантиришнинг демократик ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

2) фуқароларнинг, фуқаролик жамияти барча институтларига сайловлар ўтказилишида иштирок этишини фаоллаштириш;

3) кўп партияний тизимнинг ривожланишини таъминлаш;

4) аҳоли ва минтақаларнинг тегишли равишда Қонунчилик палатаси ва Сенатда кенг вакиллигини таъминлаш учун шароитлар яратиш;

5) давлат ҳокимияти барча тармоқларининг барқарорлиги ва ворисийлигини, уларнинг самарали фаолият қўрсатишини ва конструктив ҳамкорлигини таъминлаш.

Махсус қонун ҳужжатларида Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутатлари статуси, уларнинг энг муҳим ваколатлари ва фаолиятининг кафолатлари белгиланади. Уларда депутатнинг унинг номзодини илгари сурган сайловчилар ва сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари, давлат ҳокимияти вакиллик органларидағи депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти, ҳуқуқ ва эркинликлари, депутатлик ахлоқи масалалари акс эттирилади.

Конституцияний қонун қоидаларининг амалга оширилиши қонун чиқарувчи органдан давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилишнинг яқин ва узоқ муддатли мақсадларини, шунингдек, уларга эришиш йўллари ва воситаларини аниқ тушунишга қаратилган юксак касб маҳоратини тақозо этади. Бу иш жамоатчиликнинг қўллаб-куватлашини, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда манбаатли иштирокини талаб этади.

Бутун дунёда давлат қурилиши жараёни узлуксиз жараён ҳисобланади. Шу боис референдум қарорлари ни давлат ҳокимиятининг барча органлари сиёсий, иқти- содий, ҳукуқий, ташкилий ва мафкуравий чоралар ор-қали, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жамият ва давлат ҳаётига оид энг муҳим масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиши учун зарур шароит- ларни яратиш йўли билан ҳаётга жорий этишлари ке- рак.

2.4. Конституция — ҳукуқий тизимнинг ўзаги. Ҳукуқий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари

Конституция ўз моҳият-эътибори ила жамият ҳукуқий тизимининг уюштирувчи, баҳамжиҳат этувчи маркази, “система” ҳосил қилувчи ўзаги бўлиб, барча ҳукуқ тармоқлари ва қонунчилик соҳаларини шакл- лантирувчи ҳамда ривожлантирувчи бошланғич асос- дир. Қонунчиликнинг ҳамма тармоқлари конституция- вий қоида ва принципларга таянади. Конституция қонун- чилик тармоқларининг шаклланиши ва амал қилиши учун замин бўлиб ҳисобланади.

Конституциянинг қоидалари ҳамиша раҳбарий, дастурий ҳамда йўналтирувчи мавқега эга. Жорий қонун- лар у ёки бу даражада конституциявий қоидаларни ривожлантиради ҳамда ҳаётга татбиқ этишга хизмат қиласи. Мабодо, қонунлар Конституцияга зид келиб қолса ёки унда белгиланган тартиблардан чекинган ҳолда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлса, улар ўз кучини йўқотиши шарт. Бошқа бирорта норматив- ҳукуқий хужжат ўз юридик кучига кўра Конституция- дан устун бўлолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётida улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди... Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳукуқий не- гизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, муста- қил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди”¹. Конс-

¹ Ислом Каримов Конституция тўғрисида / Тузувчилар А.Сайдов, У.Таджиханов. Т.: “Академия” ноширлик маркази, 2001. 113-бет.

титуцияда белгиланган мақсад ва вазифалар, фоя ва принциплар мамлакатимиздаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий устуворликларини, сиёсий ва ҳуқуқий тизимни демократик тарзда такомиллаштиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Танлаган йўлимиз адолатли, эркин фуқаролик жамиятини ва демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидир. Конституцияни яратиш ва қабул қилиш чоғида шу нарса англаб етилдики, белгиланган мақсадга Эришиш учун ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳасида жуда катта, кўламдаги мураккаб ҳамда серқирра вазифаларни бажариш, барча соҳада жиддий туб ислоҳотларни амалга ошириш талаб қилинади. Бу холоса ҳуқуқий тизимимизга ҳам бевосита тааллуклидир.

Жамиятнинг ижтимоий онги, ҳуқуқий тафаккури юксалишида Конституция алоҳида ўрин тутади. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, айнан Ўзбекистон Конституцияси халқимиз онгида мустақиллик шарофати билан шаклана бошлаган бозор иқтисодиёти, янги сиёсий ва демократик институтлар тушунчасини мустаҳкамлаш билан бир вақтда, унга дунё давлатлари тажрибасида синалган илфор ғояларни, умуминсоний қадриятлар ҳамда принципларни, замонавий сиёсий-ҳуқуқий қарашларни сингдирди.

Конституция жамиятимизни тубдан янгилашга қаратилган ислоҳотларнинг бош стратегияси ва мағкурасини белгилаб берди. Бир сўз билан изоҳлагандা, Конституция ислоҳотларнинг ҳуқуқий, қонуний пойдевори сифатида майдонга чиқди. “Мустақил Ўзбекистоннинг илк Конституцияси, – дейди Президент И.А. Каримов, – давлат ва жамият ҳаётининг Асосий қонуни қабул қилинганлиги биринчи босқичдаги қонун чиқариш фаолиятининг гултожиси бўлди. Конституция ёш давлатимиз чинакам мустақиллигининг, янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар дунёга келишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда”¹.

Асосий қонун мамлакатимизда амал қилувчи объектив ҳукуқнинг бош манбаидир. У қонунчилик турли тармоқларининг муштараклигини, бир бутунлигини ва ўзаро ички мувофиқлигини таъминлайди. Шу тариқа бутун ҳукуқ тизимиға батартиблиқ ҳамда барқарорлик

¹ Каримов И.А. Ватан саҳдагоҳ каби муқаддасидир. Т. З. Т.: Ўзбекистон, 1996. 201-бет.

бахш этади. Конституция ва хуқуқий тизим ўртасидаги диалектик алоқадорликни чукур англаб етиш учун хуқуқий тизимнинг мазмун-моҳияти, тушунчаси ва таркибиға кенгроқ тўхталиш жоиздир.

Жамиятнинг хуқуқий тизими ўзининг муайян мантиқий ички таркибий тузилишига эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. “Хуқуқий тизим” ўз ички таркибий қисмларининг тизимли мажмуи тарзида гавдаланади ва нормалар йифиндиси ҳисобланмиш объектив хуқуқдан жиддий фарқ қиласди. Мазкур фарқ шундаки, хуқуқий тизим бир турдаги элементларнигина эмас, балки турли йўналиш ва мақомдаги тузилмаларни қамраб олади, бирлаштиради. Таъкидлаш лозимки, хуқуқий тизим таркибиға:

1) фалсафий ёки мафкуравий (хуқуқнинг талқини, хуқуқий тушунча ва категориялар, хуқуқий онг, хуқуқий мафкура, хуқуқий маданият);

2) меъёрий (жамиятда ҳаракатланаётган хуқуқий нормалар мажмуи);

3) институционал-ташкилий (хуқуқ ижодкорлиги ва хуқуқни қўллаш жараёни билан боғлиқ юридик муассасалар);

4) социологик, яъни ижтимоий (хуқуқий муносабатлар, хуқуқни татбиқ этиш, қонунийлик муҳити, юридик амалиёт) элементлар киради.

Хуқуқий тизим ҳаракатдаги “жонли” ҳодиса сифатида талқин этилиши лозим. Зеро, у ижтимоий ҳаётнинг фаол таркибий қисми сифатида кишилар ўртасидаги муносабатларни узлуксиз тартибга солиш вазифасини бажаради. Амалий жиҳатдан хуқуқий тизим ҳаракатланишининг динамик талқини муҳим аҳамият касб этса, илмий-абстракция нуқтаи назаридан уни статик (ҳаракатсиз) тарзда ифодалаш муайян мазмунга эга. Шундан келиб чиқиб, хуқуқий тизим структурасини статик ва динамик жиҳатдан тавсифлаш мумкин.

Статик ҳолатда унинг таркибий қисмлари қўйида-гилардир: 1) юридик нормалар; 2) хуқуқий принциплар ва институтлар; 3) хуқуқий муассасалар йифиндиси; 4) хуқуқий ғоялар, қарашлар, тасаввурлар.

Динамик ҳолатда: 1) хуқуқ ижодкорлиги; 2) хуқуқни амалга ошириш (қўллаш жараёни); 3) хуқуқий муносабатлар; 4) хуқуқий тартибга солиш механизми; 5) хуқуқий тафаккур (хуқуқий онгнинг ривожи, ижтимоий ҳаётта фаол таъсири). Хуқуқий тизимнинг дина-

мик кўриниши бу мазкур тизим элементларининг ҳара-
катланиш жараёни, унинг мақсадли йўналиши ва пи-
ровардида кўрсатадиган самарасидир.

Шундай қилиб, жамият ҳукуқий тизими таркиби
куйидаги асосий элементларни киритиш мумкин:

- ҳукуқий нормалар йигиндиси (ҳукуқий тизим-
нинг ўзаги);
- ҳукуқий принциплар (раҳбарий ғоялар);
- ҳукуқ ижодкорлиги (ваколатли идораларнинг фа-
олияти);
- ҳукуқни амалга ошириш, қўллаш жараёни;
- ҳукуқий муносабатлар (ҳукуқий норманинг амал-
га ошиш шакли);
- ҳукуқий тартибга солиш механизми;
- юридик муассасалар тизими;
- юридик амалиёт (суд амалиёти, тергов амалиёти,
адлия амалиёти ва ҳ.к.);
- ҳукуқий онг (ҳукукий ҳодисаларнинг ижтимоий
онгдаги инъикоси);
- ҳукуқий сиёsat (стратегия);
- ҳукуқий мафкура (ғоявий-маънавий жиҳат);
- ҳукуқий маданият (ҳукуқий маънавият ва тарбия-
нинг ифодаси);
- қонунийлик мұхити ва ҳукуқий тартибот режими;
- ҳукуқнинг манбай (қонунчилик ва бошқа норма-
тив-ҳукуқий ҳужжатлар мажмуи).

Зикр этилган ҳукуқий воқеиликлар ягона бир тизим
ҳосил қилиб, ўзаро алоқадорликда, муносабатда бўла-
ди. Ҳар бир ҳукуқий институт (ҳодиса) қолганларининг
мавжуд бўлишини тақозо этади. Бу тизимдаги бир эле-
ментнинг ҳаракатланиши қолган элементларнинг ҳара-
катга келишига сабаб бўлади. Демак, **жамиятнинг ҳукуқий**
тизими — муайян маконда ва замонда амал қилаётган
ҳукуқий ҳодисалар, ҳукуқий принциплар, институт-
лар, нормалар ва ҳукуқий жараёнларнинг муштарак
бир бутунлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги ҳамда алоқа-
дорлиги бўлиб, уларнинг мақсадли ҳаракатланиши на-
тижасида ижтимоий муносабатларнинг юксак савияда
ҳукуқий тартибга солинишига эришилади. Ҳукуқий ти-
зим яхлит воқелик бўлиб, таркибий қисмларининг ўз-
аро ички алоқадорлиги, боғлиқлиги, мутаносиблиги,
изчиллиги ва барқарорлиги билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуқий тизимининг маз-
мун-моҳияти, уни ислоҳ қилиш ҳамда такомиллашти-

риш хусусида гап боргандা, аввало икки ўзаро уйқаш тушунча — “хуқуқий ислоҳотни таъминлаш” ва “ислоҳотларни хуқуқий таъминлаш” ибораларининг маъносини ойдинлаштириб олиш лозим. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар барча соҳаларни — иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, маънавий жабҳаларни қамраб олган. Ҳар бир йўналишда ислоҳотларни рӯёбга чиқариш учун тегишли хуқуқий базани яратиш, режалаштирилган ислоҳий тадбирларнинг хуқуқий механизмини вужудга келтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов “Ислоҳотимиз таъмийиллари” номли асарида шундай деган эди: “Биз, энг аввало хуқуқий асосни тайёрладик. Жамиятимизнинг асосий ақидалари, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган Конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилган. Биз қонунчилик базасини барпо этиб, бутун давлат тузилмасини ўзгартиридик. У бозор мақсадларига жавоб беради...”¹.

Юртимизда очиқ ва одил демократик давлатни қуриш, бозор муносабатларини вужудга келтириш халқаро эътироф этилган конституциявий ҳамда хуқуқий асосда амалга оширилмоқда. Бу асос иқтисодиётни ислоҳ қилиш, унинг кенг кўламда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви учун кучли хуқуқий кафолатлар ва шартшароитларни таъминлаб беради. Конституция ва мустақиллик йиллари мобайнида қабул қилинган заминдор қонунлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштиришнинг, жамиятни тубдан янгилашнинг қуратли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

“Биз ўзимиз учун қатъий хулоса чиқариб олдик,— дейди Президент Ислом Каримов, — демократик жамият, бозор иқтисодиёти сари бошланган ҳаракатнинг ортга қайтмаслиги ва барқарорлиги унинг хуқуқий асосларини шакллантиришга бевосита боғлиқдир. Мустаҳкам хуқуқий асос бўлгандагина, ўз умрини яшаб бўлган тузумни тўла ишонч билан қайта қуриш, ривожланган юқори самарали бозор иқтисодиётига эга янги жамиятни қуриш мумкин бўлади”².

Юқоридаги мулоҳазалар ислоҳотларни хуқуқий таъминлашнинг зарурлиги ва аҳамиятини тўла тасдиқлай-

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.: Ўзбекистон, 1996. 135-бет.

² Ислом Каримов Конституция тўғрисида / Тузувчилар А.Сайдов, У.Таджиханов. Т.: “Академия” ноширлик маркази, 2001. 116—117-бетлар.

ди. Шунга кўра, қабул қилинган қонунлар ва хуқуқий нормаларни уч йўналишда гурухлаш мумкин:

- сиёсий ислоҳотларни, давлат қурилишига оид фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш;
- иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш;
- суд ислоҳотларини, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари фаолиятини ислоҳ қилишни ҳуқуқий таъминлаш.

Бошқача айтганда, ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш деганда, барпо этилаётган демократик давлатчилик қурилишини, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни, мустақил суд ҳокимиюти қарор топишни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш механизмини ҳуқуқий расмийлаштириш назарда тутилади.

Бугунги кунда мамлакатда ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси вужудга келтирилди. Булар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ҳуқуқнинг асосий соҳалари манбаи бўлмиш 15 та кодекс, 400 дан зиёд қонунлар, 3000 га яқин Президент фармонлари, 5500 дан ортиқ Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий хўжжатлардир.

“Ҳуқуқий ислоҳотлар” ибораси замирида эса жамият ҳуқуқий тизимини ислоҳ этиш, уни маърифий дунё қадриятлари ва умум эътироф этган принциплар асосида демократик тарзда янгилаш тушунилади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасининг ўз ҳуқуқий тизими қарор топди. У вужудга келиш, шаклланиш ва такомиллашиш жараёнларини “бошидан” кечирмоқда. Айтиш жоизки, ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи барча ҳуқуқий институт ва ҳодисалар бирдек юксак маромда ривож топаётгани йўқ. Айрим элементлар жадал ривожланаётган бўлса (масалан, қонунчилик), бошқа элементлар сустроқ ривожланмоқда ёки ҳали эски шакл ва қолиплардан тўла халос бўла олгани йўқ (масалан, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳоказо). Бу эса ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий қисмлари тубдан ислоҳ этилиши, давр талабларига мослаштирилиши лозимлигини англагади.

Ҳуқуқий тизимнинг таркибий бўғинларини инобатга олган ҳолда ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари қуйидагича талқин этилиши мумкин:

1. Ҳуқуқий тизимни либераллаштириш (эркинлаштириш).

Мамлакатда шаклланаётган янги ижтимоий-сиёсий тузум ва бозор иқтисодиёти инфратузилмасига мос янгича хукуқий доктрина қарор топди. Мазкур доктрина умуминсоний, умумбашарий қадриятлар билан халқимизнинг бир неча минг йиллардан бери сайқалланиб келаётган тарихий, миллий ва маънавий қадриятларининг ҳамоҳанглиги асосида яратилди. Унга кўра, хукуқнинг ҳозирги замон талқини қуидагича: “хукуқ ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолат ва тенгликни вужудга келтириш воситасидир”¹.

Хукуқни бундай тушуниш ижтимоий-сиёсий ва хукуқий онгда туб бурилиш бўлиб, у ўзбек хукуқшунослиги назариясини адолат ва демократия гоялари асосида ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганини англатади. Бутунги кунда бутун дунё миқёсида хукуққа ва у билан боғлиқ барча ҳодисаларга баҳо беришда “либеритар” (яъни, эркинликни таъминлаш воситаси сифатида) ёндашув устувор мавқени эгалламоқда. Бу концепцияга асосан **хукуқ** – авваламбор, эркинлик ва адолат мезони, уларни таъминлаш воситаси, аҳоли хавфсизлиги ҳамда ҳар бир фуқаронинг мулкий мустақиллиги (дахлсизлиги)ни таъминловчи норматив тизимдир.

Мазкур доктрина икки асосий жиҳат билан таърифланади. Биринчиси, шахс эркинлиги ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини эркинлаштириш (либераллаштириш) бўлса, иккинчиси – адолат принципининг устунлигини таъминлаш, уни жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига сингдиришдан иборат. Мустақиллик йилларида эркинлик ва адолатни қарор топтириш борасида муайян ижобий натижаларга эришилди. Айниқса, адолат гоясининг ўз ифодасини топиши борасида иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида Президент И.А.Каримов томонидан сўзланган нутқда илгари сурилган амалий ташабbusлар катта қадам бўлди. Бунда адолат нормалари ва принциплари барча хукуқ соҳаларида қатъий ўрин эгаллашига эътибор қаратилди. Айниқса, жиноят хукуқи ва жазо тизимида адолат ўрнатилиши давлат билан фуқаро ўртасидаги ўта нозик жабҳани эркинлаштиришда муҳим қадам бўлди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятни маънавий соғломлаш-

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. Т.3. Т., 1996. 20-бет.

тиришда ҳокимият билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг гуманистик заминга эга бўлишида салмоқли аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, адлия, суд, жиноий жазо тайинлаш тизимини эркинлаштириш, унинг демократик, инсоний қиёфага эга бўлишига эришиш нафақат халқаро ҳуқуқ стандартларига, балки халқимизнинг руҳияти ва маънавий қадриятларига, саҳоватли табиати ва миллий менталитетига тамомила мосдир. Бутун ҳуқуқий тизимимизда рўй берадиган либералаштиришнинг асосий мазмуни – барча ҳуқуқий тақиқ ва чекловларни адолат нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, уларни оқилона мўътадиллаштириш, инсон шахсини таҳқирламайдиган мезонларни жорий этишдан иборат.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Нима сабабдан айнан ҳозирги кунда жиноят-ҳуқуқ сиёсатини, жазо тизимини эркинлаштириш йўли тутилди?

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, собиқ тоталитар тузум даврида жиноятчиликка қарши кураш сиёсати синфиийликка, ўзбошимчаликка, таъқибга, “мафкуравий душман”га қарши кураш никоби остида инсонни таҳқирлашга, унинг фурурини поймол этишга йўналтирилган эди. Ўша даврда шаклланган раҳмсиз, қаттиқўл жазолаш механизмининг қатор салбий иллатлари ҳали ҳам тўла барҳам топганий йўқ эди.

Иккинчидан, жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида шундай принцип устувор бўлиб келаётгани сабабли “жиноят” деб ҳисобланадиган ижтимоий муносабатлар доираси тобора кенгайиб бораверди. Мустақиллик даврида бунга муайян даражада чек кўйилган бўлса-да, бугунга келиб, қатор тадбиркорлик муносабатлари ёки иқтисодий-хўжалик фаолияти жиноят тоифасига кириб қолганлиги аён бўлди.

Учинчидан, ҳуқуқий амалиётда ва ижтимоий онгда “жиноят” тушунчаси бузиб талқин этиладиган бўлиб қолган эди. Содир этиладиган хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлийлик даражаси (моҳияти)дан кўра, иккинчи даражали жиҳатларига, ташкилий намоён бўлиш омиллари (шакли)га кўпроқ эътибор берилар эди.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги бундай номақбул сиёsat худди қор қуюни каби бир дунё ёмон оқибатларни юзага келтирдики, бу мамлакатда жиноятчилик кескин ўсишига сабаб бўлди.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши ижтимоий-хуқуқий вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. Конунчиллик моҳият эътибори билан тубдан ўзгарди, жиноятчиликка қарши кураш сиёсати эса демократлаштириш ва инсонпарварликка юз тутди. Бироқ тоталитар тузумнинг қолдиклари ва айрим андазаларидан бирданига кутулишнинг иложи йўқ эди. Улар ҳали маълум муддат хуқуқий соҳадаги ислоҳотлар орқасидан эргашиб борди. Қисқа илмий таҳлилда улардан фақат айримларинигина кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) жиноятчиликка қарши курашни амалга оширишда жиноятчиликни таг-томири билан бутунлай тугатиш мақсади ҳаққоний эмас. Жиноятчиликнинг ҳолати ва унга қарши кураш шарт-шароитларидан кўриниб турибдики, у баъзан самарали, баъзан эса бесамар ўтказилиши мумкин. Чамаси, жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиш ниҳоятда мураккаб ва тўла амалга ошмайдиган орзу бўлса керак;

2) жиноятчиликка қарши курашда қаттиқ, “кўркув солувчи” сиёsat юритиш ҳар доим ҳам самара беравермайди. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг: “Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринисиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда”¹, — деган сўзлари айни ҳақиқатdir. Бундан шундай холоса қилиш мумкинки, ҳар бир жиноят учун муайян жазо чораси илмий асосланган бўлиши лозим;

3) “жиноят олами”га кўпроқ одамларни тортиш жамиятнинг ижтимоий-психологик мұхитини ёмонлаштиради. Жиноий жазо — барча ижтимоий касалликларга даво бўладиган восита эмас. Айрим ҳолатларда у, даволашдан кўра ҳатто кўпроқ зарар келтиради. Зоро, у касалликни янада чукурроқ яшириши, уни керагидан ортиқ хавфли шаклга айлантириши мумкин. Катта ижтимоий хавф тугдирмайдиган қилмиши учун узоқ муддатта озодликдан маҳрум қилинган одамнинг жазони ўташ жойларидан дарғазаб, аламзада ва жамиятга нисбатан норози кайфиятда қайтиши табиий бир ҳолдир. Бундай шахсларни “қайта тарбияланди” ва “жамиятга соғлом руҳда қайтди” деб бўлмайди;

¹ Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигига // Халқ сўзи. 2001. 30 авг.

4) шахс ҳуқуқларини менсимаслик, писанд қилмаслик хавфли иллатдир. Собиқ совет тузумидан мерос бўлган бу салбий иллат туфайли жиноят қонуни, судлов ишлари ва жазоларни ижро этиш тизимлари шахс ҳуқуқи ва эркинликлари ҳимоясини етарлича таъминлай олмади. Инсон эрки ва ҳуқуқларига риоя қилинишини барча воситалар билан кафолатлаш мажбуриятини олган давлат идораларининг ўзи кўп ҳолларда уларни оёқ ости қилди, инсоннинг шахсий ҳаёти ва фаолиятига ноўрин аралашди. Қонун томонидан тантанавор эълон қилингандай бисизлик презумпцияси ҳар жойда бузилди, расмий-лигича қолиб кетди, унинг амал қилиши зарур механизм ва воситалар билан таъминланмади.

Юқорида кўрсатилган сабаблар давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида ислоҳотлар зарурлигини белгилаб берди. Бундан ташқари, жиноят ҳуқуқига оид сиёсатни эркинлаштириш зарурлиги ҳуқуқий тизимимизда юз берган инсонпарварлик ва адолат томон бурилиш билан, ўзбекона илдизларимиз ва миллий қадриятларимизга қайтиш билан боғлиқ.

Жиноят ҳуқуқига оид соҳани эркинлаштиришнинг бош мақсади – Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг VI сессиясидаги маъruzасида белгилаб берганидек, ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналиши инсон омили бўлиб, давлатнинг жиноятчиликка қарши курашдаги одил сиёсати орқали адолат ҳамда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат.

Маълумки, бу мақсадга куйидаги узвий масалаларни комплекс тарзда ҳал қилиш орқалигина эришиш мумкин:

биринчидан, давлатнинг жиноят ҳуқуқига оид сиёсатининг қонуний заминини яратиш борасида Олий Мажлис VI сессиясида амалдаги қонунларга жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи зарурий ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

иккинчидан, жиноят юстициясининг барча тизимларини қайта ташкил қилиш ва такомиллаштириш, унинг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш;

учинчидан, барча аҳолининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятнинг тўғри йўлдан адашган аъзоларига нисбатан юксак маданиятли, инсонпарварлик муносабатини шаклланти-

риш, жиноят ҳақида кўрсатув берган одамларни таъқиб қилмасдан, аксинча, уларга ёрдам бериш, уларнинг қонуний муҳофазасини таъминлаш.

Жиноят ҳуқуқига оид сиёсатни эркинлаштириш шахс эрки ва ҳуқуқларини устувор қадрият сифатида баҳолашни белгилаб берди. Дарҳақиқат, жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг ҳар қандай йўналиши мақсад-мазмунида инсон ва унинг манфаатларига эътибор мавжуд. Мазкур сиёсатнинг асосий мақсади – бутун жамиятнинг, хусусан, ҳар бир инсоннинг тинч ва осоишишта ҳаётини таъминлашдан иборат.

2. Қонун чиқариш жараёнини, бутун ҳуқуқ ижодкорлигини демократлаштириш.

Хўш, бу соҳада бугунгача қандай ютуқлар кўлга киритилди ва яна қандай долзарб масалалар бор?

Аввало, 1995 йилдан бошлиб қўппартияйилик асосида сайланган демократик парламент – Олий Мажлис қарор топди. Унинг таркибида ўз депутатларига эга бўлган сиёсий партияларнинг фракциялари шакланиб, улар қонунчилик жараёнига муайян жонланиш киритиб келмоқда. Парламент доирасида қонун лойиҳаларини икки марта ўқиши институти жорий этилди; умумхалқ муҳокамаси тўғрисида қонун қабул қилинishi орқали қонун лойиҳаларини кенг халқ оммаси томонидан муҳокама этишнинг ишончли ҳуқуқий механизми вужудга келтирилди; сессиядан олдин қонун лойиҳаларини вилоятлардаги парламент депутатлари ва фаоллар иштирокида муҳокама этиш амалиёти йўлга қўйилди; қонун ижодкорлигининг миллий ва халқаро йўналишдаги ахборот базаси кенгайди.

Ушбу йўналишда эътибор қаратиш лозим бўлган куйидаги муаммоли масалалар мавжуд:

— Ўзбекистоннинг қонунчилик (кенгроқ доирада олинадиган бўлса, ҳуқуқий ислоҳотлар дастури) стратегиясини аниқлаб, алоҳида расмий хужжат сифатида шакллантириш лозим. Қонуннинг предметини ташкил этадиган устувор муносабатлар кўламини аниqlаш;

— Қонун ижодкорлик жараёнининг социологик жиҳатларига эътибор қаратиш, қонун билан тартибга солиш эҳтиёжини ўрганиш ва шу асосда бўлғуси қонун ижодкорлиги ишларининг эмпирик базасини вужудга келтириш. Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис хузурида қонунчилик муаммоларини социологик тадқиқот

Этиш институтини ташкил этиш масаласи ўйлаб кўрилса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

— қонун лойиҳалари ишларини режалашибтириш ва прогнозлаш масалаларига жиддий эътибор қарा�тиш;

— қонунчилик техникасини такомиллашибтириш ва бу борада депутатларнинг тегишили малакасини ҳосил қилиш механизмини йўлга қўйиш лозим ва ҳоказо.

3. Ижтимоий ҳамма соҳаларида қонуннинг устунилигини таъминлаш. Қонуннинг мазмуни халқчил, инсонпарвар, демократик ва адолатли бўлишига эришиш, қонуннинг сифатини муттасил яхшилаб бориш ҳамиша ўз долзарблигини сақлаб қолади. Қонуннинг устунилигини таъминлашда куйидагиларга эришиш лозим:

— мазкур йўналишда, аввало, амалдаги қонунларнинг инсон ҳукуқларига оид халқаро ҳужжатларга мослашибтириш бўйича мунтазам ишни йўлга қўйиш ва шу мақсадда Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти фаолиятини янада фаоллашибтириш лозим;

— қабул қилинган ва энди яратиладиган қонунлар мазмунини “қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат этилади” (фуқаролар учун) ва “қонунда белгиланган нарсаларгагина рухсат этилади” (давлат идоралари ва мансабдор шахслар учун) принциплари асосида қайта кўриб чиқиш лозим;

— инсон ҳукуқлари ва эркинликлари устувор таъминланиши принципидан келиб чиқиб, қонунчилик мазмунидаги этатизмдан воз кечиш ва инсон манфаатларини ёқловчи ҳукуқий тартибга солиш механизмини жорий этишга босқичма-босқич ўтиш;

— Конституция ва қонунларнинг устунилигини таъминлашнинг юридик, ташкилий, маънавий-ахлоқий механизмларини вужудга келтириш. “Қонуннинг устуворлиги бизнинг ислоҳотлар моделимиздаги етакчи таомойилдир, — дейди Президент И.Каримов. — У ҳукуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қиласди”¹;

— қонунларнинг амал қилиш механизмини ва уларни аниқ ҳамда оғишмай кўллаш амалиётини жорий этиш лозим.

4. Бозор иқтисодиёти талабларини инобатта олган ҳолда ҳамда юридик техника қоидаларига риоя этган

¹ Ислом Каримов Конституция тўғрисида. 417-бет.

тарзда қонунчиликни системалаштириш, айниқса кодекслаштириш.

Хозирга қадар Мәҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Ер кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Оила кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа кодекслар қабул қилинди. Эндиги навбатда “Сув кодекси”ни қабул қилиш мўлжалланмоқда.

Бироқ барча кодексларимиз ва жорий қонунларимиз бозор муносабатларига тўла мослаштирилган дейишга ҳали эрта. Бу борадаги халқаро тажрибани пухта ўрганиш ва ўз миллий хусусиятларимизни эътиборга олган ҳолда қонунларимизни янада такомиллаштириш зарур бўлади.

Қонунчиликни системалаштириш билан бир вақтда қонуности норматив-ҳукуқий ҳужжатларнинг иерархиясида мутаносиблик ва батартибликни таъминлаш зарур. Идоравий норматив-ҳукуқий ҳужжатларнинг қонунга мослигини таъминлаш соҳасидаги ишларни давом эттириш ўринлидир. Маълумки, 1993 йил 17 июнь ва 1997 йил 9 октябрда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан Идораларнинг норматив-ҳукуқий ҳужжатларини Адлия вазирлигига рўйхатдан ўtkазишини такомиллаштириш чоралари белгиланди. Мана шу иккита қарор оралиғидаги даврда рўйхатга олинган норматив ҳужжатлар сони 398 тани ташкил этди. Иккинчи қарордаги асосий норма – агар умуммажбурий норматив ҳужжат Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтмаса, қонуний кучга эга эмас”, яъни кучга кирмайди, деган банд киритилгандан кейин бу талаб ижобий натижা берди. 1998—1999 йилларда 560 та норматив ҳужжат вазирлик томонидан рўйхатга олindi, 1100 дан ортиқ ҳужжат қонунга мос келмаслиги сабабли қайта кўриб чиқишига юборилди. Сўнгги уч йил — 2000-2002 йилларда 850 дан зиёдроқ норматив ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилиб, “ҳаётга йўлланма” олди¹.

5. Ҳукуқни муҳофаза этиш идоралари фаолияти ҳам демократик ислоҳотлар қамровига олинган.

2001 йил 29 августда Олий Мажлиснинг VI сессиясида “Прокуратура тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1999—2002 йиллардаги жорий архиви.

қабул қилинди. Бунда хусусан, прокуратура фаолиятида умумий назорат йўналиши чиқариб ташланди. Шунингдек, прокуратура энди ишларнинг судда кўрилиши чоғида қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат олиб бормайди, балки суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун хужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар суд томонидан кўрилаётганда иштирок этади.

2001 йил 26 марта Узбекистон Республикаси Президентининг “Узбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармон ИИВ барча тузилмалари фаолиятини аниқлаштириш ва такомиллаштиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Мазкур хукуқий хужжатларда прокуратура ва ички ишлар идоралари фаолиятида, айниқса, уларнинг тергов фаолиятида инсон хукуқлари ва манфатлари устувор таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди.

6. Шахснинг хукуқий муҳофазаланиши кафолатларини кучайтириш.

Бу масала барча давлат идоралари ва мансабдор шахсларга тааллуқли. Эътиборга молик жиҳати шундаки, сўнгги йилларда Узбекистонда инсон хукуқларини таъминлаш институтларининг муайян тизими вужудга келтирилди. Яъни Олий Мажлиснинг Инсон хукуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон хукуқлари бўйича Узбекистон Республикасининг Миллий маркази, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти ва ҳоказо.

Инсон хукуқлари бўйича Олий Мажлиснинг вакили (Омбудсман)нинг фаолияти йилдан йилга фаоллашиб ҳамда тобора самарали бўлиб бормоқда. Унинг фаолияти асосан қуйидаги йўналишларда намоён бўлаётir:

- Узбекистон Республикасининг инсон хукуқлари соҳасидаги қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат (мониторинг)ни амалга ошириш;
- фуқароларнинг инсон хукуқларига оид ариза ва мурожаатлари билан ишлаш;
- Омбудсманнинг минтақавий (вилоятлардаги) вакиллари фаолияти;
- Омбудсманнинг инсон хукуқлари бўйича миллий

институтлар ва нохукумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги;

— Омбудсманнинг ахборот-маърифий ва халқаро соҳадаги фаолияти.

Муайян тасаввур ҳосил қилиш учун Омбудсманнинг фуқаролар аризалари билан ишлаш фаолиятига диққатни жалб этайлик. Биргина 2001 йил мобайнида Омбудсманга 4472 нафар фуқародан ариза (шулардан 2530 та мурожаат почта орқали) келиб тушган. Булардан 1942 таси бевосита қабул чоғида тақдим этилган. Омбудсман жойларга чиқиб, Фаргона, Бухоро, Сирдарёда сайёр қабуллар уюштирган, бунда 850 нафар фуқародан ариза тушган.

Юқоридаги жами аризаларнинг 960 тасида ҳукуқ бузилиш ҳолатлари аниқланганлиги туфайли улар назоратга олинган, 660 та ариза бўйича тушунтириш ва консультациялар берилган. Омбудсманнинг саъй-ҳаракатлари билан 200 та мурожаат бўйича масала ижобий ҳал этилган. Қолган мурожаат ва аризалар тегишли давлат идоралари ҳамда ҳукуқни муҳофаза этувчи органларга йўлланган. Ҳисобот даврида 8 та мурожаат бўйича Омбудсман маҳсус текширув ўтказиб, 5 нафар мутасадди мансабдор шахсга инсон ҳукуқларига оид қонунчиликни бузганлиги сабабли огоҳлантириш эълон қилинган.

2001 йил давомида Омбудсман 10 та хulosа тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этган. Зеро, жами ариза-шикоятларнинг 54 фоизи суд ва тергов идоралари фаолиятига тааллуқлидир. Уларда ишларни кўриш муддатлари асоссиз равишда чўзилаётганлиги, сансалорликка йўл қўйилаётганлиги, тури суд инстанциялари қарорларида зиддият борлиги, тергов олиб боришда файриҳукуқий усуллар қўлланиши, тергов қилинувчиларнинг ҳимояга бўлган ҳукуқи бузилаётганлиги кўрсатилган. Фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий соҳадаги ҳукуқлари бузилаётганлигига ҳам эътибор қаратилган¹.

Эътироф этиш лозимки, Омбудсманнинг фаолияти фуқаролар учун фойдали бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, сўнгги йилларда республика Президенти ва ҳукуматининг ёш авлодга, болаларнинг ҳукуқий мақомини

¹ К а р а н г. Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг 2001 йилги ҳисоботи. Т., 2002. 3—4-бетлар.

янада мустаҳкамлашга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида Болалар ҳукуқлари бўйича маҳсус Омбудсман лавозими (институти) таъсис этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу ташаббуснинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳукуқлари” Конвенциясини (1989 йил 20 ноябрь) бажариш борасида ги фаоллигини янада оширган бўлур эди.

Шунингдек, Ўзбекистонда экология масалалари бўйича маҳсус Омбудсман лавозимининг таъсис этилиши ҳам давр талабига мос бўлиб тушган бўлур эди.

Фуқаролар ҳукуқларини муҳофаза этишда адвокатура алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларининг қабул қилиниши адвокатуранинг ҳукуқий мақомини бирмунча мустаҳкамлади. Аммо, фуқароларнинг ушбу конституциявий ҳукуқини амалда юксак савияда таъминлаш учун яна кўп ишлар қилинишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

7. Ҳукуқий ислоҳотни билимдон ва малакали кадрлар билан таъминлашнинг мукаммал тизимини ташкил қилиш. Ҳукуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта ўқитиб малакасини ошириш; ҳукуқшунослик фанини ривожлантириш ва илмий тавсияларни ҳукуқий ислоҳот манфаатларига, унинг самарасини оширишга хизмат қилдириш ўта муҳим вазифалардан биридир.

Хозирги пайтда Адлия вазирлиги қошида судьялар ва адлия идоралари ходимларининг малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузурида прокурор ва тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази фаолият кўрсатмоқда; Ички ишлар вазирлиги Академиясида раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш факультети иш олиб бормоқда. Бу борада таълим ва малака оширишнинг узлуксизлиги ҳамда мунтазамлиги таъминланишига катта эътибор берилмоқда.

8. Аҳолининг кенг қатламлари ичida ҳукуқий умумтаълимни жорий этиш. Миллий истиқбол руҳи билан суғорилган ҳукуқий мағкурани ва ҳукуқий маданиятни шакллантириш фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартидир. 1997 йил августидан бошлаб мамлакатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган “Жамиятда ҳукуқий маданиятни юксалтириш

миллий дастури” ҳаётга жорий этилмоқда. Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва унинг вилоятлар, туман ва шаҳарлардаги бўлинмалари фаол ишлаб турибди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши катта воқеа бўлди. Мақсад аҳолининг конституциявий ва умумий ҳуқуқий саводхонлигини оширишdir. Қонунни, унда мустаҳкамланган ўз ҳуқуқ ва бурчларини мукаммал билган ҳар бир шахс ўзини эркин ҳис этади, ўз қадр-қиммати учун ўзи мустақил кураша олади.

Қонун ва бошқа норматив ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ. Ҳуқуқий маданиятни ижтимоий онгга сингдириш ҳамда аҳолининг юриш-туриши ҳамда феълатворида тегишли кўникмаларни шакллантириш жўнгина уddaланадиган иш эмас. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш барча давлат идоралари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, маҳalla жамоалари, мактаб, оила, ўзини-ўзи бошқариш органларининг баҳамжиҳат, мақсадга йўналтирилган улкан маърифий-ташкилий фаолияти натижасида амалга ошадиган ишdir.

Ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиш савияси ва самараси билан белгиланиши яхши маълум. Бозор иқтисодиёти сари бораётган йўлимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, бундан келиб чиқадиган муҳим сабоқ шуки, қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришни ўрганиб олишимиз керак. Бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига хурмат билан мурносабатда бўлишни ўрганиш лозим¹.

9. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судловни демократлаштириш, суд-ҳуқуқ ислоҳотини амалга ошириш.

Суд ислоҳоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамия-

¹ Ислом Каримов Конституция тўғрисида. 94-бет.

ти умумий шаклланиш жараёнининг ажралмас таркибий қисмидир. Суд-хукуқ ислоҳоти мамлакатда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари билан teng, мустақил кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришнинг муҳим омилидир.

Суд ҳокимияти — уч ҳокимиятнинг бири, унинг юксак нуфузи жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳукуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир. Зеро, суд ҳокимиятининг вазифаси — фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини, мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро қилиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолат учун курашишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда 257 нафар суд мавжуд. Улардан 215 нафари туман ва шаҳар судлари, 14 таси вилоят ва уларга тенглаштирилган судлар, 14 нафари вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари, 11 нафари ҳарбий судлар, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судларидир. Бу судларда жами мингта яқин судья фаолият юритади.

Мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тақсимланишининг реал жорий этилиши билан том маънода чинакам суд ҳокимияти қарор топишига йўл очилди. Бу ўринда ўта муҳим нарса — суднинг давлат ҳокимиятининг бир бўгини сифатида тегишли қатъий ваколатлар соҳиби эканлигини тан олишдир. Жамият ижтимоий онги суд ҳокимиятини эътироф этиши, унга кўнизиши лозим. Суд ҳокимияти давлатнинг муайян судлов сиёсатини шакллантиради ва рўёбга чиқаради. Судлов сиёсатининг асослари қонунда ўз аксини топади ва суд муассасалари фаолияти орқали ҳаётга татбик этилади.

Ўзбекистонда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Одил судловни жорий этиш, мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суд-хукуқ ислоҳотини амалга ошириш мавзуси Ўзбекистон Президенти нутқларида такрор-такрор таъкидлаб келинади. Масалан, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчي (1995 йил 23 февраль) сессиясида И.А.Каримов шундай деган эди: “Ҳукуқий маданият

даражаси фақаттинга қонунларни билиш, хуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир”¹.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида (1995 йил 21 декабрь) Юрганчимиз қўйидаги мулозаҳаларни билдири: “Суд — ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир. Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир... Мамлакатимизда суд тизимини тубдан ислоҳ этиш юзасидан кўп ишлар қилинди. Лекин бу соҳада ва айниқса кишиларнинг онгини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан муносабатини ўзгартириш борасида яна кўп ишларни бажаримиз лозим”².

Маълумки, собиқ тоталитар тузум шароитида суд маъмурий-қўмандонлик тизимининг тўқмоғига айлантирилган эди. Одамлар кўз ўнгидаги суд жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи орган сифатида гавдаланди. Эндиги ислоҳотларнинг бош вазифаси эса судни адолат ва ҳақиқат посбонига айлантиришдан иборат. Пировардида судга муносабат тубдан ўзгариб, унга ҳурмат шакланиши лозим. Бу ўринда қўйидаги сўзлар муҳим методологик, йўналтирувчи аҳамиятга эга: “Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча уларнинг ҳақ-хуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиласидиган орган деб билиши керак.

Бу ўта муҳим... Одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиши керак”³. Бунинг учун суд органлари фаолиятининг хуқуқий асосларини қадам-бақадам такомиллаштириб бориш зарур. Мазкур хуқуқий асос суд ва судьяларнинг ҳокимиятнинг бошқа барча тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунишини таъминлаши лозим. Бу хуқуқий асос де-

¹ К а р и м о в И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т. 1996. 22-бет.

² К а р и м о в И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. Т. 1996. 185-бет.

³ Ўша жойда. 186-бет.

мократизмни, холисликни, суднинг ҳаммабоп бўлишини, ҳимоя доираси кенгайишини таъминлаши лозим.

Ислоҳотларга сабитқадамлик баҳш этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши 1996 йил 5 апрелда “Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотини янада ривожлантириш дастури тўғрисида” қарор қабул қилди ва тегишли Дастурни тасдиқлади¹. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоялашни кучайтириш ва кенгайтириш; суд тизими ни демократлаштириш ва суднинг обрўсини ошириш; суд ислоҳотига оид бошқа ташкилий-ҳуқуқий масалалар бўйича тадбирлар, уларни амалга ошириш учун масъул идора ва шахслар, тегишли муҳлатлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида (1996 йил 29 август) суд-ҳуқуқий ислоҳотларнинг боришига янада жиддийроқ эътибор қаратилди. Жумладан, давлатимиз бошлиги қуйидаги сўзларни айтди: “Суд ислоҳотини чукурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш-ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг... муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи лозим...

... Судларнинг тарқибини тақомиллаштириш, уларни янги тузилмалар билан тўлдириш зарур. Шу мақсадда транспорт ва солиқ судларини тузиш, холис ҳакамлар судлари (третейский суд) имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим”². Шунингдек, мазкур сессияда Ўзбекистон судьялари уюшмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. № 3. 47-модда.

² К а р и м о в И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. Т., 1997. 126—127-бетлар.

Тез орада, яъни 1997 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси ташкил топди. Тасис мажлиси Ассоциациянинг Уставини қабул қилди. Ушбу хужжат 1997 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди. Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси Ўзбекистон Республикаси судьяларининг ихтиёрий жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Унинг асосий мақсади ва вазифалари қуидаги лардан иборат:

- суд-хукуқ ислоҳотини ўтказишда фаол иштирок этиш;
- одил судловни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш борасида судьяларни кўллаб-куватлаш, уларни турли тазииклардан ҳимоя қилиш;
- судлар мустақиллигини кучайтириш ва суд ҳокимиётининг бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш;
- судьяларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий таъминотини яхшилаш ва рағбатлантириш масалалари юзасидан ваколатли органларга таклиф киритиш;
- одил судловнинг сифати ва самарадорлигини ошириш масалаларини кўришда иштирок этиш;
- суд фаолиятига фан-техника ва илгор тажриба ютуқларини жорий қилишга ёрдамлашиш;
- судьялар, судьяликка номзодлар учун ўкув ва амалий машғулотлар ташкил қилишга ёрдамлашиш;
- амалиётдан келиб чиқсан ҳолда аҳоли ўртасида қонунларни тарғиб қилиш ишларида иштирок этиш.

Парламентимизнинг 1999 йил 14 апрелида бўлиб ўтган XIV сессиясида мамлакатдаги суд-хукуқ ислоҳотини чукурлаштириш масалалари таҳлил этилди. Асосий эътибор суд жараёнида адвокатларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик базасини тақомиллаштиришга қаратилди: “Ҳар қандай суд жараёнида, жиной иш кўрилаётган бўлса ҳам, фукаролик иши кўрилаётган бўлса ҳам, бир томондан айловчи, иккинчи томондан тенг хукуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади.

Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонуний хукукларга, ўз виждонига амал қилиб, айловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини холисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишида адолатли, қонуний хукм чиқаради.

Бундан хulosса қилиб айтиш керакки, суд тизимини

ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак.

Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳукуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиласидан бўлади”¹.

Сессияда илгари сурилган вазифаларни тез ва самарали ҳал этиш, суд ислоҳотини жадаллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши қарори билан Суд-ҳукуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди. Бу Комиссия хусусан судларни ихтисослаштириш ҳамда судда апелляция тартибида иш кўриш ҳақида таклифлар киритди. Бу таклифлар 2000 йил давомида қонунчиликка киритилган тўлдиришларда ўз ифодасини топди².

Суд-ҳукуқ ислоҳотларининг бориши масаласи иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг (2000 йил 22 январь) I сессияси дикқат марказида бўлди. “Хокимиётнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсуншишини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиши керак, — деб таъкидлади Президент И.А.Каримов. — Суд жараёнида айлов ва ҳимоянинг тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор.

Суд ислоҳотини ўtkазиш жараёнида жиноий ва фуқаролик ишларини кўрувчи судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш ва бу масалаларни ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш зарур.

Бу, албатта, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди”³.

Илгари сурилган масалалардан бири бажарилди, яъни судларни ихтисослаштиришга бағишлиланган ҳужжат — “Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Президент фармони (2000

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., 1999. 29–30-б.

² Карапан г. “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Ҳўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Халқ сўзи. 2001. 17 янв.

³ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. Т. 2000. 344-6.

йил 14 август) қабул қилинди. Фармонга кўра, судларни ихтисослаштириш мақсадида 2001 йил 1 январидан эътиборан умумий юрисдикция судлари замирида Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманларо судларини тузишга, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг жиноий ишлар бўйича Олий суди, жиноий ишлар бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) судларини тузишга қарор қилинди. Мазкур суд тизими янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонунда (2000 йил 15 декабрь) ўз тасдигини топди. Қонунга киритилган янгиликлардан яна бири — Адлия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича департамент тузилди. Департамент директори ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринbosари ҳисобланади.

2001 йил 19 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармон билан мазкур комиссия тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди. Комиссия суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини, суд кадрларини танлаш ва жойжойига қўйиш принципларини янада демократлаштиришни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги доимий ишловчи орган ҳисобланади.

Комиссия зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьяларини танлаш ва лавозимларга тавсия этиш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туманларо, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судларнинг судьяларини лавозимларга тақдим этиш вазифалари юклатилди¹.

Суд қарорларининг бажарилишида сусткашликка йўл

¹ Каранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисидаги фармоннинг 3-банди.

кўйилиши суднинг обрўсига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Суд фаолиятидаги ана шу заиф нуқтага ҳам тегишли эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчى сессиясида қабул қилинган “Суд қарорларини ижро этиш тўғрисида”ги қонун ана шу камчиликни бартараф этишга йўналтирилган. Амалдаги маъмурий ва жиноят қонунчилигимизда судга ҳурматсизлик қилиш ёки суд қарорлари бўйича тегишли чораларни ўз вақтида кўрмаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд унда кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслик, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача жарима солишга сабаб бўлади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 118-моддаси).

Мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасдан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўскىнлик қилиши, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-моддаси).

Юқорида баён этилган барча ижтимоий-сиёсий, ҳукуқий ва ташкилий чора-тадбирлар жамиятимизда суднинг юксак нуфузини таъминлашга, унинг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Мустақил, холис, демократик суд тизимини вужудга келтириш пировардида инсон манфаатларига, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини кафолатли муҳофаза этишга хизмат қиласи.

Шундай қилиб, ҳукуқий тизим соҳасидаги ислоҳотлар катта масъулият талаб этади. Ислоҳотлар ҳукуқий тизим таркибига кирувчи барча бўғинларни қамраб олади. Демак, ҳар бир бўғинда рўй бераётган ўзгариш ва жараёнлар ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ҳукуқий ислоҳотларга кенг қамровли ва комплекс ёндашиш лозим. Ана шундагина ислоҳий куч гайратимиз ва ижодий фаолиятимиз ижобий самаралар беришига умид боғлаш мумкин.

2.5. Конституция ва инсон ҳуқуқларининг устуворлиги

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда инсон ҳуқуқлари устуворлиги, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-ҳуқуқий алоқадорлиги ҳамда масъуллиги принципларига асосланувчи тамомила янги концепцияга таянгандир.

«Инсон ҳуқуқлари» категорияси илк бор конституциявий даражада мустаҳкамланиб, Асосий қонунимизнинг муқаддимасидаёқ ўз таъкид ва тасдигини топди. Шахс ҳуқуқий мақомига оид янги концепциянинг энг муҳим хусусияти шундаки, у конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби сифатида ҳар бир конкрет инсонни тан олади. Агар собиқ совет тузуми даврида давлат ва жамоанинг манфаати фуқаро манбаатларидан устун қўйилган бўлса, энди қадриятлар тизими инсон фойдасига ўзгарди. Мамлакат Президенти И.А.Каримов Асосий қонунимиз қабул қилиниши муносабати билан парламент XI сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, фоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда ... жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — **инсон** деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда **«Фуқаро — жамият — давлат»** ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»¹. Бундан кўриниб турибдики, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий ҳаётда инсон (фуқаро) ҳақ-ҳуқуқлари ва манбаатлари устувор мавқега эга бўлади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади (Конституциянинг 14-моддаси).

Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқлари фоялигига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларини тан олиш, мамлакат фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: Ўзбекистон, 1996, 124-бет.

шунингдек, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжи-ҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди. Конституция инсон (фуқаро) билан давлатнинг ўзаро муносабатлари кўламини, ижтимоий ҳаёт асосий соҳаларига давлат аралашувининг чегараси ва характерини белгилаб берди. Энг муҳими — конституция инсоннинг фундаментал хукуқ ва эркинликларига олий юридик мақом баҳш этди. Давлат ҳокимияти ўз фаолиятини шундай ташкил этиши режалаштирилганки, унга кўра — инсон давлат механизмининг оддийгина унсиз мурвати эмас, балки сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчиси, ижтимоий тараққиётнинг бош мақсади, жамиятнинг эзгу тилаги ва олий қадриятидир.

Конституциямиз инсон талқинига, инсон қадр-қимматига том маънода ўзбекона, шарқона ёндашган, дейиш мумкин. Инсонни эъзозлаш, унинг дунёдаги энг олий неъмат эканлигини таъкидлаш шарқ адабий, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий меросида катта ўрин тулади. Фикримизни далиллаш учун биргина Умар Хайёмнинг ушбу рубоийсини эслаш кифоя:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қароси, жавҳари ҳам биз.
Тўтарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

Мазкур шеърий мисраларда ифода этилган инсонни улуғловчи, қадрини сарбаланд қилувчи теран маъно, адолатли ғоя Конституциямизнинг 13-моддасида ўзининг қўйидагича юридик талқинини топган: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқлари олий қадрият ҳисобланади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ва фуқаронинг асосий хукуqlари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлими «Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг (1948 йил 10 декабрь) барча принцип ҳамда қоидаларига тўла-тўқис мувофиқдир. Агар Умумжаҳон декларациясининг ички мазмuni, унда эътироф этилган хукуқ ва эркинликлар кўламига эътибор берадиган бўлсак, уларни тўрт йўналишга ажратиш мумкин:

а) табиий ҳамда умуминсоний хукуқ ва эркинликлар;

- б) умумфуқаровий шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар;
- в) сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар;
- г) иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақил давлат сифатида дунёдаги демократик давлатлар каби ўз фуқаролари учун Декларацияда санаб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни зиммасига олди.

Мазкур сиёсий ирода, қатъий азм-ихтиёр мамлакатимиз Конституциясида ўз аксини топди. Конституцияда инсон (фуқаро) ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларига оид умумий қоидалар (18—22-моддалар); шахсий (шу жумладан инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари) ҳуқуқ ва эркинликлар (24—31-моддалар); фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари (32—35-моддалар); иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (36—42-моддалар); инсон ҳуқуқлари ва Эркинликларининг кафолатлари (43—46-моддалар) мустаҳкамланган. Умумий қоидаларни ҳисобга олмагандан Асосий қонунимизнинг 23 та моддасида (яъни, 24—46-моддалар) инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилган. Конституциянинг атиги олтига моддасида (47—52-моддалар) фуқароларнинг бурч ҳамда мажбуриятлари ифодаланган.

Бир сўз билан айтганда, Асосий қонунимизда мустаҳкамланган фуқаровий ҳуқуқ ва эркинликлар кўлами (рўйхати) инсон ҳукуқлари устуворлиги принципи конституциявий даражада акс эттирилганлигининг ёрқин ифодасидир. Аслида, Конституция инсон учун яратилган ва у инсон манфаатларига хизмат қўлмоқда.

Шу тариқа инсон ҳукуқларининг янги концепцияси ўзбек конституциявий қонунчилигида ўз юридик тасдифини топди. Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар шахс ҳукуқий мавқеининг, фуқаролар ҳукуқий мақомининг асосини ташкил этади. Давлат билан фуқаронинг ўзаро муносабатларини белгилашда фуқаронинг ҳукуқий мақоми муҳим ўрин тутади. Зоро, фуқаронинг ҳукуқий мақоми деганда, унинг муайян сиёсий-ҳукуқий ҳолатини белгилаш мақсадида давлатнинг қонунларида мустаҳкамланган ҳукуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар йиғиндиси тушунилади. Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий-ҳукуқий мақоми қўйидаги асосий хусусиятлар билан тавсифланади:

- конституциявий-ҳукуқий мақомни белгиловчи

хуқук, эркинлик ва мажбуриятлар ҳар бир шахс учун тенг бўлиб, ҳар ким ўрнатилган хуқуқлардан фойдаланишда ва мажбуриятларни ўташда тенг юридик имкониятга эга;

— конституциявий ва бошқа хуқуқий нормаларда мустаҳкамланган хуқук, эркинлик ва мажбуриятлар давлат томонидан кафолатланади, муҳофаза этилади; уларни амалга ошириш давлат ва фуқаролар томонидан бирдек масъулият билан таъминланади;

— конституциявий хуқук, эркинлик ва мажбуриятлар ҳар бир шахс, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаси назаридан баҳоланади ҳамда кафолатланади;

— фуқаронинг хукуклари, эркинлик ва мажбуриятлари муштарак бир тизим сифатида мавжуд бўлиб, жамият ҳамда ижтимоий муносабатлар ривожлангани сайнин улар мутаносиб тарзда кенгайиб ва мазмунан теранлашиб боради;

— конституциявий хуқук, эркинлик ва мажбуриятлар жамият ва давлат тараққиётининг ҳар бир босқичида унинг зарурӣ шарти, шунингдек, шахснинг ҳар томонлама изчил камол топишига қатъий замин бўлиб ҳисобланади;

— конституциявий хуқук, эркинлик ва мажбуриятлар, бир томондан, давлатнинг моҳияти ва табиатини, иккинчи томондан, жамиятнинг маданий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий етуклик даражасини акс эттиради;

— конституциявий хуқук, эркинлик ва мажбуриятларга ижтимоий-иқтисодий вазифасига кўра муштарак ягоналиқ, тизимлилик ва бир бутунлик сифатлари хос.

Конституциявий-хуқуқий мақом юксак ижтимоий қадрият даражасидаги хуқуқий воқелик бўлиб, шахснинг жамиятдаги, фуқаронинг давлатдаги нуфузли ўрнини, аҳамияти ва қадр-қимматини акс эттиради.

Фуқароларнинг конституциявий хуқук ва эркинликлари, кенгроқ маънода гапирадиган бўлсак — шахснинг хуқуқий мақоми муайян принципларга таянади. Ушбу принциплар универсал хусусиятга эга бўлиб, улар қаторига қўйидагилар киради:

1) инсон ва фуқаронинг хуқук, эркинлик ва мажбуриятлари **тенглик** ҳамда **тенг хуқуқлилиқ** асосида амалга оширилади. Бу принцип Конституцияда уч жиҳатдан таърифланган: барча фуқароларнинг қонун ва суд ол-

дида тенглиги; фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларининг тентлиги; эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳукуқлиги;

2) Конституциявий ҳукуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги уларнинг алоҳида принципи саналади. Жумладан, Асосий қонуннинг ўзида ёзилишича, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар (2-модда); демократик ҳукуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади (13-модда, II қисм); фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб кўйилган ҳукуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб кўйишга ҳеч ким ҳақли эмас (19-модда); Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг кафилидир (93-модда). Президентнинг бу борадаги кафиллиги реал мазмунга эга. Президент И.А.Каримов ташабуси билан Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ I сессиясида Инсон ҳукуқлари бўйича парламент вакили (Омбудсман) сайланди. Президентнинг 1996 йил 31 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳукуқлари бўйича Миллий маркази ташкил этилди. Шунингдек, ҳар бир шахсга ўз ҳукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳукуқи кафолатланади (44-модда);

3) инсонларнинг ажралмас ҳукуқлари мавжуд, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари чекланишига йўл кўйилмайди. Мазкур принцип инсонга туғилишидан табиатан тегишли бўлган, унинг ажралмас ҳукуқ ва эркинликлари давлат томонидан тан олинишидан келиб чиқади. Давлат фуқароларнинг конституциявий ва қонунларда мустаҳкамланган ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-модда). Фуқароларнинг ҳукуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатлар амал қилишининг мажбурий шарти — уларнинг матбуотда эълон қилинишидир (83-модда). Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари фақат жамият ҳамда давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан, аҳолининг сиҳат-саломатлиги, халқнинг ахлоқи ва маънавияти, ижтимоий тартибот манфаатлари нуқтаи назаридантина қонунда белгиланган кўлам ва даражада

чекланиши мумкин. Бироқ, фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи, шахсий қадр-қимматини муҳофаза этиш ҳуқуқи, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи, виждан эркинлиги ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи кабилар чекланиши мумкин эмас;

4) **ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги принципи.** Шахс нафақат муайян ҳуқуқ ва эркинликлар эгаси, балки мажбуриятлар соҳиби ҳамдир. Турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлмиш фуқаро фақат ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб қолмасдан, жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятлар ҳам ўтайди.

Ҳар қандай субъектив ҳуқуқнинг рўёбга чиқиши унга мутаносиб юридик мажбуриятнинг адо этилиши билан боғлиқдир. Фуқаронинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг бунга монелик қўлмаслик мажбурияти билан таъминланади. Конституциянинг 20-моддасида таъкидланишига кўра, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар рўйхати инсоннинг яшаш ҳуқуқи билан бошланади. «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», — дейилади Бош қомусимизнинг 24-моддасида. Мазкур ҳуқуқ — инсоннинг энг асосий ҳуқуқи, унинг муносиб ҳаётининг кафолатидир. Инсон ҳаёти беназир неъматдир. Гап инсоннинг жисмонан мавжуд бўлиши, амал-тақал кун кечириши ҳақида бораётгани йўқ. Конституцияга кўра, давлат инсон яшashi учун муносиб шарт-шароитни яратиб бериши лозим. Давлат шахс ҳаёти ва қадр-қимматини муҳофаза қилиши шарт. Яшаш ҳуқуқи инсоннинг асосий табиий ҳуқуқларидан биридир. Буни таъминлаш учун давлат идоралари ва жамият структураларининг кенг кўламли серқирра фаолияти талаб этилади. Давлат мўътадил социал сиёsat юритиш, қирғинбарот урушлардан бош тортиш, шахсга қарши жиноятчилик билан қатъий курашиш, ҳар кимнинг қурби етувчи тиббий хизматни ташкил этиш, аҳолига мақбул экологик мұҳитни таъминлаш кабилар орқали инсоннинг яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқаради.

Шахсий хукуқлар тизимида инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги, турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлари сир сақланиши хукуқлари алоҳида ўрин тутади. Асосий қонунимиз ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик хукуқини кафолатлади. Ҳеч ким қонунсиз равишда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас (26-модда). Шунингдек, ҳеч ким қийноқقا солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тайзиққа дучор этилиши мумкин эмас (26-модда).

Шахс дахлсизлиги табиий хукуқлар силсиласига кириб, ҳеч ким зўрлик билан унинг эркинлигини чеклашга, шахсни камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этишга ҳақли эмас. Шахсий дахлсизлик айбсизлик презумпцияси билан узвий боғлиқ. Айбсизлик презумпцияси принципига мувоғиқ, жиноий ёки маъмурий қонунбузарликда айбланаётган шахс ўз айбсизлигини ўзи исботлашга мажбур эмас. Буни давлатнинг масъул мутасадди идора ва шахслари ўз зиммасига олади. Яъни, суд, прокуратура, тергов идоралари ва уларнинг ходимлари қонунда белгиланган тартиб ҳамда усуслар воситасида айбдор шахснинг айбини аниқлаш ва исботлашга масъулдирлар. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Айбланувчи ҳимояланиш хукуқи билан таъминланади. Тергов ва суд жараёнининг ҳар қандай босқичида ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш хукуқи кафолатланади. Бу конституциявий қоидалар Узбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Адвокатура тўғрисидаги қонун, Адвокатлик фоалиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонунлар билан таъминланади ва ҳаётта жорий этилади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз шаъни, қадр-қиммати ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралashiшдан ҳимояланиш хукуқига эга. Мазкур хукуқлар лозим бўлган тақдирда суд орқали амалга оширилиши, муҳофазаланиши ҳамда тикланиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Фуқаролик кодексининг янги бир қоидасига кўра, шахс

қадр-қиммати ва шаънига етказилган маънавий зарарни ҳам моддий қийматда суд орқали ундириши мумкин (1022-модда).

Тураг жой дахлсизлиги ҳукуқи фуқароларнинг алоҳида конституциявий ҳукуқларидан бири ҳисобланади. Амалдаги қонунчилик бу ҳукуқни реал амалга ошириш ва кафолатли таъминлашнинг механизмини мустаҳкамлаб кўйган. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бирорвнинг тураг жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланганидек, фуқаронинг тураг жойида тинтуб ўтказиш ёки уни уй-жойидан мажбурий тарзда кўчириш учун суднинг қарори бўлиши шарт (158—159-моддалар).

Конституциянинг 28-моддасида давлатимиз фуқароларининг республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистонга келиш ва ундан чиқиб кетиши ҳукуқи мустаҳкамланган. Фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш ҳукуқи Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 6 январда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши Тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорда тартибга солинган. Қарорда таъкидланишича, Ўзбекистон ҳудудида қонуний тарзда яшаб турган барча шахслар эркин ҳаракатланиш ва тураг жойни эркин танлаш ҳукуқига эгадирлар. Шунингдек, улар республикадан ташқарига эркин тарзда чиқиш ҳамда унга бемалол қайтиб келиш ҳукуқидан фойдаланадилар.

Фуқароларнинг конституциявий ҳукуқий мақоми тизимида сўз ва эътиқод эркинлиги муҳим ўрин тутади. Демократиянинг бу шартлари ҳар қандай маърифий жамиятда ўз чегара, меъёр ва мезонларига эга бўлади. Масалан, фикр айтиш, сўз эркинлигини кафолатлаш билан бир қаторда урушни тарғиб қилиш, миллий ва диний адоват уйғотишни келтириб чиқарувчи тарғибот ва ташвиқот юритиш чекланади. «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳукуқига эга», — дейилади Конституциямизнинг 29-моддасида. Шунингдек, бу модда ўзининг қуйидагича мантиқий давомига эга: «Ҳар ким ўзи истаган ахборотни олиш ва уни тарқатиш ҳукуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа

чеклашлар бундан мустаснодир». Шу билан бирга, давлат сири ва шу тоифадаги бошқа сирларга оид ахборот қонунда белгиланиб, улар фикр ва сўз эркинлиги хуқуқининг мавзуини ташкил эта олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида урушни тарғиб қилганлик учун (150-модда), мавжуд конституциявий тузумни ўзгартиришга даъват этганлик учун (159-модда) жиноий жавобгарлик белгиланган.

Сўз эркинлиги қонун лойиҳаларининг муҳокамаларида, реферундумларда, Президент ва парламент сайловларида, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари умумий йиғинларида иштирок этиш ҳамда ўз фикрини ифодалаш имконини беради. Фикр ва сўз эркинлиги фуқаролар томонидан якка тартибда ҳамда жамоат тарзида амалга оширилиши мумкин. Масалан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда (1996 йил 26 декабрь) мустаҳкамланганидек, маслаги ва манфаатлари бир бўлган фуқаролар ихтиёрий равишда сиёсий иродасини билдириши, ҳокимият органларини шакллантиришда қатнашиши мумкин.

Ахборот ва маълумот олиш эркинлиги ҳам ҳокимият билан фуқаро ўргасидаги ўзаро алоқадорликнинг муҳим бўғинларидан биридир. Мамлакатимиздаги барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг хукуқ ва манфаатларига даҳлдор бўлган хужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим (Конституциянинг 30-моддаси). Бу хукуқ мутасадди ташкилот ва шахслар томонидан таъминланмаган тақдирда фуқаро судга мурожаат қилиши мумкин.

Фуқаровий хукуқ ва эркинликлар ичида инсоннинг ички маънавий дунёсига, унинг руҳиятига алоқадор бўлмиш виждан ва эътиқод эркинлиги алоҳида эътиборга молик. Инсон ўз дунёқарашини, эътиқоди, ахлоқи ҳамда маънавиятини ўзи ҳеч кимнинг тазиикисиз, айниқса, зўравонлигисиз танлаб олиши лозим. Унинг хоҳиши-иродаси ҳурмат қилиниши шарт. Бу сатрлар юртбошимиз И.А. Каримовга тегишли. Давлатимизнинг виждан эркинлиги борасидаги нуқтаи назари ана шу қоидадан келиб чиқади. Мазкур муносабат Асосий қонунимизнинг 31-моддасида ўзининг қўйидагича ифодасини топган: “Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолат-

ланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳукуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл кўйилмайди».

Виждан эркинлиги ва эътиқод хурлигини кафолатловчи конституциявий қоидани амалда таъминлаш мақсадида давлат «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (1998 йилдаги янги таҳрирда) қонун қабул қылган. Унда мазкур ниҳоятда муҳим ҳамда нуфузли ҳукуқни рўёбга чиқаришнинг бир бутун тизими (механизми) яратилган. Виждан эркинлиги — бу инсоннинг фикрлаш ва ўз эътиқодига мос хатти-ҳаракат қилиш ҳукуқидир; бу унинг ўз фаолиятини ахлоқан баҳолаш ҳамда ўз ҳаракати ва фикрини ўзи назорат қилиши бобидаги мустақиллигидир. Қонун ҳар бир фуқарога мустақил равишда, бирон-бир мажбурлашсиз ўзининг динга муносабатини белгилаш имкониятини беради. Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишга, диний расмруслар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилайтган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл кўйилмайди.

Юқорида зикр этилган эркинликларни амалга оширишга тўсқинлик қилиш қонунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Айни вақтда, диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришида, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликини бузишида, бўхтон, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишида, аҳоли ўргасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамиятга ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл кўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиҳоятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа гарали мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

Сиёсий ҳукуқ ва эркинликлар фуқаролар конституциявий ҳукуқларининг алоҳида тоифасини ташкил этади. Улар шахснинг давлат фуқароси сифатидаги юридик мақомини мустаҳкамлайди; фуқаронинг давлат ҳаётида иштирок этиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш тартиботларини белгилайди. Сиёсий ҳукуқ ва эркинликлар шахсий ҳукуқ ва эркинликлар-

дан фарқли ўлароқ, шахс автономияси (мустақилиги)ни эмас, балки унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол киришиш шарт-шароитларини белгилайди. Сиёсий ҳукуқлар ҳар кимга эмас, балки фақат фуқароларга берилади; фуқароларнинг давлат билан муносабатини тартибга солади, бу муносабатларнинг принципларини ўрнатади. Сиёсий ҳукуқ ва эркинликларнинг аҳамияти шундаки, уларнинг ҳолати ва мазмунига қараб конституциявий тузум асослари мустаҳкамлигига, унинг демократиклигига, аҳоли сиёсий маданияти юксаклигига баҳо берилади.

Сиёсий ҳукуқ ва эркинликлар доирасига, аввало, сайлов ҳукуқлари киради. Зеро, сайловлар йўли билан Ўзбекистонда давлат ҳокимияти идоралари шакллантирилади. Сайлов ҳукуқи билан узвий ҳолда Конституция аҳолининг референдумда (умумхалқ овоз беришида) иштирок этишини ҳам назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳукуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади (Конституциянинг 32-моддаси).

Ҳар қандай ҳамжамият, уюшма аъзосининг, шу жумладан давлат фуқаросининг, умумий ишларни бошқаришда иштирок этиши — демократиянинг бевосита ифодасидир. Фуқаронинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши принципи Ўзбекистон сиёсий тизимининг марказий қоидаси ҳисобланади. Бу принцип халқ суверенитети ва халқ ҳокимиятчилиги принципларининг узвий давомидир. Халқ — ҳокимият манбай бўлса, фуқаро — давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнининг иштирокчиси. Республика сиёсий тизими субъектлари (давлат, сиёсий партия, жамоат бирлашмалари)нинг фаолиятида фуқароларнинг иштирок этиши бу бўғинларнинг бош мақсадидир. Зеро, сиёсий ташкилот ўз фаолиятига фуқароларни қанчалик кўп жалб эта олса, унинг сиёсий нуфузи шунчалик юқори бўлади.

Давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштироки бир неча шаклларда рўй беради. Аввало, Конституцияга мувофиқ, бу иштирок бевосита ҳамда вакиллар орқали амалга ошиши мумкин. Бевосита шаклларга:

сайловлар, референдум, қонун лойиҳаларини мұхоказа-ма этишда қатнашиш, шунингдек, маҳаллий ҳокимият идоралари ва ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла) йиғинларида иштирок этиш кабилар киради. Вакиллар орқали бошқарувда иштирок этиш шакллари ҳам анчагина. Булар: Президент, Олий Мажлис ва маҳаллий халқ ноиблари кенгашларининг депутатлари, давлат идоралари барча бўғинларидағи сайлаб кўйила-диган лавозимли шахслар ва ҳ.к. Халқ вакиллари судлов жараёнида ҳам иштирок этадилар. Булар: халқ масла-хатчиси, жамоат қораловчиси ва жамоат оқловчиси кабилар.

Давлат функцияларини бажаришга кенг жамоатчи-ликни жалб этиш анъанавий тус олмоқда. Масалан, кам таъминланган ва кўп болали оиласаларга моддий ёрдам пулларини тақсимлаш маҳалла қўмиталари (оқсо-қоллар кенгаши)га юклатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартағи 113-сонли қарори билан оиласавий низоларни ҳал этувчи «Яраштирув комиссиялари», жамоат тартибини сақлашда қатнашувчи «Маҳалла посбонлари» гуруҳлари тузилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фуқаролар ўз ижтимоий-сиёсий фаолликларини рес-публика қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхта-тиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга (Асосий қонуннинг 33-моддаси). Конституция фуқаролар ижтимоий фаолли-гининг асосий шакллари митинг, мажлис-йиғилишлар ва намойишлар эканлигини маҳсус таъкидлаб ўтади.

Митинг — сиёсий масалаларни мұхокама қилиш, юритилаётган сиёсат хусусида фикр билдириш мақса-диди ўтказиладиган жамоатчилик мажлиси.

Йиғилиш — муайян гуруҳ кимсаларнинг ижтимоий, жамоатчилик аҳамиятига молик масалаларни мұхокама этиш ва қарор қабул қилиш учун ўтказиладиган маж-лиси.

Намойиш — аҳолининг ўз ижтимоий-сиёсий кайфи-ятини ошкора билдириши, у ёки бу масала юзасидан ўз муносабатини ифода этиш учун оммавий кўча юриши-дир.

Давлат фуқароларнинг бу сиёсий ҳуқуқини амалда таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беради. Хусусан,

давлат идоралари, ҳокимликлар бундай тадбирларни ўтказиш учун бинолар, майдон ва қўчаларда қулай жойлар ажратиб беради; митинг ёки намойишлар чоғида жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш чораларини кўради. Митинг, йиғилиш ёки намойиш ўтказувчиларнинг ташаббускор гурухи ўн кун илгари маҳаллий ҳокимлик идорасига ариза билан мурожаат этади ва тегишли тадбир ўтказиш учун расмий рухсат олади.

Фуқароларнинг мазкур ҳуқуқи амалга оширилишига тўсқинлик қилинган тақдирда суд тартибида муҳофаза этилади.

Демократик давлатда фуқароларнинг манфаатлари қаноатлантирилишига катта эътибор берилади. Фуқаровий жамиятда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун кенг кўламли жамоат бирлашмалари ҳамда нодавлат ташкилотлар тизими мавжуд бўлади. Турли-туман фуқаровий уюшмалар, жамоат бирлашмалари, жамғармалар ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар фуқароларнинг манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қиласидилар, бузилган ҳуқуқларини тиклаш бобида давлат идоралари билан муносабатта киришадилар. Бунинг сиёсий-ҳуқуқий механизми Конституцияда ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунларда батағсил белгиланган. Хусусан, бу қонунлар жумласига: фуқаролик кодекси, Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонун, Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун, Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонун, Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун, Касаба уюшмалари ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ва бошқалар киради.

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, — дейилади Конституциянинг 34-моддасида, — касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар».

Мамлакат фуқаролари ўз сиёсий фаолликларини намоён этиш ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида турли-туман жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларни вужудга келтирганлар. Булар: касаба уюшмалари, ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар ташкилоти, фахрий ва қарияларнинг «Нуроний» жамғармаси, Ёзувчилар уюшмаси, Олимлар

жамияти, Болалар — «Соғлом авлод учун» жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамғармаси ва бошқалар. Ҳозирги вақтда, юртимизда 2500 дан ортиқ жамоат бирлашмалари, уюшмалар ва жамғармалар мавжуд. Шунингдек, тўртта сиёсий партия рўйхатдан ўтган, яъни Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» партияси ва «Фидокорлар» миллий демократик партияси.

Сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари ўз дастур ва низомларида белгиланган мақсад ҳамда вазифаларига мувофиқ фаолият юритадилар. Уларнинг мақсадлари Конституция ва қонунларга зид бўлиши мумкин эмас. Мамлакатимизда конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, урушни, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Давлат жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларнинг ҳукуқ ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий-сиёсий ҳётда фаол иштирок этиш учун тенг ҳукуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари ва сиёсий партиялар ички фаолиятига аралашishiга йўл кўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланганидек, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳукуқига эга (36-мода).

Фуқароларнинг давлат идораларига, мансабдор шахсларга ариза ва таклифлар билан мурожаат қилиши — уларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг бир шаклидир. Мазкур ҳукуқни реал амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни билан мустаҳкамланган. Қонун фуқароларнинг (фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий фуқароларнинг) ҳақ-ҳукуқларини ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, лозим бўлганда

бузилган хукуқни тиклаш учун ваколатли идораларга (мансабдор шахсларга) мурожаат этиш механизмини белгилайди. Фуқароларнинг мурожаатида уларнинг фамилияси ва исми-шарифи тўлиқ кўрсатилиши, шахсий имзоси, турар жой манзили кўрсатилиши шарт. Ариза ёки шикоятда масаланинг мазмун-моҳияти аниқ баён этилиши лозим. Юмaloқ (аноним) хатлар кўриб чиқилмаслиги қонунда эътироф этилган.

Тегишли талаб даражасида расмийлаштирилган мурожаат хатларини қабул қилиб олишдан бош тортиш мумкин эмас. Ариза, таклиф ва шикоятларни мутасадди идора ва шахслар бир ойлик муддат мобайнида кўриб чиқишлари ҳамда муаллифга жавоб йўллашлари шарт. Қонунда бир қатор муҳим принциплар ўз ифодасини топган. Булар кўйидагилар: а) ўз-хукуқини ҳимоялаш мақсадида мурожаат этган фуқарони ва унинг оила аъзоларини таъқиб этиш тақиқланади; б) фуқарони у ёки бу мурожаатни ҳимоя этишга қаратилган ҳаракат (фаолият)да иштирок этишга мажбурлаш тақиқланади; в) фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, шунингдек давлат сири бўлмиш маълумотларни ошкор қилиш тақиқланади; г) фуқаронинг шахси ҳақида мурожаат мавзуга тегишли бўлмаган маълумотларни талаб қилиш тақиқланади.

Фуқароларнинг конституциявий-хукуқий мақомида уларнинг иқтисодий ва ижтимоий хукуқлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу борадаги хукуқ ва эркинликлар кишиларнинг мулкка эгалик қилиш, меҳнат қилиш, дам олиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ижтимоий аҳамиятта молик эҳтиёж ҳамда манфаатлари билан боғлиқдир.

Қарор топаётган демократик давлатимизнинг иқтисодий ва социал функциялари янгича мазмун касб этмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий-иқтисодий хукуқ ва эркинликларнинг сиёсий (давлат) кафолатлари тизими ўзгармоқда. Ушбу кафолатлар силсиласига турли-туман шакл ва усувлар киради. Масалан:

1) эркин иқтисодий фаолиятнинг конституциявий-хукуқий базасини яратиш. Бунда барча асосий социал-иқтисодий хукуқ ва эркинликлар конституциявий даражада мустаҳкамланганлиги дикқатта сазовор.

2) давлат меҳнатта ҳақ тўлашнинг минимал миқдо-

рини кафолатлайди, давлат пенсияси ва нафақаларни мунтазам тўлайди; ижтимоий муҳофаза тизимини яратади; мактабгача тарбия муассасалари, умумий ва ўрта маҳсус таълимни таъминлайди. Оила, оталик, оналик ва болалик давлат муҳофазасида.

3) давлат социал-иқтисодий ҳуқуқларга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

4) шахснинг иқтисодиёт соҳасидаги ташаббускорлигини қўллаб-куватлашнинг сиёсий, моддий, ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтириш — давлат функцияси сифатида майдонга чиқади.

5) шахснинг қонунда назарда тутилган иқтисодий ҳуқуқларини самарали муҳофаза этиш давлат кафолатлари билан таъминланади. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий заминини яратиш манфаатларидан келиб чиқиб, Конституция хусусий мулк даҳлсизлиги ва унинг давлат томонидан қўриқланишини (53-модда) ҳамда ҳар кимнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини (36-модда) мустаҳкамлади. Хусусий мулкчилликнинг расман тан олиниши иқтисодий фаолият эркинлигини, тадбиркорликни таъминлаш имкониятини яратди. Маълумки, мулкий жиҳатдан мустақил бўлган шахсгина давлат, давлат идоралари билан тенг равишда ҳуқуқий муносабатга кириша олади, зарур ҳолларда судда ўз мулки юзасидан мажбуриятлар ўташи мумкин бўлади. Иқтисодий эркинлик қарор топиб боргани сайин давлат, юридик шахслар ва фуқаролар ўргасидаги муносабатлар эркин, тенг, ўзаро шартномавий характерга эга бўла боради.

Мулк ҳуқуқи — бу шахснинг мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Мулкдор ўз мулкидан ўз ихтиёри билан ва ўз манфаатини кўзлаб фойдаланади ва уни тасарруф қиласди. Бу ҳуқуқ, айни вакъта, мулк ҳуқуқини ҳар қандай бузувчи шарт-шароит (хатти-ҳаракат)ларнинг бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқи ҳамdir.

Давлат фуқароларнинг банкка қўйилган омонатлари сир сақланишини таъминлайди. Фуқароларнинг ўз мулкини мерос қолдириш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 66-бобида ворислик ва мулкни мерос қолдириш асослари, мерос таркиби, биргаликдаги мулкни мерос қилиб олиш, мерос очилиши ва мерос жойи каби масалалар (1112—1118-моддалар) ўз ҳуқуқий ечимини топган. Фу-

қаро ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳукуқини (вафот этган тақдирда) мерос қилиб бошқа шахсларга ўтказиши мумкин. Бу ҳақдаги хоҳиш-ирода васият деб аталади. Васиятнома шахсан тузилади, имзоланади ҳамда нотариал тартибда тасдиқланади (1124-модда).

Меҳнат — жамият моддий бойлиги, инсон фаровон ҳаётининг манбаи. Инсоннинг эркин меҳнат қилиш имконияти улуг ижтимоий неъматdir. Шу боис давлат кишилар меҳнатини ташкил этиш учун тегишли шартшароитлар яратишни ўз зиммасига олади, меҳнат муносабатларини қонун воситасида ҳукуқий тартибга солади. **Меҳнат қилиш** ҳукуқи фуқароларнинг устувор конституциявий ҳукуқларидан биридир. Конституцияга мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳукуқига эгадир (37-модда). Қонунда ёки суд ҳукми белгиланган ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Мазкур конституциявий норма амал қилиши йўлида қатор жорий қонунлар, яъни Меҳнат кодекси, Аҳоли бандлиги тўғрисида, Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида қонунлар қабул қилинган. Жумладан, Меҳнат кодексининг 6-моддасида таъкидланганидек, барча фуқаролар меҳнат ҳукуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадирлар. Меҳнат муносабатлари борасида жинси, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, мулкий ва ижтимоий мавқеидан, жамоат бирлашмаларига мансублиги ва ходимнинг иш қобилияти ҳамда унинг меҳнати натижаларига оид бўлмаган бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб чекловлар белгилаш тақиқланади. Бу камситиш деб баҳоланади.

Давлат ҳар кимга:

- касб ва машғулот турини танлаш эркинлигини;
- ишга қабул қилишдан қонунсиз бош тортиш ва меҳнат шартномасини асоссиз бекор қилишдан муҳофазалашни;
- муносиб иш танлашга бепул кўмаклашиш ва ишга жойлаштиришни;
- касб ўрганиш ва иш топишда, бандлик ва адолатли меҳнат шароитларига эга бўлишда, меҳнатга ҳақ олишда тенг имкониятлар таъминланишини;

— янги касбни бепул ўрганишни, маҳаллий меҳнат идораларида ва бошқа стипендия тўланадиган ўкув муассасаларида малака оширишни кафолатлайди.

Ёлланиб ишлаётган ҳар бир фуқаро дам олиш хукуқига эга. Иш вақти ҳафтасига қонун билан белгиланган 40 соатдан ошиши мумкин эмас (МКнинг 115-моддаси). Ходимлар белгиланган тартибда ҳар йили ҳақ тўлана-диган меҳнат таътили ва қўшимча таътиллар олиш хукуқига эгадирлар (МКнинг 133—152-моддалари).

Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда **ижтимоий таъминот олиш хукуқига** эга (Конституциянинг 39-моддаси).

Шу ўринда биргина мисолга дикқатни қаратайлик: фақат 2000 йилнинг биринчи ярмида аҳоли кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-куватлаш учун 19 млрд. сўм пул сарфланди. Давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати натижасида 16 ёшгача фарзанди бўлган 1 млн.дан ортиқ оила моддий ёрдам пули олди. Бу кўрсаткичлар йил сайин ошиб бормоқда.

Инсон ўз сиҳат-саломатлигини муҳофаза этиши ва тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлмоғи лозим. Асосий қонунимизда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш хукуқига эга эканлиги эълон қилинган (40-модда). Мазкур хукуқни рӯёбга чиқаришга қаратилган “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида” қонун қабул қилинган. Шунингдек, Мамлакатимиз Президенти 1998 йил 10 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишининг давлат дастури тўғрисида” фармон чиқарди. Унда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишнинг 1998—2005 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланди.

Хозирги кунда Ўзбекистонда 205 та дастлабки тиббий ёрдам кўрсатувчи туман ва шаҳар марказий шифохоналари, 115 та юқумли касалликлар шифохоналари, 98 та сил касаллигини даволовчи, 64 та тери касалликларини даволовчи муассасалар, 20 та онкологик диспансер, 13 та эндикринологик ва 24 та руҳий хасталиклар диспансери, 15 та наркологик муассаса, 42 та туркуҳона, 46 та болалар касалхоналари ва 3790 та амбулатория — поликлиникалар (шу жумладан, қишлоқ ва маҳалла врачлик пунктлари) фаолият кўрсатмоқда. Булар аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатувчи муассса-

салардир. Айни вақтда, 1500 дан ортиқ хусусий ва пуллы медицина шохобчалари пайдо бўлди. Улар замонавий усул ва техника воситасида халқقا малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. 4000 дан ортиқ врач хусусий табобат билан шуғулланмоқда.

Республика соғлиқни сақлаш тизимида 314751 тиббиёт ходими, хусусан, 72483 нафар олий малакали врач, 245278 нафар ўрта медицина ходими (шу жумладан, 186687 медицина ҳамшираси) меҳнат қилмоқда.

Асосий қонуннинг 41-моддасида фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Бу ҳуқуқнинг кафолати маъносида “бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади”, деб кўрсатилган. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Мазкур ҳуқуқнинг реал амалга оширилиши шахсга умумий ўрта маълумот ва профессионал (касб) тайёрлигини эгаллаш имконини беради. Бу эса ҳар кимнинг малакали меҳнат фаолияти юритишига, мазмунли маънавий ҳаёт кечиришига ишончли замин яратади. Илмли, ўқимишли бўлишдан нафақат инсоннинг ўзи, балки бутун жамият ва давлат манфаатдордир.

Билим олиш ҳуқуқининг мазмунига дахлдор асосий хусусиятлардан бири шундаки, унда ҳар кимга билим олиш учун тент имкониятлар яратилади. Ушбу ҳуқуқни таъминлаш мақсадида жамият ва давлат томонидан:

- тегишли ижтимоий-иктисодий шароитлар яратилади;
- давлатга қарашли ва нодавлат таълим муассасаларининг кенг тармоқли тизими вужудга келтирилади ва ривожлантирилади;
- давлат таълим стандартлари (мезонлари) асосида билим олишнинг ҳаммага бемалол таалтуқлилиги таъминланади;
- давлат таълим муассасаларида билим олиш бепул амалга оширилади ва тўққиз йиллик ўрта таълим ҳаммага мажбурийлиги таъминланади;
- таълимнинг турли шакллари қўлланилади;
- таълим муассасалари сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар таъсиридан холи фаолият юритиши кафолатланади.

Республикада билим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун кучли моддий-техникавий замин мавжуд. Мамлакатимиз ҳудудида 2001 йил 1 январига бўлган маълумотга кўра, 62 та олий ўқув юрти бўлиб, унда 187

мингдан ортиқ талаба таҳсил олади; уларга 20 мингдан зиёд профессор-ўқитувчилар илм беради. Олий ўкув юртлари 276 та мутахассислик бўйича кадр тайёрлайди. Шунингдек, 9645 та ўрга мактаб бор. Уларда 5 млн. 655 минг нафар ўқувчи таълим олмоқда. Мактабда 447,5 минг ўқитувчи ёшларга устозлик қилмоқда.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ташкил этиш кенг авж олди. Сўнгги икки йил ичидаги юзлаб академик лицей ва касб-хунар коллежлари вужудга келтирилди. Ўзбекистонда ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хукуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхурлик қиласди (42-модда).

Ўзбекистон давлати фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган хукуқлари ҳамда эркинликларини кафолатлайди. Давлат идоралари ва мансабдор шахслар ўзларининг бутун фаолияти билан инсон хукуқлари ва эркинликларини таъминлашга масъулдирлар. Айни вақтда — ҳар бир шахсга ўз хукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органдар, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хукуқи кафолатланади (44-модда). Ушбу конституциявий қоидани амалга ошириш учун фуқароларнинг ўз бузилган хукуқларини тиклаш учун судга шикоят қилиш хукуқи ҳақида маҳсус қонун қабул қилинган (1995 йил 30 август). Мазкур қонун судга шикоят берилишига лойиқ хатти-ҳаракатлар (қарорлар) доирасини, шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш тартибини, суд қарорини бажариш механизмини аниқ белгилаб берган.

Шундай қилиб, юқорида зикр этилган конституциявий қоидалар ва жорий қонунларга барчанинг оғишмай риоя этиши фуқаролар хукуқ ва манфаатларининг тўлақонли муҳофазаланишини таъминлайди.

Инсон ва фуқаронинг хукуқий мақоми фақат хукуқлар ва эркинликлардангина эмас, балки мажбуриятлардан ҳам иборат. Шубҳасиз, инсон хукуқлари мўътабар ва муқаддасдир. Бироқ, турли-туман хукуқий муносабатлар иштирокчиси бўлмиш инсон (фуқаро) фақат хукуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб қолмасдан, жамият, давлат ҳамда бошқа фуқаролар олдида муай-

ян мажбуриятлар ҳам ўтайди. Ҳуқуқлар ҳақида гапирилса-ю, мажбуриятлар эсга олинмаса, мантиқан түгри бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлигини ниҳоятда аниқ ифодалаб куйидагиларни таъкидлаган эди: “Демократик жамият қуриш учун, демократик тамойилларни тұла қарор топтириш учун, энг аввало шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрга фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этгани, вояга етказған жамият олдидаги бурчини адо этиши керак... ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: “Шу давлат, шу жамият менга нима берди?” деб эмас, балки “Мен ўз Ватанимга, элу юртимга нима бердим?” деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак”.¹

Қонунда белгиланган конкрет ҳуқуқларнинг рӯёбга чиқиши муайян юридик мажбуриятнинг адо этилиши билан боғлиқдир. Фуқаронинг ҳуқуқий лаёқати ва ўзга ҳуқуқлари амалга ошиши бошқа шахсларнинг бунга монелик қилмаслик мажбурияти билан таъминланади. Масалан, фуқаронинг қонунда белгиланган доирада ўз шахсий мулкига эга бўлиш имконияти, ўзига ёқсан касбни танлаш ва турар жой танлаш ҳуқуқи, давлат ҳокимият идораларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларга барча шахслар ва ташкилотларнинг бу ҳуқуқлар амалга ошишига қаршилик кўрсатмаслик мажбурияти билан таъминланади.

Юридик ва сиёсатшуносликка оид адабиётларда “инсон мажбуриятлари” ва “фуқаронинг мажбуриятлари” деган иборалар учрайди.

Масаланинг ибтиносига эътибор берадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, табиий ҳуқуқ мактаби, у яратган концепцияда инсоннинг мажбуриятлари ҳақида умуман гап кўтарилимаган. Шунингдек, 1789 йилги Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Француз декларациясида ҳам мажбуриятлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Умуман олганда, аввал ҳам, ҳозирги вақтда ҳам “инсон мажбуриятлари” деган ибора расм бўлмади. Тўгри, “жамиятда яшовчи инсонга маълум мажбурият-

¹ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.: Шарқ, 1993. 27-бет.

лар юкланади” деб гапирилади, бироқ шу чоққача расмий ҳужжатларда бундай мажбуриятлар таърифи ва кўлами аниқ белгиланган эмас. Йинсоннинг, шахснинг жамият олдидағи мажбуриятлари кўпроқ маънавий-ахлоқий, умумижтимоий маънога эга. Бу ерда “мажбурият” сўзи ўрнига “бурч” иборасини ишлатиш тўғрироқдир.

Шу боис “ижтимоий шартнома” (Ж.Локк, Ж.-Ж.Руссо) таълимоти шаклланиб, у асосда инсон ҳукуқлари ва фуқаро ҳукуқлари тоғаси туғилган даврда ҳам инсоннинг бошланғич ва ажралмас ҳукуқларига мувофиқ инсоннинг “абадий ва ажралмас” мажбуриятларини кўрсатиб бериш мумкин бўлмади. Ижтимоий шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятлар инсон мажбуриятлари эмас, балки фуқаронинг давлат билан боғлиқ мажбуриятлари эди. Сиёсий жамиятда фуқаронинг ҳукуқлари билан мажбуриятлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Фуқаронинг ҳукуқлари бўлмаса, унинг мажбуриятлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги замон давлатларида фуқаролик нисбатан қатъий қонунлаштирилган, уларда фуқароларнинг тенг ҳукуқлилиги принципи эълон қилинган. Мазкур принцип асосида шахснинг муайян давлат билан фуқаролик муносабатларида бўлиши унинг қонунлар билан аниқ белгиланган ҳукуқлари ва мажбуриятлари орқали ифодаланади. Демак, фақат фуқаронинг мажбуриятлари тўғрисида гапириш мантикий маънога эга бўлади. Бироқ, шу ўринда “Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 29-моддасидаги бир муҳим қоидага изоҳ бериш лозим. Ушбу моддада: “Ҳар бир инсон жамият олдида мажбуриятларга эга, зеро унинг шахси шу жамиятда тўла ва эркин камол топиши мумкин”, дейилган. Бу қоида асосан маънавий мазмунга эга бўлиб, жамиятдаги бошқа инсонларнинг ҳукуқ ва эркинлигининг ҳурматланишига эришиш мақсадида ёзилган¹.

Фуқаронинг мажбуриятлари юридик мазмунга эга. Юридик мажбуриятлар уч вариантида намоён бўлади: **биринчидан**, шахснинг фаол (актив) хатти-ҳаракатлар содир этиш мажбурияти; **иккинчидан**, шахснинг пассив ҳаракатланиш мажбурияти; **учинчидан**, давлат мажбуров чорасига итоат этиш мажбурияти, яъни юридик

¹ Общая теория права и государства: Учебник / Под.ред. В.В.Лазарева. – М.: Юрист, 1994. С. 317.

жавобгарликни ўташ мажбурияти. Масалан, олди-сотди шартномасини олайлик. Бунда харидор шартномада иштирок этувчи бир тараф сифатида олинган товар учун келишилган пулни тўлашга мажбур; сотувчи пулни (чекни) олгач, белгиланган ҳақи тўланган товарни харидорга беришга мажбур, айни вақтда, у харидорга нисбатан ноўрин хатти-ҳаракатдан ўзини тийиши шарт (харидорга қўпол муомала қилмаслик, уни ҳақоратласмаслик, товарни танлаб олишига эътиroz билдиrmаслик ва ҳ.к.); мабодо сотувчи хизмат интизомини бузишга йўл қўйса, у интизомий юридик жавобгарликни ўташга мажбур бўлади.

Хукуқий норма диспозициясида қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвор тури кўрсатилишига қараб юридик мажбуриятлар “фаол” ёки “пассив” кўринишга эга бўлади. Фаол мажбуриятлар содир этилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатни мустаҳкамлайди. Пассив мажбуриятлар эса хукуқий нормада тақиқланган хатти-ҳаракатни содир этишдан ўзини тийиш заруриятини назарда тутади.

“Пассив” мажбуриятлар “бир томонлама амал қилувчи”, яъни хукуқий муносабатнинг бошқа иштирокчиси учун юридик оқибатлар келтириб чиқарувчи хукуқларга нисбатан ҳам мувофиқ бўлади. Масалан, суднинг фуқаролик ишини кўриб ҳал этиш хукуқига нафақат даъвогар ва жавобгарнинг суд муҳофазасидан фойдаланиш хукуқи, балки томонларнинг ишни кўришда белгиланган тартибга ҳамда суднинг қонуний кучга кирган барча қарор ва ажримларига риоя этиш мажбурияти мувофиқ келади. Тарафларнинг суд муҳофазасидан фойдаланиш хукуқига суднинг томонлар тавсияномалари ни кўриб чиқиши, кассация шикоятларини қабул қилиш ва тегишли юридик чораларни кўриш мажбурияти мувофиқ келади. Бундан холоса шуки, ҳар қандай субъектив хукуқка муайян бир шахснинг юридик мажбурияти мос келади.

Фуқароларнинг мажбуриятлари қонунлар ва бошқа норматив- хукуқий хужжатлар билан ўрнатилади. Уларнинг энг асосий мажбуриятлари Конституцияда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI боби фуқароларнинг бурчлари (мажбуриятлари)га бағишиланган. Бу ерда жами олти моддада фуқароларнинг асосий мажбуриятлари мустаҳкамланган.

Барча фуқароларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир инсоннинг энг муҳим мажбуриятларидан бири Конституция ва қонунларга риоя этиш, Асосий қонунда белгилаб кўйилган бурчларни бажаришдир (47 ва 48-моддалар). Мазкур конституциявий талаб замираидан мамлакатда қатъий қонунийлик режимини таъминлаш мақсади ётибди.

Қонунийлик муҳити – давлатда, жамиятда мустаҳкам тартиб ва барқарорлик асоси, ҳар бир фуқаро ҳаётида тинчлик ва осойишталик бўлишининг гаровидир.

Конституция ва қонунларга риоя этиш мажбурияти ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари учун умумий, универсал талабдир. Бунинг маъноси шундаки, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқарода ҳаёт-фаолиятнинг барча жабҳаларида ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракат қилишдек ички руҳий “дастур”, эътиқод мавжуд бўлиши назарда тутилади.

Конституция ва қонунларга риоя этиш – нафақат уларнинг қоидаларини бузмасликлари, балки фуқаролар ўз фаолияти, ҳаёт тарзи билан конституциявий принцип ва асосларни, қонунчилик нормаларини реал воқеаликка айлантиришга кўмаклашишлари демакдир.

Конституция ва қонунларда жамият ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий асослари, мамлакатда ўрнатилган ҳуқуқий тартибот, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими энг мужассам тарзда ифода этилади. Шу сабабли уларга ҳар бир фуқаро қатъий риоя этишга мажбур. Бу қоидаларни ҳар қандай кўринишда бузиш давлат, жамият ва фуқароларнинг манбаатига птур етказади. «Фуқаролар... — деб таъкидланади Конституциянинг 48-моддасида,— бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишга мажбурдирлар».

Конституция фуқаролар Ўзбекистон ҳалқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрарша мажбурдирлар, деб кўрсатади (49-модда). Ўзбек ҳалқи чиндан ҳам бой тарихий, маънавий ва маданий мерос соҳибидир. Асрлар мобайнида шаклланган, жамланган бу мерос нафақат ўзбек давлатчилиги ривожига, балки бутун жаҳон цивилизациясига қўшилган улкан ҳиссадир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бу билан фахрланибгина қолмасдан, балки мазкур маданий ва маънавий “хазина”ни кўз қорачиғидек асрари, уни келгуси

авлодларга етказиб беришни ўзи учун ҳам фарз, ҳам қарз деб билиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбуриятини мустаҳкамлайди (50-модда).

Дарҳақиқат, фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги асримизда инсониятнинг ҳаёт кечириш маскани бўлмиш табиий атроф муҳит алоҳида муҳофазага муҳтоҷ. Бундай муҳофаза мутасадди давлат идоралари ва жамоатчилик структуралари бўғини (масалан, “Экосан” жамғармаси, “Орол”ни қутқариш жамғармаси ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Ушбу фаолиятда табиат инъомларидан баҳраманд бўлувчи ҳар фуқаро (инсон) иштирок этиши шарт.

Сўнгти йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, Ер кодекси, “Сувва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Давлат санитария назорати тўғрисида”, “Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги бир қатор муҳим қонунлари қабул қилинди. Уларнинг кўпчилик нормалари фуқароларнинг табиат билан бўладиган мулоқотдаги мажбуриятларини белгилайди. Табиатга тегишли қонунлардаги ҳар бир қоидага риоя этиш, уларнинг бузилишига фаол қарши туриш ҳар бир фуқаронинг юридик мажбуриятидир.

Фуқароларнинг қонунлар билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбурияти конституциявий даражада мустаҳкамланган (Конституциянинг 51-моддаси).

Собиқ совет тузуми давридаги Конституцияларда фуқароларнинг бундай мажбурияти назарда тутилмаган эди. Сабаби социалистик давлат мулкчилиги ҳукмронлик қилган шароитда бюджет асосан корхона ва ташкилотлар ҳисобидан тўлдириларди.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўта бошлаганлиги муносабати билан Конституциямизда биринчи марта фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти қонунлаштирилди. Бу қонуниятли ҳолатdir. Хусусий мулкчиликнинг жорий этилиши, эркин тадбиркорликка йўл очилиши, иқтисодиётда давлат мулкчилиги соҳасининг қисқариши солиқ тизимида янгича ёндашувни тақозо этди. Солиқ тўловчи субъектлар таркиби сифат жиҳатдан ўзгариб, солиққа тортиладиган даромадлар тури

кенгайди. Шу боис давлат бюджетида фуқаролардан олинадиган солиқларнинг аҳамияти ошди.

Эркин иқтисодий фаолият кенгайган шароитда, табиийки, фуқароларнинг, хусусий тадбиркорларнинг давлат назоратига олинмаган даромад манбалари кўпайиши мумкин. Бундай вазиятда даромадларни декларация қилиш тартиби йўлга қўйилиб, фуқаролар ўз ихтиёри ва ташаббуси билан солиқ тўлашлари лозим бўлади. Фуқароларнинг солиқларни тўлаш мажбуриятини конституциявий даражада мустаҳкамланганигининг боиси ана шунда.

Конституциянинг 52-моддасида **Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш** **Ўзбекистон Республикаси** ҳар бир фуқаросининг бурчидир, деб мустаҳкамланган.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ҳамда “Муқобил хизмат тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ ҳарбий (муқобил) хизмат ўтайди. Юқоридаги қонунлар Ватанини ҳимоя қилиш тўғрисидаги мажбуриятни адо этиш тартиби, муддатлари, шарт-шароитлари ҳамда имтиёzlари масалаларини тартибга солади.

Конституция фуқароларнинг соғлиғи, диний эътиқоди имкон бермаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда муқобил хизмат ўташлари мумкинligини ҳам назарда тутган.

Шундай қилиб, фуқароларнинг мажбуриятлари жамият, давлат ва барча фуқароларнинг манфаатлари йўлида амалга оширилади. Ҳар бир фуқаро ўз мажбуриятларини вижданан ўташ орқали бошқа инсонларнинг, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари амалга ошишига кўмаклашаётганини англаб этиши лозим. Бу фуқаролик жамиятининг устувор талаби ва моҳиятига оид хусусиятидир.

III. Конституция – фуқаролик жамиятини шакллантириш пойдевори

3.1. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг конституциявий замини

Эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш Ўзбекистон халқининг улуғвор мақсадларидан биридир. Конституциянинг мазмун ва моҳиятидан шу нарса қатъий аёнки, мамлакатимизда шакллантирилаётган жамият – демократия ва адолат принципларига таянувчи эркин инсонлар жамияти бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: “Биз фуқаролик жамияти қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маънодиши шуки, давлатчилитимиз ривожлана боргани сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халқга топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир”¹. Президент яна куйидагиларга эътиборни қаратган эди: “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳукуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, босқа одамларнинг ҳукуқ ва эркинликлари камситилишига йўл кўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қиласи”².

Хўш, фуқаролик жамиятининг моҳиятини нима ташкил қиласи, бу қандай жамият?

Энг умумий тарзда лўнда таъриф бериладиган бўлса, фуқаролик жамияти – ижтимоий ҳаётнинг давлат тасири ва аралашувидан, маъмурий тазииклардан холи бўлган ҳамда инсонларнинг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир.

Ҳозирги даврда фалсафий, сиёсий ва юридик адабиётларда фуқаролик жамиятини таъриф ва тавсиф этишга фаол ҳаракат қилинмоқда. Бу таърифлардан баъзиларини талқин этайлик.

¹ К а р и м о в И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикаబолларининг асосий тамоилилари. Т.: Ўзбекистон, 1995. 14-бет.

² К а р и м о в И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. 173-бет.

Фуқаролик жамияти — давлатдан мустақил ва ундан холи муносабатлар ва воситалар тизими бўлиб, у шахс ҳамда жамоатларнинг ижтимоий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади.

Фуқаролик жамияти аксарият ҳолларда инсонларнинг хусусий манфаат ва эҳтиёжлари соҳаси тарзида таърифланади. Фуқаролар хукуқ ва эркинликларининг асосий кўпчилик қисми мана шу хусусий ҳаёт соҳасида рӯёбга чиқарилади. Бироқ бу шахсларнинг ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолганлигини, бегоналаштирилишини англатмайди.

Фуқаролик жамияти — шахсларнинг оддий йигиндиси эмас, балки улар ўртасидаги ранг-баранг алоқалар, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликнинг ифодасидир. Мазкур муштараклик ва ҳамжиҳатлик ташкилий-институциявий кўринишга эга бўлиб, у турли ижтимоий кучлар, нодавлат ташкилотлар, бирлашмалар мавжудлиги билан тавсифланади.

Фуқаролик жамияти ниҳоятда мураккаб ҳамда серқирра ижтимоий ҳодисадир. Шу боис уни уч асосий жиҳат, учта йўналиш бўйича:

- 1) иқтисодий жиҳат;
- 2) сиёсий жиҳат;

3) маънавий-ахлоқий жиҳат бўйича таърифлаш мумкин.

Биринчи жиҳати. Фуқаролик жамияти хусусий мулчилликка кенг йўл берувчи ва унга асосланувчи бозор иқтисодиёти муносабатларига, эркин иқтисодий фаолият таъминланган шарт-шароитга таянади. Айнан хусусий мулчиллик муҳити ва муносабатлари қарор топган жамиятда шахснинг мулкий мустақиллиги, иқтисодий фаодият юритишдаги эркинлиги таъминланади. Худди шу аснода шахс давлат ҳокимиятига нисбатан автоном, мустақил мавқени эгаллайди. Давлат хусусий ҳаёт соҳасига, шахс ва ташкилотларнинг қонуний иқтисодий фаолиятига аралашмаслиги лозим. Президент И.А.Каримов айтганидек, “давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳукуқларини камситмаслиги лозим”. Буталаб аввало иқтисодий ишлаб чиқариш, хусусий тадбиркорлик соҳасига оидdir.

Фуқаролик жамияти концепциясини яратишга катта ҳисса кўшган немис файласуфи Гегель, бу жамиятни буржуача ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи

сифатида тушунган. У икки асосий принципни ажратиб кўрсатган:

бираинчидан, шахслар ўз хусусий манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қиласидар;

иккинчидан, инсонлар шундай ижтимоий муносабатлар тизимини вужудга келтирадиларки, бунда ҳар ким бошқа кимсага боғлиқ бўлади.

Хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий структура бўлмиш фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти муносабатлари тизимидан иборатdir. Бундай муносабатларга ишлаб чиқаришдаги рақобат ва унда ҳокимиятнинг маъмурий аралашувини чеклаш орқали эришилади. Фуқаролик жамияти инсоннинг ижодий фаолигини намоён этишга йўл очувчи муносабатлар шаклланган тақдирда зоҳир бўлади.

Буюк француз инқилобининг манифести — 1791 йилги Инсон ва фуқаро ҳукуқлари декларациясида ҳам хусусий мулк муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилинган. Феодализмнинг ашаддий душмани бўлган якобинчилар эса хусусий мулкни янги жамиятнинг, яъни фуқаролик жамиятининг бирдан-бир асоси деб билганлар. Тарихдан маълумки, хусусий мулк нафақат жамиятни турли қатламларга ажратган, балки ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган ташаббусни рафбатлантирган, ҳокимиятга нисбатан мустақил (автоном) тузилмаларни вужудга келтирган.

Ўзбекистонда ҳам хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодий муносабатлар тизими қарор топмоқда, тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очилиб, тегишли ташкилий ва ҳукуқий механизmlар вужудга келтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқаролик жамиятининг қарор топишини хусусий мулкнинг қатъий мавқега эга бўлиши билан боғлайди. Шу асосда ҳозирги пайтда жамиятда кенг кўламда хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ислоҳотчи давлатнинг демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришдан манфаатдорлик сабаблари қўйидагилардан иборат:

— мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари олға силжиш йўллари ва усувлари хусусида фуқаролар келишувига эришиш тўғрисида норасмий ижтимоий шартнома тузиш ва уни рўёбга чиқа-

ришда ислоҳотчи давлат учун шерик вужудга келтирилади;

— фуқаролик жамияти ўз институтлари орқали шахснинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини таъминлаган ҳолда, давлатда вакиллик демократиясининг ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тизимнинг асоси ҳисобланади;

— Ўзбекистон халқи фуқаролик институтлари ва меморандумлари, аввало, сайлов тизими орқали ўзининг сиёсий юксалиши ва ҳәётий муҳим миллий манфаатларини ифодалаш учун барқарор шарт-шароитлар яратмоқда;

— фуқаролик жамияти шахс ва жамият, фуқаро ва давлат, этник ва конфессионал жамоалар, ижтимоий-демографик гурӯҳлар ҳәётий муҳим манфаатларининг ўзаро мақбул мувозанатидан келиб чиқсан ҳолда курилади;

— демократик жамият фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигига асосланган. Ўз навбатида, унинг ўзи турмушнинг барча соҳаларидағи ислоҳотлар жараённида бундай фаолликнинг ўсиб боришини изчил рагбатлантириб боради ва давлатнинг бюрократлашуви, унинг институтлари фуқароларнинг ҳәётий муҳим манфаатларидан узилиб қолиши хавфига қарши туради.

“Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида, — дейди Президент И.А.Каримов, — давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолати бўлади. Айни шу туфайли давлат иқтисодиётга ўзининг тартибга солувчи таъсирини мақбул равишда ўтказа олади”¹.

Иккинчи жиҳати. Сиёсий нуқтаи назардан баҳолаганда фуқаролик жамиятидаги сиёсий тизим ва сиёсий бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ҳукуқий давлатчилик ифода этади. Бошқача айтганда, ҳукуқий давлат фуқаролик жамиятининг сиёсий моҳиятини, сиёсий шаклини ташкил этади. Бу икки ҳодисанинг ўзаро муносабати шакл билан мазмуннинг ўзаро алоқадорлигини акс эттиради. Бундан келиб чиқадиган холоса шуки, фуқаролик жамияти тўла маънода мавжуд бўлишининг шак-шубҳасиз шарти ҳукуқий давлатнинг мавжудлиги дир. Ва, аксинча, ҳукуқий давлат фақат фуқаролик жамиятидек ижтимоий маконда қарор топиши ва фаолият юритиши мумкин.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. 115-бет.

Фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатнинг ўзаро нисбатини иқтисод билан сиёсатнинг нисбати тарзидан изоҳлаш ўринли бўлади. Буни Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Зеро, иқтисодий ислоҳотлар тегишли демократик сиёсий тузилмалар, институтлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Мамлакатимизда мулк шаклини ўзгартириш, хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширишга қаратилган давлат тузилмалари вужудга келтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ташкил этилиб (1992 йил), у мамлакатда хусусийлаштиришни амалга ошириш билан шуғулланиб келмоқда. Президентнинг 1992—1993 йилларда қабул қилинган ўттиздан ортиқ фармонлари билан давлат мулкчилигига асосланган ўнлаб вазирлик ва давлат қўмиталари бошқа мулк шаклидаги концерн, ассоциация, уюшма ва жамғармаларга айлантирилди. Жумладан, Президентнинг 1992 йил 7 ноябрь) фармони билан Ўзбекистон Республикаси пахтачилик вазирлиги замирида “Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акциядорлик ассоциацияси», Маҳаллий саноат вазирлиги ислоҳ этилиб, унинг ўрнида Президентнинг 1992 йил 3 сентябрдаги фармони билан “Маҳаллий саноат” давлат корпорацияси ташкил этилди. Шунингдек, “Ўзбексавдо” ассоциацияси (1992 йил 5 май фармони), “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси (1992 йил 28 январь фармони) ташкил топди ва ҳоказо.

Ҳукумат иқтисодиётни бошқаришнинг бозор усулларига ўтмоқда. Вазирлар Маҳкамаси аппарати бевосита соҳавий маъмурий бошқарувдан қайтиб, бошқарувнинг функционал тизимига ўтди. Бунинг маъноси шуки, Вазирлар Маҳкамаси хўжалик юритувчилар фаолиятига аралашмайди, иқтисодиётни давлат йўли билан бошқармайди. Бунинг ўрнига у иқтисодиётни бозор йўлига ўtkазишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқади, иқтисодий жараёнлар ва иқтисодий комплекслар фаолиятини уйғулаштириш ва мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Шунингдек, хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, таркибий ва институционал қайта ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, тадбиркорлик ва рақобатчиликни ривожлантириш билан шуғулланади.

Фуқаролик жамиятининг сиёсий тавсифланиши фа-

қат давлат тузилмаларининг ривожлантирилишидан иборат эмас. Демократия равнақ топиши учун фуқаролик жамиятида хурфикрлилик, сиёсий плюрализм ҳам қарор топиши зарур. Бунинг учун жамиятда том маънодаги кўппартиявийлик, жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг кенг кўламли тизими, тадбиркорларнинг итифоқлари, уюшмалари, меҳнаткашлар мустақил бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдари тизими вужудга келтирилиши лозим, токи бу тузилмалар давлат идоралари билан тенг ҳукуқли муносабатларга кириша олсин.

Фуқаролик жамиятининг сиёсий тизимида оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади (бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз).

Таҳдил юритилаётган жабҳада ҳукуқий давлатнинг асосий вазифаси инсон ва фуқаронинг юксак ҳукуқий мақомини таъминлаб беришдан иборат. Конституциянинг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, деб ёзилган. Бунинг маъноси шуки, давлат, унинг идоралари аввало фуқароларнинг ҳукуқларини хурмат қилишлари лозим. Қонунда белгиланган фуқаровий ҳукуқ ва эркинликлар давлат идоралари ва мансабдор шахслар учун муқаддас бўлмоғи лозим. Ўз фуқароларининг ҳақ-ҳукуқларини таъминлаб бера олмаган давлат демократик ҳукуқий давлат деб аталиши мумкин эмас. Фуқаролар қонун олдида тенг, ҳукуқнинг тенг субъекти сифатида эътироф этилиши зарур.

Фуқаролар ва уларнинг уюшмалари давлат идоралари билан мулоқотда ҳукуқнинг тенг субъектлари сифатида муносабатга киришадилар. Башарти, бу тенг ҳукуқий муносабатларда томонлардан бирининг ҳукуқига, манфаатига путур етказилса, у судга мурожаат этиши ва қонуний асосларда суд тартибида ўз ҳукуқини тиклашга эришиши лозим. Ҳукуқий давлатчиликнинг муҳим таймойилларидан бири ана шундай. Шундай қилиб, ҳукуқий давлат нафақат фуқаролик жамиятини бошқарувчи тизим, балки ўзини ўзи бошқарувчи фуқаролик жамиятига боғлиқ, унинг манфаат ва эҳтиёжларига бўйсунувчи тизим сифатида майдонга чиқади.

Учинчи жиҳати. Фуқаролик жамияти чуқур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қиласиди, яъни инсон бениҳоя даражада улуг-

ланади, умуминсоний қадриятлар эъзозланади, улар мўътабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг қадр-қиммати, меҳр-оқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий қадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади.

Демократик ислоҳотлар даврида маънавиятни юксалтиришга асосий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зоро, **маънавият** — инсоният ички дунёсининг кўзгуси, тафаккури, онги ва фикр юритиш тарзининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи юксак ижтимоий қадриятдир. Инсоният ҳамиша эзгуликка, маънавий баркамолликка интилиб яшайди. Юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатнинг яқин келажакдаги истиқболи ҳамюртларимиз қандай мавқени эгаллашига, қанақа маданий-маънавий ва ахлоқий қадриятларни шиор қилиб олишига боғлиқ бўлади¹.

Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолатнинг таъминланиши ҳамма фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва истеъоддининг бевосита рӯёбга чиқарилишига имконият яратилади. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ ва адолат мезонлари билан ўлчанади. Ҳуқуқ жамиятнинг ўзига хос “гуманистик императиви” (инсонпарварлик талаби), яъни инсоний-ахлоқий қоидаси, маънавий маёфи бўлиб ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатидаги мавқеи куйидаги принциплар асосида белгиланади:

- 1) жамиятнинг ҳар бир аъзоси инсон сифатида эркин ва озод бўлиши;
- 2) ҳар бир фуқаронинг бошқа фуқаро билан тенглиги;
- 3) жамият ҳар аъзосининг фуқаро мақомидаги мустақиллиги.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, суверен давлатчиликни шакллантиришда маданиятимиз сарчашмаларига, теран ва улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш, боқий тарихий ўтмишимизда мавжуд бўлган барча эзгуликларни юзага чиқариб, ривожлантириш борасида бекиёс имкониятлар очилди. Ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлиги чу-

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т: Ўзбекистон, 1998. 397-бет.

кур мушоҳада этилиб ижтимоий онгимизга сингдирилмоқда, шу орқали биз барпо этаётган янги фуқаролик жамияти манфаатларига хизмат қилмоқда.

Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик жамият барпо этмоқдамиз. Давлатчилигимиз адолат принципларига таянади. “Адолатта интилиш — халқимиз маънавий-рухий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимиға сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак”¹.

Маънавий-маданий савия паст бўлган жамиятда адолат тантанаси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз барпо этаётган фуқаролик жамиятида адолат, ҳақиқат ва инсонпарварлик ғоялари устуворлик қилиши лозим. Адолат бор жойда инсон ҳақ-хукуқлари ва эркинликлари тўла тъминланишига умид боғлаш мумкин.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг куйидаги асосий белгилари ва хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

1) жамият ва шахс эҳтиёjlари тизимида фаол ижобий фаолият ва меҳнатнинг роли алоҳида мазмунга эга бўлиши. Меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёj ва манфаатлар тизимининг қарор топиши;

2) жамият мазмуни, унинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятининг хусусий мулкчилик муносабатлари орқали белгиланиши;

3) хусусий мулк барча мулк шакллари қатори равнақ топиши ва уни муҳофазалашда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида ўрин тутиши;

4) фуқароларнинг юридик жиҳатдан бир хил мақомга эгалиги ва қонун олдида тентлиги. Жамиятда адолатли суд тизимининг қарор топиши ва унинг фуқароларни ҳимояловчи посбон идорага айланиши.

5) шахснинг хусусий ҳаёти ва иқтисодий фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланиши. Хукукий давлатчиликнинг мавжуд бўлиши;

6) шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкий ва иқтисодий мустақиллиги;

7) давлат, давлат идоралари ва фуқаролар ҳукуқнинг тенг субъекти сифатида муносабатта кириша олиши, уларнинг судда тенг тарафлар сифатида майдонга чиқа

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. 399-бет.

олиши. Фуқаролар хуқуқларини кафолатлаш ва устувор таъминлаш механизмларининг яратилганлиги;

8) фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжудлиги;

9) жамиятнинг юксак маънавий-маданий ва ахлоқий ривожланганлиги; инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, иймон-инсоф доирасида, шахс қадрини эъзозлаш асосига курилганлиги.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти — ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, хуқуқий анъана ва қонувларга ҳурмат мухити шакллантирилган, умумисоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон хуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чукур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик хуқуқий жамият.

3.2. Фуқаролик жамиятининг таркибий тузилмалари

Фуқаролик жамияти юксак даражада уюшган, батартиб муносабатлар тизимиға таянган, ўзини ўзи бошқариш механизмлари мукаммал қарор топган жамиятдир. Бу жамият шароитида инсон ва фуқароларнинг хуқуқ, эркинлик ҳамда манфаатларини акс эттирувчи, муҳофаза этувчи турли-туман уюшмалари, бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар ва идоралар мавжуд бўлади. Улар давлат ҳокимиятидан мустақил бўлиб, ўзини ўзи бошқариш принципи асосида жадал фаолият кўрсатади.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсон ҳаётини сақлаш, унинг мақсадларини, ҳаётий орзуларини, ниятларини шу жамиятдаги ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимият манбай эканлигини, унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига:

- 1) кўп partiya вийлик;
- 2) сиёсий ҳаётнинг ва сиёсий институтларнинг, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги;
- 3) ўзини-ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги;
- 4) жамиятни бошқаришда оммавий ахборот восита-лари аҳамиятининг катталиги киради. Фуқаролик жамияти мъянавий ҳаёт умумбашарий қадриятлар асосида амалга оширилганлиги, инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топганлиги билан белгиланади.

Демак, фуқаролик жамияти — тенг ҳукуқли инсонларнинг жамияти, якка шахслар ёки жамоалар манфатларини таъминлашга кўмаклашадиган жамоат ва давлат институтларининг тизимиdir.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, фуқаролик жамияти жамоат бирлашмаларининг йиғиндисидангина иборат бўлмай, балки улар фаолиятининг натижасида пайдо бўладиган муносабатлар тизими ҳамдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини миллий ва диний анъаналарсиз, одатларсиз, одоб-ахлоқ нормаларисиз ва миллий қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жамият иқтисодий, касбий, маданий, диний ва бошқа манфатларни шакллантиришга ва уларни амалга оширишга қаратилган ижтимоий алоқалар тизимини ҳам қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар бир инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳукуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсаттагани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона, ҳукуқий ҳал этилишини сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Конституция ва қонунларнинг устунлиги, уларнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилишга ва ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг мухим омилиdir.

Фуқаролик жамиятида қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳукуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бу барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт эканлигини ҳам билдиради.

Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда кўрсатилган ҳукуқларидан фойдаланиб, давлатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таъкидлашича, “Ўтмиш даври шароитида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз берадиган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартиявий тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланишини секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатdir¹.

Фуқаролик жамиятидаги мавжуд манфаатларни қаноатлантириш, рўёбга чиқариш учун тегишли ташкилий тузилмалар ва институтлар шаклланади.

Фуқаролик жамиятининг ички тизимини куйидаги ча таснифлаш мумкин.

Биринчидан, иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар:

- хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлар;
- ширкат хўжаликлари ва уларнинг уюшмалари;
- ижара асосида ишловчи жамоалар;
- ҳиссадорлик жамиятлари;
- молиявий жамгарма ҳамда уюшмалар;
- ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари;
- тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва ҳоказо.

Иккинчидан, ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар:

- оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи маҳсус ташкилотлар;
- таълим-тарбия муассасалари (мактаб, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари);
- жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- мустақил оммавий ахборот воситалари;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997. 174-бет.

- е) диний ташкилотлар;
- ж) милий-маданий марказлар;
- з) ихтиёрий кўнгилли жамиятлар;
- и) жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ўрганиш институтлари;

й) турли ижтимоий ихтилофларни адолатли ҳал этувчи тузилмалар ва ҳоказо.

Учинчидан, сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар ва тузилмалар:

- а) хуқуқий давлатнинг мавжудлиги;
- б) сиёсий партиялар;
- в) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар;
- г) сиёсий мухолифатнинг мавжудлиги;
- д) инсон хуқуқларини ҳимояловчи институтлар ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган тасниф умумий бўлиб, у энг асосий таркибий тузилмаларни ифодалайди. Албатта, фуқаролик жамияти ўзининг ранг-баранглиги, турли туманлиги билан ажralиб туради. Унда турфа кўринишдаги маърифий, маданий ва бошқа мазмундаги ташкилотлар фаолият кўрсатиши мумкин.

Кенг кўламда ривож тоғган жамоат бирлашмалари тизимишиниг мавжудлиги — фуқаролик жамиятининг муҳим сифат белгиларидан биридир. Бундай ижтимоий институтлар воситасида фуқаролар ўзларининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва турмушнинг бошқа соҳаларидағи эҳтиёж ҳамда манфаатларини қондириш ва ҳимоялаш, умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятига эга бўладилар.

Жамоат бирлашмалари давлатдан мустақил бўлган, алоҳида фаолият юритадиган ва, айни вақтда, давлат институтларига таъсир ўtkаза оладиган, давлатнинг ижтимоий ҳаётга, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига асоссиз аралашувидан муҳофаза қилишга йўналтирилган ташкилотлардир.

Жамоат бирлашмаларнинг давлатга нисбатан мустақиллиги қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, улар ўз ички ва таркибий тузилиши ҳамда фаолиятининг йўналишларини мустақил белгилайдилар;

Иккинчидан, ўз иродаларини ўзлари ифода этадилар ва бу норматив ирова ташкилот аъзоларига мажбурий бўлади;

Учинчидан, мазкур ижтимоий тузилмалар ўз устав

(низом)лари воситасида ташкилот аъзоларининг хукуқ ва бурчларини мустақил белгилайдилар;

тўртичинидан, ўз мулки ва маблағларига эга бўлиб, уларни ўз ихтиёри ва эҳтиёжига қараб тасарруф этадилар.

Фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига, сиёсий партияларга уюшиш борасидаги конституциявий хукуқи ижтимоий институтларнинг, шу жумладан, касаба уошмаларининг ташкил топиши ва фаолият юритиши учун юридик асос бўлиб хизмат қиласди. Гап Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 34-моддасининг 1-қисми ҳақида бормоқда. Унга мувофиқ, Ўзбекистон фуқаролари касаба уошмаларига, сиёсий партияларга, бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш хукуқига эгадирлар. Жамоат бирлашмалари халқ ижодкорлиги ва ташаббусининг натижаси бўлиб, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол ҳамда самарали иштирок этишининг ишончли воситасидир. Улар демократиянинг таркибий қисми ва фуқаролик жамияти ҳаётининг шакли сифатида намоён бўладилар. Конституция жамоат бирлашмаларининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши эркинлигини кафолатлади.

Яна бир муҳим конституциявий қоидага мувофиқ, давлат жамоат бирлашмаларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлади, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг хукукий имкониятлар яратиб беради (58-модданинг 1-қисми).

Давлат жамоат бирлашмаларининг хукуқларини аниқ белгилаш мақсадида конституциявий нормаларга таянган ҳолда алоҳида қонунлар қабул қиласди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси парламенти 1991 йил 15 февралда “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” қонун қабул қилди. Унинг муқаддимасида рамзий маъно касб этувчи қўйидаги сўзлар битилган: “Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси”га ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб, ушбу қонунда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас хукуқи сифатида мустаҳкамлаб қўйилади”¹.

Конунда жамоат бирлашмаларининг тушунчаси берилган: “Ўз хукуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991. № 4. 76-модда.

экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидағи қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир” (1-модда).

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмали деб эътироф этилади.

Узбекистон фуқароларига ўз фаолиятларини амалга ошириш учун кенг кўламдаги шарт-шароит яратилган. Янгиланаётган жамиятимизда фуқароларнинг давлат ишларида қатнашиш фаоллигини оширишда жамоат бирлашмалари катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида амалий жиҳатдан катта ўшдаги аҳолининг қарийб ҳаммаси жамоат бирлашмаларининг фаолиятида қатнашадилар. Шуниси ҳам борки, кўпгина фуқаролар бир эмас, балки бир неча жамоат бирлашмалари фаолиятида иштирок этадилар. Жамоат бирлашмалари ўз таркиби, мақсад ва вазифалари, фаолият шакллари ва иш услублари билан бир-биридан фарқ қиласидилар. Лекин уларнинг ҳаммасига хос бўлган белгилар ҳам мавжуд. Бу жамоат бирлашмалари ўз низомларида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ, жамиятни бошқаришда, ҳар хил вазифаларни ҳал этишда фаол қатнашадилар.

Жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолият қоидалари бир хил.

Жамоат бирлашмалари фаолиятининг асосий принциплари га куйидагилар киради:

- 1) ихтиёрийлик;
- 2) тенг ҳуқуқлилик;
- 3) ўзини ўзи бошқариш;
- 4) қонунийлик;
- 5) инсонпарварлик;
- 6) ошкоралик.

Ихтиёрийлик принципи шуни билдирадики, Ўзбекистон фуқароларининг ҳар бири ўз хоҳиш-иродаси ҳамда қизиқишлигини ўз майлига кўра амалга оширади. Жамоат бирлашмалари ёки сиёсий партияларга кириш

ёки кирмасликни фуқароларнинг ўзлари ҳал этадилар, мажбурий аъзоликка йўл қўйилмайди.

Тенг хукуқлилик принципи республикадаги барча жамоат бирлашмалари тенг хукуқ асосида фаолият кўрсатишини англатади. Бирорта жамоат бирлашмасининг сон жиҳатидан оз бўлган бошқа жамоат бирлашмасидан устун бўлишига ёки унинг хукуқларини камситишига йўл қўйилмайди.

Ўзини ўзи бошқариш принципи шуни англатадики, жамоат бирлашмаларида раҳбарлик бевосита ўша жамоат бирлашмаси аъзолари орасидан сайланган фуқаролар томонидан амалга оширилади. Давлат, қонунда кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда, жамоат бирлашмалари нинг фаолиятига аралашмайди. Худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Қонунийлик принципи барча жамоат бирлашмаларининг ўз низомларида ва бошқа хужжатларида кўзда тутилган вазифаларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида иш кўришини билдиради.

Ошкоралик принципи жамоат бирлашмаларининг фаолияти ҳеч қандай чеклашларсиз, очикдан-очиқ юритилишини англатади. Жамоат бирлашмалари ўзларининг фаолияти тўғрисида ўз аъзоларига ва ваколатли давлат идораларига ҳисобот бериб турадилар. Бундан ташқари, улар ҳеч қандай чеклашларсиз ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича тегишли давлат идоралари, мансабдор шахслардан маълумот олиш хукуқини ҳам ошкоралик принципи асосида амалга оширадилар.

Инсонпарварлик принципига кўра, ҳар бир жамоат бирлашмаси ўз фаолиятида Инсон хукуқлари умумжаҳон декларациясининг барча қоидалари асосида, инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлигини, дахлсизлигини тан олган ҳолда олиб бориши зарур.

Жамоат бирлашмалари маълум бир мақсадга эришиш учун ташкил этилади. “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида бу мақсадлар кўрсатилган. Унга кўра, жамоат бирлашмалари:

— фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлар ҳамда эркинликларни рӯёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш;

— фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш;

— касбкор ва ҳаваскорлик манфаатларини қондириш;

— илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш;

— аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш;

— маданий-маърифий, физкультура-сөғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси;

— ҳалқаро алоқаларни кенгайтириш, ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш;

— маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш;

— ҳалқларнинг маданий мероси ва миллий бойлиги бўлган санъат асарларини излаб топиш;

— қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш;

— ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъод ва қобилиятларини намоён этиш мақсадида тузилади. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди”¹.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 2500 дан ортиқ жамоат бирлашмалари расмий равишда рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатмоқда. Булар жумласига, шунингдек, 80 дан зиёд миллий маданий марказлар, 40 дан ортиқ жамғарма ва хайрия ташкилотлари, 65 та жамият, 19 та бирлашма, 34 та ассоциация, 37 та федерация, 16 та тармоқ касаба уюшмаси, 40 дан зиёд аёллар ва болалар ташкилотлари киради. Мазкур ташкилотларнинг 500 дан ортиғи вилоятлар адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтган.

Давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари сифатида жамоат бирлашмаларини, жумладан, турли жамғармаларнинг қарор топишида хайриҳоҳлик билдираётганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва ҳукумат қарорлари воситасида

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992. 22-бет.

ўзининг яққол исботини топмоқда. Масалан, Президентнинг “Наврӯз” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги (1992 йил 23 май), “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги (1992 йил 12 сентябрь), “Умид” жамғармасини тузиш тўғрисида”ги (1997 йил 7 январь), “Имом ал-Бухорий ҳалқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги (1998 йил 16 ноябрь), “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси тўғрисида”ги (1996 йил 14 декабрь), “Хукуматга қарашли бўлмаган “Соғлом авлод учун” ҳалқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги (1993 йил 23 апрель), “Ижодкор ёшларнинг “Истебъод” республика жамғармасини тузиш ҳақида”ги (1993 йил 4 май), “Ибн Сино ҳалқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги (1999 йил 6 январь) фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳалқаро маданий-маърифий алоқалар милий уюшмасини ташкил этиш тўғрисида”ги (1992 йил 25 март), “Экосан” ҳалқаро экология ва саломатлик жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги (1994 йил 17 ноябрь), “Ҳалқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги (1996 йил 14 март), “Олтин мерос” ҳалқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги (1996 йил 27 сентябрь), “Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси тўғрисида”ги (1996 йил 8 ноябрь), “Журналистларни қайта тайёрлаш ҳалқаро жамоатчилик марказини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”-ги (1997 йил 14 апрель), “Ижтимоий Фикр” жамоатчилик Марказини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги (1997 йил 9 июл), “Ўзбекистон Архитекторлар уюшмасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги (1998 йил 16 июнь) қарорлари ва бошқалар.

Конституция жамоат бирлашмалари орасида энг қамровли ва нуфузли ташкилот ҳисобланмиш касаба уюшмаларини алоҳида эътироф этади. Бу муносабат Ўзбекистонда “Касаба уюшмалари ҳукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги алоҳида қонуннинг (1993 йил) мавжудлиги билан ҳам изоҳланади¹. Ко-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси. 1992. № 9. 344-модда.

нунга мувофиқ, касаба уюшмаси — кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иктисодий хукуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун эҳтиёжлар умумийлиги билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 53 мингдан зиёд бошланғич ташкилотта бирлашган 7,5 миллиондан ортиқ аъзоси бор. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси таркибида 21 та тармоқ касаба уюшмаларидан ташқари, ҳудудий йўналишдаги 1 та Қорақалпоғистон Республикаси, 12 нафар вилоят ҳамда 1 нафар Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари мавжуд.

Мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар, шу жумладан, талабалар ўз хоҳишиларига кўра ва олдиндан ижозат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмалари тузиш хукуқига, шунингдек, уставларга риоя этиш шарти билан касаба уюшмаларига кириш хукуқига эгадирлар. Касаба уюшмалари корхона, муассаса, ташкилотларда ва бошқа иш жойларида тузилиши мумкин (2-модда).

Касаба уюшмалари ўз фаолиятларида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақиллар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар. Мазкур уюшмаларининг хукуқларини чеклайдиган ёки шу хукуқларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиласидиган тарздаги ҳар қандай аралашув ман этилади.

Касаба уюшмалари ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ ҳаракатланадилар. Улар ўз уставларини мустақил ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уюшма ички тузилишини белгилайдилар, раҳбар органларини сайлайдилар, ўз фаолиятларини ташкил этадилар.

Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш хукуқини ҳимоя этадилар, уларга тегишли меҳнат шароитлари яратиб берилиши ва бажарилган ишга муносиб ҳақ тўланиши устидан фамхўрлик қиласидилар. Корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат олиб борадилар. Меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси билан шуғул-

ланадилар ва меҳнат низоларининг кўриб ҳал этилишида фаоллик кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади (Конституциянинг 56—57-моддалари).

Жамоат бирлашмалари ўз фаолият доираларига кўра қўйидагиларга бўлинади:

- 1) республика жамоат бирлашмалари;
- 2) маҳаллий жамоат бирлашмалари;
- 3) ҳалқаро жамоат бирлашмалари.

Республика жамоат бирлашмаларига ўз низомида белгиланган фаолиятни бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган, камида 3 минг аъзоси бўлган жамоат бирлашмалари, сиёсий партия ёки касаба уюшмалари киради. Қорақалпогистон Республикасида ҳам жамоат бирлашмалари тузилиши мумкин.

Маҳаллий жамоат бирлашмаларига вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ жамоат бирлашмалари киради. Бу жамоат бирлашмаларига низомларида белгиланган фаолиятни бутун вилоят ҳудудида, Тошкент шаҳрида эса шаҳар ҳудудида амалга оширадиган жамоат бирлашмалари, вилоят, Тошкент шаҳар жамоат бирлашмалари киради.

Бутун туман (шаҳар) ҳудудида фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмалари туман (шаҳар) жамоат бирлашмалари дейилади. Фаолиятини шаҳарчада, қишлоқ ҳудудида амалга оширадиган жамоат бирлашмалари шаҳарча, қишлоқ жамоат бирлашмалари дейилади.

Қонунга асосан, зарур бўлган ҳолларда вилоятлар-аро ва туманлараро жамоат ташкилотлари тузилиши мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси ва битта ёки ундан кўпроқ хорижий давлат ҳудудида фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмалари-дир.

Башарти чет элда тузилган халқаро жамоат бирлашмаси таркибига республика жамоат бирлашмаси колектив аъзо сифатида кирса, республика жамоат бирлашмасининг низоми ҳам жамоатчилик бирлашмаси тўғрисидаги қонунга мувофиқ рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва ўз низомларига мувофиқ халқаро жамоат бирлашмалари билан бевосита алоқа ўрнатишлари мумкин.

Сўнгти йилларда жамоат бирлашмаларини нодавлат ташкилотлар ёки хукуматга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотлар (ҲҚБНТ) тарзида таърифлаш расм бўла бошлиди. Улар фаолияти орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги рўёбга чиқарилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотига кўра, устави уларни ҲҚБНТ деб ҳисоблаш имконини берадиган 350 дан зиёд жамоат бирлашмаси бор. ҲҚБНТнинг адлия органлари томонидан рўйхатга олиниши уларга юридик шахс мақомини беради ва давлат идоралари ҳамда бошқа жамоат муассасалари билан муносабатларнинг тўла хукуқли субъекти бўлиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1999 йил 14 апрелда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилди. Қонуннинг қабул қилиниши мазкур тоифа жамоат бирлашмаларининг фаолияти кенг хукуқий асосга таяниши ва ривожланиши учун йўл очиб берди. Нодавлат нотижорат ташкилотини жисмоний ёки юридик шахслар (ёки биргаликда) ихтиёрийлик асосида ташкил этадилар. Улар жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, мъяваний ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиши учун тенг хукуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат уларнинг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига кўмак кўрсатиши мумкин. Давлат идоралари, мансабдор шахслар нодавлат нотижорат ташкилот фаолиятига аралashiшига, худди шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотнинг давлат идоралари ҳамда мансабдор шахсларининг фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмайди. Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг хукуқлари, мажбуриятлари, шунингдек, уларнинг ташкилий-хукуқий шакллари, ташкил этилиш асослари, уставлари, рўйхатдан ўtkазиш тартиблари, мулкий мақоми, тадбиркорлик фаолияти ва солиқ тўлаш масалалари ҳамда фаолиятини тўхтатиш ва тутатиш тартиблари батафсил белгилаб берилган.

Ўзбекистонда ҲҚБНТ шакланаётган фуқаролик жамиятининг таркибий қисмиидир. Фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан тузилган бу кўнгилли ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотлар хилма-хиллиги билан фарқланади. Уларни қўйидаги (аниқ мисоллар орқали кўрсатиладиган) гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) аҳоли муайян йирик тоифаларининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган хукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар;

2) “Маҳалла” жамғармаси (фуқароларнинг жамоавий-маҳаллий ўзини ўзи бошқарувига доир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи);

3) Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси (республикада ва жойларда қўмиталарнинг бошлиқлари давлат раҳбарияти тизимиға киритилганлиги туғайли барча даражаларда хукумат ташкилотлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишлаш механизмига эга) Ишбилиармон аёллар уюшмаси, Олима аёллар уюшмаси каби шерик ташкилотларни таъсис этган;

4) Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар уюшмаси (маълумотларга кўра унинг таъсир доирасида 600 мингдан зиёд киши бор);

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим тарихий воқеа содир бўлди. 2001 йилнинг 25 апрелида Ўзбекистон Республикасида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда мамлакат ёшларининг янги ижтимоий

ҳаракати яхлит бир демократик ташкилот, уюшма сифатида юзага келди. Таъсис қурултойида мамлакатнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистондан келган делегатлар — ёшларнинг энг фаол вакиллари иштирок этди. Айжуман ишида ҳаракатнинг Ташаббус гуруҳи ва Маслаҳат кенгаси аъзолари, ёшлар масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Курултой қатнашчиларига мамлакат Президенти И.А. Каримов табрик йўллаб, унда жумладан шундай деди: “Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халқقا хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик ва фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суюнчини кўриши табиийдир...

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқаётган бугунги кунда ўғил-қизларимизни ўз сафларида бирлаштирадиган, ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан узвий боғлаган, Ватанинг шаъни, ор-номуси учун курашга отланган ёш авлодни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган ёшлар ташкилоти тузишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда...

Ўзбекистон ёшларининг хоҳиш-иродасини, уларнинг жўшқин ва соф интилишларини ифода қиласидиган сиз — курултой делегатлари мураккаб ва шиддатли замон бугун олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни адо этиш борасидаги улкан масъулиятни чукур англаб, “Камолот” ижтимоий ҳаракатини шу асосда ташкил этасиз, деб ишонаман. Ана шу олижаноб мақсад йўлида сизларга файрат-шижоат тилайман”!¹

ҲҚБНТ фаоллари ва чет эллик эксперталар ўргасида ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотнинг мақоми унинг тузилишини ким молиявий таъминлаганлигига қандай боғлиқ бўлиши хусусида баҳслар юритиляпти. ҲҚБНТнинг аввало фуқаровий ва мустақил ташкилот сифатидаги фаолияти белгиловчи ўрин тутади деган фикр кўпроқ тарқалган. Ўзбекистонда кам сонли ва фаолият кўлами чекланган ҲҚБНТлар ўзининг ҳукукий жиҳатдан расмийлашувида энг кўп қийинчиликларга дуч келмоқда. Улар маҳаллий адлия органлари томонидан рўйхатта олиниши лозим.

¹ Ўзбекистон овози. 2001. 26 апр.

Қисман ҳукуматта қарашли ҳолда (давлатнинг ташкилий ва моддий-молиявий қўллаб-куватлашида) тузилган бир қатор жамғармалар, марказлар ва жамиятларнинг ҳукуматта қарашли бўлмаган ташкилотларга айланишини тенденция сифатида эътироф этиш мумкин. Бу Ўзбекистонда ҲҚБНТ ҳаракатининг шакланишига хос ҳусусиятдир. Шу билан бирга, “хукуматта қарашли бўлмаган ташкилотлар” таърифининг ўзига аҳолининг анъанавий кайфиятдаги ёки ҲҚБНТнинг давлатга нисбатан шериклик роли тўғрисида яхши хабардор бўлмаган қисми ишончсизлик билан қарайди.

Бундай ташкилотлар ҳақида амалдаги қонун ҳужжатларида ҳатто эслатиб ўтилмаганлиги уларнинг тўлақонли ривожланишига муайян тўсиқ бўлмоқда. Бу этиш мовчиликни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳукуқлари бўйича Миллий маркази ЕХХТ нинг Демократик институтлар ва инсон ҳукуқлари буроси ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан биргалиқда ҲҚБНТ бўйича миллий қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун халқаро тажрибани ўргандилар ва таклифлар тайёрладилар.

Унда куйидагиларни қайд этиб ўтиш таклиф этилмоқда, жумладан ҲҚБНТ:

— ўз устави Конституцияга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган тақдирда, уни аддия органларида рўйхатдан ўтказиш ҳукуқига эга бўлади;

— ўзининг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳар қандай қонуний асосда ишлаб турган дунёвий ташкилот ва фуқаролардан ҳомийлик ёрдами олиши мумкин;

— мамлакат минтақаларида ўз филиаллари ёки бошқа таркибий бўлинмаларини тузади, бошқа ҲҚБНТнинг муассислари бўлиши мумкин;

— ижодий, хайрия, маданий-маърифий, ахборотга оид, ижтимоий-кўмаклашувга оид ва жамият учун фойдалари бошқа фаолиятни амалга оширади;

— зарурат бўлганда муҳтож фуқаролар ёки бошқа ҲҚБНТларни ҳукуқий жиҳатдан қўллаб-куватлайди;

— ўз устави доирасида халқаро фаолият билан шуғулланиши ва чет эл ҲҚБНТлари билан алоқа боғлаши мумкин;

— давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов компанияларида ёки бошқа сиёсий фаолиятда иштирок этмайди;

— одамлар соғлиғи ва рұхиятига заарлы, Ўзбекистон Республикаси халқининг маънавий ва маданий қадриятларига путур етказишга қаратылған фаолият олиб бормайды.

Ўзбекистон Республикасида фаолият күрсатаёттан жамоат бирлашмаларининг ҳукуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан белгиланади. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тұғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тұғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳукуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тұғрисида”ги қонунларида жамоат бирлашмаларининг ҳукуқлари, уларнинг мақсадлари, иш фаолиятининг шакллари, тузилиш тартиби күрсатылған.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзларининг давлат ва жамият ишларыда қатнашиш ҳукуқини жамоат бирлашмаларига уюшган ҳолда амалга оширадилар.

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти жуда кенг соҳаларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳукуқлари, ҳар бир жамоат бирлашмасининг низомларида ва бошқа ҳукуқий ҳужжатларда күрсатылған бўлади.

Жамоат бирлашмаларининг низомлари давлат томонидан рўйхатга олинади. Низомларни рўйхатта олиш тартиби жамоат бирлашмалари тұғрисидаги қонуннинг 11-моддасида күрсатылған. Масалан, Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро жамоат ташкилотларининг, республика, вилоятлараро бирлашмаларининг низомлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатта олинади.

Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг низомлари эса вилоят адлия бошқармалари томонидан рўйхатта олинади.

Жамоат бирлашмалари, уларнинг низомлари рўйхатга олинган кундан бошлаб, ўз фаолиятларини амалга оширадилар ва юридик шахс деб тан олинадилар.

Жамоат бирлашмалари низомларида, дастурий ва бошқа ҳужжатларida белгиланған мақсадлар, вазифаларни амалга ошириш учун, ўз мақсадлари ва фаолияти тұғрисидаги ахборотни эркин тарқатадилар, қонунда кўзда тутилған ҳолларда ва тартибда эса:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини шакллантиришда қатнашадилар;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этадилар;

— давлат ва жамоат идораларида эса ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қиласидилар;

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа хукуқий хужжатларда, жамоат бирлашмаларининг дастурлари ва низомларida кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жамоат бирлашмаларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларни жалб қилиб, улар иштирокида давлатни ва жамиятни ривожлантиришга ҳисса қўшишлари учун тўлиқ имкониятлар яратилган.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунда уларни тузиш ва фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳам кўрсатилган. Жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади. Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йигилишни ўтказиб, унинг низоми (ўзга асосий хужжат)ни қабул қиласидилар. Қонунга мувофиқ, нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам жамоат бирлашмаларига аъзо этиб қабул қилинадилар. Республика сиёсий партияларига аъзо бўлиш хукуқига эса фақат 18 ёшга тўлган фуқаролар эгадирлар.

Партиялар ўз аъзоларининг сиёсий иродасини ифодалаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тузишда иштирок этишни, шунингдек, республика Олий Мажлиси ва ҳалқ депутатлари кенгашларига сайланган ўз вакиллари орқали ҳокимият органларининг фаолиятида қатнашишни асосий вазифа қилиб қўядилар. Уларнинг дастурий хужжатлари бўлади ва бундай хужжатлар матбуот орқали омманинг эътиборига ҳавола қилинади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўз сиёсий иродасини ўзи хоҳлаган сиёсий партияга аъзо бўлиб, ўша партия орқали ифода этиши мумкин. Бундай эркинлик, ўз навбатида, ҳалқ сиёсий онгининг ўсишига, мамлакатда ҳар хил дунёқарашга эга, ўз Ватани истиқтоли ва ҳар томонлама ривожланишига бор куч-ғайратини сарфлайдиган инсонларнинг кўпайишига

олиб келади. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ҳар хил йўллар билан ўз аъзолари ва бошқа фуқароларнинг давлат ишларида иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қиласди.

Сиёсий партиялар республика Олий Мажлиси, ҳалқ депутатлари кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш, сайловолди ташвиқот ишларини олиб бориши, республика Олий Мажлисида ва тегишли ҳалқ депутатлари кенгашларида ўз тарафдорлари бўлган депутатлар фракциялари, гурухларини тузиш хукуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сиёсий партияларнинг дастурини, уларнинг мақсадларини ўрганиб чиқиши имкониятига эгадирлар, ўз ихтиёрлари ва хоҳиш-иродаларини сиёсий партияларга аъзо бўлиш орқали ифодалайдилар. Сиёсий партияларга аъзолик фақат якка тартибда амалга оширилади. Бир партиянинг аъзоси айни вақтда иккинчи партияга аъзоликка қабул қилинмайди. Оммавий жамоат ҳаракатлари ҳам сиёсий ёки ўзга мақсадларни кўзлайдилар, лекин уларнинг рўйхатга олинган аъзолари бўлмайди.

Хукуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат қилувчи шахслар, ҳарбий хизматчилар ўз хизмат фаолиятида фақат қонун доирасида иш юритадилар, шунинг учун бу шахслар сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатларининг аъзолари бўла олмайдилар.

Жамоат бирлашмалари қонунларда белгилаб қўйиладиган тартибда ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти билан шуғулланадилар ҳамда фақат ўз низомидаги вазифаларни бажариш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни тузишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар фақат низомда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга асосан, сиёсий мақсадларни кўзловчи сиёсий партиялар ва оммавий жамоат ҳаракатларининг диний ташкилотлардан, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан молиявий ва ўзга ёрдам олиши ман этилади, улардан тушган маблағлар эса давлат фойдасига ўтказилади.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасига асосан, ўз фаолиятлари-

нинг молиявий манбалари ҳақида Республика Олий Мажлисига ёки у вакил қылган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

Жамоат бирлашмаларининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади. Жамоат бирлашмалари оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ҳамда амалдаги матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари түғрисидаги қонунларга мувофиқ ноширлик фаолияти билан ҳам шуғулланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, республика Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари бутун республика ҳудудида фаолият кўрсатадиган барча жамоат бирлашмалари учун уларнинг низомларида, бошқа хужжатларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда хукуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари жамоат бирлашмалари хукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг хукуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат ёшлар, болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйлардан, спорт иншооотларидан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш хукуқини беради.

Конституцияга асосан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл кўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Жиноят кодексларида жамоат бирлашмаларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи қоидалар мустаҳкамланган. Давлат органлари ва мансабдор шахслар учун бу қоидалар мажбурийдир. Қонунга асосан, сиёсий партиялар, ташкилотлар, бошқа жамоат бирлашмалари фаолияти асосан улар аъзоларининг (қатнашувчиларининг) ишдан бўш вақтида ва мазкур бирлашмалар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Жамоат бирлашмалари манфаатларига дахлдор масалалар қонунларда кўзда тутилган ҳолларда тегишли

жамоат бирлашмалари иштирокида ёки улар билан келишилган ҳолда давлат органлари ва хўжалик ташкилотлари томонидан ҳал қилинади.

Давлат молия органлари жамоат бирлашмаларининг маблағ билан таъминланишини ва улар даромадлари нинг манбаларини соликлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ назорат қилиб боради. Прокуратура органлари эса жамоат бирлашмалари республика қонунлари ва республика Президенти фармонларини қай даражада тўғри бажараётганлигини назорат қилиш ҳукуқига эга.

Жамоат бирлашмаларининг низомини рўйхатга олган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари жамоат бирлашмаси фаолияти нинг мақсадларига таалуқли низом қоидаларига риоя этилишини назорат қилади. Жамоат бирлашмаси, уни рўйхатга олган Адлия вазирлиги органларига уларни қизиқтирган масалалар бўйича ҳисобот берib туради. Рўйхатта олувчи адлия органлари жамоат бирлашмасининг раҳбар организдан қабул қилинган қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари ўтказадиган тадбирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга, жамоат бирлашмасининг низомга риоя қилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан жамоат бирлашмаси аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан тушунтириш олишлари мумкин. Бу ҳар қандай бирлашма фаолияти ошкоралик билан амалга оширилишини таъминлади.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузганлик учун айбдор бўлган давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар жавобгарликка тортиладилар. Шу билан бирга, жамоат бирлашмаси, шу жумладан, ўз низомини рўйхатдан ўтказмаган жамоат бирлашмалари ҳам жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузсалар, жавобгар бўладилар.

Агар жамоат бирлашмаси ўз низомида белгилаб кўйилган мақсадлар ва вазифалар доирасидан четта чиқадиган ёки қонунни бузадиган хатти-ҳаракатларни содир этса, шу жамоат бирлашмасининг раҳбар органи жамоат бирлашмаси низомини рўйхатга олган адлия органи ёки прокурор томонидан ёзма равища огохлантирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 62-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

Маҳаллий жамоат бирлашмаларига нисбатан бундай ҳаракат тегишли вилоят, Тошкент шаҳар, туман судлари томонидан амалга оширилади. Халқаро жамоат бирлашмалари, давлатлараро жамоат бирлашмаларининг бўлимлари, вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг фаолияти эса республика Бош прокурори, Ўзбекистон Адлия вазирлиги тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Олий суди қарори билан тўхталиши мумкин. Бундай вақтда Олий суд қарори устидан шикоят қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлганидан сўнг кўп partiyaийлик ҳолати вужудга келди. Ҳозирда Ўзбекистонда бир неча сиёсий партиялар, ижтимоий сиёсий ҳаракатлар пайдо бўлди ва жамият ишида фаол иштирок этмоқда. 1996 йил 26 декабрда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Бу қонуннинг 1-моддасида сиёсий партияга куйидагича таъриф берилган: “Сиёсий партия қараашлар, манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклиги асосида тузилган, жамият муайян қисмининг давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кўнгилли бирлашмасидир”.

Сиёсий партиялар тўғрисидаги ушбу қонунда, сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари, улар фаолиятининг кафолатлари, уларни тузиш тартиби, низоми, рўйхатга олиш, фаолиятини тўхтатиш тартиби, уларнинг ҳукуқлари, вакиллик органларидаги партия фракциялари, гуруҳларининг мақсади, вазифалари тўлиқ кўрсатиб берилган.

Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат жамоат бирлашмаларига катта масъулият юклайди. Бундай масъулиятнинг асосий негизи ҳар қандай жамоат бирлашмаси олдига қўйилган ягона мақсадни, яъни бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳимояланган бўлишини, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда онгли равишда ва фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат. Жамоат бирлашмалари республикада амалга оширилаётган ислоҳот-

ларни ўз аъзолари иштирокида таҳлил қилишлари ва уларга нисбатан ўзларининг фикрларини билдиришлари, ислоҳотлар натижасида ўз олдиларида турган вазифаларни аниқлаб олишлари ва барча аъзоларини уларни бажаришга жалб этишлари лозим. Бу, ўз навбатида, жамиятдаги барча кучларни ягона мақсад — Ўзбекистоннинг юксак ривожланиши, ҳар бир фуқаронинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечириши йўлида бирлаштиради.

Оила, мактаб, оммавий ахборот воситалари. Фуқаролик жамияти ўзлигини намоён этишда, муайян мақсад ва эҳтиёжларига эришишда оила ва мактаб каби ноёб ташкилий тузилмалар, ижтимоий муассасалар кўмагидан фойдаланади. Оила ҳам, мактаб ҳам (*мактаб сўзи жамиятдаги барча таълим масканларининг мажмумини ифодаловчи тушунча сифатида ишлатилмоқда*) фуқаролик жамиятининг узвий таркибий қисми бўлиб, муайян ижтимоий вазифани ўтайди.

Оила жамиятнинг бирламчи, асосий бўғинидир. Оила инсонларнинг турмуш кечириш ва ҳаёт давомийлигини таъминлаш тарзидир. Унинг жамиятдаги юксак нуфузи, эътибори ва аҳамияти боис Конституциямизда оиласа алоҳида модда бағишланган. “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хукуқига эга” (63-модданинг 1-қисми).

Ўзбекистонда 1998 йилнинг “Оила йили” деб эълон қилинганлиги ва “Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури”¹ қабул қилинганлиги, унинг ҳаётта тўла татбиқ этилганлиги бевосита рамзий маъно касб этади. Мамлакат Президенти И.А.Каримов оила ҳақида гапириб, шуни таъкидлаган эди: “...авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни саклайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир қўрсатадиган тарбия ўчоги эканини тан олишимиз даркор. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрг мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарор-

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январдаги 45-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1998 йил, январь. — Т., 1998. 102—103-бетлар.

лик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, росттўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оиласда шаклланган".¹

Оила фуқаролик жамиятининг таянч тузилмаларидан бири, десак муболага бўлмайди. Зеро, бу муқаддас масканда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбияланади, шаклланади ҳамда камол топади. Унинг шахс ўзлигини намоён этишидаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Ҳозир республикамизда 3,5 миллиондан зиёд оила мавжуд. Ҳар йили 230—235 минг атрофида ёш (янги) ойла вужудга келиб, ўртача 700 мингдан зиёд бола туғилади. Юртимиздаги оиласарнинг 35 фоиздан ортигини ёш оиласар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик ва болалик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан рафбатлантириш борасида эътиборга молик чоратадбирлар кўриб келинмоқда. Юқорида зикр этилган "Оила манфаатлари" давлат дастурини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 144339 миллион сўм, 1,5 миллион немис маркаси, 160 миллион АҚШ доллари сарфланган. 1998 йил мобайнида 7400 квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга толширилди, натижада минглаб оиласарнинг яшаш шарт-шароитлари яхшиланди. 2000 йилдаги вазиятта кўра болалар боғчаларининг сони 7800 тадан ортиқ бўлиб, уларда 684200 дан зиёд болалар тарбия ва таълим олмоқда.

Кам таъминланган оиласарга давлат кўмагини кўрсатиш йил сайн ошиб бормоқда. Масалан, 1999 йилда болали оиласарнинг 40 фоизидан зиёди нафақа олди. Нафақаларнинг ҳар бир оиласага берилган ўртача миқдори қарийб 1500 сўмни ташкил этди. Ҳозирги вақтда, 145 мингдан ортиқ аёллар давлат ижтимоий ёрдам тизими орқали нафақалар оладилар. Улар ижтимоий нафақа олувчиларнинг 60 фоизини ташкил этадилар.

Оиласарни қўллаб-куватлаш, уларнинг бюджетига

¹ 1998 йил — оила йили. 1998 год — год семьи. Т.: Ўзбекистон, 1998. 9—10-бетлар.

мадад бобида күйидаги тадбир ҳам ибратлидир. Сўнгти йилларда биринчи синф ўқувчиларига ўқув куроллари ва кийим-кечакларнинг белуп берилиши жорий этилди. 1998—1999 ўқув йилида бу тоифа ўқувчиларга 767 миллион сўмга 630 мингдан кўпроқ ўқув куроллари жамланмаси белуп тарқатилди. Шунингдек, 1072 миллион сўмлик қиши кийим-кечаклар кам таъминланган оиласарнинг фарзандлари бўлган 373 мингдан ортиқ болага ҳадя қилинди.

Оиласанинг жамиятдаги ўрнини таъминлашда, унинг хукуқий муҳофазаси ва ижтимоий мавқенини мустаҳкамлашда “Оила кодекси”нинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси жаҳон ҳамжамияти эътироф этган хукуқий нормаларга тўла мос равишда тузилгани ҳолда, “**оила — жамиятнинг таянч тузилмаси**” деган фикрга асослангандир.

Оила тўғрисидаги қонун хужжатларининг вазифаси оиласани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва хурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралashiшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз хукуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу хукуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат (Кодекснинг 1-моддаси). Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳ иттифоқини тузиши, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий тенг хукуқлилигига асосланади.

Оилавий муносабатларда фуқароларнинг хукуқлари фақат қонунга асосан ва фақат оиласидаги бошқа аъзоларнинг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, қадр-қиммати, соғлиғи, хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур бўлган меъёрдагина чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир. Оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда хурматга сазовордир.

Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлигини сақлашга доир маҳсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни хукуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий

жиҳатдан кўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади (Кодекснинг 4-моддаси).

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида оиланинг тутган ўрни хусусиятлари орасида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, хуқуқий механизmlар, масалан, ижтимоий ёрдам, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, жамоат тартибини таъминлашнинг самарали ишлаши оиланинг кўллаб-қувватлашига муҳтож. Негаки у давлат фаолиятини инсонийлаштиришга қаратилган кўпгина жамоат талаб-эҳтиёжларини ва манфаатларини келтириб чиқаради.

иккинчидан, мамлакатни ислоҳ қилишнинг ва давлат фаолиятининг энг муҳим муаммоларини оиласда норасмий баҳолаш, оиласвий бирдамлик, шунингдек, ахборот билан (электрон ахборот воситалари кенг тарқалиши эвазига) таъминлаш даражасининг ўсиши, бир томондан, жамоатчилик фикрини ва, айниқса, ёшлар ахлоқини барқарорлаштиради; иккинчи томондан, ислоҳотларнинг хуқуқий ва ижтимоий-иктисодий механизmlарини самаралироқ йўлга кўйиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви етакчилари ва депутатлар, жамоатчилик фикри орқали давлат ҳокимиияти ва бошқарув органларига таъсир кўрсатади.

учинчидан, давлат янги шароитларга ижтимоий-иктисодий ва руҳий мослашишга қаратилган қонунлар, давлат бошлиғининг фармонлари, ҳукумат қарорлари орқали оиласларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига бевосита боғлиқ ҳолда иш олиб бориши ижтимоий кескинлик нисбатан паст бўлишини ва ижтимоий портлашларнинг олдини олишини таъминлайди.

Фуқаролик жамиятининг интеллектуал, ақлий салоҳиятини таъминлаш ва муттасил юксалтириб боришида **мактабнинг аҳамияти** беқиёсdir. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш хуқуқига эга, деб таъкидланган. Билим олиш хуқуқи шахснинг асосий хуқуқларидан биридир. 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги Миллий дастур” ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ мамлакатда кўп босқичли узлуксиз таълим тизими вужудга келтирилган. Мамлакатда таълим ва тарбия инсонпарвар ва демократик хусусиятта эга.

Ҳар бир шахсга жинси, тили, ёши, ирқий ҳамда

миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавкеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшайтганлигидан қатъи назар, билим олишда тенг хукуқлар кафолатланади (Қонуннинг 4-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

1) давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат, нодавлат таълим муассасалари;

2) таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

3) таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксизdir.

Ўзбекистон Республикасида таълим қуидаги турларда амалга оширилади:

1) мактабгача таълим;

2) умумий ўрта таълим;

3) ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;

4) олий таълим;

5) олий ўкув юртидан кейинги таълим;

6) кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

7) мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишига тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оиласда, болалар боғчасида ва, мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, умумий ўрта таълим босқичлари қуидагиларни ўз ичига олади;

1) бошлангич таълим — (I—IV) синфлар;

2) умумий ўрта таълим — (I—IX) синфлар.

Бошлангич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синfiga болалар олти-етти ёшдан қабул қилинадилар.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилия-

ти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳукуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш ҳукуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чукур, табакалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта маҳсус ўқув юргидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чукур ривожлантиришни, танланган касблари бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишини таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юргидир.

Мамлакат таълим тизими ислоҳотлари силсиласида олий таълим алоҳида ўрин тутади. Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва бошқа олий таълим муассасаларида) ўрта маҳсус, касб-хунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалавриат ва магистратурага эга.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган юқори олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон таълим тизимининг мазмуни ва салоҳияти, таълимнинг савияси ҳамда мактаб ишларининг даражаси бўйича дунёдаги етакчи давлатлар қаторига чиқиб олди. Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатда таълим тизими тубдан ислоҳ этилди, кадрлар тайёрлашнинг давлат тизими сақлаб қолиниб, у янада такомиллаштирилди ва шу орқали аҳолининг барча қатламлари учун — моддий аҳволи, яшаш жойи, миллатидан қатъи назар — таълим олишнинг исталган босқичларига кенг йўл очилди.

Таълим соҳасидаги асосий тамойиллар қўйидагилардан иборат:

1) саводхонлик даражаси ва таълим савияси бўйича юқори кўрсаткичларнинг сақлаб қолинганлиги. 1997—2000 йилларда саводхонлик даражаси 98,0%—99,5% ни ташкил этди;

2) янги тўққиз йиллик мактаб таълими принципининг сақлаб қолинганлиги; ўрта мактабларда олти тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тоҷик, қирғиз тилларда дарс ўтилади;

3) мактабни битиргандан сўнг олий ва ўрта маҳсус билим юртларида таълим олувчилар сонининг ортганилиги. Масалан, 1996—1997 ўкув йили учун 28,6 минг битирувчи ўқишига қабул қилинган, кейинги ўкув йилида 35,8 минг йигит-қиз талаба бўлди.

2000—2001 ўкув йилида 46,5 минг киши олий ўкув юртлари талабаси бўлиш шарафига эришди, шундан 23 минг нафари давлат маблағлари ҳисобидан ўқиди. Ўзбекистонда 60 дан зиёд олий ўкув юртлари бўлиб, уларда 187 мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Уларга 20 мингдан зиёд профессор-ўқитувчилар илм бермоқда.

Ўрта маҳсус ўкув юртлари талабалари сони ҳам ошиб бормоқда. 1996—1997 ўкув йилида 72062 бола ўқишига кирган бўлса, 1997—1998 ўкув йилида бу кўрсаткич 91766 нафарга етди. 2000—2001 ўкув йилида таълимнинг бу турида таҳсил олувчилар сони 110000 дан ошиб кетди. Юртимиз янги XXI асрга мактаб билан бирга академик лицейлар ва касб-хунар колледжларнинг кенг тизимини вужудга келтирган ҳолда кирди.

Таълим муассасалари, мактабларнинг жамият ижтимоий ҳаёти ва ривожидаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Аҳолининг саводхонлиги ва билим савияси қанчалик юқори бўлса, жамият равнақи шунчалик жадаллашади, ижтимоий турмуш муаммоларининг оқилона ҳал

этилиш имкониятлари шунчалик ортиб боради. Ёш авлоднинг мустаҳкам ва чуқур билимли бўлиши жамият маданий ва демократик тараққиётининг гаровидир.

Демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Зеро, оммавий ахборот воситалари, журналистлар давлат ҳокимияти идоралари билан халқ оммаси ўртасида алоқа боғловчи асосий бўғин сифатида майдонга чиқади. Жамият аъзоларини кундалик ижтимоий-сиёсий, хукуқий ҳаёт воқеликларидан тезкор, мунтазам ҳамда рўйи рост хабардор қилиб туриш уларнинг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистонда ислоҳотлар орқали фуқаролик жамияти таркибий тузилмалари шаклланадиган ҳозирги шароитда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини белгилаш жуда долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида: “Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда... оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади”,¹ — деб таъкидлади.

Оммавий ахборот воситаларининг хукуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида баён этилган: “Оммавий ахборот воситалари эркинлар ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди”.

Мазкур қоиданинг Асосий қонун даражасида мустаҳкамланганлиги, биринчидан, фуқароларнинг ўз фикрларини эркин тарзда матбуотда, радио ва телевидение орқали ёзма ёки оғзаки чиқишлиарда ифодалаш хукуқини кафолатласа; иккинчидан, оммавий ахборот воситаларининг беназир аҳамиятига берилган юксак эътибордир. Ушбу конституциявий битикда учта муҳим принцип: оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, улар фаолиятида қонуннинг устунлиги ҳамда цензура қилишга йўл қўйилмаслиги ўз ифодасини топган. Айни вақтда, ахборотнинг ҳаққонийлиги учун масъулият юкланиб, юридик жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган. Бундан кўзланган мақсад оммавий ахборот воситалари томонидан эҳтиросга берилиш оқибатида ноўрин

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997. 176-бет.

ахборот тарқатилишининг олдини олиш, уларга чек қўйишдир.

Белгиланган конституциявий мезон асосида барча зарурый чора-тадбирларни амалга ошириш орқали оммавий ахборот воситаларини фуқаролик жамиятининг мустақил ва самарали институтига айлантириш лозим. Албатта, бунинг учун, аввало, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мазмун-моҳиятини тубдан янгилаш зарур бўлади. Табиийки, республикамиздаги янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар оммавий ахборот воситалари олдига мутлақо янги, шу пайтгача нотаниш бўлган вазифаларни қўймокда. “Бугунги кунда,— деб таъкидлайди И.А.Каримов,— Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги борган сари аён бўлмоқда. Чунки ҳозирги чуқур ўзгаришлар, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини демократиялаш суръатлари қаршисида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талабга жавоб бермаяпти”¹.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ислоҳ қилиш, уларнинг самарали ишлашига кўмак берувчи механизmlарни тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш борасида муайян ишлар қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1996 йил 30 августда “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги ва “Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқлар тўғрисида”ги қонуларни қабул қилди².

Бу йўналишдаги қонун ижодкорлик ишлари давом эттирилиб, тез орада, яъни Олий Мажлиснинг 1997 йил 24 апрелда бўлиб ўтган VIII сессиясида “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” ҳамда “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонулар тасдиқланди³. 1997 йил 25 декабрда эса Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди⁴.

Шубҳасиз, яратилган қонунлар давлат ҳамда нодавлат шаклдаги телевидение каналлари ишини ташкил қилиш, шунингдек, журналистларнинг профессионал

¹ К а р и м о в И.А. Ўша асар. 176—177-бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси. 1996. № 9. 135-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси. 1997. № 4—5. 108 ва 110-моддалари.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси. 1998. №1. 11-модда.

жиҳатдан камол топишига кенг кўламда ёрдам бериш, матбуот ва ахборот воситалари эркинлигини таъминлашда, жамиятда демократик муҳитни қарор топтиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизда ноширлик фаолиятининг эркинлиги қонун билан кафолатланган. Ноширлар ўз фаолиятларида, шу жумладан ноширлик йўналишларини, мавзуларини, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллифни танлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунчилиги хужжатлари доирасида мустақиллар.

Мустақиллик, эркинлик зарурият ҳамда масъулиятни ҳис этиш билан боғлиқdir. Матбаа маҳсулотида мавжуд конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, давлат аҳамиятига молик сирларни ошкор қилиш, уруш, зўравонлик, беҳаёликни тарғиб қилиш, аҳоли орасига диний ва миллий нифоқ солиш, инсон ҳукуқлари, шаъни ва қадр-қимматини камситиш, тухмат қилиш ман этилади. Шунингдек, ноширлик фаолиятида монополияга ҳамда ноширлик фаолияти эркинлигидан қонун талабларига зид мақсадларда фойдаланишга йўл кўйилмайди.

Фуқароларнинг сўз, матбуот ва ижод эркинлигини таъминлашда муаллифлик ҳукуқининг қонун муҳофазасига олинганлиги муҳим қадам бўлиб хизмат қиласи. Муаллифлик ҳукуқи интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган, унга соҳиблик мазмунидан келиб чиқадиган ҳукуқдир. Қонунга мувофиқ, адабий, драматик (сценарий), мусиқа, мусиқали-драматик, хореография, аудиовизуал (кино, теле ва видеофильмлар), теле-радиоасарлар, шунингдек, тасвирий санъат, архитектура, фотография ва бошқа асарлар муаллифлик ҳукуқининг обьектлари саналади. Асарлар ёзма, оғзаки шаклда ва уни идрок этиш имконини берадиган бошқа обьектив шаклда ифодаланиши мумкин. “Муаллифлик ҳукуқи ва бошқа турдош ҳукуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасига биноан, асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади. Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳукуқи ҳаммуаллифларга биргалиқда тегишли бўлади”¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. №9. 134-модда.

Муаллифлик ҳукуқини бузганлик, асардан ноқонундий фойдаланганлик учун юридик жавобгарлик қўлланилади. Муаллифлик ҳукуқининг эгаси билан шартнома тузмаган ҳолда асардан фойдаланилган тақдирда қоидабузар ҳуқуқ эгасига етказилган зарарниңг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт. Ҳуқуқ эгаси қоидабузардан ўзи кўрган зарар ўрнига унинг қоидабузарлиги оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳақли (Қонуннинг 46-моддаси). Йхтиёрий келишувга эришилмаган тақдирда, низоли вазият суд орқали ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳукуқи мустаҳкамланган. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликларни рӯёбга чиқаришда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида 2002 йил 3 июлида “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида” фармон қабул қилди. Ушбу фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил қилинди.

Республика матбуот ва ахборот агентлигининг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

— оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятига доир конституциявий ҳукуқлар ва қонунчилик нинг бажарилиши, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатлари таъминланиши мониторингини олиб бориш;

— республика фуқароларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, аҳолининг, аввало, ўсиб келаётган ёш авлоднинг билими, маънавий ва маданий савиясини ошириш манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг миқёсда ривожлантиришга кўмаклашиш;

— ноширлик ва матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни тарқатиш, шу

жумладан, мазкур фаолият турларида рўйхатга олиш ишларини бажариш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;

— ахборот тайёрлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш соҳасида республика фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг хуқуқ ва манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш;

— ноширлик фаолиятини лицензиялашни ташкил қилиш;

— реклама тайёрлаш, шунингдек, уни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

— ноширлик-матбаачилик фаолиятини ривожлантириш ва янгилаш, стандартлаштириш ҳамда сертификациялаш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига цензура, таҳрир қилиш, тақиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ўзгача тарзда файриқонуний аралашиш қатъиян ман этилади (Фармонинг 4-банди)¹.

Бизда ҳар кимнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш хуқуқи қонун билан кафолатланади. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Конституцияга ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади. Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш хукуқидан фойдаланадилар ҳамда ўzlари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Таҳлил этилаётган қонунларнинг барчасида цензурага йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Цензура, оддий қилиб айтганда, муайян ахборот берилишига (нашр қолинишига) тўскунлик қилиш, унга нисбатан

¹ Ҳалқ сўзи. 2002. 4 июль.

тъқиб ва чеклов ўрнатишдир. Сўз эркинлиги, фикр билдириш эркинлигини ҳар қандай чеклаш демократияга хилофдир. Ва аксинча, цензуранинг олиб ташланганлиги журналистлар, оммавий ахборот воситалари истаган хабар, маълумот ва материални эълон қиласевради деган гап эмас, албатта. Масалан, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда хужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдаланиш-хукуқига эга.

Оммавий ахборот воситалари “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонун¹ билан тақиқланган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида тасдиқланган давлат сирлари ҳисобланган обьектлар рўйхатидан ташқари масалалар хусусида эркин тарзда хабарлар эълон қилиши мумкин. Қонунга биноан, давлат томонидан қўриқланадиган ва маҳсус рўйхатлар билан чеклаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо маҳфий ва маҳфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади (1-модда).

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг алоҳида бошқармаси давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан давлат сири ҳисобланган маълумотларнинг оммавий нашр ва ахборотда эълон қилиниб кетмаслиги устидан назорат олиб боради. Бу қонун доирасидаги фаолият бўлиб, оммавий ахборот воситаларини ялпи цензура қилиш деган маънени англатмайди.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларидан мавжуд конституциявий тузумни, республика ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, давлат сирини ошкор этиш, жиной жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Қонунда яна бир муҳим жиҳат борки, у ҳам бўлса, журналист ёки оммавий ахборот воситаси прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиши, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. №5. 232-модда.

ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиши ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиши тақиқланади.

Мазкур тақиқ фуқароларнинг айбисизлик презумпцияси принципи бузилмаслиги учун белгилангандир. Зеро, жиноят содир этганликда айбланаётган (гумон қилинаётган) ҳеч бир шахснинг иши судда кўрилиб, унинг айби исботланмагунича у айбор ҳисобланмайди. Шу боис суд қарори ёки ҳукми чиқмагунча журналистлар ва оммавий ахборот воситалари иш бўйича олдиндан хулоса чиқаришлари, шахснинг хатти-ҳаракатига баҳо беришлари жоиз эмас. Акс ҳолда, шахснинг шаъни ва обрўси асоссиз завол топиб қолиши мумкин.

Шахснинг шаънини асоссиз бекадр қилишнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қўйидаги модда мустаҳкамланган: “Суриштирув ва дастлабки тергов материалларини суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари эгадирлар. Оммавий ахборот воситалари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг таҳририятига тегишли гувоҳнома берилгандан сўнг фаолият бошлиши мумкин. Қонунга биноан, рўйхатта олиш тўғрисидаги ариза Давлат матбуот қўмитасига топширилган кундан бошлаб бир ой муддат ичидаги қўриб чиқилиши шарт. Ахборот воситаси (газета, журнал) чиқаришга киришиш ҳуқуқи гувоҳнома олинган кундан бошлаб уч ой давомида сақлаб турилади. Белгиланган муддат ичидаги оммавий ахборот воситасининг бирорта ҳам сони (дастури) эълон қилинмаган тақдирда гувоҳнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун таълабларини бузишда айбор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Муҳаррир ёки журналист оммавий ахборот воситасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материалларни тарқатганлик учун, агар маълумотлар: расмий хабарлардан олинган бўлса; ахборот агентликлари ёки давлат органларининг матбуот хизмати орқали олинган бўлса ёхуд муаллифнинг

олдиндан ёзиб олинмай, тўғридан-тўғри эфирга берилаётган нутқларида айтилган бўлса, жавобгар бўлмайди.

Демократик жамиятда ахборот воситалари “тўртингчи ҳокимият” деб таъриф қилинади. Бу “ҳокимият”ни рўёбга чиқаришда журналист, унинг касб маҳорати, умумий савияси ва маданияти катта ўрин тутади. Журналистлик фаолиятининг давлат даражасида муҳофазаланиши, журналистнинг хуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан тартибга солиниши “тўртингчи ҳокимият” учун мустаҳкам хуқуқий заминдир.

Журналист ўз касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида, қонунга кўра, қўйидаги хукуқларга эга:

- ахборот тўплаш, уни таҳтил этиш ва тарқатиш;
- ахборот олиш учун давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларга мурожаат этиш;
- давлат сирини ташкил этувчи ҳужжат ва маълумотлардан бошقا материал, ахборот ва ҳужжатлардан фойдалана олиш;
- журналист текшируви ўтказиш;
- журналист фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахслар қабулида бўлиш;
- суднинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;
- ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сакланишини талаб қилиш;
- тақдим этган хабари мазмунининг бузиб эълон қилиниши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш ва ҳоказо.

Журналист хизмат фаолияти доирасида дахлсизdir. Уни танқидий материал эълон қилганилиги учун таъқиб қилишга йўл кўйилмайди.

Айни чоғда журналист зиммасига қўйидаги масъулият ва мажбуриятлар юкландади:

Конституция ва қонунлар талаблари доирасида фаолият юритиш;

ҳаққоний ва холис ахборот тақдим этиш;
айбисзлик презумпцияси принципига амал қилиш;
шахснинг хукуқлари ҳамда эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиш ва ҳоказо.

Журналист ахборот манбаи ёки муаллиф розилиги-

сиз инсоннинг шахсий ҳаётига тааллукли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас.

Журналист текшируви институтининг жорий этилганлиги қонунчилигимизнинг инқилобий янгиликларидан биридир. Таҳририят ходими, журналист мурожатлардан ёки бошқа манбаларидан ўзига маълум бўлган (ёхуд ўзи гувоҳ бўлган) муайян воқеа, ҳолат юзасидан журналист текшируви ўтказишга ҳақли (“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси). Журналист ўз текширувининг натижаларини оммавий ахборот орқали тарқатиши, уларни давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Журналистнинг юқорида баён этилган ҳукуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади. Давлат журналистнинг ахборотни эркин олиши ва тарқатишини кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишида унинг ҳимоя этилишини таъминлади.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари цензурा қилганлик, журналистнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, унинг сўров ва ахборот олиш ҳукуқини бузганлик, журналистга тазийқ ўтказганлик ва фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Журналистнинг материаллари ва техника воситаларини файриқонуний равишда олиб қўйиш мумкин эмас. Журналист шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилиш, унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан журналистлар бугунги кунда ҳали нуфузли “тўртинчи ҳокимиёт”ни тўлақонли намоён этиш даражасига кўтарила олгани йўқ. Улар ҳали ҳалқнинг тафаккури, ижтимоий онги ва ҳаётий ташвишлари ифодачисига, шунингдек, инсон ҳукуқлари ҳимоячисига тўла айлана олганлари йўқ. Хўш, “тўртинчи ҳокимиёт” жамиятимизда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, самарали ишлаши учун нима

қилиш керак? “Тўртинги ҳокимият” фаолиятининг хуқуқий асослари яратилди. Тўғри, балки уни янада такомиллаштириб бориш керакдир. Аммо гап мавжуд қонунларни ҳаётга сабитқадамлик билан жорий этишида.

Биз таҳлил қилаётган соҳага оид бешта қонуннинг мазмуни ноширлар, оммавий ахборот воситалари, журналистлар томонидан, шунингдек, давлатнинг ижроия ва маҳаллий идоралари, мансабдор шахслар, умуман фуқаролар томонидан қай даражада мукаммал ўзлаштириб олинган? Бу саволга бирдек ижобий жавоб топиш қийин. Афсуски, ҳали нашриётлар ва журналистлар ўз хуқуқ ва мажбуриятларини тўла-тўкис англаб етмаганлар. Жуда кўп раҳбар ва мансабдор шахслар бу соҳадаги қонунларни, ўзларига тегишли хуқуқ ҳамда мажбуриятларини яхши билмайдилар. Журналистлар ўз қўлларидаги ахборот воситаларидан унумли фойдаланиб, сўз кучини ишга солиб, барчага қонунларни, аниқ хуқуқ ва мажбуриятларни муттасил танитиб боришлари лозим. Боз устига, мансабдор шахслар ва фуқаролар онгидаги хуқуқий нигилизмни енгиб ўтишга тўғри келади. “Тўртинги ҳокимият”га даъвогарлик қилиш билан иш битмайди. “Ҳокимият” учун курашиш лозим. Ҳар қандай ҳокимиятнинг маъноси, аслида, ўзганинг иродасини ўз амри-иродасига бўйсундириш, измига солишидир. Ҳалқнинг ишончига сазовор бўлиш, иродасини “ишғол этиш” машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилади.

Оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучи ва мавқеини юксалтиришда журналистларнинг хуқуқий маданияти, шунингдек, матбуот, радио ва телевидениеда бериладиган ахборотнинг маданий савияси алоҳида аҳамият касб этади. Матбуот саҳифаларида баҳс-мунозара юритиш маданиятини юқори даражага олиб чиқиши борасида ҳали кўп меҳнат талаб қилинади. Журналист жамиятда амалга ошаётган демократик ўзгаришларни пухта таҳлил этмоғи, халал берәётган иллатларни холисона, вазмин ва зукколик билан ҳалқнинг маданиятига мос равищда моҳирона фош этиб бориши лозим.

Бугунги журналист нафақат ўзи олийжаноб сифатлар, юксак маданият соҳиби, балки ҳалқнинг хуқуқий ва умумий маданиятини шакллантириш жонкуяри, янгилик жарчиси ҳамда инсон хуқуқлари ҳимоячиси бўлмоғи лозим.

3.3. Демократик ислоҳотлар орқали янги жамият сари

Демократик хуқуқий давлатчилик ва эркин фуқароий жамият барпо этишдек сиёсий мақсадларга эришиш, шунингдек, собиқ тоталитар тузумдан инсонпарвар демократик тузумга ўтиш, янги жамият барпо этиш айнан туб ислоҳотлар орқали амалга ошиши юқоридаги таҳлилларимиздан кўриниб турибди.

Демократик ислоҳотлар ҳаётимизнинг иқтисодий, сиёсий, хуқуқий, маънавий-маданий ҳамда мағкуравий жиҳатларини тўлиқ қамраб олди. Мустақил тараққиёт йиллари мобайнида сиёсий тизимимизни, давлатчилик биномизни, хуқуқий воқелигимизни демократик мазмунда янгилаш, ислоҳ қилиш бобида муайян натижаларга эришилди.

Ислоҳотларнинг ҳозиргача кечган даврига қисқача якун ясаб, сиёсий-хуқуқий ҳаётда рўй берган айrim ютуқларни эътироф этиш мумкин.

Биринчи. Сиёсий воқелигимизга давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиши принципи жорий этилиб, шу асосда демократик парламент, қонун чиқарувчи орган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси шакллантирилди; шунингдек, президентлик институти таъсис этилди ва у бошчилигидаги изчил ижроия ҳокимият тизими вужудга келтирилди; мустақил суд ҳокимиятини барпо этиш томон қадам кўйилди, судларни ихтисослаштириш, малакаси ва адолат мезонларига мувофиқ самарасини ошириш бўйича сезиларли ишлар қилинди.

Иккинчи. Мустақил суд ҳокимияти фаолият юритиши учун ишончли хуқуқий замин яратилди. Бутун қонунчилигимиз мажмуи, шу жумладан одил судловни амалга ошириш заминини ташкил этувчи қонунларимиз демократия ва инсон хуқуқлари мезонлари асосида янгиланди. Хусусан, Олий Мажлис 2001 йил 29 августда қабул қиласан қонун асосида жиноят хуқуқига оид сиёсатни либераллаштириш муносабати билан Жиноят кодексига, Жиноят-процессуал кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга инсонпарварлик руҳидаги демократик қоидалар киритилди.

Жазо тайинлашни либераллаштириш мақсадида киритилган ўзгаришлар, умуман олганда, Жиноят кодексидаги жиноятларнинг 187 таркиби бўйича жарима

санкцияларини қўллаш, судларга жазони жиноятнинг оғирлигига қараб мос равишда тайинлаш ва озодликдан маҳрум қилиш чорасини қўлламаслик имкониятини берди.

Жабрланувчи билан жиноят содир этган шахс ўргасида ярашувга келиш мумкинлиги жиноят қонунчилигидаги муҳим янгиликлардан биридир. Ярашув жараёнининг моҳияти, агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс ўз қўлмишининг оқибатларини тушуниб этиб, етказилган зарарни бартараф этиб, жабрланувчи билан ярашса, бундай ҳолларда жиноий иш тўхтатилиши керак. Жиноят-процессуал кодексига ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишга оид янги бобнинг киритилиши тарафлар ярашганлиги муносабати билан жиноят ишларининг муайян тоифасини қонунан тугатиши имконини беради¹.

Учинчи. Мамлакатда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм институтлари ва сиёсий ҳамкорлик шакллари куртак отди ҳамда ривож топди. Ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожлана бошлади. Халқнинг сиёсий фаолигини намоён этишнинг аҳоли менталитети ва табиатига мос усул ҳамда воситалари шаклланди. Сиёсий тизими эркинлаштириш ва демократлаштириш тараққиётимизнинг яққол кўзга ташланувчи тенденциясига айланди. Халқ оммасининг давлат бошқарувида иштироки кенгайди. Шубҳасиз демократик ислоҳотлар янгича тафаккур, янгича изланишлар мевасидир. Демократия ўз-ўзидан қарор топмайди. Демократияга тинимсиз меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тобиб, қийин, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин.

Демократик ўзгаришлар ва демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётта татбиқ қилишни ҳамда уларни ҳимоялаш зарурлигини, авваламбор, жамиятнинг ўзи англамофи даркор².

Тўртиччи. Фуқаролик жамияти институтлари бўлмиш жамоат бирлашмалари ҳамда нодавлат ташкилотлар тизими, турили ўюшмалар ва жамғармалар, ижтимоий тузилмалар, хусусан, ёшларнинг “Камолот” ижтимоий

¹ Исмоилов Н. Қонун – адолат мезони // Халқ сўзи, 2001. 26 окт.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.: Ўзбекистон, 1996. 8–10-бетлар.

ҳаракати, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари қарор топди. Мамлакатда ҳозир 2500 дан зиёд жамоат ташкилотлари, 1800 дан ортиқ ислом динига оид ташкилот ва ўкув муассасалари ва 125 та насроний, 18 бахаи, яхудий ва бошқа диний конфесияларга оид ташкилотлар, 300 дан зиёд нодавлат ташкилотлар вужудга келди ва изчил фаолият юритмоқда. Булар орасида фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Бешинчи. Ўзбекистонда демократик сайлов тизими ва тегишли сайлов қонунчилиги яратилди. 1993 йилдан бошлаб то 1999 йил августига қадар мамлакат сайлов қонунчилиги шаклланиб, изчил такомиллашиб борди. Бу жараён кейинги йилларда ҳам давом этмоқда. “Жаҳон сайлов тизимлари фонди” ва “ЕХХКнинг демократик институтлар ва инсон хукуқлари бўйича бюроси” билан яқин ҳамкорликда Ўзбекистон сайлов тизими ва қонунчилиги дунё демократик андазалари (стандартлари) асосида такомиллаштирилди.

Сайлов қонунчилигининг такомиллашуви ҳамда сиёсий амалиёти демократик ислоҳотларнинг таркибий қисмидир. Сайлов қонунчилиги тизимига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисидаги қонун, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонун, Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун, Фуқаролар сайлов хукуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун киради.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Амалдаги қонунчилик хужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан сайлов қонунларига бир қатор демократик қоидалар киритилди. Жумладан, Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 25-моддаси 2-қисми янги таҳрирда баён этилиб, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг хукуқлар берилди. Бу қоида Президент сайлови тўғрисидаги қонунга ҳам киритилди.

Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 44-моддасида муайян такомиллашув рўй берди. Унинг 2-банди чиқариб ташланди. Бу банднинг чиқарилиши 46-моддада назарда тутилган бир чекловчи қоидани бартараф этди. 46-модданинг 3-қисмига кўра, “муайян

сиёсий партиядан кўрсатилган ҳамма номзодлар, башти улар сайловда овоз беришда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси барча сайловчиларининг камида беш фоизининг овозини тўпламаган бўлсалар, Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олинмайдилар". Янги қонунга кўра ана шу 5 фоизлик тўсиқ олиб ташланди¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида" ги қонуннинг 3-моддаси "Ўзбекистон Республикасида сайловларни ўtkазиш муддатлари" деб номланади. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишлича уларнинг конституциявий ваколат муддати тутайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Президент сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилади.

Олтинчи. Бозор қонуниятлари ҳамда муносабатларига асосланган иқтисодиётни, сиёсий ва хуқуқий тизимни демократик ислоҳ этишнинг мустаҳкам хуқуқий пойдевори — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, унга асосланган 400 дан зиёд қонунлар, 3000 га яқин Президент фармонлари, 5500 дан ортиқ хукумат қарорлари ва кўплаб бошқа нормативхуқуқий ҳужжатлар мажмуи яратилди.

Еттингчи. Инсон хукуқлари ва эркинликлари устуворлиги фояси ижтимоий онгга сингдирилди. "Мустақиллик бу хукуқ демакдир" деган ақида асосида ўзликни англаш, эркин фаолият юритишга ўрганиш ва хукуқларни таниш жараёни кечмоқда жамиятимиз ҳаётида. Ана шу жараённинг маҳсули сифатида юртимизда инсон хукуқларини ҳимоя қилиш механизми, унинг институционал тузилмалари: Олий Мажлисining Инсон хукуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикасининг Инсон хукуқлари бўйича миллий маркази, Амалдаги қонунчилик мониторинги инс-

¹ Халқ сўзи. 1999. 20 авг.

титути, Ўзбекистон Болалар қўмитаси ва бошқалар ташкил топди.

Саккизинчи. Жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг мавқенини оширишга қаратилган жиддий ва самарали ташкилий-хукуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Улар тобора ранг-баранг фикрлар минбарига айланиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатда 610 та газета ва журнал чоп этилади, шулардан 377 таси давлат ташкилотларига қарашли. Жамоат бирлашмаларининг 104 нашри мунтазам чиқа бошлади, республика миқёсида тўртта сиёсий партия ўз нашрига эга. 50 га яқин тижорат, реклама ва диний нашрлар босилмоқда. Ахборот агентликлари кўпайди, теле ва радио студиялар 70 тага етди¹.

Тўққизинчи. Аҳолининг сиёсий фаоллиги, хукуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1997 йил 20 майда хукуқни муҳофаза құлувчи идоралар ва юридик олий ўкув юртлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан кенгаш ўтказиб, ислоҳотлар жараёнида аҳоли иштирокини фаоллаштириш масаласини ўргага қўйди. Тез орада Кенгаш хulosаларини ҳаётта жорий этиш маъносида Президентнинг “Хукуқий тарбияни яхшилаш, хукуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш ва аҳоли хукуқий маданиятини ошириш тўғрисида”ги (1997 йил 25 июнь) фармони эълон қилинди. Юзага келган ташаббус асосида 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”ни қабул қилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Хукуқий маърифат тарғиботи маркази” ва унинг жойлардаги ҳокимликлар тизимига кирувчи тузилмалари ташкил этилди. Амалга оширилган ушбу ташкилий-хукуқий чора-тадбирлар аҳоли хукуқий-сиёсий маданиятини оширишга салмоқли ҳисса кўшиб келмоқда.

Ўнинчи. Таълим тизимини замонавий талаблар даражасида ислоҳ этиш, маънавий қадриятларни тиклаш ва уларни ривожлантириш борасида катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Дастлаб 1992 йилда, сўнгра 1997 йил 30 августда “Таълим тўғрисида”ги қонун (янги

¹ Бу ерда 2002 йил 1 январигача бўлган маълумот келтирилмоқда.

тахрирда) ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Бу билан таълим тизими қуидаги босқичларга ажратилди: бошланғич таълим (1—4-синф), ўрта маълумот (5—9-синф), академик лицей ва касб-хунар колледжлари, олий таълим (бакалаврлик ва магистрлик бўғинлари) ҳамда аспирантура ва докторантураси. 1997—2002 йиллар ичидаги мамлакатда замонавий услубдаги 103 та умумтаълим мактаблари, 54 та академик лицей ва 270 та касб-хунар колледжлари ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда 62 та олий ва 200 дан зиёд ўрта маҳсус билим юртлари бўлиб, уларда 519175 нафар йигит-қизлар таълим олмоқда. Умумтаълим ўрта мактабларининг сони 9 мингдан зиёд. Ёш авлодни тарбиялаш ишига 6742 та мактабгача таълим муассасалари жалб этилган, улар 608500 нафардан зиёд болаларни ўз бағрида жамлаган. Мехрибонлик уйлари ҳамда мактаб-интернат тарбияланувчилари, ўкувчилари учун бир йилда (2000 йилда) давлат бюджетидан 8 миллиард 945 миллион сўм ажратилди.

Ўзбекистон сиёсий-хукуқий тизимини, бутун ижтиёмий ҳаётини демократлаштириш, эркинлаштириш бу-гунги тараққиётимизнинг устувор вазифасидир. Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” асарида шундай деди: “Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкидлашни истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият-эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди”¹.

Эркинлаштириш тамойилини ҳаётга сабот ва изчиллик билан жорий этиш мобайнида, фикримизни қуидаги долзарб вазифаларга қаратиш лозим:

1. Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида, аввало, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатдор ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувознатни таъминлайдиган кучли механизmlарни шакллантириш зарур. Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов хукуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рӯёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш хукуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999. 15—16-бетлар.

шароит, қонуний-хуқуқий замин яратиб бериш лозим¹.

Айни вақтда, давлат курилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёnlарини эркинлаштириш масалалари катта аҳамият касб этмоқда. Бу борада қонун чиқарувчи ҳокимиятни янада демократлаштириш муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида (2000 йил 25 май) Президент томонидан икки палатали парламентни шакллантириш ғояси илгари сурилди. Бунда қуйи палата қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан профессионал тарзда шуғулланувчи, бутун республика ҳудудий округларидан сайланган депутатлардан иборат бўлади. Юқори палата эса вилоятлар халқ депутатлари кенгаchlаридан тавсия этилиб сайланган вакил аъзолардан иборат тарзда таркиб топади. Юқори палата асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар манфаатларини мамлакат парламенти даражасида ифода этиши мўлжалланмоқда.

Ҳозирги муҳим вазифалардан яна бири қонун чиқариш жараёнида парламентаризм анъаналарини тўлароқ жорий этиш, демократик принциплар ҳамда технологияларни сингдиришдан иборатdir. Қонун лойиҳаларининг манбаатли муҳокама қилинишига эришиш учун депутатларнинг фаоллиги ва масъуллигини янада ошириш талаб этилади. Шу мақсадда депутатлар орасида қонунчилик техникаси масалаларига оид ўқувлар, семинарлар ташкил этилса, фойдадан холи бўлмасди. Зоро, бундай тажриба кўплаб хорижий давлатларда мавжуд. Шунингдек, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишдаги фаоллигини ошириш парламент демократиясини ривожлантиришга салмоқли ҳисса кўшган бўлур эди.

Қонунлар сифатини оширишда қонун лойиҳаларини муҳокама этиш босқичи алоҳида ўрин тутади. Олий Мажлис Регламентига мувофиқ, бизда қонун лойиҳалари икки марта ўқиши орқали муҳокама этилади. Депутатларимиз олдида бу институтнинг демократик мазмунини амалиётта тўла жорий этиш вазифаси турибди. Шу боис парламентимиз фаолиятида қонун лойиҳаларини икки марта ўқиши механизмини янада такомил-

¹ К а р и м о в И.А. Ўша асар. 16-бет.

лаштириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Қонунларнинг сифати ва мазмунини яхшилаш бобида шуни айтиш лозимки, қабул қилинадиган ҳар бир қонун нормасида ижтимоий муносабат иштирокчиларининг конкрет субъектив ҳукуқ ва бурчлари ўзининг мутаносиб, узвий боғлиқ ҳолдаги ифодасини топиши лозим. Фақат ҳукуқ ва мажбуриятлар мувофиқлиги, бирлигига эришиш орқали қонунларнинг ички ишлаш механизмини қарор топтириш ва уни такомиллаштириш мумкин.

2. Ижроия ҳокимият тизимини демократлаштириш, ижро органларининг янада ихчам ва ишchan бўлишини таъминлаш лозим. Бу соҳада муайян қадамлар кўйилди. Хусусан, ҳукуматнинг 1997 йил 20 майдада қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори эътиборга моликдир. Мазкур хужжат иқтисодиётни бошқаришнинг бозор усулларини жорий этиш, аппаратнинг ортиқча бўғинларини қисқартириш, бошқаришнинг соҳавий-тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтишни амалга оширади. Жорий этилган янги тизимнинг моҳияти шундаки, Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётни ва бошқа соҳаларни маъмурӣ тарзда бевосита бошқаришдан воз кечиб, республика миқёсида ҳалқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик дастурларини ишлаб чиқиш, соҳалараро мувофиқлаштириш, тармоқлараро уйғунлаштириш, куч ва имкониятларни жамлаш, қайта тақсимлаш фаолиятини амалга оширади. Ушбу услуг бозор иқтисодиёти мазмунига тамомила мос бўлиб, фуқаролик жамияти соҳасига давлат воситасида таъсир этишни чеклашга қаратилгандир.

Ўтиш даврида маҳаллий даражада вакиллик давлат идораларига ва ижроия органга ҳокимнинг раҳбарлик қилиши жорий этилганлиги ўзини оқлади. Шу билан бирга, ижроия ҳокимият тизимини янада демократлаштириш имкониятларини излаш лозим. Ҳудди шуманода, маҳаллий вакиллик органлари — ҳалқ депутатлари кенгашларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги ролини янада ошириш, шунингдек ҳокимлар фаолиятини ҳалқ депутатлари кенгашлари томонидан назорат қилиш механизmlарини шакллантириш ва такомиллаштириш лозим.

Маҳаллий кенгашлар ва ҳокимликларнинг тегишли ҳудуддаги жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

билин муносабатларини янада демократлаштириш, уларни янада очикроқ қилиш имкониятлари мавжуд. Фикримизча, бу борада “маъмурий бошқарув” муносабатларидан ўзаро тенг ҳамкорлик муносабатларига ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зоро, Президент И.А.Каримов адолатли ўқтириб ўтганидек, “жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар — партиялар, но давлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ”.

3. Одил судловни қарор топтиришга, мустақил суд ҳокимиятини вужудга келтиришга қаратилган суд-хукуқий ислоҳотини чуқурлаштириш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Суд-хукуқий ислоҳоти парламент ва мамлакат Президентининг доимий диққат марқазида бўлиб келмоқда. Олий Мажлиснинг бир қатор сессияларида давлатимиз раҳбари суд ҳокимиятини демократлаштиришга, адолатлаштиришга йўналтирилган кўплаб ташабbusли таклифларни илгари сурди. Улар жумласидан қуйидаги foяларни эсга олиш мумкин:

“Суд жазоловчи органдан инсон ҳукуқларини муҳофаза этувчи идорага айланиши керак”;

“Суд жараёнида адвокат билан прокурорнинг мақомини тенглаштириш”;

“Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонуний ҳукуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини холисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради. Суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак” ва бошқалар.

Конституцияда мустаҳкамланган айбизилик презумпцияси принципини тергов-суд амалиётига жорий этиш суд-хукуқий ислоҳотининг ўзагини ташкил этмоғи лозим. Зоро, у инсон ҳукуқлари адолатсиз тарзда поймол этилишининг олдини олувчи юридик кафолатdir.

Суд ҳокимияти тизимини ҳалол, юксак малакали, профессионал кадрлар билан таъминлаш ислоҳотнинг муҳим йўналишидир. Адолатта ташна ҳалқимизга муносиб судьялар корпусини шакллантириш — ниҳоятда долзарб вазифа.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 марта ги “Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Судъяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида”ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 мартағи 120-сонли қарори билан Аддия вазирлиги ҳузурида “Судъялар фаолиятини ташкилий, мөддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти” ташкил этилганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир.

Юқорида зикр этилган мулоҳазалардан мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг кўламини, йўналишларини, асосий тенденциялари ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни мужассам тасаввур этиш мумкин. Ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон ҳукуқий давлат сифатида шаклланиши ва ривожланиб боришига, мамлакатимиизда сифат жиҳатдан янги, юксак маданият ва маънавиятта асосланган эркин фуқаролик жамиятни қарор топишига тўла умид боғлаш мумкин.

3.4. Фуқаролик жамиятининг ҳукуқий маданияти

Демократик ислоҳотлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини, шу жумладан, мафкура ва маънавият соҳаларини ҳам чуқур қамраб олмоқда. Ислоҳотларнинг пировард мақсади маърифий давлатчилик ва фуқаровий жамият асосларини вужудга келтиришдан иборатdir. Фуқаролик жамиятининг туб моҳияти уч жиҳатнинг муштарак бирлиги орқали намоён бўлади: сиёсий шаклини ҳукуқий давлатчилик ва унга мос сиёсий тизим ташкил этади; иқтисодий жиҳатдан мазкур жамият асосларини хусусий мулкчиликка таянуви ривожланган бозор иқтисодиёти ифода қиласи; маънавий-маданий жиҳатдан эса барча ижтимоий муносабатлар юксак маънавий заминга таянади.

Одил демократик жамиятни шакллантиришда сиёсий ва иқтисодий омилларнинг аҳамияти ниҳоятда каталигини эътироф этган ҳолда, маданий ва маънавий омилга, айниқса, ҳукуқий маданият масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш аҳолини, айниқса, ёшларни бой маънавий меросимиз, миллий ва тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга хурмат, ватанга муҳаббат, демократия ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тар-

биялаш, юртимизда кечәётган ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир. Маънавий маконда, хусусан ҳукуқий маданият муҳим ўрин тутади.

Ҳукуқий маданият фуқаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик биноси ривожи ва ҳукуқий тизим етуклигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Бу ижтимоий ҳаёт жараёнларига фаол таъсир кўрсатувчи, фуқаролар барча ижтимоий гурӯҳларининг жипслашувига кўмаклашувчи ҳамда мамлакат яхлитлиги ҳамда барқарорлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи қадриятдир. Ижтимоий маънодаги “ҳукуқий маданият” категорияси икки даражада талқин этилиши мумкин. Бутун жамиятнинг ҳукуқий маданияти ва алоҳида шахснинг ҳукуқий маданият даражаси, ижтимоий ҳукуқий маданият ҳукуқий қадриятлар ва меъёrlар, ҳукуқий институтлар ва муассасалар, ҳукуқий онг ва фаолиятнинг диалектик муштарак бирлигини ифодаловчи сифат ҳолати деб баҳоланиши мумкин. Шахсга нисбатан эса у ҳукуқий реалликни ўзлаштириш меъёри, ташқи оламни идрок этишнинг ўзига хос ҳукуқий кўзгуси тарзида майдонга чиқади.

Мамлакатимизда шаклланаётган ҳукуқий маданиятга қуйидаги хусусиятлар хосдир:

— қонун устуворлиги, қонунга итоаткорлик ва қонунийлик принципларига риоя этилиши;

— демократик қадриятларнинг ҳукуқий воқеликка сингиб бораётганлиги;

— жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар орқали кенг ҳалқ оммасининг ҳукуқий нормаларни яратиш ҳамда амалга ошириш жараёнларига жалб этилиши;

— инсон ҳукуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ ғоялар ҳамда қадриятларни қонуний мустаҳкамлаш тенденциясининг қарор топиб бораётганлиги;

— давлат билан фуқароларнинг ўзаро ҳукуқ ва бурчлар билан боғлиқлиги ҳамда ўзаро масъулиги эътироф этилиб, амалиётта кириб бораётганлиги ва ҳ.к.

Демократик маърифий жамиятда, бир томондан, амалдаги қонунчилик, иккинчи томондан, давлат идоралари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг фаолияти юксак маданият мезонларига, талабларига тўла мувофиқ бўлиши шарт. Айни вақтда, ҳукуқий маданиятнинг мазмуни кўп жиҳатдан ҳукуқий тизим, ҳукуқий та-

мойиллар, ҳуқуқ тармоқлари ва нормалари мажмуи билан белгиланади.

Қонунчиликнинг такомиллашуви ва қонунийликнинг мустаҳкамланиши аҳоли маданийлигини, жамият ҳуқуқий онгини юксалтиради.

Ҳуқуқий маданиятнинг юксалиб бориши турмушнинг барча томонларига ўз таъсирини кўрсатиши демократик ҳуқуқий жамиятга хос табиий қонуниятдир. Ҳуқуқий маданият даражаси жамиятда қарор топган ҳуқуқий қадриятлар кўлами, уларнинг омма орасида тарқалганлиги ҳамда инсонлар томонидан теран ўзлаштирилганлиги билан ўлчанади. Ҳар бир алоҳида олинган инсоннинг ҳуқуқий маданияти унинг ҳуқуқий қадриятларни, қонулар мазмунини ўз шуурига қанчалик синг-дирганлиги билан белгиланади. Шахс ҳуқуқий маданиятини тавсифловчи жиҳатлар, назаримизда, қуйидаги лардан иборат:

- ҳуқуқий нормалар мазмунини мукаммал билиш;
- қонунга ва ҳуқуқий институтларга чуқур хурмат;
- юксак ижтимоий ҳуқуқий фаоллик;
- ҳуқуқнинг ижобий ижтимоий ўзгаришлар ва инсон манфаатларини муҳофазоловчи восита сифатида баҳоланиши;
- ҳуқуқий меъёrlар талабига ихтиёрий тарзда, ички эътиқод амри билан риоя этиш ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий нормалар талабларига риоя этилишига, шунингдек аҳоли ижтимоий ҳуқуқий фаоллиги даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий маданият шахснинг сиёсий-юридик ижтимоийлашуви натижаси, унинг социал тажрибаси маҳсулидир. Бунда айниқса, шахснинг юридик муассасалар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи мутассади ходимлар фаолияти юзасидан шаклланган фикри (баҳоси) муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, ҳоким, корхона раҳбари, милиция ходими ўз мансабини сунистемол қилса, қонунни четлаб ўтса ва бу қилмиши учун қонунга биноан жазоланмаса, буни кўрган оддий фуқаро онгида салбий таассурот ҳосил бўлади. Унда шундай ҳақли саволлар туғилади: “Таассуф, давлат ишонган одамлар қонунни бузса, беҳурмат қилса, биз оддий фуқародан нимани талаб этиш мумкин?”, “Қонун фақат “кичкина одамлар” учун ёзи-

ладими?", "Нима учун лавозимли шахслар жазодан холи қолмоқда?" ва ҳ.к.

Табиийки, мазкур ҳолат ижтимоий ва шахсий ҳуқуқий онга заарли таъсир кўрсатади. Юқори ҳуқуқий маданият шаклланишига путур етказади. Энг хатарлиси, аҳолининг, фуқароларнинг давлат ҳокимиятига ишончи, қонунга, ҳуқуқقا бўлган ҳурмати завол топади.

"Ҳокимият органларининг жиноятга аралашиб қолиши, — деб алоҳида таъкидлайди мамлакат Президенти И.А.Каримов, — ривожланаётган жамият учун энг жиддий хавф-хатарлардан биридир. Жиноий тузилмаларнинг давлат органлари билан чатишиб кетиши, уларнинг турли ҳокимият тармоқларига кириб олиши жамоатчилик наздида фуқароларнинг ҳимоясизлиги ҳиссини кучайтиради. Давлатнинг ўзини обрўсизлантиради"¹.

Жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқенини йўққа чиқаради². Қонунни бузиш, жиноят содир этиш аксарият ҳолларда ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий савиятнинг, шу жумладан, ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги оқибатида юз беради. Бу, нафсилашрини айтганда, тўғри холоса. Бироқ, ҳуқуқий онги ва маданияти паст кишиларнинг барчаси жиноятчи бўлади ва, аксинча, ҳуқуқни яхши билган, чуқур англағанлардан ҳеч бири қонунни бузмайди, деган маъно ҳам чиқмайди. Афсуски, баъзан профессионал ҳуқуқий онг ва билим соҳиби бўлган кишилар томонидан ҳам қонунга тажовуз қилинади. Баъзан судьялар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идора ходимлари пораҳўрлик қилганлиги ёки бошқа оғир жиноятлар содир этганлигининг гувоҳи бўлиб қоламиз. Юрист, ҳуқуқшунос томонидан қонун бузилиши ҳеч бир таърифга сифмайдиган ҳолатdir. Бу ерда уларнинг ҳуқуқий маданияти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Афсуски, кундалик турмушда кўп учрайдиган кўнгилсиз ҳуқуқий маданиятта зид ҳолатлар бор. Масалан, автомобиль ҳайдаб кетаётган пулдор бойваччалар, ла-

¹ К а р и м о в И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. 90—91, 89-бетлар.

² Ўша жойда.

возимли шахслар, баъзан ҳатто милиция ходимларининг ўзлари светофорнинг қизил чироги ёниб турганда намойишкорона ўтиб кетадилар; одамлар врач ҳузурига кириш учун ёки дўкондан маҳсулот харид қилиш учун ёхуд авиакассадан чипта сотиб олиш учун навбат кутиб турганида бирон-бир мансабдор шахс, пулдор тўра сурбетларча навбатсиз иш битиради; боғча мудираси гўдаклар ҳақига хиёнат қиласа, жарроҳ ҳар операция учун bemордан пул тама қиласа, сотувчи ё сифатсиз маҳсулотни “уриб юборса” ёки тарозидан уриб, харидор ҳақига хиёнат қиласа, гўшт сотаётган чайқовчи харидорни шамгалат қилиб сўлақмондек суюкни кўшиб, пуллаб юборса, ҳукуқий маданият ҳақида, виждон, инсоф ва диёнат ҳақида нима дейиш мумкин? Ушбу мисолларда мавжуд ҳукуқий қоида ва ахлоқий меъёрлар атайлаб, била туриб, боз устига уларни менсимасдан бузилаётганини кўрамиз. Бу ерда ҳукуқий билимсизлик эмас, балки айни ҳукуқий маданиятсизлик, ҳукуқий нигилизм намоён бўлмоқда.

Қонун ҳам, Куръони карим ҳам порахўрликни оғир жиноят деб билади. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ҳукумат мажлислирдан бирида порахўрликни қаттиқ қоралаб, бу тоифа жиноятларга қарши кескин чора-лар кўрилажагини таъкидлаб ўтди. Бироқ, бу шармандали иллатдан жамиятимиз ҳали ҳалос бўла олмаяпти. Минг афсуски, корхона, қўшма корхона ва фирмаларни текширгани келган баъзи солиқ ва молия нозирлари баъзан тама йўлига ўтиб қоладилар. Энг ачинарлиси, ҳалқ орасида “Пул билан ҳамма нарсага эришиш мумкин” деган ўта зарарли кайфият ҳукм сурмоқда.

Айниқса, бу кайфият ёшларнинг маънавияти ва ахлоқига катта путур ётказмоқда. Ёшлар онгида барча неъмат ва ижобий даражаларга ҳалоллик, меҳнат ва билим туфайли эришиш мумкин деган фикрни мустаҳкамлаш лозим. Бу борада уларга катталар, ота-оналари ўрнак бўлмоқдилари талаб этилади.

Маънавий ва маданий қадриятларимиз ҳолати шунга бориб етадики, аксарият одамлар нопок йўллар билан бойиб кетган кимсаларни “хурматлайдиган” бўлиб қолади. Инсоннинг қадридан кўра лавозим, амалнинг ҳурмати устун бўлиб қолди. Пора олиб иш битирадиган “кув”ларни “кудратли инсон” ҳисоблаб эъзозлаш, хокисорлик билан савоб учун ҳожат чиқарувчи кишиларни эса лақма санаб, беқадр тутиш одат бўлиб қолмоқда.

Мазкур вазиятдан холос бўлиш учун, бугунги ҳаётий қадриятларни жамият олдида турган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий вазифалардан, хукуқий давлат ва фуқаровий жамиятни барпо этиш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қайта шакллантириш лозим. Янги миллий мафкура ва миллий фоя руҳига мос қадриятлар тизимини вужудга келтириш устида жиддий бош қотириш зарур. Бутун таълим ва тарбия тизими, маънавият ва маърифат билан боғлиқ барча муассасалар соғ ахлоқий, юксак маънавий қадриятларни қарор топтириш ва омма онгига сингдириш вазифасига хизмат қилишлари шарт. Шундан келиб чиққан ҳолда, хукуқий ва демократик қадриятлар тизимини шакллантириш хукуқий тарбия ва функционал хукуқий маданиятнинг муҳим вазифасидир.

Хукуқий қадриятлар ва нормалар жамият хукуқий маданиятининг моҳияти ҳақида кенг қамровли тасаввур ҳосил қиласди. Улар жамиятда инсоннинг хукуқий мақоми, унинг фаолияти чегаралари ва шакллари, шунингдек, шахс эркинлигининг меъёрлари ҳақида маълумот беради. Хукуқий маданиятнинг ўзи ҳам ижтимоий қадрият сифатида инсонлар фаолияти ва ривожланишининг аниқ тарихий мезони бўлиб хизмат қиласди. Хукуқий маданият кишиларнинг амалий хукуқий фаолиятига, уларнинг хукуқий алокалари ва муносабатлари таркибига узвий сингиб кетади. У шахснинг ижтимоий фаоллигидан, хукуққа ва қонунийликка оид ижодий тарбиясидан ажралмас ҳодисадир.

Хукуқий маданиятнинг амалий аҳамияти шундаки, у фуқаролар ҳамда хукуқнинг бошқа соҳиблари томонидан қонунларга (хукуқ нормаларига) қатъий риоя этилишига салмоқли таъсир этади. Шунингдек, уларнинг сиёсий-хукуқий фаоллиги даражасини кўтаришда ҳал қилувчи ўрин тутади.

Аслида, хукуқий маданият ўз моҳият-эътибори билан инсоннинг сиёсий ва хукуқий жиҳатдан ижтимоийлашуви (социализацияси) натижасидир. Бунда инсоннинг ижтимоий тажрибаси, билим ва кўникмалари тўлалигича намоён бўлади. Инсон ўз манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қай даражада қобил, айни вақтда, жамият манфаатларини таъминлашга қанчалик смарали ҳисса қўша олади, деган саволларга жавоб кўп жиҳатдан унинг ички маънавияти, эътиқоди ва хукуқий маданиятига боғлиқ.

Шахснинг хуқуқий ижтимоийлашуви унинг жамият хуқуқий ҳаёти ва амалиётига фаол дахлдорлик ҳолатини кўрсатади. Мазкур дахлдорлик даражаси шахс хуқуқий билимларини қадам-бақадам ўзлаштириб боргани сайнин ўсиб боради ва унинг хуқуқий меъёрларига онгли, ихтиёрий риоя этиш савияси орқали намоён бўлади.

Хуқуқий маданият ижтимоий ҳодисадир. Зеро, у жамият аъзолари ўргасидаги ижтимоий муносабатлар сирасида майдонга чиқади. Гўёки, маҳсулотнинг кўрки ва сифати бозорда билингани каби, хуқуқий маданият ижтимоий муносабатлар уммонида кўринади. Унинг теранлиги, даражаси ва савияси жамиятда тан олинган хуқуқий қадриятлар ҳамда меъёрлар мазмунига қиёсан англаб етилади ва баҳоланади.

Ижтимоий-хуқуқий маданиятни назарий жиҳатдан тадқиқ этганда уни тегишли тарзда илмий таснифлаш (класификация қилиш) ўринли бўлади. Шу боис қуидаги таснифни таклиф этиш мумкин:

а) парламент маданияти. Бунда қонун чиқарувчи ҳокимият фаолияти билан боғлиқ сиёсий-хуқуқий маданият, депутатлик этикаси ва мунозара маданияти, партиявий фракциялар фаолиятининг маданий даражаси ва бошқалар қамраб олинади;

б) қонунчилик маданияти. Ушбу йўналишда, бир томондан, қонун чиқариш жараёнидаги муносабатлардаги хуқуқий маданиятнинг намоён бўлиши; қонунларнинг сифати, демократиклиги ҳамда улар мазмунида хуқуқий қадриятлар ва маданий меъёрларнинг акс этирилганлик даражаси назарда тутилади;

в) қонун ва бошқа хуқуқий-меъёрий хужжатларни ижро этиш (татбиқ қилиш) маданияти. Хуқуқни татбиқ этиш, қўллаш жараёни хуқуқий ҳаёт ва амалиётнинг энг қайноқ жабҳасидир. Бунда давлат идоралари, мансабдор шахсларнинг, халқ вакиллари, фуқаролар билан бевосита муомаласи маданияти рўёбга чиқади;

г) одил судлов маданияти. Судларнинг иш юритиш маданияти, суд жараёнини ташкил этиш, уни олиб бориш, конкрет жиноий ёки фуқаролик ишини кўриш маданияти, хукм чиқариш ва унинг мазмуни масалаларининг барчаси судлов маданияти тушунчасини акс этиради;

д) шахснинг, фуқаронинг хуқуқий маданияти. Ҳар бир шахс томонидан хуқуқий воқееликни англаб етиш даражаси, хуқуқни эъзозлаш ва унинг талабларига чин

дилдан риоя этиш савияси мазкур тоифа ҳуқуқий маданиятини англатади. Айни вақтда, шахс ҳуқуқий маданияти аҳоли қатламлари нуқтаи назаридан тоифаланди: мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий маданияти, ишчи ёшларнинг, қишлоқ ёшларининг, талаба ёшларнинг, тадбиркорларнинг (бизнес маданияти), ўтгиз ёшдан юқори бўлган зиёлилар, хизматчилар, ишчилар ва дехқонларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳ.к.

Юқорида зикр этилган аҳоли қатламлари ва тоифаларининг ҳуқуқий маданияти мазмунини, даражасини, савиясини ва ўзига хос хусусиятларини батафсил очиш учун конкрет социологик тадқиқот услубларидан кенг фойдаланиш лозим. Бу тадқиқотлар мазкур соҳадаги реал ҳолатни аниқлаш ва тегишли ижтимоий гурӯҳлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун самарали тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Биз интилаётган фуқаролик жамияти юксак маънавий заминга, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигига, чинакам ҳуқуқий маданиятга таянади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий алоқалар, шу жумладан, ҳуқуқий муносабатлар ниҳоятда адолатли бўлмоғи, ҳалоллик, поклик, инсоф, иймон ва виждан асосига қурилмоғи лозим. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қиласди, яъни умуминсоний қадриялар, инсон ҳуқуқлари эъзозланади, мўътабар ва муқаддас саналади. Инсоннинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари хурмат топади, адолат ва инсонпарварлик, савоб излаш ва саҳоватпешалик каби олий қадриялар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти демократик ва адолатли қонунлар тизими мавжудлигига, ҳуқуқ ва қонун устуворлигига, барчанинг ҳуқуқий тенглилигига, ижтимоий адолат тантанасига ва инсон шахси улуғворлигига таянади.

3.5. Конституция – беназир ҳуқуқий қадрият

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўз қадр-қиммати нуқтаи назаридан, қад ростлаётган демократик давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пой-деворидир. Унда ҳалқимизнинг олий иродаси, адолатли фуқаровий жамият барпо этиш борасидаги интилишлари, эзгу истаклари ифодаланган. Бугунги кунда Конституциямиз истиқлолнинг буюк неъмати сифатида

барчамиз учун мўътабар ижтимоий-хукуқий қадрият саналиши лозим.

Унинг қудратли ҳаётбахш кучини, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, барқарорлаштирувчи таъсирини барчамиз аниқ ҳис этиб келмоқдамиз. Шакшубҳасиз, Асосий қонунимиз жамиятни бирлаштирувчи ҳамда баҳамжиҳат этувчи, халқни ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантирувчи муҳим омил сифатида майдонга чиқмоқда.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов Конституциянинг тўқиз йиллитига багишланган тантанали маросимдаги нутқида Конституциямиз ҳаётимиз ривожида, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида кундан-кунга юксак аҳамият касб этиб бораётгандиги, у дунёвий тараққиёт талабларига тўла жавоб бераётгандиги, энг муҳими, истикболни кўзлаб мукаммал яратилганлигини эътироф этди.

Аввало Асосий қонунимизнинг олий нуфузи, беназир қадр-қиммати шундаки, у Инсон баҳт-саодати учун хизмат қилмоқда, инсон ҳақ-хукуқлари ва эркинликларини устувор таъминлаш принципини онгимизга сингдирмоқда. Унда давлат, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги мустаҳкамланган (2-модда). Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошقا даҳлсиз хукуқлари олий қадрият ҳисобланади (13-модда). Зоро, Конституция яратилаётган чоғда унинг ижодкорлари «жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсондир», деган фалсафадан келиб чиқиб иш тутган эдилар.

Конституция Ўзбекистон фуқаролари учун демократик маърифий давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий хукуқ ва эркинликларни кафолатлаб берди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бу борада Бош қомусимиз «Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг барча муҳим қоидлари ва принципларини ўзига тўла-тўқис жо этган. Унда инсонни улуғлаш, унинг эркин равнақ топиши учун реал шартшароитлар яратиш ўз ифодасини топган.

Конституция шарофати билан ижтимоий онгимизга, хукуқий тафаккуримизга замонавий демократик қад-

риятлар, принциплар ва фоялар кириб келди. Булар, энг аввало, суверен давлатчилик ва одил демократик жамият куриш фояларидир. Шунингдек, қонун устуворлиги, ҳокимиятлар бўлиниши, сиёсий плюрализм, кўппартиявийлик, инсон хукуқларининг дахлсизлиги ва устувор таъминланиши, айбизлик презумпцияси, хусусий мулк ва унинг қонунан муҳофазаланганлиги принциплари ва бошқалар сиёсий тафаккуримизнинг узвий бўлагига айланди.

Таҳсинга молик ўта муҳим жиҳати шундаки, Конституциянинг барча қоидалари, бутун ички салоҳияти хукуқий давлат ва фуқаровий жамият барпо этишга йўналтирилгандир. Шу боис, биз қураётган жамият мамлакатимиз халқи учун муносиб фаровон турмушни, инсон хукуқлари ва эркинликлари адолат мезонлари асосида кафолатланишини, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, шахснинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаши шубҳасиздир. Ушбу қоидалар Конституциямиз қонуний тарзда акс эттирган улуғ қадриятдир. Зотан, ҳар қандай ижтимоий неъмат ва қадриятнинг мезони унинг инсон манфаатлари ва эҳтиёжларига хизмат қилиш даражаси билан белгиланади.

Конституция мамлакатда кенг қамровли иқтисодий, сиёсий ва хукуқий ислоҳотларни амалга оширишнинг, тамомила янги қонунчилик тизимини вужудга келтиришнинг залворли замини сифатида гавдаланмоқда. У ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида барча давлат идоралари ваколатлари хукуқий жиҳатдан оқилона белгилаб берилишига хизмат қилди. Замонавий парламентаризм анъаналарига мос қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимини ташкил этувчи янги давлат идоралари вужудга келишига йўл очди. Булар жумласида Олий Мажлис, Конституциявий суд, Вазирлар Маҳкамаси, Омбудсман ва Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, янги маҳаллий бошқарув органлари – ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ва ҳоказолар ташкил топди.

Халқимиз Конституциядаги демократик қадриятлар ва илфор фоялар орқали маърифий дунёни англаётган бўлса, дунё Конституциямиз орқали халқимиз табиатини ва олижаноб фазилатларини англамоқда. Асосий қонунда ўзбекона одамийлик, инсонпарварлик, бағри-

кенглик, адолат ва саховатпешалик хислатлари ўзининг ҳукуқий ифодасини топган. Қомусимиз муқаддимасидаёқ ҳалқимизнинг демократия ва ижтимоий адолат foяларига содиклиги, муҳим мақсадлардан бири — фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш эканлиги баён этилган. «Ўзбекистон Республикаси,— дейилади 4-моддада, — ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиншишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади». Бу чинакам саховат ва бағрикенгликнинг қонуний ифодасидир.

Бундан ташқари, қуйидаги қоидалар улкан маънавий-ахлоқий маъно касб этади: хотин-қизлар ва эркаклар teng ҳукуқлидир (46-модда). Аёлларнинг жамиятдаги, давлат ишлари ва оиласидаги ролини юксалтириш давлатимизнинг устувор сиёсатидир. Мамлакатимиз Президенти қайта-қайта таъкидлаганидек, оналарни эъзозлаш, аёлларга ҳурмат бажо келтириш жамиятимиз маданият даражаси ва маънавий қиёфасининг кўрсаткичидир. «Ҳар бир шахсга ўз ҳукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти кафолатланади» (44-модда). Бунда инсонни, унинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза этувчи конституциявий қоида мужассам. «Вояга етмаганлар, меҳнатта лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳукуқлари давлат ҳимоясидадир» (45-модда). Оила жамият ва давлат томонидан қўллаб-куватланади ва ҳимоя қилинади (63-модда). «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» (65-модда). «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишини таъминлайди, болаларга багишлиланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради» (64-модда). «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда). Ушбу конституциявий қоида ҳалқимиз табиатига хос бўлган ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибатли муносабатни ифодалайди.

Умуман олганда, юқоридаги нормалар мазмунидага ўзбек ҳалқининг бой маънавияти ва қадимий улуғвор маданияти, очиқ табиати акс этган. Оналарга, аёлларга самимий ҳурмат, болаларни дилдан севиш, етимларга мурувват, меҳр-шафқатлилик, оила мустаҳкамлиги учун ғамхўрлик, фарзандлар камоли ва соғлом авлод учун курашиш ва бошқалар ҳалқимизнинг саховатини, улуғ-

вор салоҳиятли табиатини намоён этувчи хусусиятлардир.

Халқимизнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, шаксиз, узоқ тарихий тараққиёт мобайнида шаклланди, сайқал топди ва уларнинг энг нодирлари, хусусан, Конституцияда ўз тасдигига эга бўлди. Биргина лавҳани фикримиз далили сифатида келтирамиз. Шарқона ахлоқ-одобнинг дурдона мажмуи бўлмиш «Қобуснома»да таълим берилишича, ҳеч бир кимса «ўзининг фойдаси учун ўзгаларга зиён етказмаслиги керак». Айнан мана шу маънодаги қоида Асосий қонунимизнинг 20-моддасида кўйидагича мустаҳкамланган: «Фуқаролар ўз хукуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манбаатлари, хукуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт».

Юқорида келтирилган айрим мулоҳаза ва таҳдилларнинг ўзидаёқ Конституциямиз нақадар теран демократик фалсафий заминга, қудратли сиёсий-хукуқий ҳамда маънавий-ахлоқий таъсир кучига эгалигини исботлаб турибди. Конституциянинг худди ана шу гоявий, фалсафий, хукуқий-мағкуравий, маърифий-тарбиявий салоҳиятини, мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар онгига сингдириш мақсадида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши (2001 йил 4 январь) қабул қилинди.

Фармойишида Асосий қонунимиз моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш назарда тутилади. Шу мақсадда мутасадди вазирлар, раҳбар ҳодимлар, хукуқшунос олимлар ва мутахассислардан иборат нуфузли Комиссия ҳам тузилди. Айни вақтда, мазкур Комиссия юқорида зикр этилган дастурни ишлаб чиқди, шунингдек, барча даражадаги таълим турлари хусусиятларини инобатта олган ҳолда Конституцияни ўрганишга оид маҳсус ўқув курслари, дарсликлар яратиш учун малакали муаллифлар жамоаларини тасдиқлади, тегишли эксперtlар гуруҳларига мўлжалланаётган ўқитиш дастурларини, методик кўрсатмалар ва бошқа дидактик воситаларга кўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш топширилиб, улар қисқа муддатларда яратилди. Жумладан, мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчилар ва ўрга мактаб бошланғич синф ўқувчилари учун

алоҳида методика; умумий ўрта таълим тизими ўқувчи-лари учун алоҳида методика; ўрта маҳсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун алоҳида, олий таълим (бакалавр, магистрант ва аспирантлар) толиблари учун алоҳида, давлат хизматчила-ри учун алоҳида, бошқа тоифа меҳнатчилар ва маҳаллалар аҳли учун алоҳида дастур ҳамда методикалар ишлаб чиқилди.

Комиссия иш режасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида турли соҳа ва касб мутахассисларининг Конституцияни ўрганиш бўйича мунтазам семинарларини ташкил этиш, барча турдаги таълим муассасаларида дарс берувчи ўқитувчиларни тегишли йўналишида тайёрлаш, малакасини ошириш, телевидение, радио ва матбуотда Конституцияни фаол тарғиб қилиш (мавзулар рўйхати) чора-тадбирлари белгиланди. Шунингдек, «Конституция ҳақида сухбат», «Конституция: савол ва жавобларда», «Конституция ранг тасвир, изоҳ ва чизгиларда» каби ҳар турли рисолалар, болаларга мос фотоальбомлар тайёрланди.

Белгиланган тадбирлар ижросига жадал киришилганлигини қўйидаги жамоалар фаолиятида кўриш мумкин. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги Академияси олимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий хукуқи (дарслик), «Конституциявий хукуқ: таъриф ва чизмаларда» ўқув қўлланмаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳнинг янги нашри ва бошқа асарлар чоп этилди. Тошкент давлат юридик институти олимлари ноюридик олий ўқув юртлари учун конституциявий хукуқ асослари бўйича дарслик тайёрладилар. Ўзбекистон миллий университети мутахассислари эса ўрта мактаб, лицей ва коллежлар учун дарслик яратдилар.

Шу ўринда Ўзбекистон Конституциясини мукаммал ўрганишга йўналтирилган баъзи ташабbusли таклифларни илгари суришни жоиз топдик.

Биринчи. Мамлакат Президенти И.А. Каримов Конституциянинг саккиз йиллигига бағишиланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида Конституциянинг ҳар бир моддаси ҳаётимизда қандай қўлланилаётганини таҳлил этишимиз лозим, деб уқтирган эди. Фикримизча, бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Олий Мажлиснинг инсон хукуqlари бўйича вакили (Омбудс-

ман), прокуратура ва бошқа хуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ўз фаолият йўналиши бўйича Конституция меъёрлари амалда кўлланилишининг самарасини ўрганишни мунтазам йўлга қўйсалар, шунингдек, амалиёт ходимлари Конституция қоидаларини билиши бўйича тест синовларидан ўтказиб турилсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Иккичи. Конституцияни ўрганиш ва мукаммал билиш нафақат фуқаролар, ёшлар учун фарз, шунингдек, барча давлат идоралари ходимлари ва мансабдор шахслар учун ҳам зарурий талабдир. Шундан келиб чиқиб, турли соҳа ва касб эгалари бўлган мутахассис ҳамда амалиётчилар учун семинар-кенгашлар, илмий-амалий конференциялар доимий тарзда ўтказиб турилиши йўлга қўйилса, ўринли бўларди. Уларнинг мавзулари қўйидагича бўлиши мумкин. Масалан:

— судьялар ва адлия ходимлари учун “Конституцияни амалга ошириш механизми”;

— прокуратура ва хуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар ходимлари учун “Конституция ва фуқароларнинг хуқуқларини таъминлаш”;

— журналистлар учун “Конституция мавзусини оммавий ахборот воситаларида (матбуотда) ёритишни тақомиллаштириш”;

— депутатлар, хукуқшунос ва сиёsatшунос олимлар, мутахассислар учун “Конституция ва хукуқий тизимни, қонунчиликни тақомиллаштириш масалалари”;

— маърифат ва маънавият жабҳаси ходимлари учун “Конституциянинг маънавий-ахлоқий салоҳияти” каби семинар мавзулари ва ҳ.к.

Ушбу анжуманларни туман, шаҳар, вилоятлар ва республика даражасида ташкил этилса фойдадан холи бўлмайди.

Учинчи. Ёшлар томонидан Конституцияни мукаммал ўрганишга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин бўлган тадбирлардан бири сифатида ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва коллежлар ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари орасида “Конституция мавзусига бағишланган энг яхши реферат танловлари” ўтказиш жорий этилса, хайрли иш бўлар эди. Танлов ғолибларини ҳар йили Конституция куни байрами арафасида тақдирлашни анъана қилсак, энг муносиб ва таҳсинга сазовор ғолиб рефератлар матнини республика матбуотида чоп этиш йўли билан рағбар-

лантирсак, ёшлар истеъдоди барқ уриб ривожланишига кенг йўл очилар эди.

Тўртинчи. Укувчи ёшлар орасида Конституция ва амалдаги қонунчиллик бўйича бир неча босқичли республика олимпиадалари ўтказиш, радио ва телевикториналар, тест-синовлари, баҳс-мунозара клублари ташкил этиш Конституцияни чукур ўрганишга салмоқли ҳисса кўшади, деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, Конституция гоялари, принципи ва қоидаларини хукуқий тафаккуримиз ҳамда маданияти-миз таркибий қисмига айлантиromoқ юртимизда демократик хукуқий давлат ва фуқаровий жамият барпо этишга пухта замин яратади. Зоро, бундай давлатчилик ва жамиятни қарор топтириш унинг сиёсий-хукуқий мафкурасини ижтимоий онгимизга сингдиришдан бошлана-ди. Ана шу мақсадда Юртбошимиз бошлиб берган саъй-ҳаракатда фаол иштирок этмоқ ҳар биримизнинг Ватан саодати ва равнақи йўлидаги муқаддас бурчимиздир.

IV. Конституция ва қонунчиликни ривожлантириш

4.1. Конституция — қонунчиликни такомиллаштириш стратегияси

Конституция юксак сиёсий нуфуз ва олий юридик мақомга эга ҳужжат сифатида мамлакат қонунчилиги тизимида марказий ўрин тутади. У нафақат қонунчилик эхромининг чўққисида туради, балки бутун қонунчилик мажмuinинг умуртқасини, ўзагини ташкил этади. Конституция, унинг принциплари ва барча қоидалари қонунчилик шаклланиши ҳамда ривожланиши учун йўналтирувчи аҳамият касб этади. Янада лўндароқ айтадиган бўлсак, Конституция қонунчиликни ривожлантиришнинг яхлит, ягона ва мукаммал ишланган стратегияси (шоҳ ўзани) сифатида майдонга чиқади.

Нафсиамрани айтганда, Конституция мамлакат қонунларини яратиш ҳамда давр талабига мос тарзда такомиллаштириб боришининг дастури хисобланади. Барча қонунларнинг мазмун-ибтидоси улар учун сарчашма манба бўлмиш Конституциядан бошланади. Жорий қонунлар конституциявий фоя, принцип ва қоидаларни бевосита ҳаётга қўллаш учун хизмат қилади.

Айни вақтда, республикамиз қонунчилигининг ички стратегияси масалалари муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. **Қонунчилик стратегияси** — бу мамлакат бутун ҳуқуқий тизимининг, шунингдек, унинг алоҳида қисмлари, ҳуқуқ ҳамда қонунчилик соҳалари ва институларининг ҳозирги ва келгусидаги тараққиёти йўналишларининг илмий асосланган тарзда белгиланишидир. Қонунчилик стратегияси қонунларни тайёрлашнинг, уни режалаштириш ва амалга оширишнинг назарий ҳамда амалий масалаларини қамраб олади. У давлат сиёсати билан узвий боғлиқ бўлиб, давлат таянувчи муҳим принциплар асосида жамиятга қонунлар воситасида раҳбарлик қилиш санъати ҳисобланади.

Шунингдек, қонунчилик стратегияси давлат сиёсатини ҳуқуқий муносабатлар мазмунига сингдириш, қонунларни мунтазам равища такомиллаштириб бориши омилидир.

Қонунчилик стратегияси, ўзининг туб нуқтаи назаридан, ҳуқуқий ривожланишни ижтимоий тараққиёт

қонуниятларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш ва уларни мумкин қадар аниқ акс эттиришта асосланган илмий башоратлашни назарда тутади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик стратегияси қўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- а) ҳукуқий ривожланишинг истиқболга мўлжалланган мақсадларини белгилаш;
- б) мавжуд бошланғич вазиятни чукур таҳлил қилиш;
- в) қонунчилик ислоҳоти ўтказишнинг концепцияси (асосий йўналишлари)ни ишлаб чиқиш;
- г) белгиланган мақсадга айнан мос келувчи (адекват) восита ва чора-тадбирларни танлаб олиш;
- д) қонунчилик ривожланишини илмий башорат қилиш.

Қонунчилик стратегиясининг мазмуни норматив-хукуқий ҳужжатлар тизимидағи миқдор ва сифат ўзгаришларини тараққиёт қонуниятлари асосида олдиндан кўра билиш ҳамда ҳисобга олишда намоён бўлади. Мазкур стратегия вақт, даврийлик нуқтаи назаридан қонунчилик тизимининг бевосита ҳозирги пайтдаги, шунингдек, унинг келгусидаги ривожланишини ўз ичига олади. Ҳажми, кўлами жиҳатидан эса қонунчилик стратегияси мамлакатнинг бутун хукуқий тизимини, хукуқнинг тармоқлари, институтлари, нормаларини ҳамда қонунларни қамраб олади.

Мамлакатда амалга оширилган ва келгусида режалаштирилаётган қонун ижодкорлик ишларининг мазмуни, кўлами ва янгиланиш даражаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан бевосита боғлиқдир. Зоро, Конституция, юқорида таъкидланганидек, жамиятимиз хукуқий ва қонунчилик тизимларининг ўзагини, таъбир жоиз бўлса “юраги”ни ташкил этади. У жами қонунчиликнинг пойdevori, асосий манбаи ҳисобланади. Бутун хукуқий тизим таркибий қисмларининг, шунингдек, қонунчиликнинг ички ўзаро мутносиблиги, алоқадорлиги, баҳамжиҳатлиги бевосита Конституцияга боғлиқ.

Конституция қабул қилиниши биланоқ бутун қонунчилик фаолиятига, хукumat ва бошқа идораларнинг хукуқ ижодкорлигига курдатли турткни берилди. Унинг асосида республикамиизда мавжуд бўлган барча норматив-хукуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, ислоҳ қилина бошланди. Қонунчилик тизимининг туб-

дан янгиланиши — даврнинг зарурий талабидир, чунки жорий қонунчилик батамом Конституцияга мувофиқ бўлиши лозим. Мухтасар холоса қилганда: Конституция қонунчилик ривожланишининг бош стратегияси ни ташкил этади.

Мамлакат қонунчилигини Конституция асосида янгилаш ва шу заминда ривожлантириш узоқ давом этувчи узвий жараёндир. Бу ишни пухта ўйланган стратегик дастур асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур стратегик дастурда қонунчилигимизни янгилаш ва такомиллаштиришнинг асосий принциплари ва ёндашувлари белгиланиши лозим. Табийки, бу дастурда ҳукуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳукуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниглаш асосида қўйидагиларни акс эттириш лозим:

а) янги қонунлар қабул қилинишини талаб этадиган долзарб масалалар кўлами;

б) қонунчиликнинг ўзгартиришлар киритиш талаб этиладиган, умумлаштириладиган ва тартибга солиш даражаси кўтариладиган соҳалари;

в) ижтимоий муаммоларни ташкилий чоралар кўриш ва мавжуд ҳукуқий нормалар ҳамда механизмларни фоллаштирувчи сиёсий омилларни вужудга келтириш йўли билан ҳал этиш мумкин бўлган жабҳалар.

Қонунчиликни событқадамлик билан ривожлантириш, уни давр талабларига ҳамоҳанг тарзда янгилаб борища ва қонун чиқариш фаолиятини самарали йўлга кўйишида режалаштиришнинг аҳамияти бекиёсdir. Қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини режалаштириш — қонунчилик стратегиясини муайян давр учун конкретлаштирилиши, белгиланиши, давлатнинг ҳукуқий сиёсатини мужассамлашган кўринишида ва норматив тарзда мустаҳкамланишининг ифодасидир. Қонунчилик ишлари режаси узоқ муддатга мўлжалланган қонунчилик стратегиясини реал ҳаётга жорий этишнинг муҳим ташкилий воситаси сифатида майдонга чиқади. Режалаштиришнинг бош мақсади — республика қонунчилигини Конституция бошчилигидаги норматив ҳужжатларнинг изчил ва ички мутаносиб тизим сифатида шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат. Мазкур режалаштиришдан кутиладиган пировард натижа изчил, мукаммал ва барқарор қонунчилик тизимини яратиш экан, бунинг учун мутасадди ва ваколатли давлат идоралари, аввало, парламент ва қонунчилик та-

шаббуси хукуқига эга бўлган субъектлар, куйидаги вазифаларни адо этишлари лозим бўлади:

биринчидан, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёт эктиёжларидан келиб чиққан ҳолда эскирган хукуқий хужжатларни мунтазам равишда янгиси билан алмаштириб бориш;

иккинчидан, айнан бир масала бўйича кўплаб актлар мавжуд бўлишини ва мувозий тарзда амал қилишини бартараф этиш;

учинчидан, қонунчилик хужжатлари воситасида тартибга солинмаган, очиқ мавзуларни тўлдириб бориш ва ҳоказо.

Ушбу вазифаларни бажаришда хукуқшунослик фанига ҳам алоҳида ўрин ажратилади. Хукуқшуносликнинг бу борадаги вазифаси қонунлар ва қонун ости актлар ўргасидаги оқилона нисбатни белгилашда; қонунлар, фармонлар, хукумат қарорлари ва идоравий хужжатлар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар кўламини аниқлаб беришда намоён бўлади. Табиийки, пухта ва мукаммал режа ишлаб чиқиш учун илмий асосланган маълумотларга таяниш лозим бўлади. Бундай маълумотларга эга бўлиш учун тегишли таҳлил ва илмий изланишларни, тадқиқотларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистонда қонунчилик ишларини муайян режа асосида ривожлантириш ўз тажрибаси ва анъаналарига эга. Хусусан, парламент Раёсатининг 1991 йил 26 мартағи 239-XII сонли қарори ҳамда 1991 йил 28 ноябрдағи 457-сонли қарори билан тасдиқланган қонун лойиҳалари тайёрлашга оид режаларида тегишлича 43 ва 40 та қонун лойиҳалари ишлаб чиқиб қабул қилиниши белгиланган эди¹. 1992 йил давомида режадаги барча қонунлар қабул қилинди.

1993 йил учун тузилган қонунчилик фаолияти режасида 63 та қонун лойиҳасини тайёрлаш белгиланди. Бироқ, кўп ўтмай, вазиятни инобатга олиб, янги хужжат: “Ўзбекистон Республика Конституциясидан келиб чиқувчи қонунчилик хужжатларини тайёрлаш режаси” маъқулланди. Ҳужжатда жами 33 та қонун лойиҳасининг номи кўрсатилди. Шундан 23 тасини 1993 йилда ва 10 тасини 1994 йилда тайёрлаш мўлжалланди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991. №6. 118-модда; №44. 253-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Ка-
римов Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида (1992
йил 8 декабрь) сўзлаган нутқида: “Олдин тасдиқланган
барча қонунларимизни ҳам янги Конституция кўзи-
назари билан қараб, бошқатдан кўриб чиқишимиз за-
тур”, деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, мустақил давлатимизнинг Конститу-
цияси қабул қилиниши билан жорий қонунчиликни
Асосий қонунга мувофиқлаштириш масаласи кун тар-
тибиға чиқди. Янги Конституция билан илгари қабул
қилинган қонун ҳужжатлари ўртасида келиб чиқиши
мумкин бўлган номувофиқликнинг олдини олиш мақ-
садида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг
Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғриси-
да”ги қонунда бир қатор аниқ чора-тадбирлар кўзда
тутилди. Жумладан, Қонун: “1992 йил 8 декабрга қадар
қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари-
нинг, давлат идоралари қабул қилган бошқа ҳужжат-
ларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид
келмайдиган қисми ўз кучини сақлаб қолиши”ни бел-
гилаб кўйди.

Мазкур қонуннинг қуйидаги иккита банди айниқса
муҳимдир:

“...4. Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимиятининг
жойлардаги вакиллик, ижроия ва бошқарув органлари
ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конс-
титуциясига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Рес-
публикасининг Конституцияси қабул қилингунга қадар
чиқарилган қонун ҳужжатларининг Конституцияга зид
келмайдиган қисмiga асосан амалга оширадилар.

5. Судлар, прокуратура органлари ва давлатнинг
бошқа органлари ўз ваколатларини Ўзбекистон Рес-
публикаси Конституциясига мувофиқ, шунингдек Конс-
титуция қабул қилингунга қадар чиқарилган қонун
ҳужжатларининг Конституцияга зид келмайдиган қис-
мiga асосан амалга оширадилар”.

Айни вақтда шу Қонунда Олий Кенгаш Раёсатига
Ўзбекистон Республикаси қонунларини Ўзбекистон Рес-
публикасининг Конституциясига мувофиқлаштиришга
доир ишларни ташкил этиш тартибини белгилаш топ-
ширилди. Бунда Конституцияда назарда тутилган барча
қонунлар келгуси икки йилдан кечиктирмай қабул қили-
ниши кераклиги таъкидланди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т., 1992. 44-бет.

Конституциянинг ўзида қўйидаги қонунлар назарда тутилган эди: Фуқаролик тўғрисидаги қонун (Конституциянинг 21-моддаси), Депутатлар мақоми тўғрисидаги ва Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонунлар (77, 117-моддалар), Давлат рамзлари — байроқ, герб ва мадҳия тўғрисидаги қонунлар (5-модда), Референдум ўтказиш тартиби тўғрисидаги қонун (9-модда), Ўзбекистондан ташқарига чиқиш ва қайтиб келиш тўғрисидаги қонун (28-модда), Давлат сирлари тўғрисидаги қонун (29-модда), Фуқароларнинг ариза, шикоят ва тақлифларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги қонун (35-модда), Аҳолининг иш билан банд этилиши ва ишсизликдан ҳимояланиши тўғрисидаги қонун (37-модда), Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун (39-модда), Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун (90-модда), Фавкулодда ҳолат тўғрисидаги қонун (93-модда), Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун (98-модда), Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳақидаги қонун (103-модда), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун (105-модда), Конституциявий суд тўғрисидаги қонун (107-модда), Адвокатура тўғрисидаги қонун (116-модда), Прокуратура тўғрисидаги қонун (120-модда), Ўзбекистон Республикасининг Куролли Кучлари тўғрисидаги қонун (125-модда).

Тўгри, бу қонунларнинг кўпчилиги аввалроқ қабул қилинган эди. Энди эса уларни Конституция принциплари ва қоидаларига мослаштириш, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади.

1993 йилга режалаштирилган ва шу йили Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган қонунлар тубандаги лардан иборат бўлди: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги, “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Конституциявий суд тўғрисида”ги, “Маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисида”ги, “Мехнатни муҳофаза этиш тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги (режада — “Ўзбекистон Республикаси суд тузилиши ва судьяларнинг мақоми тўғрисида”ги, “Олий Хўжалик суди тўғрисида”ги қонунларни тайёрлаш кўзда тутилган эди), “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунлар ва ҳоказолар.

1994 йилда эса “Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодекси”, “Жиноят-процессуал кодекси”, “Фуқаролик кодекси”, “Маъмурий хукуқбузар-

лик тўғрисидаги кодекс”, “Фуқаролик-процессуал кодекси”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг регламенти”, “Халқаро шартномаларни тузиш бажариш ва денонсация қилиш тартиби тўғрисида”ги ва бошқа қонун лойиҳаларини тайёрлаб қабул қилиш белгиланди. 1994 йилнинг биринчи чораги ўттач, Режага тузатишлар киритилди. Шундай қилиб, навбатдаги XV сессия кун тартибига киритиш учун “Банк-ротлик (синиш) тўғрисида”ги, “Қимматли қофозлар билан операциялар қилишга солинадиган солиқ тўғрисида”ги, “Орденлар ва медаллар тўғрисида”ги, “Ихтирочилик, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги, “Милиция тўғрисида”ги, “Фуқарөларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ва бошқа жами 14 та қонун лойиҳалари мўлжалланди¹.

Тажриба қонун лойиҳалари тайёрлаш фаолиятини жорий ва истиқболга мўлжаллаб режалаштиришнинг афзаллигини исбот этди. Аввало, бу устунлик қонунлар қабул қилишни прогнозлашда, қонун яратишдан кутиладиган натижка ва оқибатларни олдиндан атрофлича баҳолай олишда, айниқса, қонунларни сифатли тайёрлаш имконияти вужудга келтирилишида, қонунларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тартиблаштиришда намоён бўлади.

Конституцияда шундай қоидалар ҳам борки, уларни руёбга чиқариш учун жорий қонунчиликда маҳсус тартибга солиш механизми мустаҳкамланиши лозим. Масалан, Конституциянинг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз хукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хукуқи кафолатланади. Фуқароларнинг мазкур Конституциявий хукуқи 1995 йил 30 августда “Фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тартиби тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши воситасида амалга оширила бошланди. Ўрнатилган тартибга биноағ фуқароларнинг поймол этилган хукуқлари судлов ва маъмурий чора-тадбирлар асосида тикланиши мумкин.

Яна бир диққатга сазовор конституциявий қоида:

¹ Ўзбекистон Республикаси Սլий Қенгаши Котибиятининг 1993—1994-йиллардаги жорий архиви материаллари.

“Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулқдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин”.

Табиийки, бу қоидани ҳаётга татбиқ этиш учун тегишли ҳукуқий механизmlар вужудга келтирилиши лозим бўлди. Дастреб амалдаги қонунчиликка муайян қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Яъни Олий Кенгашнинг 1993 йил 7 майда бўлиб ўтган 12-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонунига бир қатор ўзгартишлар киритилди. Жумладан, қонундан “шахсий мулк” тушунчаси чиқарилиб, батафсил янги таҳрирдаги “Хусусий мулк” деган модда қонунлаштирилди. Шунингдек, қонунда хусусий мулкнинг кенгайтирилган търифи берилди. У бошқа мулк шакллари сингари дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланди. Хусусий мулкни ҳосил қилиш, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш асослари белгиланди.

Бу борада 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва хусусий мулкни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1994 йил 16 марта қабул қилинган “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Президент фармонлари алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу фармонлар хусусий мулкчилик шаклланиши ва иқтисодиётимизнинг мустаҳкам асосига айланишида бекиёс тарихий роль ўйнади.

Хусусий мулкнинг ҳукуқий муҳофазасига доир қонун-қоидалар 1995 йил 21 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ҳам ўз ифодасини топди. Мазкур кодексга мувофиқ, “мулк дахлсиз ва қонун билан ҳимояланади” (116-модда); “Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий ва оммавий шаклларда мавжуд бўлади” (167-модда).

Фуқаролик кодексининг 16-боби “Хусусий мулк” деб номланиб, унда хусусий мулк тушунчаси, субъектлари, объектлари, вужудга келиш ва фойдаланиш тартиблари белгиланган.

Мулкнинг, шу жумладан хусусий мулкнинг дахлсизлиги мулқдорга нисбатан ҳаракатланувчи барча субъектлар мулк ҳукуқини поймол этишдан ўзларини тийишларида ифодаланади. Фуқароларнинг, шунинг-

дек, юридик шахсларнинг хусусий мулкка бўлган ҳукуқи бузилган ёки мулкка зарар етказилган тақдирда фуқаровий-ҳукуқий ёхуд жиноий-ҳукуқий тартибда суд томонидан ҳимоя қилинади.

Мустақилликка эришилган дастлабки даврларда Ўзбекистон Республикаси олдида сиёсий, иқтисодий, давлат қурилиши, ҳукуқий ва маданий-маънавий соҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошириш ва, биринчи навбатда, унинг қонунчилик заминини яратиш вазифаси турар эди. Худди ана шу йўналишда қонун исходкорлик ишлари жўш урди. Унинг кўламини тасаввур этиш учун рақамларга мурожаат этайлик. Ўзбекистон Республикасининг ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгаши мустақиллик йиллари мобайнида ўн битта сессия ўтказди. Парламент 1991 йилнинг август-декабрь ойларида —13 та, 1992 йил давомида —52 та, 1993 йилда —53 та ва 1994 йилда —22 та қонун қабул қилди. Шу чақириқда жами қонунлар сони 145 тани ташкил этиб, улардан 98 таси янги қабул қилинган қонунлар, 47 таси эса амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритувчи хужжатлар эди. Янги сайланган биринчи чақириқ Олий Мажлис 1995—1999 йиллар мобайнида ўн бешта сессия ўтказиб, 10 та кодекс, 2 та миллий дастур, 138 та қонун, 468 та қарор қабул қилди. Бу даврда 216 ҳолатда амалдаги қонунчиликка қўшимча, тўлдириш ва ўзгартишлар киритилди¹.

Биринчи чақириқ Олий Мажлис жумладан куйидаги муҳим қонунларни қабул қилди: Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида, Концессиялар тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рафбатлантириш тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида, Давлат мукофотлари тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида, Банклар ва банк фаолияти тўғрисида, Қимматли қофозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғриси-

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 1995—1999 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида” Олий Мажлисининг 1999 йил 19 августдаги 806-1 сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999. №9. 203-модда.

да, Эркин иқтисодий зоналар түгрисида, Истеъмолчи-
ларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш түгрисида, Депу-
татларни чақириб олиш түгрисида, Акциядорлик жа-
мияти ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш
түгрисида, Фуқаролар соғлигини саклаш түгрисида,
Муаллифлик ва турдош хукуқлар түгрисида, Ношир-
лик фаолияти түгрисида, Бухгалтерия ҳисоби түгри-
сида, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти-
нинг асосий принциплари түгрисида, Сиёсий партия-
лар түгрисида, Нотариат түгрисида, Адвокатура түгри-
сида, Давлат уй-жой сиёсатининг асослари түгрисида,
Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш түгрисида, То-
вар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва
рақобат түгрисида, Олий Мажлиснинг инсон хукуқла-
ри бўйича вакили (Омбудсман) түгрисида, Табиий мо-
нополиялар түгрисида, Ахборот олиш кафолатлари ва
эркинлиги түгрисида, Журналистлик фаолиятини ҳимоя
қилиш түгрисида, Ўзбекистон Республикасининг Со-
лиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Божхона
кодекси, Шаҳар йўловчилар транспорти түгрисида,
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодек-
си, Таълим түгрисида, Давлат божхона хизмати түгри-
сида, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процес-
суал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаро-
лик-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатларини тайёрлаш түгрисидаги, Оммавий
ахборот воситалари түгрисида, Ўзбекистон Республи-
касининг Ер кодекси, Фермер ва деҳқон хўжалиги
түгрисида, Чет эл инвестициялари түгрисида, Чет эл-
лик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари түгри-
сида, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Дав-
лат ер кадастри түгрисида, Автомобиль транспорти
түгрисида, Қимматли қоғозлар бозорида депозитарий-
лар фаолияти түгрисида, Ўзбекистон Республикаси-
нинг Уй-жой кодекси, Реклама түгрисида, Тадбиркор-
лик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари түгри-
сида, Лизинг түгрисида, Нодавлат нотижорат ташки-
лотлар түгрисида, Ўрмон түгрисида ва бошқа қонун-
лар.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси 1999 йил 5 декабрда сайланди ҳамда 2000
йил январидан эътиборан ўз фаолиятини бошлади ва
мамлакатимиз қонунчилигининг ривожланишида ўзига
хос муҳим босқични ташкил этди. У икки йил мобай-

нида ўнта сессия ўтказиб, 60 дан зиёд қонунлар қабул қилди. Бу қонунларнинг сессиялар бўйича тақсимоти қуидагича: иккинчи сессияда — 8 та, учинчи сессияда — 5 та, тўртинчи сессияда — 6 та, олтинчи сессияда — 9 та, еттинчи сессияда — 5 та, саккизинчи сессияда — 7 та, шу жумладан 1 та кодекс (Шаҳарсозлик кодекси), тўққизинчи сессияда — 8 та қонун ва ҳ.к.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлис қабул қилган муҳим қонунлардан айримларини санаб ўтамиш: Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида, Экологик экспертиза тўғрисида, Фуқаро муҳофазаси тўғрисида, Почта алоқаси тўғрисида, Радиациявий хавфсизлик тўғрисида, Психиатрия ёрдами тўғрисида, Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида, Судлар тўғрисида (янги таҳрирда), Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида, Терроризмга қарши кураш тўғрисида, Давлат кадастрлари тўғрисида, Юридик шахсларнинг қурилиш соҳасидаги хуқуқбузарликлари учун жавобгарлиги тўғрисида, Прокуратура тўғрисида (янги таҳрирда), Мудофаа тўғрисида, Алоҳида юклар ва ҳарбий контингентларнинг транзити тўғрисида, Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида (янги таҳрирда), Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарларнинг келиб чиқиш жойлари тўғрисида, Маданий мерос объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида, Хўжалик ширкатлари тўғрисида, Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида, Кредит иттифоқлари тўғрисида, Сугурта фаолияти тўғрисида, Фуқароларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида, Шаҳарсозлик кодекси, Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиюти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги қонун, Давлат статистикаси тўғрисида, Ер ости бойликлари тўғрисида (янги таҳрирда), Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида, Халқаро шартнома ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида ва бошқалар.

Келтирилган рўйхатдан кўриниб турибдики, қонунлар жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳамда масалала-рига оидdir. Барча қонунларни Ўзбекистон Республи-

каси олдида турган мұхим вазифалар, ҳуқуқий ислоҳот концепцияси мазмунига күра ҳамда мамлақат ҳәёти-нинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий, мафкуравий ва бошқа жабхаларга күра таснифлаш мумкин.

Биринчи. Мамлакатда бозор иқтисодиёти муносабатларини жорий этишга, янги иқтисодий тузум инфраструктурасини шакллантиришга қаратилған қонунлар. Улар жумласига мулкчилик муносабатларига оид, тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият, хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари түгрисидаги, шунингдек, мулкни давлат тасаруғидан чиқариш ва хусусийлаштириш, биржалар ва биржа фаолияти, хўжалик ширкатлари, қимматли қоғозлар бозори, монополистик фаолиятни чеклаш, суурита фаолияти, сертификация қилиш, санация, лизинг, синиш (банкротлик) түгрисидаги қонунлар ва бошқалар киради.

Иккинчи. Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти органларининг таркибий тузилиши ҳамда фаолиятини такомиллаштиришга оид қонунлар. Мазкур қонунлар қаторига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлис түгрисидаги, Вазирлар Маҳкамаси түгрисидаги, Давлат байроби, Давлат герби ва Давлат мадхияси түгрисидаги, Маҳаллий давлат ҳокимияти түгрисидаги, Мудофаа ва ҳарбий хизмат түгрисидаги, Фуқаролик түгрисидаги, Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини қўриқлаш түгрисидаги, Конституциявий суд түгрисидаги, Судлар түгрисидаги, Прокуратура түгрисидаги қонунлар ва ҳоказо.

Учинчи. Молия, кредит ва янги солиқ тизимини шакллантиришга қаратилған қонунлар. Булар қўйида-гилар: юридик шахслар ва фуқаролардан олинадиган солиқлар түгрисида, яъни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан уларни рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғимлар ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби түгрисидаги, банклар ва банк фаолияти түгрисидаги қонун ва бошқалар.

Тўртинчи. Жамият ҳәётининг ижтимоий масалаларини тартибга солувчи, шунингдек, маданий-тарбиявий соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари тоифасига тубандагиларни киритиш мумкин: Ёшларга оид давлат сиёсати асослари түгрисидаги, Ногиронларни ижтимоий

муҳофаза қилиш тўғрисидаги, Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги, Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги, Таълим тўғрисидаги, Давлат санитария назорати тўғрисидаги, Суфурта тўғрисидаги, Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги, ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисидаги, Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги, Алоқа тўғрисидаги қонунлар ва бошқалар.

Бешинчи. Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамиятини вужудга келтиришга, демократик ташкилий институтлар ҳамда фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларини кафолатловчи қонунлар. Бундай қонунлар гуруҳига қўйидагиларни киритиш мумкин: Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги, Нодавлат ташкилотлар тўғрисидаги, Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги, Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, Журналистик фаолиятнинг кафолатлари тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги, Касаба уюшмалари ва уларнинг ҳукуқлари тўғрисидаги, Жамиятни ахборотлаштириш тўғрисидаги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги, Мехнат кодекси, Оила кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунлар ва ҳоказолар.

Олтинчи. Табиатни ҳукуқий муҳофаза этиш давлатнинг муҳим функцияларидан бири бўлиб, соғлом экологик муҳит ва мусаффо табиий шароит жамият ҳаёти, унинг манфаатларига бевосита даҳлдор соҳадир. Шу боис давлатнинг мазкур масалалар бўйича қабул қиласидан қонунлари маҳсус тоифа сифатида туркумланиши лозим. Ушбу тоифа қонунлар қўйидагилардан иборат: Алоҳида қўриқланадиган табиий худудлар тўғрисидаги, Табиатни муҳофаза этиш тўғрисидаги, Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги, Қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимлик ҳамда ҳайвонлар турларини муҳофаза этишини кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишини тартибга солиш тўғрисидаги, Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунлар, Ер кодекси ва бошқалар.

Еттинчи. Мамлакатда мўътадил ҳукуқ-тартиботни ва мустаҳкам қонунийлик муҳитини таъминлаш борасидаги қонунларга қўйидагилар киради: Транспорт воситаларини олиб қочганлик учун жиноий жавобгарликни

кучайтириш түгрисидаги, Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш түгрисидаги қонунлар, Жиноят кодекси; Жиноят-процессуал кодекс; Маъмурий жавобгарлик түгрисидаги кодекс; Хўжалик процессуал кодекс ва бошқалар.

Саккизинчи. Мафкура ва маънавий ҳаёт соҳасига тааллуқли қонунлар: Давлат мукофотларини ва фахрий унвонларни таъсис этиш түгрисидаги, Байрам кунлари түгрисидаги қонунлар. Албатта, Ёшлар түгрисидаги, Таълим түгрисидаги ва шу каби бошқа қонунларни ҳам ушбу тоифага киритиш мумкин. Зоро, уларнинг маънавиятимизга, ғоявий тарбия ҳамда мафкурага, яъни дунёқаращни шакллантиришга бевосита алоқаси бор.

Тўққизинчи. Ташқи сиёсат ва чет давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маънавий алоқаларни амалга ошириш борасидаги қонунлар: Давлат божи түгрисидаги, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби түгрисидаги қонунлар. Булардан ташқари, парламент Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан тузган шартномаларини тасдиқлаш, шунингдек давлатимизнинг турли халқаро ташкилотларига аъзо бўлиш, аҳдлашуввлар ва конференцияларга кўшилиши түгрисидаги қарорларни ратификация қилувчи қонун хужжатларини ҳам назарда тутиш ўринли бўлар эди.

Юқорида келтирилган туркумлаш барча муммоларни ҳал этмайди, албатта, ва у тугал эмас. У ҳам бўлса, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қабул қилинган жами қонунларнинг асосий йўналишларини, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг дикқат марказида турган ижтимоий-сиёсий муаммолар кўламини мушоҳада этишдан иборат.

Қонунларнинг юқоридаги тартибда гурухланиши методологиясига баъзи эътиrozлар ҳам бўлиши мумкин. Яъни айрим қонунлар бошқа тоифага ўtkазилиши керак эди, деган фикрлар айтилиши мумкин. Тўғри буни инкор этиш қийин. Бу ерда сабаб шуки, айрим қонунлар ўз мазмунига кўра кенг қамровли, комплекс хусусиятга эга. Шу боис, айрим қонунларни у тоифага ҳам, бу тоифага ҳам киритиш хато бўлмайди.

Истиқдол йилларида қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолиятининг ички мазмuni, тенденциялари, концептуал ёндашуввлар, уларда юз бераётган сифат ўзгаришлари шубҳасиз катта қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистон Республикасининг парламенти қонун чиқаришнинг барча масъулиятини ўз зиммасига олиб, мустақил равишда фаолият юритмоқда. Собиқ иттифоқ шароитида қонунлар марказда яратилиб, сўнг улардан иттифоқдош республикалар ўзларининг айрим “маҳалий хусусиятлари”ни акс эттирган ҳолда нусха кўчирар эдилар. Албатта, бу усул қонунчиликда миллий хусусият ва анъаналар учун, янгиликлар ва замонавий ҳукукий фикрлар учун кам имкон беради ёки деярли имкон бермайди.

Республикада қонун яратиш фаолияти ва қонунчилик, аввалгилардан фарқли ўлароқ, тубдан янги демократик принципларга таянмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақамлаб қўйган суверен давлатчилик, ҳалқ ҳокимиётчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги, демократизм, ҳокимиётлар тақсимланиши, Қонунийлик, ижтимоий адолат, фуқаролар ҳукуқлари ҳамда эркинликларининг муқаддаслиги, ошкоралик каби принциплар шулар жумласидандир.

Қонунчилигимиз мазмуни ва руҳи тобора инсон-парварлашиб бормоқда, ўзида миллий хусусиятларни, ҳалқнинг одил судлов ва адолат тўғрисидаги тасаввурларини ифода этмоқда. Қонунлар ҳалқнинг бой тарихи, миллий-маданий ва маънавий қадриятларига асосланмоқда.

Ўзбекистон ҳалқаро давлатлар ҳамжамиятининг тенг ҳукуқли аъзоси сифатида ҳалқаро ҳукуқнинг умум эътироф этган қоидалари ва принципларининг устунлигини тан олган. Шундан келиб чиқиб, республика қонунчилигининг мазмуни ҳалқаро ҳукуқ талаблари, принциплари ва нормаларига мувофиқлашмоқда.

Қонунчилигимизнинг мазмуни янги мафкура — миллий истиқлол мафкурасига ва пок миллий ахлоқий қоидаларга таянмоқда.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатда туб ҳукуқий давлатчилик шаклланаётган кўппартиявийлик асосида парламент демократияси қарор топиб бораётган шароитда қонун чиқариш фаолияти ҳам, қонунчилигимиз ҳам илгор демократик йўналишда бойиб, ривожланиб ва такомиллашиб бораверади.

Қонунчилигимиз қайси устувор йўналишда ва қай тарзда ривожлантирилиши лозим, деган саволга энг умумий тарзда куйидагича жавоб бериш мумкин. Фик-

римизча, биринчидан, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига, иктиносидиётнинг устувор жабҳаларига таалуқли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни яратишга эътиборни қаратиш;

иккинчидан, сиёсий, хўжалик ва ижтимоий-маданий соҳанинг ўта муҳим ва долзарб масалалари бўйича қонунларни қабул қилиш, уларни мунтазам янгилашиб, такомиллаштириб бориш;

учинчидан, давлат идоралари ҳукуқий мақомини, сиёсий тизим бошқа таркибий қисмлари мақомини демократия ва ҳукуқий давлатчилик принциплари асосида такомиллаштиришга қаратилган қонунлар чиқариш;

тўртинчидан, инсон ва фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини кафолатлаш, уларга қатъий риоя этиш, уларни муҳофаза этишга қаратилган қонунлар яратиш ва шу орқали жамиятда мустаҳкам қонунийлик муҳитини, чинакам демократик ҳукуқий давлатни вужудга келтиришга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқариш амалиёти пухта илмий заминга асосланishi шарт. Қонунчилик фаолиятининг барча жиҳатлари ҳукуқшунослик назарияси томонидан қайта мушоҳада этилиши, мустақил давлат қонунчилигининг илмий концепцияси вужудга келтирилиши лозим. Юридик фанимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири қонунчилик механизмининг ҳамма таркибий бўғинларини чукур таҳлил этиш ва шунга доир илмий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатdir. Қонунларнинг илмий "савияси"ни ошириш, сифатини яхшилаш жамиятга раҳбарлик қилишининг, уни бошқаришининг илмий даражасини юксалтириш имконини беради. Қонунчиликни такомиллаштириш манфаатлари қонун яратиш фаолиятининг ҳукуқий, ижтимоий, руҳий ва ташкилий томонларини ҳамда таомил тартибларини назарий ўрганишни талаб этмоқда. Шу боис Ўзбекистоннинг янги қонунчилик тизимини вужудга келтириш ва қонунчилик жараёнини назарий тадқиқ этиш ўта муҳим сиёсий, илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини конституциявий замин асосида такомиллаштириб бориш, туб ҳукуқий ислоҳотларнинг ягона миллий концепциясини яратиш лозим. Унда ҳукуқий ислоҳотларнинг мақсади, вазифалари ва устувор йўналишлари ўз аксини топиши

мақсадга мувофиқ. Ушбу ислоҳотнинг асосий мазмуни, биринчидан, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг хукуқий (қонунчилик) базасини вужудга келтириш ҳамда такомиллаштириш лозимлигидан; иккинчидан, мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтиришнинг хукуқий асосларини яратиш заруриятидан; учинчидан, демократик хукуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда фуқаролар хукуқ ва эркинликларини реал таъминлаш мақсадларидан келиб чиқади.

Юқоридаги мақсад ва вазифалар асосида қонунчиликни ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиш мумкин:

сиёсий ислоҳотларни хукуқий таъминлаш — қонунчилик базасини яратиш;

иқтисодий ислоҳотлар, яъни бозор муносабатлари инфраструктурасини шакллантиришнинг қонунчилик базасини яратиш;

суд-хукуқий ислоҳотларнинг қонунчилик базасини вужудга келтириш.

Кўрсатилган ҳар бир йўналиш бўйича талайгина қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Уларнинг рўйхатини такрорлашга ҳожат бўлмаса керак. Бироқ қонунчиликни такомиллаштириш узлуксиз жараёндир. Ҳаёт қонунчилик олдига ўзининг янги-янги талабларини қўяверади ва қонунлар жамият тараққиёти эҳтиёжларига мос равища ривожланиб бораверади.

4.2. Конституция ва қонун чиқариш жараёни

Қонун давлат ҳокимияти маҳсус фаолиятининг маҳсали сифатида вужудга келади. Давлат амрининг олий ифодаси бўлмиш қонун, ҳокимиятнинг алоҳида ваколатли органи томонидан амалга ошириладиган мураккаб жараён натижасида яратилади.

Қонунчилик (қонунни яратиш) жараёни — давлат олий вакиллик органининг Конституцияда белгилangan тартибда янги қонунлар яратишга, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартириш киритишга қаратилган, шунингдек эскирган қонунларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йигиндиси бўлиб, у қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниqlаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади.

Қонунчилик жараёни муайян тартиб, ташкиллашганлик ифодаси сифатида мамлакатда қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш шакли ҳисобланади. Қонуннинг жамият ҳаётидаги олий мавқеи қонунчилик жараёнининг илмий ва амалий аҳамиятини белгилаб беради. Зеро, қонун яратиш жараёнининг мукаммал тартибга солинганлиги сифатли ва талаб даражасидағи қонуннинг туғилиши учун замин бўлиб хизмат қиласи.

Қонунчилик жараёнининг таърифи икки маънога эга:

Биринчидан, қонун лойиҳасининг парламентта киритилишидан бошлаб, то у қабул қилингунга қадар давлат органлари томонидан рӯёбга чиқариладиган ваколатлар;

Иккинчидан, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этадиган турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи процессуал қоидалар ифодаси (шакли).

Қонунчилик жараёнининг муҳим хусусияти шундаки, унинг мазмунини ташкил этувчи ҳаракатлар ва уларни амалга ошириш тартиби конституциявий тарзда белгилаб қўйилади. Мамлакатдаги бутун хукуқ ижодкорлиги, шу жумладан, қонун ижодкорлиги муайян процессуал тартиб-қоидалари доирасида амалга ошади. Қонунни яратиш муносабатлари, шунингдек, бу муносабатлarda иштирок этадиган субъектларнинг хукуқ ва мажбуриятларини ўрнатувчи моддий хукуқ қоидалари процессуал нормалар орқали ҳаётга жорий этилади. Агар моддий хукуқни татбиқ этишининг тегишли тартиби ўрнатилмаган бўлса, у юридик нуқтаи назардан яроқсиздир.

Қонунчилик жараёни, анъанага кўра, ушбу жараёнининг турли босқичларида иштирок этувчи органлар ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш маъносида талқин этилади. Гарчанд, қонунчилик фаолиятида у ёки бу алоҳида субъектлар иштирок этсалар ҳам, қонунчилик жараёни асосан парламентнинг қонун яратиш фаолияти тартиби бўлиб қолаверади.

Қонунчилик жараёни тушунчаси:

Биринчидан, қонунни мазмунан тайёрлашни таъминловчи ўзаро алоқадор институтлар тизимини белгилашдан;

Иккинчидан, халқ иродасини, жамоатчилик фикри-

ни ифодалашнинг қатъий демократик шаклларини мустаҳкамлашдан;

учинчидан, қонунни яратиш ва қабул қилиш жараёнида давлат ҳокимияти олий вакиллик органи фаолиятининг турли шакллари қўлланилишини акс эттиришдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчиқариш фаолияти, яъни қонун яратиш жараёни тўрт босқичдан иборат тарзда амалга ошади. Ушбу босқичлар:

- 1) қонунчилик ташаббусини амалга ошириш;
- 2) қонун лойиҳасини муҳокама қилиш;
- 3) қонунни қабул қилиш;
- 4) қонунни имзолаш ва ёълон қилиш.

Ушбу босқичларга алоҳида-алоҳида тўхталиш жоиз.

Биринчи босқич — қонунчилик ташаббуси. Қонунни яратиш жараёни, яъни қонун чиқарувчи орган доирасида бевосита фаолият қонунчилик ташаббуси намоён бўлишидан бошланади. Қонунчилик ташаббуси хукуқий муаммолари мағзини англаб этиш учун унинг куйидаги муҳим жиҳатларини пухта мушоҳада этиш талаб қилинади:

- 1) қонунчилик ташаббуси хукуқининг моҳияти;
- 2) қонунчилик ташаббуси амалга оширилиши натижасида вужудга келадиган хукуқий муносабатнинг мазмуни;

3) қонунчилик ташаббуси хукуқининг субъектлари доираси ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва бошқалар.

Хукуқшунослик фанида қонунчилик ташаббуси алоҳида мустақил хукуқий институт сифатида талқин этилади. Йлмий адабиётларда “қонунчилик ташаббуси” ва “қонунчилик ташаббуси хукуқи” деган иборалар ишлатилади. Ҳатто, баъзан улар айнан бир хил маънода қўлланилади. Айрим таърифларда “қонунчилик ташаббуси” муайян субъектнинг қонун лойиҳасини киритишга бўлган хукуқи сифатида талқин этилса, бошқа изоҳларда эса — қонун лойиҳасини киритиш факти, яъни мазкур хукуқни амалга оширишга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг йиғиндиси сифатида ифода этилади. Қонунчилик ташаббусини қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳасини киритувчи субъектнинг хукуқи маъносида таърифлаш, фикримизча, тўғри бўлмаса керак. Сабаби, бунда қонунчилик жараёнининг алоҳида босқичини англатувчи ҳаракат билан ваколатли органлар ва шахсларнинг қонунчи-

лик ташаббуси кўрсатишга бўлган ҳукуқи (реал имконияти) аралаштириб юборилмоқда.

Қонунчилик ташаббуси шундай бир ҳаракатлар йиғиндисидирки, бунинг натижасида қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи киритилади ва парламент янги қонун чиқариш, амалдагисини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш масаласини кўриб чиқиши учун қабул қиласиди. Бошқача айтганда, қонунчилик хусусиятига эга таклифни киритиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир.

Қонунчилик ташаббуси ҳукуқи деганда эса, Конституцияда белгиланган, давлат органлари, ташкилотлар ва шахсларнинг қонун чиқарувчи органга қонунчиликка оид таклифни ёки қонун лойиҳасини тақдим этишдек субъектив ҳукуқи тушунилади.

Демак, “қонунчилик ташаббуси ҳукуқи” маълум ҳаракатларни (фаолиятни) амалга ошириш имкониятини, ҳукуқини берса, “қонунчилик ташаббуси” мазкур ҳукуқни амалга ошириш асосида рўёбга чиқадиган ҳаракатларнинг ўзиридан.

Қонунчилик ташаббуси ҳукуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини ёки қонунчиликка оид таклифни киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламентида белгиланган. “Қонунчилик ташаббуси ҳукуқи Ўзбекистоннинг янги қонунлари лойиҳаларини, амалдаги қонунларини ўзгартириш тўғрисидаги лойиҳаларини, янги қонунларини қабул қилиш ёки амалдаги қонунларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифларни (қонун чиқариш таклифлари) киритиш шаклида амалга оширилади” (79-модда).

Қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлмаган давлат ва жамоат идоралари ёки айрим фуқаролар таклиф этган қонун лойиҳалари ёки қонун чиқариш таклифлари мазкур ҳукуққа эга бўлган идоралар ва шахслар орқали Олий Мажлисга киритилиши мумкин (Регламентнинг 80-моддаси). Ўзбекистон қонунларининг лойиҳалари ва қонунчиликка оид таклифлар уларнинг ишлаб чиқарилиши зарурлигини асослаган ҳолда, бўлажак қонунларнинг мақсадлари, вазифалари ва асосий қоидалар ҳамда улар амалдаги қонунлар жумласида тутадиган ўрнининг, шунингдек, уларни кўллашдан кутилаётган ижтимоий-иктисодий ва бошқа оқибатларнинг батафсил таърифи билан бирга кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

Амалга ошириш учун қўшимча моддий ва бошқа харжатлар талаб қилинадиган лойиҳа тақдим этилганда унинг молиявий-иктисодий асослари илова қилинади.

Шундай қилиб, қонунчилик ташаббуси ҳукуки — конституцияда белгиланган ваколатли органлар, ташкилотлар ва шахслар томонидан муайян қонун лойиҳасини ёки янги қонун қабул қилиш тўғрисида, шунингдек амалдаги қонунни ўзгартириш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги таклифни Олий Мажлис эътиборига тақдим этилиши ва парламентнинг бу масалани белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳақида тегишли қарор қабул қилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ, қуйидагилар қонунчилик ташаббуси ҳукуқининг субъектлари саналадилар:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси;
- 3) ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Коракалпогистон Республикаси;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари;
- 5) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди;
- 6) Ўзбекистон Республикасининг Олий суди;
- 7) Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди;
- 8) Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори.

Олий Мажлисга қонунчилик таклифи билан мурожаат этиш ҳукуки ҳеч ким учун чекланмаган. Шундай таклиф киритилган тақдирда эса, қонун лойиҳалари қонун чиқариш ташаббуси ҳукуқига эга бўлган юқорида кўрсатилган идоралар ва шахслар орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилиши мумкин.

1997 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги қонуни” қабул қилинди. Бунда қонун яратиш жараёнини янада демократиялаштириш, уларни кенг омма орасида муҳокама қилиш, қонун яратишда молиявий-иктисодий асосларни илова қилиш шартлиги кўрсатилган¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. №9. 237-модда.

Иккинчи босқич — қонун лойиҳасини муҳокама қилиш. Қонун лойиҳасини муҳокама этиш — қонун яратиш жараёнининг алоҳида муҳим босқичидир. Бу босқич қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси тақдим этилгач ва у сессия кун тартибига киргач бошланади. Шаклланган тажрибага кўра қонун лойиҳаси икки хил кўринишда муҳокама қилинади. Биринчи ҳолда қонун лойиҳаси аксарият умумий қоидага биноан парламент — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан унинг йиғилишида муҳокама этилади. Иккинчи ҳолда мамлакат ҳаётининг ўта муҳим масалаларини тартибга солишга қаратилган қонунлар лойиҳаси Олий Мажлис қарори билан кенг халқ муҳокамасига чиқарилади. Барча қонун лойиҳаларини халқ муҳокамасига қўйиш мажбурий қоида эмас. Умумхалқ муҳокамалари сўнгти йилларда қонунчилик тажрибамиизда кенг қўлланилаётган демократик институтдир.

Қонун лойиҳаси аввал парламент муҳокамасига қўйиладими ёки умумхалқ муҳокамасига киритиладими деган саволга аниқ жавоб бериш мушкул. Чунки парламент баъзи лойиҳаларни аввал ўзи биринчи муҳокама этиб, лозим топса, уни умумхалқ муҳокамасига киритиш учун матбуотда эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Баъзан эса парламент лойиҳани умумхалқ муҳокамасига чиқариб, муҳокама якунларини аниқлагандан кейингина уни ўз муҳокамасидан ўтказиб қабул қиласди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам умумхалқ муҳокамасидан ўтган қонун лойиҳаси яна парламент муҳокамасидан ўтади. Акс ҳолда лойиҳа қонун сифатида қабул қилинмайди.

Умумхалқ муҳокамаси — ўз моҳият-эътибори билан қонун лойиҳаси юзасидан халқ билан бевосита кенгашув, маслаҳатлашувдир. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига киритиш халқ оммаси тажрибасини мужассамлаштириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш ва қонунда халқ манфаатларини, хоҳиш-иродасини тўлаттўқис акс эттириш имконини беради.

Ўзбекистон Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади. Бу қоида муҳим қонун лойиҳаларига ҳам тааллуқли. Умумхалқ муҳокамасини амалга оширишнинг процессуал, ташкилий жиҳатлари “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топган. Гап қонун лойиҳасини халқ муҳокамасига чиқариш тўғрисидаги қарорни

ким, қайси орган қабул қиласы? Бу ҳақдаги ташаббусни киритишга кимлар ваколатли, деган масалалар хусусида бормоқда. Масалан, ушбу қонунга күра, қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига чиқариш ҳақидаги таклифни қонунчилик ташаббусининг хуқуқий субъектлари киритиши мүмкин. Лойиҳани бундай муҳокамага чиқариш тұғрисидаги қарорни эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилишта ҳақлы.

Умумхалқ муҳокамасини ўтказишнинг баъзи процесуал жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг амалдаги Регламентида мустаҳкамланган. Унда айтилишича, қонун лойиҳасининг биринчи ўқилишида Олий Мажлис унинг асосий қоидаларини муҳокама қиласы, зарур ҳөлларда қонун лойиҳасини муҳокама этиш учун эълон қилиш ҳақидаги таклифларни кўриб чиқади (Регламент 89-моддасининг I қисми).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг қарорига мувофиқ, қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига чиқарилиши мүмкин (89-модданинг IV қисми).

Парламент томонидан қонун лойиҳасини муҳокама қилиш қонунчилик жараёнининг расмий босқичи саналади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Регламентининг 74-моддасига кўра, Олий Мажлисга киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, қоидатариқасида, икки марта ўқиш йўли билан амалга оширилади.

Қонун лойиҳасининг биринчи ўқилишида Ўзбекистон Олий Мажлиси қонун лойиҳаси ташаббускорининг маъruzасини ва бош қўмита ёки комиссиянинг кўшимча маъruzасини тинглайди, қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини (концепциясини) муҳокама қиласи ҳамда тузатишлар шаклида таклиф ва мулоҳазалар билдиради.

Биринчи ўқиш, яъни дастлабки муҳокамада қонун лойиҳасининг асосий қоидалари маъқулланса (баъзан урад этилиши ҳам мүмкин), Олий Мажлис уни иккинчи ўқишга тақдим этиш муддатини белгилайди (Регламентнинг 89-моддаси).

Биринчи ўқишда қонун лойиҳаси маъқулланган деб ҳисоблагандай учун ҳалқ депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпі ёқлаш овоз бериши талаб қилинади. Бундай хулоса Олий Мажлиснинг қарори билан расмийлаштирилади. Бош қўмита ёки комиссия ёхуд қонун лойиҳасини кўшимча равишда ишлаб чиқиш топширилган

идора қонун лойиҳаси бўйича биринчи ўқиш чоғида тушган таклиф ва тузатишларни кўриб чиқади, лойиҳани қайта ишлаб, уни иккинчи ўқишга тайёрлайди. Лойиҳани қўшимча ишлаб чиқиш мобайнида рад этилган тузатишлар иккинчи ўқиш жараёнида ноиблар томонидан кўриб чиқиш учун лойиҳа матнига илова қилинади.

Мутасадди бўлган бош қўмита (комиссия ёки идора) қонун лойиҳасини иккинчи ўқишида муҳокама этиш учун Олий Мажлис эътиборига тақдим этади. Қонун лойиҳаси юзасидан иккинчи ўқиш чоғида ушбу қонун лойиҳаси бўйича бош қўмита ёки комиссиянинг раиси, ёки ўринбосари, ёхуд лойиҳани қўшимча равищда ишлаб чиқсан идора раҳбари маъруза қиласади. Қонун лойиҳаси моддама-модда, бўлимлар ва боблар бўйича ёки ялпи муҳокама қилинади (93-модда).

Олий Мажлис биринчи ёки иккинчи ўқиш йўли билан қилинган муҳокама натижасида қонунни қабул қиласади ёки қонун лойиҳасини рад этади, ёхуд уни қўшимча равищда ишлаш учун қайтаради. Борди-ю, лойиҳа умумий тарзда, асос учун қабул қилинса, унинг айрим модда ва бўлимлари бўйича тушган тузатишлар кўриб чиқласади. Ҳар бир тузатиш алоҳида муҳокама қилинади. Лозим бўлган тақдирда киригилган тузатишлар бўйича тегишли қўмиталар ва комиссияларнинг хulosалари тингланиши мумкин. Башарти, қўмита ёки комиссиянинг хulosасига рози бўлинмаса, бундай тузатишни асослаш учун тузатиш киритган халқ депутатига сўз берилади.

Демократик қонунчилик фаолиятининг ифодаларидан бири парламент муҳокамасига муқобил қонун лойиҳаларининг киритилишидир. Парламентта муқобил қонун лойиҳаларининг киритилишига асосий сабаб фикрлар ва манфаатлар хилма-хиллигидир. Кўп партиявийлик асосида тузилган парламентда, албатта, манфаатлар хилма-хиллиги мавжуд бўлади ва шунинг замирида муқобил қонун лойиҳалари муҳокамага қўйилиши мумкин бўлади. Айнан бир масала бўйича парламентдаги партиявий фракциялар ўз муқобил лойиҳаларини таклиф қила оладилар. Бу ҳол одатий бўлиб, бунга қўникиш лозим.

Учинчи босқач — қонунни қабул қилиш. Қонунчилик жараёнининг яна бир муҳим бўгини — қонун лойиҳасини тасдиқлаш, қонунни қабул қилиш босқичидир. Бу

босқичнинг аҳамияти ва масъулияти шундаки, бунда қонун лойиҳасига расмий юридик куч баҳш этилади, у қонунга айланади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари икки йўл билан қабул қилинади:

биринчиси — қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниши;

иккинчиси — қонунни умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан қабул қилиш.

Қонун овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Қонун лойиҳасига овоз бериш уч хил шаклда амалга оширилади:

- 1) моддама-модда;
- 2) бўлим ёки боб бўйича алоҳида-алоҳида;
- 3) лойиҳа тўлиғича овозга кўйилади.

Ҳар бир қонунни қабул қилиш чоғида овоз бериш тартиби Олий Мажлис томонидан алоҳида белгиланади. Қонунларни қабул қилишнинг, овоз беришнинг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва Олий Мажлиснинг амалдаги Регламентида белгилаб берилган. Қонун лойиҳасини ёқлаб Ўзбекистон халқ депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпі овоз берса, қонун қабул қилинган ҳисобланади.

Регламент 83-моддасининг иккинчи қисмига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон халқ депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик томонидан қабул қилинган Олий Мажлиснинг қарори билан ўзгартирилади. Бу тўғри қоида, унинг юридик асоси Конституциянинг 127-моддасида мустаҳкамланган: “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади”.

Афсуски, амалдаги қонунларимиз фақат Конституцияга ўзгартириш киритиш чоғида овоз бериш масаласини тартибга солиш билан чекланган, холос. Бироқ Конституцияни қабул қилиш вақтида овоз бериш тартиби масаласи назардан четда қолиб кетган.

Шу боис Регламентта қуйидаги мазмундаги маҳсус қоидани киритиш лозим: “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Олий Мажлис жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинадиган қонун билан тасдиқланади”.

Жорий қонунларга күшимча ва ўзгартиш киритувчи қонунлар эса депутатларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Тажрибага кўра, қонун лойиҳаси кўриб чиқилаётган пайтда унга киритиладиган ҳар қандай күшимча ва ўзгартиш алоҳида овозга кўйилади. Мазкур қоида кўмиталар таклиф этган ва лойиҳани киритувчи рози бўлган тузатишларга таалуқли эмас. Бундай тузатишлар қонун лойиҳасининг дастлабки киритилган матнига кўшиб овозга кўйилаверади. Хулоса берган қўмитанинг айрим аъзоси (агар илгари алоҳида фикр баён этган бўлса) сессия вақтида таклиф киритса ёки ҳалқ ноибларидан биронтаси бевосита мажлис давомида тузатиш киритса, булар лойиҳа бўйича умумий овоз беришдан аввал тақдим этилиш навбатига қараб овозга кўйилади. Башарти бундай таклифларнинг айримлари лойиҳа матнининг баъзи қисмларини чиқариб ташлашни талаб этадиган бўлса, бу қисм энг биринчি навбатда овозга кўйилади. Борди-ю, лойиҳанинг битта моддаси ёхуд битта қоидаси юзасидан тушган бир неча таклифлардан биттаси қабул қилинса, бу тузатишга маъно жиҳатдан қарама-қарши бўлган бошқа таклифлар овозга кўйилмайди. Қонун лойиҳаси ялпи умумий овозга кўйилган тақдирда қабул қилинган тузатишларнинг ҳаммаси бирга овозга кўйилади.

Қонун чиқарувчи орган тўла юридик кучга эга бўлган хужжат қабул қила олиши учун депутатларнинг муайян қисми мажлисда ҳозир бўлиши ва овоз беришда иштирок этиши талаб қилинади. Юқорида таъкидлаганимиздек, қонунлар “ҳалқ депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан” қабул қилинади. Бу ерда мана шу “кўпчилик овоз” деган иборага аниқлик киритиш лозим. Зоро, парламентаризм тажрибасида бу борада аниқ мезонлар мавжуд.

Жумладан:

- нисбий кўпчилик;
- оддий кўпчилик;
- мутлақ кўпчилик;
- малакали кўпчилик тушунчалари кўлтанилади.

Нисбий кўпчиликнинг овоз бериши деганда, депутатларнинг бошқа таклифлар учун берилган овозлари сонига нисбатан олинган энг кўп овози тушунилиб, у қонунда белгиланган депутатлар сони квотасининг ярмидан ошмаслиги лозим.

Оддий кўпчилик овоз бериши амалиётда энг кенг

тарқалған шакл бўлиб, бунда парламент мажлисида иштирок этаётган депутатларнинг (квотум мавжуд бўлган тақдирда) ярми ва плюс бир овоз берилиган ҳолати англанади.

Мутлақ кўпчилик овоз бериши деганда, депутатлар умумий сонининг тенг ярми ва плюс битта депутатнинг овози тушунилади. Бир қатор чет давлатларнинг парламентида бу тоифадаги овоз сони парламент мажлисининг ишчи органларини сайлаш учун, депутатни чақириб олиш ёки уни ҳибсга олиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун, раислик қилувчининг мажлисни олиб бориши бўйича мунозарани ҳал этиш учун ва бошқа ҳолларда талаб этилади.

Парламентда баъзи жиддий масалаларни ҳал этиш учун депутатлар **малакали кўпчилигининг** овоз бериши лозим бўлади. Депутатлар умумий сонининг малакали кўпчилигини, Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, жами депутатларнинг учдан икки қисми ташкил этади (127-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида овоз бериш демократик тарзда амалга оширилади. Аввало, ҳар бир депутат шахсан ўзи овоз бериш ҳуқуқига эга. Чунки овоз бериш депутатнинг ўз фикрини, у ёки бу масалага шахсий муносабатини билдириш, иродасини ифода этишидир. Депутат овоз бериш учун бошқа депутатни вакил қилиши мумкин эмас.

Овоз бериш очиқ, яширин ва номма-ном бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг йиғилишларида қўриладиган масалаларга доир қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Конституцияда, Регламентда, бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ёки Ўзбекистон Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ яширин овоз бериш ўтказилади.

Олий Мажлисда овоз бериш овозларни сановчи электрон тармоқ ёрдамида ўтказилади. Овоз беришни бошлашдан олдин раислик қилувчи овозга қўйиладиган таклифларнинг таърифланишини аниқлайди, қарор қандай кўпчилик овоз билан (депутатлар умумий сонининг **кўпчилиги** билан, ҳозир бўлган депутатларнинг **кўпчилиги** билан, овозларнинг оддий ёки мутлақ кўпчилиги билан) қабул қилиниши мумкинлигини эслатади.

Яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижала-

рини аниқлаш учун Олий Мажлис халқ депутатлари орасидан очиқ овоз бериш йўли билан Саноқ комиссиясини сайлайди.

Яширин овоз бериш электрон тармоқдан фойдаланган ҳолда ёки бюллетенларни бериш йўли билан ўтказилади (32-модда).

Ўзбекистон халқ депутатларининг камидан бешдан бир қисми талабига мувоғиқ сессияда электрон тармоқдан фойдаланган ҳолда ёхуд депутатларнинг номлари ёзилган бюллетенларни топшириш йўли билан номма-ном овоз бериш ўтказилади. Бюллетенларда “ёқлайман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” деган сўзлар бўлади. Депутат бюллетендаги ана шу сўзлардан бирини қолдириб, қолганларини ўчириши керак. Овозларни ҳисоблаб чиқиш пайтида юқорида кўрсатилган сўзларнинг биттадан ортифи қолдирилган ёки ҳар учала сўз ўчириб ташланган, ё бўлмаса кўзда тутилмаган қарор варианти ёзиб кўйилган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади (35-модда).

Қонунлар умумхалқ овоз бериши (референдум) орқали ҳам қабул қилинади. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунда “референдум” тушунчаси қуйидагича таърифланади: Ўзбекистон Республикаси референдуми — давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир”.

Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин (1-модда).

Тўртингчи босқич — қонунни имзолаш ва эълон қилиш¹. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 14-бандига биноан, қонунларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти имзолайди. Президентнинг эътиrozлари бўлса, у ҳолда Президент бу қонунни тақорорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун ўз эътиrozлари билан Олий Мажлисга қайтариб

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. Т.: Ўзбекистон, 1995. 140—143-бетлар.*

тарқалған шакл бўлиб, бунда парламент мажлисида иштирок этаётган депутатларнинг (квотум мавжуд бўлган тақдирда) ярми ва плюс бир овоз берилиган ҳолати англанади.

Мутлақ кўпчилик овоз бериши деганда, депутатлар умумий сонининг teng ярми ва плюс битта депутатнинг овози тушунилади. Бир қатор чет давлатларнинг парламентида бу тоифадаги овоз сони парламент мажлисининг ишчи органларини сайлаш учун, депутатни чақириб олиш ёки уни ҳисбга олиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун, раислик қилувчининг мажлисни олиб бориши бўйича мунозарани ҳал этиш учун ва бошқа ҳолларда талаб этилади.

Парламентда баъзи жиддий масалаларни ҳал этиш учун депутатлар малакали кўпчилигининг овоз бериши лозим бўлади. Депутатлар умумий сонининг малакали кўпчилигини, Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, жами депутатларнинг учдан икки қисми ташкил этади (127-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида овоз бериш демократик тарзда амалга оширилади. Аввало, ҳар бир депутат шахсан ўзи овоз бериш хукуқига эга. Чунки овоз бериш депутатнинг ўз фикрини, у ёки бу масалага шахсий муносабатини билдириш, иродасини ифода этишидир. Депутат овоз бериш учун бошқа депутатни вакил қилиши мумкин эмас.

Овоз бериш очиқ, яширин ва номма-ном бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг йиғилишларида кўриладиган масалаларга доир қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Конституцияда, Регламентда, бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ёки Ўзбекистон Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ яширин овоз бериш ўтказилади.

Олий Мажлисда овоз бериш овозларни сановчи электрон тармоқ ёрдамида ўтказилади. Овоз беришни бошлашдан олдин раислик қилувчи овозга қўйиладиган таклифларнинг таърифланишини аниқлайди, қарор қандай кўпчилик овоз билан (депутатлар умумий сонининг кўпчилиги билан, ҳозир бўлган депутатларнинг кўпчилиги билан, овозларнинг оддий ёки мутлақ кўпчилиги билан) қабул қилиниши мумкинлигини эслатади.

Яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижала-

рини аниқлаш учун Олий Мажлис халқ депутатлари орасидан очиқ овоз бериш йўли билан Саноқ комиссиясини сайлайди.

Яширин овоз бериш электрон тармоқдан фойдаланган ҳолда ёки бюллетенларни бериш йўли билан ўтказилади (32-модда).

Ўзбекистон халқ депутатларининг камидаги бешдан бир қисми талабига мувофиқ сессияда электрон тармоқдан фойдаланган ҳолда ёхуд депутатларнинг номлари ёзилган бюллетенларни топшириш йўли билан номма-ном овоз бериш ўтказилади. Бюллетенларда “ёқлайман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” деган сўзлар бўлади. Депутат бюллетендаги ана шу сўзлардан бирини қолдириб, қолганларини ўчириши керак. Овозларни ҳисоблаб чиқиш пайтида юқорида кўрсатилган сўзларнинг биттадан ортиғи қолдирилган ёки ҳар учала сўз ўчириб ташланган, ё бўлмаса кўзда тутилмаган қарор варианти ёзиб қўйилган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади (35-модда).

Қонунлар умумхалқ овоз бериши (референдум) орқали ҳам қабул қилинади. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунда “референдум” тушунчаси қуидагича таърифланади: Ўзбекистон Республикаси референдуми — давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир”.

Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин (1-модда).

Тўртинчи босқич — қонунни имзолаш ва эълон қилиш¹. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 14-бандига биноан, қонунларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти имзолайди. Президентнинг эътиrozлари бўлса, у ҳолда Президент бу қонунни такрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун ўз эътиrozлари билан Олий Мажлисга қайтариб

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Одилкориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. Т.: Ўзбекистон, 1995. 140—143-бетлар.

юбориши мумкин. Агар қонунни Олий Мажлис депутатларининг учдан икки қисми тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди.

Қабул қилинган ва Президент имзолаган матн Олий Мажлисга сақлаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис қабул қилган қонунларнинг ва бошқа норматив хужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши ушбу қонунлар қўлланишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

Олий Мажлиснинг ҳамда Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Раиси имзолайди, у бўлмаган ҳолларда эса бундай хужжатларни Олий Мажлис Раисининг ўринbosарларидан бири имзолайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари Республика Президенти имзолаганидан кейин узоги билан бир ҳафта ичида расман эълон қилинади. Агар хужжатларнинг ўзида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, улар расман эълон қилинганидан кейин ўн кун ўтгач бутун Ўзбекистон ҳудудида бир вақтнинг ўзида кучга киради.

Қонунлар тўлиқ матнининг “Ўзбекистон Олий Мажлиси ахборотномаси”, “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарида чоп этилиши, уларнинг биринчи марта расман эълон қилиниши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 2-моддасига асосан, қонунларнинг ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа хужжатларнинг ижросини назорат қиласи.

4.3. Конституция ва қонун устунилиги — демократия кафолати

Демократик ҳукукий давлатни шакллантириш жамиятда қонуннинг ҳукмронлигини қарор топтиришни тақозо этади. Чинакам ҳукукий давлат барпо этмоқ учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар тантана қилмоғи шарт. Қонуннинг олий мавқеи давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир. Ижтимоий-сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, унинг юксак нуфузга эга бўлишининг боиси шуки, унда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг ифодасини топади.

Қонуннинг олий кучини таъминлаш бугун пайдо бўлган янги муаммо эмас. Бу фоя бир неча асрлардан бўён инсоният сиёсий-хукуқий таълимотлари хазинасидан ўрин олиб, ўз қадрини умумбашарий қадрият сифатида хурматловчи давлатлар тажрибасида қўлланиб келмоқда. Масаланинг қадр-қиммати тоталитар тузумдан воз кечиб, миллий истиқлол йўлига кирган Ўзбекистон давлати учун алоҳида аҳамият касб этади. Ҳамма гап қонуннинг олийлиги принципини Ўзбекистоннинг сиёсий-хукуқий воқелигига изчил сингдиришдадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида вужудга келганлигини дунёга эълон қилувчи “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонундаёқ (1991 йил 31 август) ўзининг умуминсоний қадриятларга содиклигини, демократик давлатчилик йўлидан боражагини, Ўзбекистонда унинг Конституцияси ва қонунлари устун эканлигини баён этган. Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йилги янги Конституциясида ҳам халқимизнинг олий мақсади — инсонпарвар демократик, хукуқий давлат барпо этиш эканлиги ўз ифодасини топган. Шу олий мақсад ва манфаатларидан келиб чиқиб, Асосий қонунимизда хукуқий давлат зоҳир бўлишининг асосий принциплари мустаҳкамланган. Ҳусусан, Конституцияда “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади”, деган раҳбарий қоида битилган (Конституциянинг 15-моддаси).

Бу давлат, унинг барча органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари, уларга оғишмай ҳамда қатъий амал қилишлари лозимлигини билдиради. Қонунлар, биринчи навбатда, Конституция, хукуқий муносабат соҳиблари фаолиятининг олий мезони бўлиши шарт.

Шуниси дикқатга сазоворки, мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон Президенти И. Ка-римов томонидан эълон қилинган беш принципи орасида қонуннинг ҳамма нарсадан устун бўлиши ва қонунга итоаткорлик принципи алоҳида ўрин тутади. “Чина-кам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа иложи йўқ”!

¹ Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т.: Ўзбекистон, 1993. 26-бет.

Қонуннинг олийлиги масаласи анчагина серқирра бўлиб, у ижтимоий, хукуқий ва гносеологик жиҳатларга эга. Бироқ бу ўринда асосан унинг хукуқий жиҳатлари ҳақида фикр юритамиз. Ўзбекистоннинг миллий-хукуқий тизимида қонун олийлигини таъминлаш ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг реал жорий этилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Зоро, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари қонунда белгилаб кўйилган ваколат доирасидагина фолият кўрсатадилар, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам энг олий ҳакам қонун ва фақат қонундир. Қонун ҳатто уни яратувчи ҳокимият органи учун ҳам муқаддасдир.

Қонуннинг устунлигини таъминлаш ниҳоятда демократик мазмундаги ишдир.

Қонунга оғишмай итоат этилган жамиятдагина демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Қолаверса, барча демократик институтлар, инсон хукуқ ва эркинликлари қонун воситаси билан жорий этилади.

Қонуннинг олийлиги хусусида гап боргандা, аввали, давлатнинг шоҳ қонуни ҳисобланган Конституциянинг олийлигини, устуворлигини таъминлаш муҳимлигини эътироф этиш лозим. Конституция мамлакат хукуқий тизимининг пойдеворидир. У — халқимизнинг давлат донишмандлиги ва сиёсий-хукуқий тафаккури маҳсули. Асосий қонунда халқ руҳияти, маданияти ҳамда ижтимоий онги айниқса яққол намоён бўлади. Бинобарин, Конституция халқ билан бевосита мулоқотда, кенг маслаҳатлашиш ва унинг манфаатли муҳокамаси натижасида яратилган. Ўзбекистон халқи ўз Конституциясининг чинакам ижодкоридир.

Конституция нормалари бирламчи, таъсис этувчи хусусиятга эга бўлиб, улар бевосита ҳаракат қиласди. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-хукуқий хужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модданинг II қисми). Конституциянинг қоидалари жорий қонунлар ёки бошқа хукуқий хужжатлар воситасида аниқлаштирилмаганлиги туфайли уларни бажармаслик ва уларга риоя этмасликка йўл кўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида (8 декабря 1992 й.) шундай деб таъкидлаган эди: “Хукуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун

олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устулиги таъминланшидир. Конституция ва қонунларнинг устулиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-хукуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Улуф бобокалонимиз Амир Темур айтганларида: “Қаерда қонун хукмронлик қиласа, шу ерда эркинлик бўлади”¹.

Конституция ва қонунлар ҳар бир фуқаро учун, ҳар бир ҳукуқ соҳиби учун энг олий қадрият, мўътабар ва муқаддас бўлмоғи лозим. Бироқ бунинг учун Конституция ва қонунларнинг ўзи ниҳоятда адолатли, инсонпарвар, демократик ва оқилона бўлиши, жамиятнинг этилган эҳтиёжларига ҳамда давр талабларига мос келиши лозим.

Конституция Асосий қонун сифатида мамлакатдаги норматив-хукуқий ҳужжатлар тизимида устулик қиласи, “хукмрон” мавқени эгаллайди. Унинг нормалари бошқа қонунларнинг қоидаларидан юқори, олий юридик кучга эга. Қолган барча қонунлар ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ ва унинг ижроси учун чиқарилган. Бу маданияти юксак тарақкий эттан мамлакатнинг қатъий қоидасидир.

Конституция — Ўзбекистон давлатидаги ҳукуқнинг бош манбаи. У турли қонунчилик соҳаларининг муштараклигини, бир бутунлигини ва ўзаро мувофиқлигини, бошлангич принципларининг умумийлигини таъминлайди. Шу туфайли бутун ҳукуқ тизимига батартиблик ва барқарорлик баҳш этади.

Диққатта сазовор яна бир нарса — конституциявий нормалар сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг энг муҳим томонларини тартибга солади. Шу жиҳатдан Конституция бошқа жорий қонунчилик ҳужжатларидан фарқ қиласи.

Ҳукуқий давлатда Конституция ва қонунларнинг устулиги таъминланади². Зоро, қаерда қонун хукмронлик қиласа, шу ерда эркинлик, демократия бўлади.

Конституция ва қонун устулиги принципининг моҳияти куйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т.: “Ўзбекистон”, 1992, 38—39-бетлар.

қонунларнинг қатъий хукмронлиги, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга сўзсиз итоат этишида;

ииккичидан, ижтимоий муносабатларнинг жамият, фуқаро ва давлат манфаатларига мос тарзда тартибга солинганлиги, мамлакат миқёсида барқарорлик, батартиблик ва қонуний тартибот муҳити ўрнатилганлигига;

учинчидан, ҳукуқ бузилиши ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, ҳукуқий муносабат иштирокчилари қонунни бузган тақдирда қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун ҳукуқий асос вазифасини бажаришида.

Мустақил давлатчилигимиз даврида эришилган муҳим ютуқлардан бири шуки, Конституция ва қонуннинг устуналиги ғояси ижтимоий онгимизнинг таркибий қисмига айланди. Қонунни четлаб ўтиш эмас, аксинча, қонун талаблари асосида, унга мос ва мувофиқ равишда яшаш лозимлиги тобора шууримизга сингиб бормоқда. Мазкур ғоянинг яна шундай қирраси борки, бунга кўра давлат ҳукуқ (қонунлар) билан боғлиқ бўлиб, бу, ўз навбатида, инсон ҳукуқлари ва манфаатларини таъминлашнинг кафолатини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги пайтда мамлакатимизда Конституция ва қонунлар устуналигини таъминлашнинг изчил ҳукуқий механизми яратилди.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг сиёсий ва ҳукуқий тизимида Конституция ва қонунлар устуналигини таъминлашнинг муҳим кафолати, яъни бу мамлакатда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг реал жорий этилганлигидир. Бунга кўра, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари ўзларининг Конституцияда, қонунда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритадилар. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўйғуналашибдиша энг олий ҳакам қонун ва фақат қонундир.

Қонун нафақат фуқаролар, уни қўлловчи давлат идоралари ва мансабдор шахслар учун, балки қонунларни яратувчи ҳокимият органлари, Олий Мажлис учун ҳам муқаддас ва мажбурийдир. Ҳокимиятларнинг оқилона тақсимланиши — давлат тузилмаларининг самарали ишлаши, суистеъмолликларнинг бартараф этилиши, инсон ҳукуқлари ва эркинликларининг амалда таъминланиши, умуман, демократия ва қонунийлик

хукм суришининг муҳим гаровидир. Бундай муҳитда ҳокимият шахобчаларининг ҳар бири қолган ҳокимият шахобчаларининг фаолиятини назорат қилади, уни қонун доирасидан четга чиқишидан тийиб туради. Шундай муҳитнинг мавжудлиги Конституция ва қонунларга қатъий амал қилиниши учун сиёсий, ташкилий-хукукий шарт-шароит яратади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, мамлакат Президенти фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир (93-модданинг 1-банди). Президентнинг бу борадаги фаолияти катта сиёсий-юридик аҳамиятга эга. У ўз фармонлари билан, ҳукумат қарорлари билан конституциявий принципларнинг, қонунларда мустаҳкамланган қоидаларнинг ҳаётга тўла жорий этилиши учун йўл очади, тегишли ҳукукий механизmlарни яратади. Президентнинг ўзи Конституция ва қонунларга қатъий амал қилиши билан давлат идоралари ва мутасадди мансабдор шахслар учун ибрат-намуна кўрсатади. Шу билан бирга, ўз ваколатлари доирасидаги ташаббускор ташкилий фаолияти билан давлат идораларини, айниқса ижроия ҳокимият таркибига кирувчи (Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий ҳокимликлар) тузилмаларни Конституция ва қонунларга оғишмай риоя этицга сафарбар этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2001 йилнинг 4 январида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” фармойиш қабул қилганилиги ҳам жамиятда Конституциянинг мавқеи ва нуфузини кўтаришга қаратилган муҳим тадбирдир. Гарчанд, фармойишнинг асосий мақсади аҳоли орасида конституциявий-хукукий билимдонликтни, маданиятни оширишдан иборат бўлса ҳам, бу пировардида Конституциянинг эъзозланиши, унга қатъий амал қилинишига пухта замин яратади.

Учинчидан, қонун устуворлиги ҳақида гап борганда, аввало, Конституциянинг олий кучини, устунлигини таъминлаш ҳукукий тизимнинг пойдевори, қонунчиликнинг ўзаги эканлиги кўзда тутилади. Конституция нормалари бирламчи таъсис этувчи, стратегик йўналиш берувчи хусусиятга эга. Жорий қонунлар ва барча норматив-хукукий хужжатлар Конституцияга тамомила мос, унга мувофиқ яратилиши шарт.

Конституция ва қонунлар ҳар бир фуқаро учун, ҳар бир ҳуқуқ соҳиби учун энг олий қадрият, мўътабар неъмат ҳамда муқаддас бўлмоғи лозим. Бироқ бунинг учун, аввало, Конституция ва қонунларнинг ўзи том маънода адолатли, инсонпарвар, демократик ва оқилона бўлиши, жамиятнинг етилган эҳтиёжларига ҳамда давр талабларига тўла мос келиши лозим.

Конституциянинг олийлигини таъминлаш алоҳида муҳофаза механизми бўлишини тақозо этади. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўғинини Конституциявий суд ташкил этади. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳужжатларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб ҳал қиласди¹.

Тўртингчидан, қонуннинг олийлигини таъминлаш, унинг қонунчилик соҳаларидағи устунлигини мустаҳкамлаш воситаларидан бири кодекслаштиришdir. Кодекс муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги нормаларни мужассам ифода этувчи, мажмуйи қонундир. Кодексдаги ҳуқуқий нормаларнинг жойлашуви тегишли ҳуқуқ тармоғи ички тузилишини, тизимини акс эттиради.

Кодекс ўз юридик кучига кўра оддий жорий қонундан устун саналади. У оддий қонундан ўзининг мукаммалиги, сайқал топганлиги, ички барқарорлиги, мантиқий мутаносиблиги билан фарқ қиласди.

Кодекслар ҳуқуқ тармоғининг бош қонуни сифатида Конституция принципларини ривожлантириш йўлида яратилади ва улар Конституция, конституциявий қонулардан кейинги мавқени эгаллайди. Кодекслар ўз ички мантиғининг пишиқлиги, нормаларининг ўзаро мувофиқ ҳамда мутаносиблиги билан ажralиб туради. Кодекс яратилаётган чоғда тегишли ҳуқуқ ёки қонунчилик тармоғидаги барча ҳуқуқий ҳужжатлар ва қоидалар янгитдан “тафтишдан” ўtkaziladi, татбиқ ва таҳлил этилади. Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар қайта ишланади, ихчамлаштирилади ва такомиллаштирилади. Ҳаёт синовидан ўтган ҳуқуқий қоидалар кодексдан жой олади. Шу боис кодекс нормалари ҳаётда ўзининг амалини осон топади.

¹ Конституциявий суднинг ваколатлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонунга қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. 1995. №9. 178-модда.

Бешинчидан, қонун устунлигини таъминлашнинг куйидаги омилларини эътироф этиш мумкин:

а) қонун чиқарувчи жараённи муттасил демократлаштириб бориш. Бу омил инсонпарвар, адолатли, халқчил қонулар яратилишининг гаровидир;

б) қонуннинг сифатини мукаммаллаштириш, унинг ички механизми пухта, юридик техника нуқтаи назаридан бенуқсон бўлишига эришиш;

в) қонунчиликни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришда

“қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади!” (фуқаролар учун)

“фақат қонунда мустаҳкамланган нарсаларгагина рухсат берилади!” (мансабдор шахслар ва давлат идоралари учун)

принципларига қатъий амал қилиништага эришиш;

г) қонунчилик фаолиятининг яқин йиллар ва истиқболга мўлжалланган стратегиясини яратиш (режалаштириш ва прогнозлаш); қонун устунлигини таъминлаш **концепциясини** яратиш;

д) қонулар амал қилишининг ижтимоий (социал) механизмига эътибор қаратиш. Бу соҳадаги социал омиллар (таъсир этувчи кучлар, воситалар)ни синчиклаб ўрганиш. Шу мақсадга йўналтирилган социологик тадқиқотларни йўлга қўйиш;

е) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳоказо.

Олтингчидан, мамлакатдаги барча норматив-ҳуқуқий (айниқса идоравий ҳужжатлар) ҳужжатларнинг қонунга тўла-тўқис мос бўлишини таъминлаш. **Идоравий ҳуқуқ ижодкорлигини чеклаш.**

1997 йил 9 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 469-сонли қарорини қабул қилди. Қарорнинг моҳияти шундаки, у умуммажбурий тусдаги идоравий норматив ҳужжатларнинг Конституция ва қонуларга мослигини таъминлаш вазифасини Адлия вазирлиги зинмасига юклаб, уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини талаб этди. Шунга мувофиқ, идоравий норматив ҳужжатларнинг, яъни вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа бошқарув идоралари чиқарадиган ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлигини назорат этиш Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. 1993 йилдан то ҳозирги кунгача Адлия вазирлиги 958 та идоравий хужжатни рўйхатдан ўтказди. 1100 дан зиёд умуммажбурий норматив хужжатлар, талабга жавоб бер- маслиги сабабли, тегишли идораларга қайтарилган. Рас- мий тарзда рўйхатдан ўтмаган идоравий норматив хуж- жатлар юридик кучга эга бўлмайди, уларни ҳаётга жо- рий этиш мумкин эмас.

Еттиңчидан, шиор, яъни декларация тарзидаги нор- малар бўлишини бартараф этиш зарур. Шунингдек, унда қонуности, идоравий норматив хужжатларга ҳаво- лалар ҳаддан зиёд бўлишининг олдини олиш. Бундай ҳаволалар кўп бўлиши кейинчалик ҳаётда қонун четда қолиб кетиб, унинг ўрнини идоравий хужжат эгаллаб олиши хавфини келтириб чиқаради.

Саккизингчидан, қонунларнинг барқарор бўлишига эришиш. Уларга тез-тез қўшимча, ўзгартириш ва тўлди- ришлар киритавериш, пировардида, қонуннинг аҳами- яти ва нуфузи тушиб кетишига олиб келади.

Тўққизингчидан, Конституция ва қонунларнинг ус- тунлигини таъминлашда прокурор назоратининг аҳа- мияти ҳам каттадир. Мазкур вазифа доирасида проку- ратура идоралари муайян қонунлар ижросини бевосита бажарувчи вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашма- лари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг масъу- лиятини ошириш, қонун бузилишининг олдини олиш, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўрадилар. Қонун бузилишининг олдини олиш мақсадида прокуратура органлари умумий назорат тартибида жойларда тек- шириувлар ташкил этади. Мутасадди ташкилот ва раҳ- барларнинг эътиборини қонунларнинг қатъий бажа- рилишига жалб этади. Баъзи камчиликлар аниқланган тақдирда масъул шахсларга прокурорлик талабнома- лари, амрномалари ва огоҳлантириш хатлари йўлла- нади. Қонунни кўпол бузиш ҳоллари аниқланганда эса маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари қўллани- лади.

Шундай қилиб, мамлакатимиизда демократик хукуқий давлат барпо этиш мақсадида Конституция ва қонун- ларнинг устунлигини таъминлаш учун комплекс таш- килий-хукуқий кафолатлар яратилган. Албатта, мазкур кафолатлар ва юридик механизmlарни муттасил тако- миллаштириб, уларнинг самарадорлигини ошириб бо-

риш лозим. Юқоридаги баённимизда Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг асосан хуқуқий механизми ва кафолатлари хусусида фикр юритилди. Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-аҳлоқий, руҳий ва бошқа кафолатлари ҳам мавжудлигини ёдда тутиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонуннинг устунлигини таъминлашнинг қўйидаги устувор йўналишларини эътироф этиш мумкин;

1. Конституциянинг олийлигини таъминлаш алоҳида муҳофаза механизми бўлишини тақозо қиласди. Бунда механизмнинг асосий ва марказий бўғинини конституциявий суд ташкил этади. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият идоралари ҳужжатларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб, холоса чиқаради. Ўзбекистонда Конституциявий суднинг қарор топиши мамлакатда реал суд ҳокимияти вуҷудга келишидан ва биз хуқуқий давлатчилик сари бораётганлигимиздан ёрқин далолат беради. Мазкур суд Конституцияга тўла содиклик, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги, ишларни кўриш ва қарор қабул қилишнинг коллегиалилиги, судьяларнинг фақат қонунга бўйсуниши, ошкоралик ва судьялар хукуқларининг тенглиги каби принципларга таяниб иш олиб боради.

Конституциявий суднинг асосий функцияси мамлакатимиз Конституциясининг жамият ҳаётида реал устунлигини таъминлашдан иборат. Унга давлат идоралари, мансабдор шахслар ва фуқароларда Конституция ва қонунларга алоҳида ҳурмат ҳамда одил судловга юксак эҳтиром шаклланишига эришишдек масъулиятли, айни вақтда, шарафли вазифа юклатилган.

Суд ҳокимияти қонун нуфузини таъминлаш тизимида муҳим ўрин тутувчи бўғин сифатида қўйидаги уч жиҳатда намоён бўлади: биринчидан, қонунни татбиқ этиш ва шарҳлаш негизида хукуқни муҳофаза этиш функциясини бажаради; иккинчидан, вакиллик ва маъмурий идоралар ҳужжатларининг қонунийлиги, хукуқقا мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширади; учинчидан, қонун чиқарувчи идора ҳужжатларининг конституциявийлиги хусусида назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Конституциявий суди фаолият кўрсата бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. У шаклланиш ва “улгайиш” палласини бошдан кечирмоқда. Суд ҳоки-

миятиниң юксак мақомини таъминлаш учун, биринчидан, Конституциявий суднинг, қолаверса, бутун суд ҳокимиятининг моддий заминини кучайтириш талаб этилади. Давлат бюджетида Конституциявий, умумий ва хўжалик судлари эҳтиёжлари учун харажатлар алоҳида моддаларда мустаҳкамланиши ҳамда тегишли маблағлар уларнинг мустақил тасарруфига берилиши лозим. *Иккинчидан*, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, судьялар беш йил муддатга сайланади (ёки тайинланади). Хорижий мамлакатларда судьялар: а) умрбод, б) пенсия ёшигача, в) ўн-ўн беш йилгача сайланади (тайинланади). Узбекистонда рўй бераётган суд-хукуқ ислоҳотлари давомида судьяларнинг ваколат муддатини хориж тажрибаси асосида қайта кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. *Учинчидан*, Конституциявий суд ваколатлари доираси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият шохобчаларига, реал мувозанат (баланс) ташкил эта оладиган даражагача кенгайтириш ўринли бўларди. Хусусан, фуқароларнинг конституциявий хукуқ ва эркинликлари бузилиши юзасидан берган шикоятлари ҳамда судларнинг қонунларни Конституцияга мувофиқлигини аниқлаб бериш бўйича сўровлари юзасидан текширув ўтказиш хукуқини бериш мумкин. Сиёсий тизимда ва ҳокимиятлар тақсимланиши механизмида Конституциявий суднинг мавқеини мустаҳкамлаш, пировард натижада демократияни равнақ топтириш Конституция ва қонун устунилигини таъминлаш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини чинакамига кафолатлаш имконини беради.

2. Қонун устунилигини таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ягона давлат ҳокимиятининг демократик тарзда чинакам тақсимланишидир.

Зотан, бу принцип жорий этилган мамлакатда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари қонунда белгиланган ваколатлар доирасидагина фаолият кўрсатадилар. Мазкур ҳокимият шохобчаларининг ҳар бири учун қонун олий ҳакамдир.

Ҳокимиятлар тақсимланиши — демократик хукуқий давлатнинг моҳиятига даҳлдор принцип. Ҳокимиятнинг бирорга орган ёки шахс кўлида мужассамланиши жамиятнинг умумий манфаатларига, инсон хукуқларига жиддий пугур етказилишига олиб келиши мумкин. Ҳокимият суистеъмол қилинган тақдирда қонунлар завол топади, демократия барбод бўлади, инсон хукуқлари

поймол этилади. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бир қўлда бирлаштирилиши қонуннинг устун бўлишига заарар етказади. Борди-ю, судьялар фақат судлов билан машғул бўлмай, қонун яратиш иши билан ҳам шуғуллансалар, инсонлар ҳаёти ноҳақлик курбонига айланиши мумкин.

Ҳокимиятлар тақсимланиши таълимотидаги диккатга сазовор асосий нарса шуки, учала ҳокимиятнинг ваколатлари қонунда (Конституцияда) белгиланган бўлиб, улар ўзаро тенг бўлиши, бир-бирларининг ҳукуқ-ваколатларига дахл қилмасликлари лозим. Ҳокимиятнинг учала бўгини қонунга итоат этади ва қонун олдида тенг мавқега эга бўлади. Мазкур таълимотдаги яна бир муҳим жиҳати — ҳокимиятларнинг тенглигини таъминлаш учун уларнинг “ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш тизими” мавжуд бўлишидир. Ҳокимият идоралари нинг ҳар бири, ўзлари учун қонунда белгиланган давлат функцияларини мустақил ўташ билан бирга, ўз ҳукуқий воситалари (ваколатлари) ёрдамида бир-бiriни мувозанатта чорлаб турадилар, ҳокимият ваколатларининг бир муассаса (шахс) томонидан қонунсиз рашида тортиб олиниши (узурпация қилиниши)ни бартараф этадилар.

Ҳокимиятлар тақсимланиши — бу нафақат юридик ва ташкилий принцип, балки инсон қадри нуқтаи назаридан ижтимоий ҳаётнинг ҳокимият ва эркинлик, қонун ва адолатли ҳукуқ, давлат ва жамият каби қарама-қарши жиҳатларини уйғунлаштирувчи социал сиёсий принципи ҳамdir. Ҳокимиятлар тақсимланиши сиёсий ҳаёт, давлат тузуми демократиклигининг ўлчови, меъёридир.

3. Қонуннинг устунлигига эришиш унинг қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатлар тизимида юксак мақомини таъминлаш билан бевосита боғлиқ. Одатда қонун ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида, шунингдек, тегишли ҳукуқ соҳасида унга киравчи норматив-ҳукуқий ҳужжатлар сирасида системали алоқаларни вужудга келтирувчи ўзак, фаол марказ вазифасини бажаради. Қонуннинг ҳукуқ соҳаси, шу жумладан, қонунчилик тармоғи доирасида ги устунлигини мустаҳкамлаш воситаларидан бири кодекслаштиришдир. Кодекс — муайян ҳукуқ (қонунчилик) соҳасидаги асосий юридик қоидаларни жамловчи, тартибга солувчи, мужассамловчи етакчи қонун. У

катта миқдордаги турли хил норматив қоидаларни қамраб олса-да, ички мантиқий мувофиқлик ва мутаносибликка эга бўлган ягона норматив ҳужжатдир. Деярли барча қонунчилик соҳаларида кодекс бошқарувчи ва уйғунлаштирувчи негиз бўлиб, шу тармоқقا оид барча бошқа норматив ҳужжатлар кодексга мос, ҳамоҳанг бўлиши лозим. Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар мажмуи қайта кўрикдан ўтказилади, қоидалар умумлаштирилиб, ихчам ҳолга келтирилади, улар ўргасидаги зиддият ва номувофиқликлар (агар улар мавжуд бўлса) бартараф этилади, эскирган нормалар чиқариб ташланади ва шу тариқа мантиқий уйғунлик ва батартибликка эришилади.

Кодекслар юридик кучи бўйича оддий қонунларга нисбатан устун туради. Шу сабабли кодекс шаклидаги қонунларнинг яратилиши ҳуқуқий тартибга солиш механизмида қонуннинг устун бўлишини кафолатлайди. Қабул қилинган юридик аксиомага мувофиқ, башарти, бир соҳада айни бир вақтда ҳам кодекс, ҳам жорий қонунлар мавжуд бўлса, кодекс ва унинг нормалари устувор мавқега эга бўлади. Ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ўргасида зиддиятлар келиб чиқсан тақдирда кодекснинг қоидалари амал қиласди.

Парламентимиз фаолиятида 1992—1994 йилларда айрим соҳаларда кодекслардан воз кечиб, оддий қонунларга қайтиш тенденцияси кузатилган эди. Бу номаъкул тажриба кейинчалик рад этилди. Куйидаги рақамлар ушбу манзарани яққол акс эттиради. Агар ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгаш (1990—1994 йиллар) атиги 4 та кодекс қабул қилган бўлса, биринчи чақириқ Олий Мажлис (1995—1999 йиллар) 10 та кодекс қабул қилди. Қонунчилигимизнинг сўнгги йиллардаги ривожи унинг юқоридаги тенденциядан халос бўлганлигини кўрсатади. Шундай қилиб кодекслаштириш ҳуқуқий тизимни барқарорлаштиради, қонунларнинг узоқ муддат амал қилишини кафолатлайди, айниқса, қонуннинг юридик амалиёт ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасидаги устунлигини таъминлашда бекиёс аҳамият касб этади.

4. Қонун инсон, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан энг муҳим деб ҳисобланадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситасидир. Қонунда халқнинг давлат ҳокимиятига доир олий иродаси акс эттирилганли-

ги, унинг ижтимоий қадр-қимматини оширади. Лекин, у ҳуқуқни ифодалашнинг биргина шаклидир, холос. Ҳуқуқ мазмунини ифодаловчи бошқа манбалар, яъни турли-туман норматив ҳужжатлар (фармон; ҳукумат қарорлари; вазирлик, давлат кўмиталари ва идораларнинг ва маҳаллий ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари) мавжуд. Конуннинг устунлиги муаммоси унинг мана шу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан нисбати, ўзаро муносабатида намоён бўлади.

Конун ва қонун ости ҳужжатларнинг миқдорий нисбати ҳам уларнинг нуфузи ва юридик мавқеидан далолат беради. Зоро, қонун фармон ва қарорлар орқали аниқлаштирилади, улар воситасида ҳаётга жорий этилади. Бошқача айтганда, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунга асосан, унга мувофиқ чиқарилиб, уни ижро этиш ва амалга ошириш механизмининг муҳим таркибий бўғинлари сифтида майдонга чиқади.

Конун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нисбати уларнинг ҳуқуқий тартибга солиш “кудрати”да, юридик кучида кўринади. Конуннинг обрўни кўтаришда муҳим ҳадамлардан бири — қонун билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг доирасини, яъни қонуnlар предметини аниқ белгилаб олишидир. Масалан, илфор демократик мамлакатларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда имтиёzlари, шунингдек, мажбуриятларига оид барча масалалар фақат қонун воситасида мустаҳкамланади, юридик расмийлаштирилади. Бундай масалаларни қонун предмети даражасига кўтариш нафақат қонун нуфузини оширади, балки энг аввало, инсон (фуқаро) ҳуқуқлари ижтимоий қадрият сифатида эъзозланишига, улар қонундек кулратири восита ёрдамида муҳофаза қилинишига имкон беради.

Конун ва қонуности ҳужжатларини тартибга солини предметини белгилашда Узбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун қабул қилиниши алоҳида кўмак беради, деб ҳисоблаймиз. Зотан, мазкур қонун мамлакатда амал қилувчи барна норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик мақомини, мазмун-моҳиятини, таъсир доираси ва кучини, ҳуқуқий тартибга солинишидаги мавқеи ва имкониятларини, уларнинг ўзаро нисбати ва ички итоат мантигини белгилаб бериши лозим. Амалда юридик ва миқдорий нисбат идоравий ҳужжатлар фойдасига эмас, балки қонун фойдасига ўзгариши шарт. Ана шунда реал ҳаётий му-

носабатларда “идоравий йўриқнома” устунлигига чек кўйилиб, қонун устунлигига эришиш мумкин бўлади.Faқат қонун орқали фуқаронинг, инсон шахсининг юксак ҳуқуқий мақоми таъминланади.

5. Ҳуқуқий тизимни, шу жумладан, қонунчиликни ислоҳ қилиш жараёнида қонуннинг демократик табиатини чукурлаштириш, унинг юридик жиҳатдан пухта, мазмунан баркамол ва юқори сифатли бўлишига эришиш асосий мақсаддир. Қонуннинг сифатини яхшилаш, ҳозирги даврнинг долзарб муаммоси. Кейинги пайтларда қонунларимиз мазмунида декларатив, шиор тарзида ният ва истак билдириш услуби пайдо бўлиб қолди. Уларда ҳуқуқ ва мажбуриятларни қатъий ифодалаш, шунингдек, ҳар бир ҳуқуқий норманинг тегишли санкциясини мустаҳкамлаш амалга оширилмаяпти. Бундан ташқари, ҳуқуқий нормаларнинг кўплиги ҳам қонунни бевосита татбиқ этиш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Бир сўз билан айтганда қонунларда аниқлик, лўндалик, равонлик ва фикр тинқилиги етишмаяпти.

Шу боис, қонун қандай талабларга жавоб бериши керак, унинг юридик мезонлари, асосий кўрсаткичлари нималардан иборат деган саволга жавоб излаш лозим. Афсуски, бугунги кунда бу саволларга на ҳуқуқ-шунослик фанимизда, на қонунчилик амалиётимизда жавоб топа олмаймиз. Ниятимиз ҳуқуқий давлат барпо этиш экан, бундай давлатда қонун ўзи қандай бўлиши керак, бу қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солади, деган масалаларда аниқ тасаввурга эга бўлишимиз лозим. Чамаси ҳозирги куннинг долзарб вазифаси идеал маънода ҳуқуқий қонуннинг илмий концепциясини ишлаб чиқиш, қонуннинг умумий илмий-назарий макети (модели)ни вужудга келтиришдан иборат. Қонуннинг сифатини яхшилаш ҳақида гап борганда, аввало, қонун чиқариш жараёнини демократлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Айнан демократик принциплар адолатли, халқчил қонунлар яратилишининг гаровидир. Қонун чиқариш жараёнини демократлаштиришнинг муҳим талаби — мазкур фаолиятнинг ҳар бир босқичида, айниқса қонун лойиҳаларини тайёрлашда халқ иштирокини кенгайтиришdir. Шунингдек, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ўтказишга жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Зоро, бу босқичда халқнинг иродаси аниқланади ва қонун мазмунига сингдирилади. Қонулар қанчалик халқ эҳтиёжлари ва ман-

фаатларини мутаносиб, тўлиқ акс эттиrsa, уларнинг ижроси ҳамда самараси шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, адолатли, ҳукуқий қонунларнинг устунлиги — демократик давлатнинг муҳим белгисидир. Қонунлар қанчалик халқчил ва барқарор бўлса, уларнинг аҳамияти ва нуфузи шунчалик сарбаланд бўлади. Қонунлар матнiga тез-тез (айниқса, бунга ижтимоий ва илмий зарурат бўлмаган ҳолларда) тузатиш ва қўшимчалар киритавериш, уларнинг ҳурмати ва таъсирчанлиги тушишига олиб келади, шунингдек, жамиятда ҳукуқий нигилизм, яъни қонунга нисбатан менсимаслик кайфияти пайдо бўлишидан сақданиш керак. Давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслар қонунларга риоя этишда халқ оммасига, оддий фуқароларга ўрнак бўлишлари лозим. Шахсий намуна кучи катта тарбиявий аҳамиятга эга. Давлат ҳокимияти адолатли қонунларга қатъий риоя этиб, уларга таянган ҳолда жамиятни бошқарган тақдирда инсон эркинлиги таъминланадиган демократик ижтимоий тузум қарор топади.

4.4. Конституцияни амалга ошириш механизми

Конституция мавжудлигининг, ҳаракатланиши ва жамият ҳаёти учун самара беришининг муҳим шарти — конституциявий нормаларнинг тўла-тўқис амалга оширилишидир. Яхши Конституция яратиш — ҳали ишнинг бошланиши. Энг муҳими конституциявий нормаларни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этишдир. Конституция амалиётга кўлданилганда, муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлар уммонига жорий этилган ва уларни ҳукуқий тартибга солгандагина яшайди, ишлайди, ижтимоий фойдали қадрият сифатида гавдаланади.

Ҳукуқшунослик фанида ҳукуқий нормаларни, шу жумладан конституциявий нормаларни амалга оширишнинг муайян тизими, ўзига хос алоҳида механизми ҳақида гапирилади. Мазкур институтнинг ички мазмунини чуқур англаб этиш учун, аввало “механизм” ва “ҳукуқий нормаларни амалга ошириш” деган тушунчаларнинг маъносини таҳдил этиш лозим.

“Механизм” — бир неча мустақил қисмларнинг (элементларнинг ўзаро боғлиқлик ва алоқадорлик асосида, бир бутун ҳодиса сифатида ҳаракатланиш жараё-

ни. Бунда ҳар бир элемент уйғун ва барқарор бирлашиб, бири иккинчисини ҳаракатлантиради. Механизмга аниқ, қатыйиң ва бир маромда ишлаш хосдир. “Механизм” түшунчаси адабиётларда турлича талқын этилади ва изохланади. Лекин уларнинг ҳаммасида бир умумийлик бор, яъни механизм — фаолият кўрсатишнинг усули, таъсир этиш воситаларининг тизими эканлиги эътироф этилади. Масалан, ҳукуқий тартибга солиш механизми ҳуқуқдаги норматив талабларни тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар мазмунига сингдириш жараёнининг амалий (фаолият орқали ифодаланувчи) томонини ифода этади¹. Қонуннинг амал қилиш механизми — “бу структура (ташкiliй тузилма) билан фаолиятнинг бирлигидир. Аниқроғи, ҳаракатдаги структурадир”². Механизм ёвқеа ва ҳодисаларнинг динамикаси, ҳаракатдаги ҳолатидир. Механизм ўз таркибидаги қисм (элемент)ларнинг ўзаро ички алоқадорлиги, жипслиги, бири иккинчисининг мавжудлигини тақозо этиши билан, ана шу асосда ҳаракатланиши, фаолият кўрсатиши, ривожланиши ва такомиллашиши билан тавсифланади. Қонунни амалга ошириш жараёнида намоён бўлувчи элементлар ягона, узвий бир бутун механизмни ташкил этади.

Ана шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Конституцияни амалга ошириш ўзининг ички ва ташки механизmlарига, ташкiliй жиҳатларига эга. Аввало, конституциявий нормаларни амалга ошириш муайян жараён эканлигини ёдда тутиш керак. Гап Конституция нормаларини амалга оширишнинг, турмушда кўллашнинг воситалари: давлат идоралари ва бошқа субъектларнинг фаолияти, давлат мажбурловини таъминлаш, конституциявий қоида талабини ҳаётий муносабат мазмунига “айлантириш” ҳақида бормоқда.

Конституциявий-ҳукуқий нормаларни амалга оширишнинг ташки ташкiliй намоён бўлиши ҳукуқий тартибга солиш механизми (ХТСМ) воситалари орқали рўёбга чиқади. Ҳукуқий адабиётда ёзилишича, ХТСМ куйидаги уч қисмдан иборат:

- 1) юридик нормалар;
- 2) ҳукуқий муносабатлар;

¹ Общая теория государства и права. Академический курс. / Под ред. проф. М.Н.Марченко. Т. 2. Теория права. М: Зерцало, 1998. С. 439.

² Казимирчук В.П. Социологические исследования в праве: Право и социология. М., 1973. С.70.

3) субъектив ҳукуқ ва юридик мажбуриятларни амалга ошириш хужжатлари.

Шунга асосан, конституциявий нормаларни амалга ошириш механизмини мазкур нормаларни ҳаётта жорий этишнинг ҳукуқий воситалари йифиндиси, деб талқин этиш мумкин.

Конституциявий нормаларни амалга ошириш механизмининг юридик жиҳати¹ Конституция қоидаларини бевосита амалий татбиқ этиш тартибини акс эттиради. Бунда барча қонунчилик соҳаларини такомиллаштириш, тегишли норматив-хукуқий хужжатларнинг қабул қилинишини (бекор қилишини ва ўзгартирилишини) ҳамда ваколатли субъектларнинг маҳсус фаолиятини назарда тутади.

Конституциявий нормаларга юқори даражада умумлашганлик хос. Бу уларни амалга ошириш учун муайянлаштиришни талаб этади.

Конституцияда аниқ қонун ёки бошқа норматив-хукуқий хужжат қабул қилинишини тақозо этувчи нормалар ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида “референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади” дейилган; 98-моддада — “Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади”; 117-моддада — “Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади”; 116-моддада — “Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади” дейилган ва ҳоказо.

Демак, бу тоифа конституциявий нормаларни амалга ошириш учун кўрсатилган қонунларни қабул қилиш ва уларни ҳаётда қўллаш лозим. Бундай қонунлар “восита” тарзидағи норматив-хукуқий хужжатлар ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда конституциявий нормаларни амалга оширишда “восита” хужжати вазифасини Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа хужжатлар бажаради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиги билан мукофотлаш, фахрий унвонларни бериш; Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига оид масалаларни ҳал этиш; амнистия эълон қилиш каби масалалар Президент фармони би-

¹ Конституцияни амалга ошириш механизмининг сиёсий, иқтисодий, мағкуравий ва юридик жиҳатлари хусусида батафсилроқ, қаранг: Стумбина Э.Я., Кузнецова А.В., Эглитис В.В. Механизм реализации Конституции. Рига, 1984. С. 11—15.

лан амалга оширилади (Конституция 93-моддасининг 18, 19, 20-бандлари). Вазирлар Маҳкамаси мамлакат иқтисодиётини, ижтимоий ва маънавий соҳанинг са-марали фаолиятига раҳбарликни таъминлаш, қонунлар ва Президент фармонларининг ижросини таъминлаш учун қарорлар қабул қиласи (Конституциянинг 98-мод-даси).

Конституциявий-хукуқий нормаларни амалга оширишда норматив-хукуқий хужжатларининг поғонама-по-фона (иерархик) тизимидан ташқари, хукуқни қўллаш хужжатлари ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир”, — деган қоида бор. Бу қоидани амалга ошириш тизимида Ўзбекистон Республикаси-нинг Фуқаролик кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодекси, Жиноят кодекси, “Мулкчилик тўғри-сида”ги қонун, Президентнинг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари (низомлари), Давлат мулк қўмитасининг қарор ва низомлари, шунингдек хусусий мулкни фуқаровий дъя-во, маъмурий иш ва жиноий-хукуқий тартибда ҳимоя-лашга қаратилган суднинг ҳал қилув қарори ёки суднинг ҳукми (хукуқни қўллаш хужжати) киради. Ушбу механизмда суднинг қарори ёки ҳукми юқоридаги норматив-хукуқий хужжатлар асосида, уларнинг ижроси йўлида чиқариладиган хукуқни бевосита ҳаётда қўллаш актидир.

Конституция нормаларини қайси шаклларда амалга ошириш мумкин?

Хукуқ нормаларини амалга ошириш шаклларининг энг кўп тарқалганлари: ижро этиш, фойдаланиш, риоя қилиш ва қўллашдан иборат¹.

Хукуқ нормаларига риоя қилиш — субъектларнинг юридик нормаларда тақиқланган ҳаракатларни қилмасликларида, ўзларига юқлатилган мажбуриятларни ба-жаришларида акс этади. Ижро — хукуқий нормани амалга ошириш шакли бўлиб, субъектларнинг мажбу-ловчи хукуқий кўрсатмаларни бажаришларида ифода-

¹ Конституциявий нормаларни амалга ошириш масалаларига оид фикрлар хусусида қаранг: Тожиконов У. Ўзбекистон Республикасининг Конститу-цияси амалда. Т., 1995. 42—55-бетлар.

ланади. У ҳукуқ нормалари билан субъектлар зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариш юзасидан фаол хатти-ҳаракатдир¹.

Ҳукуқ нормаларини қўллаш муайян шаклларда давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳукуқий нормалар асосида муайян ҳукуқий йўриқларни, яъни татбиқ этиш ҳужжатларини чиқарishini кўзда тутади. Масалан, Ўзбекистон Президентининг Конституциянинг 93-моддаси 20-бандида белгиланган ўз ҳукуқини амалга ошириб, республикадаги бирор-бир суд жазога ҳукм қилган фуқарони афв этиш тўғрисида чиқарган ҳукуқий ҳужжати ҳукуқни қўллаш ҳужжати ҳисобланади.

Демак, конституциявий ҳукуқий нормаларни қўллаш ҳукуқ субъектларининг расмий ҳукуқий нормадаги ҳаракатлари билан йўл қўйиладиган ҳукуқий муносабатларнинг жорий этилишини билдиради.

Ижро этиш ва қўллаш конституциявий нормаларни амалга ошириш фаолиятининг асосий шаклларидир.²

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси матнининг ўзи унинг нормаларини ҳукуқий амалга оширишининг йўналишлари ва босқичларини белгилайди.

Конституцияни амалга ошириш уни бевосита ҳаракатга келтирувчи ёрдамчи қонунлар, жумладан, Қоралпогистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳақидаги конституциявий қонун, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги, судлар тўғрисидаги, прокуратура, маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисидаги ва бошқа бир қанча қонунларнинг қабул қилиниши, яъни жами конституциявий ҳукуқ тармоғининг янгилишини, бу эса, ўз навбатида, бутун қонунлар тизимишининг қайта янгилишини тақозо этади.

Конституциявий нормаларни амалга ошириш усувлари.

Конституция нормалари мажбурлов, рухсат этиш, тақиқлаш усувлари билан амалга ошади. Бу усувларни қўллаш ҳукуқ субъектларининг хусусиятларига ҳам боғлиқ. Масалан, халқ Конституцияни, унинг нормаларини давлатдан (унинг органларидан), жамоат бирлашмаларидан, меҳнат жамоаларидан, фуқаролардан бош-

¹ Алексеев С.С. Общая теория права. Т.1. М., 1981. 303-бет.

² Тохиконов У. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. Т., 1995. 47-бет.

қача тарзда ва усулда амалга оширади. Жамият ва давлат ҳәётининг энг муҳим масалаларини ҳалқ мұҳокамасига тақдим этиш, умумий овозга (референдумга) қўйиш усуллари билан ҳал этилади. Давлат органлари, хусусан, Олий Мажлис қонун чиқариш, уни кучга киритиш усуллари билан, ижро этувчи органлар бошқарув, мажбурлов, рағбатлантириш, ишонтириш усуллари билан конституциявий-хуқуқий нормаларни амалга оширадилар. Хуқуқ тартибот органлари эса, асосан, мажбурлов ва тақиқлаш усулини қўллайдилар.

Хуқуқий тартибга солишининг энг олий шакли – **конституциявий тартибга солиши**дир. Зоро, Конституция мамлакатнинг Асосий қонуни бўлиб, юксак мақомли, ўта нуфузли сиёсий-юридик ҳужжат саналади. У мўътабар ижтимоий-хуқуқий қадрият сифатида жамият ва давлат ҳәётининг бош мезони, ижтимоий муносабатларни барқарорлаштирувчи, равон тартибга солувчи таъсирчан воситадир.

Конституциявий-хуқуқий тартибга солиши мураккаб ички тузилишга ва ижтимоий ҳәётнинг алоҳида соҳаларига таъсир этишининг ўзига хос воситаларига эга. Ўнга хуқуқий тартибга солиши ягона тизимининг маҳсус қисми сифатидаги бир қатор хусусиятлар хос:

- 1) мамлакат миқёсида ягона конституциявий тартибга солишининг муайян тизимини ташкил этади;
- 2) у барча учун мажбурий, норматив хусусиятга эга;
- 3) хуқуқий тартибга солишининг умумий стратегиясини, сиёсий йўналишини, устувор принципларини белгилайди;
- 4) ижтимоий муносабатларни конституциявий тартибга солиши давлат томонидан энг юксак даражада кафолатланади ва таъминланади.

Конституциявий-хуқуқий тартибга солишининг муштарақ тизимлилик хусусияти конституциявий қонунчилик нормаларининг ички мутаносиблиги, баҳамжиҳатлиги, ўзаро мантиқий мувофиқлиги ва батартиблигига кўринади.

Мамлакат конституциявий қонунчилиги тизимига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва барча конституциявий қонунлар (масалан, “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги конституциявий қонунлар) киради.

Конституциявий-хуқуқий тартибга солишининг нормативлик даражаси ҳамда сиёсий-юридик аҳамияти конституциявий қонунчилликни ўрнатиш характери ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг муҳимлиги билан белгиланади. Конституцияда мустаҳкамланган принципларнинг ҳаммаси норматив табиатта эга бўлиб, улар мавжуд хуқуқий тизим учун, давлат идораларининг хукуқ ижодкорлик ва хукуқни қўллаш фаолияти учун, фуқаролар, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмалари фаолияти учун устувор, раҳбарий аҳамиятга эгадир. Конституциявий тартибга солишининг умумий-мажбурий табиатига келганда шуни айтиш керакки, у энг олий даражадаги мажбурийликка эга ва ижтимоий-хуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари учун бажарилиши шарт бўлган қатъий талабдир.

Мамлакатимизда Конституцияга амал қилиш мажбурияти конституциявий қонунчиллик даражасида мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўёсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга муовфик иш кўрадилар (Конституциянинг 15-моддаси).

Конституциявий қонунчиллик нормаларининг амалга оширилиши иқтисодий, сиёсий, гоявий ва юридик кафолатлар тизими билан таъминланади. Бозор иқтисодиётига асосланган ишлаб чиқариш ривож топгани ҳамда хусусий мулкчилик муносабатлари қарор топгани сайин конституциявий нормалар амал қилишининг иқтисодий заминлари, кафолатлари мустаҳкамлана боради. Шунингдек, мамлакатимизнинг сиёсий тизими демократик тарзда такомиллашиб боргани сайин конституциявий тартибга солишининг сиёсий кафолатлари кучайиб боради. Жамиятнинг гоявий асослари ва маърифий-маънавий камолоти таъминланаб, тобора юксалиб боргани сайин конституциявий тартиботнинг гоявий-маънавий кафолатлари ривож топади. Конституциявий тартибга солишининг юридик механизми эса Конституция амал қилишининг барча хуқуқий воситалари ҳамда усуллари йигинидисини қамраб олади. Конституция нормалари қонунийлик принципига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида Конституция устунлигини таъминлашнинг, унга риоя қилишининг алоҳида

муҳофаза механизми вужудга келтирилган. Бундай механизмининг асосий ва марказий бўғинини Конституциявий суд ташкил этади. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдар хужжатларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб ҳал этади. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суд тўғрисида”ги 1995 йил 30 август қонунига мувофиқ, Конституциявий суд мамлакатимизда конституциявий назоратнинг олий судлов органи ҳисобланади. Конституциявий суд барча давлат органлари томонидан чиқариладиган ҳукуқий хужжатларнинг, Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Конституцияга тўла мос бўлишини кузатиб туради; Қорақалпоғистон Конституцияси, қонулари ва ҳукуқий хужжатларининг Ўзбекистон Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хulosа беради; Конституция ва қонуларга шарҳ беради. Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас (Конституциянинг 109-моддаси).

Конституциявий тартибга солиш жамиятда етакчи ҳамда нуфузли ўринни эгаллайди. У олий даражадаги ҳукуқий тартибга солишdir. Конституциявий нормалар ўз юридик кучи жиҳатидан бошқа оддий ҳукуқий нормалардан сўзсиз устувор бўлганилиги учун конституциявий тартибга солиш юксак юридик мақомга, шунингдек, муҳим ижтимоий-сиёсий мазмунга эга.

Хўш, конституциявий-ҳукуқий тартибга солиш қандай ижтимоий муносабатларни қамраб олади? Бундай тартибга солишнинг предметини жамият ва давлат ҳаёт-фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари, шунга оид асосий ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бу ижтимоий муносабатлар жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий ривожланишини, Ўзбекистон давлати ички ва ташқи сиёсати асосларини, инсон ва фуқаро ҳукуқлари ва эркинликларини устувор таъминлашни акс эттирувчи, хусусий мулкчиликка асосланган барқарор бозор иқтисодиётининг қарор топиши билан боғлиқ муносабатлардир. Ушбу муносабатлар жамият ва давлатимизнинг моҳиятини ҳамда асосий хусусиятларини ифода этади.

Конституциявий-ҳукуқий тарзда тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларни бир неча йирик мажмуларга ажратиш мумкин:

1) жамиятнинг иқтисодий тизими, хусусий ва бошқа шаклдаги мулкчилик ҳамда тадбиркорлик асосларини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар;

2) Ўзбекистон сиёсий тизими ва давлат тузуми асосларини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар;

3) шахснинг ҳукуқий мақоми асосларини белгиловчи, инсон ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлаш тизимига оид ижтимоий муносабатлар;

4) мамлакатимизнинг давлат тузилиш шакли, маъмурий-худудий тузилиши, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуқий мақоми асосларини белгилашга оид ижтимоий муносабатлар;

5) сайлов тизими, парламент, Президент, ҳукумат, суд ҳокимияти, маҳаллий давлат вакиллик ва ижроия идораларнинг ҳукуқий мақоми, ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ва ҳоказо.

Конституциявий-ҳукуқий тартибга солиш механизми уч элемент:

1) конституциявий нормалар;

2) конституциявий-ҳукуқий муносабатлар;

3) конституциявий ҳукуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш ҳужжатлари ташкил этади.

Ушбу механизмнинг норматив асосини ташкил этувчи конституциявий нормалар ўзининг энг олий сиёсий-юридик кучи, юксак барқарорлиги ва жамият ҳамда давлат томонидан қатъий таъминланиши билан ажрабиб туради.

Конституциявий нормалар асосида таркиб топган ҳукуқий муносабатлар умумий мазмун касб этади ва тармоқ ҳукуқий муносабатлар (яъни аниқ муносабатлар) учун асос вазифасини ўтайди. Улар ўзининг доимий барқарорлиги, узоқ муддатта мўлжалланганилиги ва субъектларининг юқори умумий ҳукуқий ҳолатини ифодалаши билан тавсифланади.

Конституциявий-ҳукуқий муносабатларнинг субъектлари: давлат, ҳалқ, миллатлар, Қорақалпоғистон Республикаси, давлат идоралари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ҳисобланади. Конституциявий қонунчилик нормаларини амалга ошириш ҳар қандай ҳукуқий нормаларни амалга ошириш сингари, риоя қилиш, бажариш, фойдаланиш ва кўллаш шаклида бўлиши мумкин.

Конституциявий-ҳукуқий тартибга солиш механизмининг хусусиятларидан бири Конституция нормалари-

нинг жорий қонунлар томонидан конкретлаштирилиши ҳамда бевосита амалга оширилишидир. Қонун нормалири, ўз навбатида, Президент фармони, ҳукумат қарори, давлат бошқарув идоралари ва ҳукуқни қўлловчи органлар ҳужжатлари орқали ҳаётта жорий этилади.

Шундай қилиб, жамият ва давлат ҳаётини конституциявий-ҳукукий тартибга солиш, унинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг яна-да илдам қадамлар билан мустақиллик йўлидан олға қараб ривожланишининг ишончли гаровидир.

4.5. Конституцияни муҳофаза қилиш механизми

Конституция амал қилиши ва унга риоя этилиши билан қадрлидир. Конституция талабларининг бажарилиши мамлакатда конституциявий тузум барқарорлиги ва фуқароларда қонунга қатъий итоаттўйлик мавжудлигини кўрсатади. Бироқ, ҳар қандай жамиятда манфаатлари, мақсадлари ва фаолиятлари конституцияга хавф туғдирувчи шахслар ва ташкилотлар бўлиши мумкин. Бундай хавф, шунингдек, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини суистеъмол қилиши, ҳокимият шохобчаларининг ўз ҳукуқлари доирасидан четта чиқиши натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. Конституциянинг бузилиши шуниси билан хавфлики, бунда давлатчилик асосларига путур етади, инсонларнинг конституциявий тартиботга бўлган ишончи завол топади. Энг ёмони, мамлакатда бошбошдоқлик ва но-тинчлик вужудга келиши, ҳокимият инқирози, оммавий тарзда инсон ҳукуқлари камситилиши мумкин.

Юқоридаги сабаблар туфайли демократик давлат Конституцияга қатъий риоя этилишини ва уни ҳар қандай тажовузлардан муҳофазалаш чораларини кўриши лозим. Конституциянинг энг қўпол тарзда бузилиши жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Деярли барча мамлакатлар қонунчилигида “конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш”, “ҳокимиятни эгаллаш мақсадида тил бириктириш”, “давлат тузумини зўрлик билан афдаришга даъват этиш” каби жиноятлар таркиби назарда тутилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида шундай битиклар бор: “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг

конституциявий ҳукуқ ва эркинликларига қарши чи-
кувчи, ...шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмалар-
нинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг
ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолия-
ти тақиқланади”.

Конституция бузилмаслигининг кафолатлари, авва-
ло, Асосий қонуннинг ўзида эътироф этилади. Ўзбе-
кистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида
қуйидаги қоида мустаҳкамланган:

“...давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг
асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идо-
ралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат
ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идо-
ралари фаолиятини тўхтатиб кўйиш ёки тугатиш, ҳоки-
миятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конс-
титуцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жа-
вобгарликка тортишга асос бўлади”.

Конституцияга мувофиқ иш тутиш, унга риоя
қилиш конституциявий принцип даражасига кўтарил-
ган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конститу-
циясига кўра, “давлат, унинг органлари ва мансаб-
дор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конс-
титуция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар” (15-
модданинг 2-қисми), “бирорта ҳам қонун ёки бошқа
норматив-хукуқий ҳужжат конституция нормалари ва
қоидаларига зид келиши мумкин эмас” (16-модданинг
2-қисми), фуқароларнинг “демократик ҳукуқ ва эр-
кинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя
қилинади” (13-модданинг 2-қисми), “фуқароларнинг
Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган
ҳукуқ ва эркинликлари дахлизидир, улардан суд қаро-
рисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч
ким ҳақли эмас” (19-модда).

Конституцияга риоя этиш мамлакатнинг барча фу-
қаролари зиммасига, шунингдек, бошқа шахсларга юк-
латилади. Асосий қонунимизнинг юқорида келтирилган
15-моддасида ҳамда қуйида зикр этилаётган 23-модда-
сида бу қоида ўз ифодасини топган: “Ўзбекистон Res-
публикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқа-
ролиги бўлмаган шахсларнинг ҳукуқ ва эркинликлари
халқаро ҳукуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонун-

лари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар". Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар (47-модда). Ўз навбатида, "давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлайди" (43-модда).

Конституциядан келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, айнан шундай қоидалар воситасида мамлакатда конституциявий қонунийлик режими ва ҳукукий тартибот ўрнатилади. Давлат билан фуқаро Конституция ва қонунлар асосида ўзаро муносабат ўрнатадилар, ўзларига маълум мажбуриятларни, аввало, Конституцияга риоя этиш мажбуриятини оладилар.

Бир қатор конституциявий қоидалар (масалан, 7-модданинг 3-қисми, 57-модда) Конституцияни муҳофаза этиш мақсадларига хизмат қиласди.

1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида ўта мудхиш воқеа содир этилтанини эслаш мумкин. Бунда диний экстремистик файриқонуний уюшмаларга мансуб бир тўда жиноятчилар конституциявий тузумга, мамлакат Президентига қарши суиқасд — террорчилик актини содир этдилар. Шаҳарнинг бешта манзилида порглаш содир қилинди, оқибатда 16 нафар фуқаро қурбон бўлди, аҳоли қалби ларзага солинди¹.

Давлат диний экстремизм ва ақидапарастлик асосида жиноятлар содир этилишига қарши қаратилган, конституциявий қоидаларни конкретлаштирадиган қатъий чора-тадбирлар кўрди, қонунчиликка тегишли қоидалар киритди. Масалан, Жиноят кодексининг 216-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилди:

"Фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, худди шунингдек бундай бирлашмалар ва ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш, — энг кам иш ҳақининг элилк бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

Шунингдек ЖҚГа, қўйидаги мазмундаги янги 244-модда киритилди:

"Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишта ёки фуқа-

¹ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Қодиро в Р.Х. Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишининг айrim ҳусусиятлари (амалий қўлланма). Т.: Ўқитувчи, 2000. 8—9-бетлар.

роларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида вахима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса,

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик фоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида вахима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-автор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш,

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёхуд мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гурӯҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган бўлса,

мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Амалдаги маъмурий ва жиноий қонунчиликдан Конституцияни ҳимояловчи баъзи лавҳалар келтирамиз:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 240-моддасига мувофиқ, нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилот раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача бўлган миқ-

дорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга қамоқقا олишга сабаб бўлади.

Айнан шундай хатти-ҳаракатларни улар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, унга жиноий жазо қўлланади, яъни кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЖКнинг 216²-моддаси).

Демак, конституциявий тартиб-қоидани тан олган ҳолда фаолият юритувчи жамоат бирлашмалари ва ташкilotларнинг фаолияти қонуний ҳисобланади, унга юридик кафолат берилади.

Фуқароларга ҳам конституциявий нормаларга риоя этиш юзасидан қатор мажбуриятлар юклатилади. “Фуқаролар Конституция ва қонуларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳукуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар” (Конституциянинг 48-моддаси). “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” (50-модда). “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурдирлар” (51-модда). “Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар” (52-модда).

Фуқароларнинг Конституцияга риоя этиши уларга юклатилган юқоридаги мажбуриятлар билан чекланмайди.

Ҳар бир фуқародан қуйидагилар талаб этилади:

бираинчидан, бошқа фуқароларнинг конституциявий ҳукуқларини ҳурмат қилиш;

иikkinchidan, давлат ҳокимиятининг конституциявий органлари томонидан қабул қилинган ҳукуқий ҳужжатларга, шунингдек суднинг қонуний кучга кирган хукм ва қарорларига итоат этиш;

учинчидан, конституциявий тартиботни ҳурмат қилиш, ҳеч қандай ҳолатда (зарурий мудофаадан ташқари) зўрлик ишлатмаслик, қонунга итоаттўй бўлиш.

Бу талаблар жамият ҳаёти конституциявий асосда курилишининг шартидир. Улар фуқаро томонидан ўз зиммасига ихтиёрий тарзда олинган масъулият деб баҳоланиши мумкин ва лозим.

Конституцияга риоя этиш ва уни муҳофаза қилиш бобида мансабдор шахслар зиммасига ҳам муайян масъулият юклатилади. Ўзбекистон Республикасида аввало

бундай масъулият мамлакат Президентига юклатилади. Конституция 93-моддасининг 1-бандига мувофиқ Президент фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун худудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқарди» (94-модда).

Президентнинг масъулиигига ишонч туғдирадиган яна бир қоида мавжуд. У лавозимига киришиш чоғида қасамёд қабул қиласи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида куйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

“Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни вижданан бажаришга тантанали қасамёд қиласи”.

Конституцияга риоя этиш мажбурияти, гарчи Асосий қонун матнида Олий Мажлисга, Вазирлар Маҳкамасига, Олий суд, Олий хўжалик суди, Республика Прокуратурасига, Қуролли Кучларга бевосита юклатилмаган бўлса-да, уларнинг барчаси 15-моддага ва улар тўғрисидаги тегишли қонунларга мувофиқ, Конституция бўйича иш кўрадилар ва уни муҳофаза этадилар.

Конституцияни муҳофаза этиш механизмида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди алоҳида ўрин тутади. “Конституциявий суд тўғрисида”ги қонун мазкур институтнинг хукуқий мақомини, маҳсус ваколатларини ҳамда фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради (108-модда).

Фуқароларнинг ‘конституциявий’ хукуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили (Омбудсман) муҳим аҳамият касб этади. Унинг хукуқий мақоми ва фаолияти асослари “Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили (Омбудсман)” тўғрисидаги (1997 йил 24 апрел) қонунда батағсил мустаҳкамланган.

V. Конституция ва маънавият

5.1. Конституция — хукуқий маданият кўзгуси

Конституция инсоният тафаккури ва маърифий тараққиёти ҳамда хукуқий маданиятининг ҳосиласидир. Ҳар қандай конституция жамият маданий тараққиётининг муайян даражасини акс эттиради. Конституция маданий алоқалар ва қоидалар тизимида алоҳида маънавий ҳамда ижтимоий қадрият тарзида намоён бўлади.

Конституциявий-хукуқий маданият жамият умумий хукуқий маданиятининг муҳим таркибий қисми, унинг алоҳида шакли сифатида майдонга чиқади. Айни вақтда, жамиятнинг хукуқий маданияти шу жамиятда ҳаракатда бўлган қонунлар билан, айниқса Асосий қонун — Конституция билан бевосита алоқадорликда намоён бўлади.

Конституция ва қонунлар, бир томондан, ижтимоий хукуқий онг, хукуқий мафкура ва маданиятнинг маҳсули сифатида вужудга келади, иккинчи томондан эса, аҳолининг хукуқий онги, тафаккури, мафкураси ва маданиятини шакллантириш, йўналтириш ҳамда юксалтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласиди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустаҳкам маънавий-маданий заминга таянгандир. Унда ўзбек халқининг кўп асрлик тарихий тараққиёти давомида шакллантирилган ва сайқал топтирилган маданий қадриятлари, ахлоқий фазилатлари, тарихий ва миллий анъаналари, шарқона донолиги ва тафаккури хазинаси дурдоналари ўзининг мужассам хукуқий ифодасини топган. Жаҳонда мислсиз маданият, тарих, сиёsat ва фикр ёдгорликлари ҳисобланмиш “Темур тузуклари”, Навоий “Хамса”си, “Бобурнома”, “Зафарнома” ва бошқа манбаларнинг мазмуни Конституция матнига сингдирилганлиги таҳсинга лойиқ ва бу билан фахрланиш жоиздир.

Асосий қонунимиздаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, ижтимоий адолат, миллий гурур, саховатпешалик, демократияга мойиллик, бафрикенглик каби кўплаб қадриятлар Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Жалолий, Абдураззоқ Самар-

қандий, Бурхониддин Марғиноний, Фосих Ҳавофий, Жалолиддин Давоний, Муҳаммад Газзолий, Аҳмад Дониш, Бобораҳим Машраб ва бошқа аждодларимиз асаларидағи дурдона фикрлар билан ҳамоҳангидир.

Шубҳасиз, Конституциямизнинг ҳар бир нормаси ўз мазмун-моҳияти билан ҳалқимизнинг қадимий бой маданияти ва маънавиятига бевосита ёки билвосита алоқадордир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Асосий қонунимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий қадр-қиммати қуидаги юксак мезонларга тўла мувофиқлиги:

бириңчидан, унинг инсон ва жамият манфаатлари га тўла бўйсундирилганлиги;

иккинчидан, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ва ривожлантириш манфаатларига самарали хизмат қила олиши;

учинчидан, ҳалқимизнинг асрий орзусига, у қарор топтирган маданий-маънавий қадриятлар ва адолат идеалларига мувофиқлиги;

тўртингчидан, конституциявий нормаларнинг катта маданий-тарбиявий салоҳиятга эгалиги ва комил инсонни тарбиялашга тўла сафарбар этилганлиги;

бешинчидан, ҳалқимизнинг бой йчки дунёсини, ички руҳияти, менталитетини акс эттира олганлиги, шунингдек, унинг ўзига хос энг яхши ахлоқий фазилатларини, миллийлигини ифода эта олганлиги;

олтинчидан, ҳозирги маърифий дунёда қарор топган ахлоқий-маданий қадриятларни, умумбашарий инсоний меъёрларни ҳалқимизнинг миллий маданияти ва маънавияти категориялари билан оқилона уйғунлаштира олганлиги билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, Асосий қонунимиз ҳалқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституциямиз том маънода ҳалқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир¹.

Умумбашарий маърифий тараққиётнинг ва жаҳон маданиятининг умум эътироф этилган принципларидан бири — гуманизм, яъни инсонпарварликдир. Бутун дунё маданиятининг маъноси, мағзи, устувор қадриятини инсон ташкил этади. Зоро, бу маданият инсон шахсини

¹ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.: Ўзбекистон, 1993. 6-бет.

олий ижтимоий неъмат сифатида улуғловчи, салбий нарсалардан воз кечиб, ҳамиша эзгулик қилишга чорловчи фоялар тизими таъсирида шаклланади.

Үйганиш (ренессанс) даврида инсонпарварликнинг бош тамойили: “Инсон ҳәётининг қадрини дунёдаги жамики неъматлар биргаликда ташкил этадиган қийматта тенглаштириб бўлмайди”², деган ғоя қарор топди. Яъни, инсон оламнинг беназир хилқати, бебаҳо неъмати эканлигини англаш ижтимоий онгнинг мулкига айланди. Бундай ёндашув, бундай ғоя ва талқин дастлабки конституциялардаги ҳуқуқий ва ахлоқий талбларда ўз ифодасини топди.

Ҳозирги замон конституцияларидаги инсоннинг яшаш ҳуқуқи, шу жумладан ҳали туғилмаган, лекин туғилиш ҳақида дарак бериб тўрган инсоннинг ҳам ҳуқуқлари хусусида ғамхўрликни ифодаловчи нормалар, ўлим жазосини чеклашга қаратилган интилишлар ўша инсонпарварлик анъаналари давом этаётганлигининг бугунги ёрқин намойишидир.

Үйганиш даври маданиятининг марказий ғояси — инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш, ҳар бир шахснинг ички салоҳияти, иқтидори ва бутун имкониятларини ривожлантиришидир. Мазкур фоялар замонавий конституцияларнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Масалан, Германиянинг Асосий қонунида қўйидаги қоида зълон қилинади: “Ҳар ким ўз шахсини эркин ривожлантириш ҳуқуқига эга, чунки у бошқаларнинг ҳуқуқини бузмаяпти ва конституциявий тузумга ёки ахлоқий қонунга қарши бормаяпти” (2-модда, 1-қисм).

Инсон шахсини улуғлашдек ахлоқий, чукур маданий қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида ўз ифодасини топган. Жумладан, мамлакатимиз Асосий қонунининг 13-моддасида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонун билан ҳимоя қилинади”.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Конституциямизнинг мазкур сифатларини таърифлаб шундай деган

² Мор Томас. Утопия. М. — Л.: Учпедгиз, 1959. 68-бет.

эди: “Эндиликда инсон, унинг ҳаёти эрки, шаъни, қадр-киммати ва бошқа ажralмас ҳукуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади”¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида демократия, ижтимоий адолат ва инсон ҳукуқларига садоқат билдирилганлиги, чексиз хурмат бажо келтирилганлиги ҳам ҳалқимизнинг юксак маданиятидан далолат беради. Ёхуд инсонпарвар демократик ҳукуқий давлат барпо этишдек олижаноб мақсаднинг кўзланганлиги ҳам ана шу маданий савиямизнинг ёрқин кўрсаткичидир.

Асосий қонунимизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”, — дейилган. Бундай тантилик, бағрикенглик ва саховатлилик маънавий жиҳатдан кучли, маданияти юксак миллатга, курдатли ҳалқقا хос фазилатдир.

“Давлат ўз фаолиятини, — дейилади Конституциянинг 14-моддасида, — инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”. Адолат ва ҳақиқатта интилиш ҳалқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Адолат ва ҳақиқат **фояси ижтимоий ҳаёти-мизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор**, — деб таъкидлайди Президент И.Каримов. Ҳукуқ, ҳақиқат ва ижтимоий адолат фоялари ўзаро бир бирига яқин тушунчалардир. Ҳақиқат қарор топмаган жойда адолат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Адолат тантанасига хизмат қилмаган Конституция ўзининг маънавий-ахлоқий аҳамиятини ва ижтимоий-маданий бойлик сифатидаги қадрини йўқотади.

Конституцияда шахс эркинлиги, даҳлсизлиги ва фуқароларнинг қонун олдида тенглиги фояларининг мустаҳкамланиши ҳам маданиятилизнинг ютуғи ва ифодасидир. Конституциянинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат //Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т.1. Т.: Ўзбекистон, 1996. 125 бет.

ижтимоий мавқеидан қатыи назар, қонун олдида тенгдирлар”, деб мустаҳкамланган. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳукуқ ва эркинликлари дахлсиздир (19-модда). Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳукуқига эга (25-модда). Ҳар ким ўз шаъни ва обўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишлардан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳукуқига эга (27-модда). Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод (шунингдек, диний эътиқод) эркинлиги ҳукуқига эга (29 ва 31-модда) ва бошқалар. Инсониятнинг бутун маданий тарихи, цивилизацияси вужудга келтирган мазкур ҳукуқ ва эркинликларнинг Асосий қонунимизда акс эттирилганлиги унинг жаҳон маданияти андазалари (стандартлари) талабларига тўла жавоб беришини кўрсатади.

Ҳаётимиздаги эзгуликлардан баҳраманд бўлиш ҳар қандай маданиятнинг асл мазмунини ташкил этади. Ҳусусан, табиат инсон яшаши учун инъом этилган манзил-макондир. Талофат ёқасига бориб қолаётган атроф-табиий муҳитни асраб қолиш лозимлигини англаб этиш ҳозирги қонун чиқарувчи идораларни конституцияларни “экологиялаштириш”га мажбур этмоқда. Аксарият конституцияларга табиатни муҳофаза этишга йўналтирилган нормалар киритилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар, деб кўрсатилган. Табиат атроф муҳитга меҳр-мурувватли муносабатда бўлиш жамият маданиятининг муҳим кўрсаткичидир.

Конституциянинг 49-моддаси муҳофаза этадиган обьект маданият ва маънавиятнинг ўзи эканлиги рамзий маъно касб этади. Мазкур моддага биноан, фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Конституциянинг баён этиш тили, унда кўлланиладиган иборалар ҳам миллий маданиятнинг бевосита ифодаси ва маҳсулидир. Масалан, давлат идоралари-нинг номланиши турли мамлакатлар конституцияларида шу юрт халқининг миллий-маданий хусусиятларини акс эттиради. Финляндияда парламент — Сейм, Голландияда — Генерал штатлар, АҚШда — Конгресс, Ўзбекистонда — Олий Мажлис деб номланади. “Олий Мажлис” деган номда ниҳоятда теран мазмун ва маъно

бор: яъни, у халқнинг олий иродасини юксак даражада ифода эта оладиган мажлисиидир.

Россия Федерациясида область (вилоят) даражасидаги маъмурий-худудий тузилманинг ижроия ҳокимият раҳбари “губернатор” деб номланади. Ўзбекистон Республикасида эса вилоят, туман ва шаҳарлар ижроия ҳокимият идоралари раҳбарлари “ҳоким” деб номланади. Конституциянинг 105-моддаси аҳолининг анъанавий тарихий бирлик — “маҳалла”ларга уюшиб яшашини эътироф этиб, уни фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг асосий бўғини сифатида мустаҳкамлайди. “Шаҳарча, қишлоқ ва овлуларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органдари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди”.

Келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимиз Конституцияси чинакам миллий-маданий рух билан йўғрилгандир. Конституцияда халқнинг, миллатнинг руҳи, маънавияти, маданияти мужассам ифода этилган.

5.2. Конституция ва миллий мафкура

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шаклланиб бораётган демократик давлатчилигимизнинг мустаҳкам ғоявий-хукуқий заминини ташкил этади. Конституция, унинг ҳар бир нормаси халқимизнинг мустақилликка интилиши, ўз суверен хукуқий давлатчилигини ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек улуғвор ғояларини нафақат қонун шаклида акс эттиради, балки уларни моддийлаштиради ва ҳаётта жорий қиласи.

Конституция ва миллий мафкура, хусусан, хукуқий мафкура ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳар иккала ижтимоий ҳодиса жамиятимиз ягона хукуқий тизимининг таркибий қисмларидир. Конституция хукуқий тизимнинг ўзаги, бошқа жами таркибий қисмларни уюштирувчи, баҳамжиҳат этувчи ва ҳаракатлантирувчи маркази бўлса, миллий хукуқий мафкура унинг ғоявий асосини, таркибий бўғинларни мазмунан озиқлантирувчи ҳамда ягона мақсад сари йўналтирувчи мағзи, маёғидир.

Кишилик жамияти муайян мафкурасиз ҳаёт кечира

олмайди. Ҳар бир жамият ўз ижтимоий манфаатларини акс эттирувчи мафкура остида гоявий жиҳатдан бирлашади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов тўғри таъкидлаганидек, “ўз келажаги ҳақида қайғуродиган миллат ҳеч бир даврда миллий гоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суннеч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий муаммоларга жавоб излайди”¹.

Дарҳақиқат, ҳар бир жамият ўз манфаатларини ифодаловчи ва муҳофаза қилувчи мақсадларга эришиш йўлида халқни сафарбар этувчи, уюштирувчи ҳамда йўналтирувчи гоялар мужмуига эга бўлиши лозим. Бундай ижтимоий гоялар халқ маънавиятининг маълум уйғунашуви ва натижаси ўлароқ намоён бўлади. Ижтимоий гояларнинг йигиндиси ва уларнинг муайян мантиқий тизими (муштараклиги) мафкурани ташкил этади. Мафкура жамиятнинг турли соҳалари ҳақидаги илмий, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, диний, бадиий, ахлоқий қарашларнинг йигиндисидан иборатдир². “Мафкура — бу дунёқарашни ташкил этувчи фикрлар ва гоялар мажмуасидир”³.

Мафкура ижтимоий онг ва маънавият даражасини, ютуқларини ифодаловчи назарий билимлар, концепциялар, қарашлар, гоялар мажмуи сифатида жамият ривожи учун устувор дастурий аҳамият касб этади. Мафкура-ижтимоий онг ва маънавиятнинг таркибий қисмидир. У миллат тараққиётини, амалий тажрибасини, дунё мамлакатлари ўзлаштирган ижобий ютуқларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида шаклланади ҳамда бойиб боради. Мафкура мамлакат, шу жумладан миллат истиқтоли муаммоларини биринчи ўринга қўйган мақсад ва умидлар, уларни амалга ошириш режалари ва усуллари ҳақидаги илмий хуносаларнинг муайян тизимидир⁴.

¹ Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2000. 5—6-бетлар.

² Ҳайруллаев М. Ижтимоий ҳаёт ва мафкура. Ўзбекистон овози, 1993. 26 май.

³ Қирғизбоев М. Асрый армонлар ушалмоқда. Ўзбекистон овози, 1993. 2 июль.

⁴ Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 39—40-бет.

Мафкура жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, маънавий тараққиётига маълум бир йўналиш беради. Бемақсад фаолият, меҳнат бўлмагани сингари, мафкурасиз ҳаёт, ривожланиш ҳам бўлмайди. Фақат илмий, илгор мафкура билан боғлиқ маънавият улкан салоҳиятга, ижтимоий кудратга эга бўлади. Жамиятнинг равнақи ва келажагини юксак маданият, маънавият ҳамда мафкурасиз тасаввур этиш қийин. Мафкуранинг муҳим хусусияти шундаки, у нафақат тараққиёт истиқболларини белгилаб беради, унинг мақсад ва йўналишлари ни аниқлайди, балки келгусида қурилажак жамиятнинг қиёфасини таърифлаб бера олади.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзининг янги миллий ва демократик мазмунга эга бўлган мафкурасини шакллантирмоқда. Миллий истиқбол мафкурасини яратиш тарихий зарурият тарзида майдонга чиқди. **Биринчидан**, истиқбол шарофати билан Ўзбекистонда мөҳият эътибори билан тубдан янги ижтимоий-сиёсий тузумга ўтиш юз берди. **Иккинчидан**, ҳалқимиз ва ёш суверен давлатимиз ўтмишда ҳукмрон бўлган собиқ тоталитар совет тузуми давридаги коммунистик мафкурадан бутунлай воз кечди. Чунки совет мафкураси оддий инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни миллий қадриятлардан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижада юртимизни ўзига қарам ҳолда сақлашга қаратилган мафкура эди.

Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритгач, можияти ҳалқимиз табиатига, дунёқарашига ёт бўлган коммунистик мафкурага барҳам берилди. Бу фоя ўз умрини ўтаб бўлиб, тараққиёт йўлида тўсиққа айланган эди. Шу боис у ижтимоий ҳаёт томонидан инкор этилди. Ушбу қонуният, зарурат теран англаб етилмаган тақдирда ғоявий вакуум — бўшлиқ юзага келади... Мафкура соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Ғоявий бекарорлик ҳукмрон бўлган жойда мафкуравий таҳдид кучаяди. Аҳоли кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг онгини эгаллашга уринишлар пайдо бўлади. Бунга мамлакатимизда 1997—1999 йилларда диний экстремизм ва ақида-парастлик ғояларини тарғиб қилувчи оқимларнинг фоллашиб қолгани, ваҳҳобийлик, “Хизбут таҳрир” каби зарарли диний секталарнинг юртимиздаги фўр ёшларни йўлдан оздирив, ижтимоий-сиёсий бекарорлик келтириб чиқарганлиги, террорчилик ҳаракатлари содир этиб,

конституциявий ҳокимиятни эгаллашга уринганлиги, айниқса 1999 йил 16 февраль воқеаларини содир этгандирилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Жамиятимизда Конституция асосида қарор топаётган демократия, сиёсий хурфикарлилик ҳақида гапириб, Ўзбекистон Президенти И.Каримов Асосий қонунимизнинг бир йиллигига бағишенланган тантаналийиғилишда Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мағкура давлат мағкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, деган конституциявий қоида “бизнинг олдимизга **миллий истиқбол мағкурасини яратиш вазифасини кўяди**”,¹— деб таъкидлаган эди.

Миллий истиқбол мағкураси турли сиёсий партиялар ва ижтимоий гуруҳлар мағкурасидан устун туради. У бутун жамиятнинг ягона мағкураси бўлиб, бирон-бир ижтимоий гуруҳнинг, сиёсий ҳокимиятнинг мағкурасига айлантирилмайди. Аксинча, миллий истиқбол мағкураси, ўз моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётiga хизмат қиласди; барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг, бутун ҳалқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди. “У давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашади”².

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқбол фояси ҳалқимизнинг эркин фуқаролик жамияти ва адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуришдек асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бiri билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларни амалга оширишга хизмат қиласиган фоялар, назарий қарашларнинг мантиқий тизимиdir.

“Миллий истиқбол фояси: асосий тушунча ва таъкидлаганидек, миллий истиқбол мағкураси:

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия принципларига асосланади;

— ҳалқимизнинг асрлар давомида шаклланган юқсан маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади;

¹ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.: Шарқ, 1993. 13-бет.

² Каримов И.А. Ўша асар. 13-бет.

— адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик
фоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс
эттиради;

— жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламла-
рини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга са-
фарбар этади.

Миллий мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма
замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала,
жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб,
унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий
куч-кувват берадиган пойдевор бўлиб келган. У ҳар бир
фуқаронинг жамият олдидаги бурч ва масъулиятини
белгилайдиган маънавий мезондир.

Миллий истиқдол мафкурасининг бош фояси —
озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо
этишдир. Мазкур мафкуранинг бош фоясида “озодлик”
тушунчасининг устувор ва етакчи ўринда туриши Ва-
тан мустақиллиги барча орзу-интилишларнинг, ама-
лий фаолият ва истиқболимизнинг асоси эканлиги-
дан далолатдир.

Миллий истиқдол мафкураси қуйидаги вазифалар-
ни ўтайди:

1) мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакл-
лантириш;

2) ҳур фикрли, ўз билими ва кучига ишониб яшай-
диган инсонни тарбиялаш;

3) жамият аъзоларининг, айниқса, ёшларнинг иро-
дасини бақувват қилиш, иймон-эътиқодини мустаҳ-
камлашга хизмат қиласидиган маънавий мухитни яра-
тиш;

4) инсонлар тафаккурида ўзликни англаш, тарихий
хотирага садоқат, муқаддас қадриятларни асраб-авай-
лаш, ватанпарварлик туйгусини камол топтириш;

5) ўзбек халқига хос бўлган иймон-эътиқод, ин-
соф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму
ҳаё каби фазилатларни юксалтириш;

6) халқнинг онги ва қалбига “Ўзбекистон — ягона
Ватан” тушунчасини шакллантириш ва ривожланти-
риш¹.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши
фуқароларни демократик ислоҳотлар даври ва истиқ-
болдаги масъулияти ҳаёт талабларига жавоб бера ола-

¹ Миллий истиқдол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 45—46-бетлар.

диган шахсларга, янги жамият қурилишининг фаол иштирокчиларига айлантиришга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий истиқлол мафкурасининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Асосий қонуннинг биринчи моддасидан охирги моддасигача мустақилик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва Ватан равнақи ғоялари тараннум этилган. Конституция воситасида жамиятимиз ижтимоий онгига дунё цивилизациясининг замонавий янги демократик қадриятлари, принциплари ва ғоялари кириб келди. Булар, энг аввало, мустақил давлатчилик ва ҳуқуқий демократик жамият қуриш ғояларидир. Шунингдек, шууримизга “қонун устуворлиги”, “сиёсий плюрализм”, “инсон ҳуқуқлари дахлсизлиги”, “кўпартиявийлик”, “хусусий мулкчилик” каби илгор ғоялар кириб келди ва улар мафкурамизнинг таркибий қисмига айланди. “Бизнинг Конституциямиз, — деган эди Президент Ислом Каримов, — умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, ҳалқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қиласди”¹.

Ўзбекистон Конституциясининг асосий мақсади ва ички ғоялари юқорида баён этилган миллий истиқлол мафкурасининг мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳангдир. Булар:

биринчидан, ҳалқимиз учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш;

иккинчидан, ижтимоий адолат мезонларини қарор топтириш; демократик тузум барпо этиш ва инсон ҳуқуқларини устувор таъминлаш;

учинчидан, миллий қадриятларимиз ва маданиятимизни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш;

тўртинчидан, шахснинг эркин ривожланиши ва маънавий-ахлоқий камолотини таъминлашдан иборат.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямизнинг қоидалари миллий истиқлол мафкурасидан ажralган ҳолда бўлиши мумкин эмас. Аксинча, конституциявий қоидалар мазмуни билан мафкуравий ғояларнинг уйғунлашви жамиятни буюк келажакни яратишга сафарбар этувчи қудратли кучга айланди.

¹ Ислом Каримов Конституция тўғрисида // Тузувчилар А.Сайдов, У.Таджиханов. Т.: Академия, 2001. 52-бет.

5.3. Конституциянинг маънавий-ахлоқий салоҳияти

Дунёда мавжуд конституцияларнинг барчаси уларни ижод этган ҳалқнинг, миллатнинг сиёсий тафаккури, маънавияти ва маданияти билан узвий боғлиқдир. Ҳар бир Конституция ўз мазмунида жамиятнинг, миллатнинг маънавий-маданий қадриятларини, унинг тарихан шаклланган анъаналари, урф-одатлари ва хусусиятини акс эттиради. Худди шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳалқимиз табиатига хос барча маънавий-маданий қадриятларни, ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган. Айни вақтда, Конституциянинг ўзи ўзбек миллий маданиятнинг маҳсулни, унинг таркибий қисмидир. Бугунги кунда Конституциямиз ҳалқимиз миллий-маданий қадрияти, ғурури ва ифтихорининг тимсолидир.

Ҳалқ – маънавий-маданий қадриятларнинг ижодкори. Конституция, унинг принцип ва қоидалари ҳам ана шундай ижоднинг бевосита самараси, дейиш тўғри бўлади. Бошқа маданий ижодиёт маҳсуллари қатори конституциявий нормалар ҳам шахснинг ўзлигини англаши, ўз салоҳияти ва қобилиятини рӯёбга чиқариши, пировардида фаол индивид тарзида майдонга чиқиши ҳамда ижтимоийлашуви учун кўмаклашади. Конституциявий-хукуқий нормалар шахснинг ўз иқтидори ва истеъодини намоён этишига шароит, яъни мўтадил норматив-хукуқий муҳит яратади. Конституциявий нормалар ўз моҳиятига кўра миллий маданиятнинг ижтимоий-норматив шаклидир. Уларга қатъий риоя этиш нафақат мустаҳкам хукуқий тартиботни, балки юксак маданиятни ифода этади.

Конституция мазмунида мужассамлашган ўзбек миллий маданияти ва маънавий мероси узоқ асрлар қаърига бориб тақалади. У ўзининг серқирра ва сержилолиги, бой мазмунга эгалиги ҳамда ҳалқчиллиги билан ажralib туради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

биринчидан, миллий давлатчилик тажрибаси, сиёсий ва хукуқий-маданий мерос;

иккинчидан, маънавий-маданий, илмий-фалсафий ва адабий мерос;

учинчидан, умуминсоний маданий қадриятларни сингдириш асосида қарор топган, шунингдек, исломий қадриятлар таъсирида шаклланган мерос.

Миллий маданий меросимизнинг улуворлиги ва беназирлигига шак-шубҳа йўқ. Унга қатъий таянган ҳолда иш кўриб, бугунги маънавиятимизни камол топтириш ва чинакам адолатли ижтимоий тузум ҳамда эркин инсонлар жамиятини яратиш мумкин. Буни қанчалик тез ва теран англасак, миллий истиқлолнинг яна бир муҳим истеҳкомини яратамиз ва бу, ўз навбатида, мустақил ўзбек давлатчилигининг маънавий-маданий замини бўлажак.

Ўзбек халқи ҳам, барча халқлар сингари асрлар мобайнида сақланиб-сайқалланиб келган миллий урфодати, расм-русуми, удуми ва анъаналарига эга. Буларда ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, юриштуриши, фурури, ижтимоий-иктисодий ҳаёти, дини, ҳукуқий онги ва, умуман, маънавий-маданий дунёси акс этади. Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодаланиши билан бирга, бу маънавият оиласидан ҳаёт учун, ҳар бир инсон учун муҳим тарбиявий аҳамиятта молиқдир. Чунки фарзандлар ана шу кўз илғамас миллий ҳис-туйғу ва онг, аждодлар хотираси ва узвийлиги таъсирида, она сути, она алласи билан маънавий озуқа, тарбия оладилар. Ушбу туйғулар тил воситаси илиа онгимизга кира боради. Буларнинг барчаси миллат маънавиятининг гултоғи ҳисобланади.

Асрлар давомида аждодларимиз ҳаётида таркиб ва равнақ топган миллий-маданий анъаналарни ва урфодатларни қадрламаслик маънавий тубанлик, ўз тарихига, она заминига, тупроғига ҳурматсизлик бўлур эди. Бой, қадимий ва навқирон маънавиятимиз дурдонала-ри миллий маънавий инқирознинг олдини олишда, миллий маънавият салтанатимизни тиклашда муҳим омил ҳамда таянчdir.

Миллатимиз маънавият салтанатининг устунларини ўзбек маданиятининг янги босқичдаги уйғониши деса бўлади.

Кўп минг йиллик маданий меросимиз илдизлари тикланиб, униб, куртак отмоқда. Ўзбек миллий маънавиятининг хусусиятлари нималардан иборат?

Биринчидан, юртимиз фан ва маданиятининг барча соҳаларида юзлаб жаҳоншумул алломаларни, улуғ зотлар, давлат арбобларини етиштириб берган. Буюк аждодларимиз башарият маданиятини яратишда бевосита иштирок этганлар, бу ишга улкан ҳисса қўшганлар.

Шунинг учун ҳам ўзбек миллий маданий мероси жаҳон маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон ўзининг чукур давлатчилик негизларига эга бўлган ўзига хос сиёсий, ҳукуқий, маданий мерос соҳибидир. Милоддан бир неча юз йиллар олдин бизнинг худудимизда давлат-ҳукуқий институтлар ва қарашлар тараққий этган. Мовароуннахрда Ислом маърифатига, ҳукуқшунослиги — фикрға ва, умуман, жаҳон ҳукуқий маданиятига улкан ҳисса қўшган фақиҳлар — ҳукуқшунослар яшаганлар.

Учинчидан, ўзбек миллий мафкурасининг узвий таркибий қисмини бой маданий меросимиз ташкил этади, бизнинг худудимиздаги 9 мингдан зиёд тарихий, маданий, меъморчилик ёдгорликлари ўзбек халқи бекиёс маданий меросининг тирик гувоҳлариdir. Уларни таъмирлаш, тиклаш, сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг маънавий, қолаверса, инсоний ватанпарварлик бурчимиздир. Шунинг учун Конституциямизнинг 49-моддасида: “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар”, — дейилган.

Ўзбек халқининг бой маданий мероси Истиқболимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга халқимиз орасидан етишиб чиқсан алломаларимиз асос солгандар, жаҳон илм-фани ва маданияти деярли барча соҳаларининг шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар. Улар яратган илмий дурдоналар асрлар оша инсоният маънавияти равнақи йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Бизнинг она заминимиз жаҳонга буюк мутафаккирларни ва қомусий алломаларни етиштириб берган. Улар шу жиҳатлари билан ажralиб турадиларки, хоҳ тиббиётчи ва доришунос, хоҳ риёзатчи ва фалакшунос, хоҳ тарихчи ва фақиҳ, хоҳ тилшунос ва мунаққид, хоҳ адаб ва шоир, хоҳ тасаввуф илмининг машҳур намоёндасию давлат арбоби бўлсинлар, бир вақтнинг ўзида фаннинг турли соҳаларини мукаммал билганлар, етук илмий асарлар яратганлар.

Фикримизнинг далили сифатида улуг бобокалонларимиздан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Мирзо Улугбек, Маҳмуд ибн ул-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Кошфарий, Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замах-

шарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Шарафиддин Али Яздий, Алишер Навоий, Заҳирiddин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг номларини тилга олиш кифоя.

5.4. Конституция — хуқуқий хулқ-атвор андазаси

Конституциявий-хуқуқий маданият нафақат конституциявий нормалар мазмунида ёки моддий предмет ва рамзларда (байроқ, герб, мадҳия), балки сиёсий ҳокимият идоралари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг тегишли хулқ-атворида ҳам ифодаланади. Конституциявий хуқуқ субъектларининг конституция нормаларига муносабатида, уларга оғишмай риоя этишида муайян маданият намоён бўлади. Бу конституциявий маданият бўлиб, у жамият хуқуқий маданиятининг негизини ташкил этади.

Конституциявий-хуқуқий маданиятнинг турли жиҳатлари (норматив асоси, ахлоқий жиҳати, ижтимоий-социологик, ижтимоий-руҳий ва ҳоказо) ҳақида сўз юритиш мумкин. Бироқ бу ўринда фақат унинг хулқ-атвор, кишилар ҳамда таъкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида, Конституциянинг реал ҳаракатланиши ва ҳаётта жорий этилиши ҳақида фикр юритамиз.

Конституцияга боғлиқ хулқ-атворнинг икки ўзаро бир-бирига қарама-қарши моделини таъкидлаш мумкин. **Биринчи модель** – ҳар қандай ҳолатда ҳам Конституция қойдаларини сўzsиз бажаришга тайёр бўлган хулқ-атвор, муносабат, интилишдан иборат. **Иккинчи модель** – конституция нормаларини тан олмайдиган, четлаб ўтишга қаратилган хулқ-атвор, фаолиятдан иборат.

Хулқ-атворнинг шундай моделлари бор дейиш билан чекланиш масалага жуда оддий ёндашиш бўлар эди. Аслида, конституциявий нормаларга кундалик ҳаётда риоя қилиш ниҳоятда мураккаб ички қарама-қаршиликлар жараёни орқали кечадики, бунда турли сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларнинг, гурухларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашади. Конституция нормаларини қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай фаолият (хулқ-атвор) маълум бир манфаатни, интилишни акс эттиради.

Фикрни изоҳлаш учун конституциявий-хуқуқий амалиётдан айрим мисолларни келтирамиз.

Масалан, Дания Конституциясига мувофиқ, Дания Давлат суди ташкил этилади (у дастлаб 1849 йилда қабул қилинган биринчи Конституцияда назарда тутилган эди.) Мазкур суднинг бирдан-бир вазифаси жиноят содир этган министр (вазир)ларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этишдир. Бу суд 1849 йилдан то ҳозиргача атиги бешта иш кўрган (охирги ишлари 1910 йил ва 1994 йилда кўрилган). Аммо бу суд, иш кўриш ёки кўрмаслигидан қатъи назар, унинг таркиби сайлаб кўйилаверади. Ушбу мисол Конституция гояларига содикликнинг, идеал маданий хулқ-авторнинг ёрқин ифодасидир.

Конституциявий-хукуқий анъаналарга, принципларга қатъий амал қилиш маданияти кўпгина Европа мамлакатларида теран ривож топган. Масалан, Франция, Белгия, Швеция, Польша парламентларида қонун лойиҳаларини икки-уч марта муҳокама этиш (ўқиш) орқали қабул қилиш тартибининг барча қоидаларига қатъий амал қилинади; парламент маданиятига, қонун чиқарувчи орган мажлиси (сессияси)да баҳс-мунозара олиб бориши маданияти қоидаларига қатъий риоя этилади.

Бир қатор мамлакатларда сайланган давлат раҳбарларининг, тайинланган вазирларнинг парламент хузурида ҳисобот бериш анъаналарига қаттиқ риоя қилинади. Бундай парламент маданияти анъанаси Буюк Британияда ҳам бир неча асрдан бери давом этиб келмоқда. Хусусан, Литва Сеймида шундай тажриба жорий этилган. Ҳар ҳафтанинг маълум бир кунида, белгиланган соатларда мамлакат Бош вазири парламент депутатлари хузурида ҳозир бўлади ва депутатларнинг савол ва сўровларига жавоб қайтаради.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ижобий конституциявий-хукуқий маданият, тегишли фаолият ва хулқ-автор шаклланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 12-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларини тайинлайди ва бу фармон тегишли Халқ депутатлари кенгашининг тасдигига киритилади. Бу ижобий демократик қоида, ўзига хос конституциявий маданий фаолият бўлиб, бунда ҳар сафар ҳоким тайинланиши (шунигдек, вазифасидан озод этилиши) муносабати билан мамлакат Президенти вилоят кенгаши халқ депутатлари билан учрашади,

ўз қарорини улар билан маслаҳатлашади, бу борадаги далил ва исботларини баён этиб беради. Айни вақтда, мамлакат ички ва ташқи сиёсатини юритиш масалала-рида давлат миқёсида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида ахборот беради. Шунингдек, вилоятни ижти-моий-иктисодий ривожлантириш муаммолари юзаси-дан батафсил мулоқот қиласи, депутатлар билан фикр алмашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига биноан, Президент айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. Мамлакатда шундай анъана жорий этилдики, ҳар сафар Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари Президент раислигига ўтади ва у Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилади. Мазкур ҳолат, **биринчидан**, мамлакат Президенти — Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган конституциявий-хукуқий фаолиятдир; **иккинчидан**, бу ерда хукумат фаолиятидаги демократия ва ошкоралик яққол намоён бўлмоқда; **учинчидан**, ҳалқ хукумат режалари ва қарорларидан бевосита хабардор қилинади ҳамда уларнинг бажарилишига сафарбар этилади; **тўртинчидан**, аҳолининг хукуқий билимдонлиги, онги ва хукуқий маданияти шакллантириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияла-рида Президентнинг мунтазам иштирок этиши ва уларда мамлакат ҳаётининг долзарб масалалари юзасидан атрофлича маъruzалар қилиши ҳам ижобий конститу-циявий маданий фаолият шаклланганлигига мисол бўла олади. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-ning 93-моддаси 7-бандига кўра, Президент ҳар йили Олий Мажлисга ички ва ҳалқаро аҳвол бўйича ахборот тақдим этиши лозим. Юқорида зикр этилган анъана мазкур мақсадни амалга оширишга ҳам хизмат қиласи.

Конституция нормаси асосида юртимизда шакллан-ган яна бир маданий-маърифий анъана ҳақида тўхта-лиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-ning 93-моддаси 18-бандига мувофик, Президент орден ва медаллар билан, Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиги билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини беради. Президентнинг бу конституциявий ваколати айни вақтда унинг мукофотларни шахсан топширишини ҳам назарда тутиди. Бу конституциявий қоидани бажариш бўйича шун-

дай анъана қарор топдики, ҳар йили “Конституция куни” арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти йил давомида мукофотланган фуқароларга Ўзбекистон давлат мукофотлари ва фахрий ёрликларини тантанали равишда топширади. Ушбу тадбир телевидение орқали намойиш этилади. Табиийки, шундай вазиятда мукофот олган ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг кўнгли тоғдек кўтарилади, қалби ифтихор туйғуларига тўлади, ўзининг юртимизда кечайдан улкан бунёдкорлик ишларига дахлдорлигини ҳис этади, қилаётган меҳнати муносиб баҳоланганигидан мамнун бўлади. Бу анъана нафақат мукофотга сазовор бўлганларни, балки бунга гувоҳ бўлган барча юртдошларимизни, айниқса, ёшларни улкан меҳнат зафарларига руҳлантиради, бекиёс тарбиявий аҳамият касб этади.

Конституциявий-хукуқий фаолият (хулқ-атвор)нинг салбий модели ҳам учраб туради. Масалан, АҚШ Конституциясига киритилган XVIII тузатиш мамлакатда спиртли ичимликларни тақиқлади. Бу жамиятда оммавий тарзда хулқ-атворнинг салбий модели вужудга келишининг типик мисоли бўлди. Америкалик хукуқшунос Лоуренс М.Фридман бу ҳақда қўйидагиларни ёzáди: “Алкоголли ичимликларни тақиқловчи қонун “хайрли эксперимент” бўлиб, у 1920 йилда кучга кирди. Бироқ, кўпчиликнинг фикрига кўра, бу йирик муваффақиятсизлик бўлди. Амалда миллионлаб одамлар спиртли ичимликлар истеъмол қилишни давом эттирдилар. Дўкон ва расталар спиртли ичимликлар савдосини ниҳоятда кенгайтирдилар. 1928 йилда АҚШ федерал судлари бу қонуннинг бузилиши билан боғлиқ 55729 аризани кўриб чиқди ва улар юзасидан 48000 та айблов хulosасини чиқардилар. Албатта, жазоланмай қолган ҳолатлар сони бундан бир неча бор ортиқ эди. Қайтага бу қонун кучда бўлган даврда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш анча ортиб кетди¹.

Худди шунга ўхшаш фармонни 1985 йил май ойида собиқ СССР Президенти М.С.Горбачев қабул қўлган эди. Бу хукуқий чеклов ҳам муваффақиятсиз чиқди. Фуқаролар ясама ароқлар (самагон) чиқаришга киришиб кетди. Булардан минглаб одамлар заҳарланди, кўплари ҳаётдан кўз юмди.

¹ Фридман Л. Введение в американское право. М.: Прогресс-Универс, 1992.

Ҳокимият идоралари, мансабдор шахсларнинг файриконституциявий фаолиятлари (хулқ-авторлари) тегишли конституциявий-хуқуқий нормаларни аҳоли кўз ўнгида обрўсизлантиради, қадрини туширади. Бу эса пировардида конституциявий-хуқуқий тартиботга зарар етказади. Шу боис барча мутасадди субъектлар ижобий конституциявий-хуқуқий хулқ-автор моделини шакллантиришга интилишлари лозим. Бу бутун жамият, давлат ва фуқаролар манфаатига тўла мос тушади.

Шундай қилиб, жамият аъзоларини конституциявийлик руҳида тарбиялаш, уларни ижобий-хуқуқий хулқ-автор соҳибларига айлантириш нафақат Конституцияга чексиз хурматни шакллантиради, балки илфор ижтимоий тараққиётнинг гарови бўлиб хизмат қиласади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ (ХОТИМА ЎРНИДА)

Ўзбекистон халқи XXI асрга юксак инсоний мақсадлар билан, барқарор тараққиёт, мустаҳкам тинчлик ва фаровон ҳаётта эришиш, адолат ҳамда эркинлик тамойилларига асосланган демократик жамият қуриш ниятида қадам кўйди. Комил ишонч билан таъкидлаш лозимки, юртимиз дунё ҳамжамиятининг барча маърифий давлатлари сингари умумбашарий қадриятлар қарор топадиган, инсон қадри ва хуқуклари эъзозланадиган ҳамда безавол таъминланадиган, давлат идоралари ва мансабдор шахслар халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиласадиган, демократия том маънода тантана қиласадиган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бормоқда.

Бунга ёрқин далил — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги маъруzasидир¹. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида мамлакатимиз мустақил ривожланиши асосий босқичларини атрофлича таҳлил этди, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг

¹ Халқ сўзи. 2002 й. 30 авг.

устувор йўналишлари ва тамойилларини белгилаб берди. Президент Ўзбекистон Республикаси суверенитети, давлат ҳамда сиёсий институтлар ва нодавлат ташкилотларни мустаҳкамлаш, милий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

“Бизнинг вазифамиз, — деди Президент И.А.Каримов, — мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказишидир”¹.

Фуқаролик жамияти сари событ қадамлар билан одимлаб бориш ҳамда юқоридаги мақсадларни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган барча иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ташкилий-хукуқий, маънавий-маданий чора-тадбирларни ўзида жам этган мукаммал дастурга эга бўлиш талаб этилади. Республика Президенти мазкур дастурда акс этиши лозим бўлган вазифалар хусусида тўхталиб, юртимизда демократик фуқаролик жамиятини барпо этишнинг қуйидаги устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Биринчи устувор йўналиш, энг муҳим мақсад тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асррабавайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади. Мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳукуқи, келажагимизни ўз кўлими билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир.

Бу ўринда мустақиллик нафақат ҳукуқ-имконият, балки айни вақтда улкан масъулият эканлигига эътибор қаратиш лозим. Мустақиллик ўз тақдиримиз учун масъулликдан ташқари, биздан халқаро ҳамжамият олдидаги зиммамизга олган мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажаришни талаб этади. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми талабларига, халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиб яшаш масъулиятини сўзсиз юклайди. Масаланинг бундай қўйилиши миллиатимиз тантилиги ва мардлигининг ифодасидир. Биз дунё ҳамжамиятидан

¹ Халқ сўзи. 2002 й. 30 авг.

ўзимизга муносиб обрў ва ўрин эгаллаш учун доимо интиламиз ва курашамиз. “Биз мустақил тараққиёт йўлини айнан мана шу маъно-мазмунда англаб,— деб урғу беради И.А.Каримов, — уни мамлакатимиизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб бораётган барча ислоҳотларимизнинг мезони, деб билишимиз керак”¹.

Иккинчи устувор йўналиш — мамлакатимиизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимиизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, ҳалқнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Зоро, тинчлик ва хотиржамлик бўлган юрганда юксалиш ва тараққиёт бўлади. Шу боис тинчлик ва осойишталика раҳна солувчи ҳар қанақанги уриниш тараққиётимиз учун душманликдир. Экстремизм ва ашаддий ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига, ҳалқаро террорчилик ва наркобизнесга қарши изчил курашиш йўлида барча имконият ва куч-кудратимиизни сафарбар қилиш бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлмоғи лозим,—деб уқтириди Президент И.А.Каримов.

Мамлакатимииз хавфсизлигини таъминлашда ташки таҳдидлардан ҳимояланиш ва уларнинг олдини олиш билан бирга ички хавфсизлик муаммолари ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ерда гап жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш, айниқса, жиноятчилик, уюшган жиноятчилик, коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби салбий ҳодисаларга қарши курашни қатъият билан давом эттириш ҳақида кетмоқда.

Учинчи устувор йўналиш. Бу — бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат. Хусусий мулк, у билан боғлиқ муносабатлар (эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш) тизимини ривож топтириш ҳамда шу асосда иқтисодиётда хусусий сектор мавқеини мустаҳкамлаш ниҳоятда муҳимдир. Кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни мунтазам ривожлантириш — давр талаби. Шу страте-

¹ Ҳалқ сўзи. 2002 й. 30 авг.

гик йўл орқали мамлакатда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, фуқароларнинг даромадларини орттириш, мустақил мулкдорлар синфини шакллантириш мумкин бўлади.

“Бу борада ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютанинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш, миллий валютамиз сўмимизнинг барқарорлиги ва ҳарид қувватини ҳар томонлама мустаҳкамлаш тараққиётимизнинг янги босқичидаги асосий вазифаларимиздан биридир”¹. Иқтисодиётимизга хорижий инвестициялар, авваламбор, хусусий сармояларни жалб этиш, инвесторлар учун шарт-шароит ва ҳукукий кафолатларни яратиб бериш, улардан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва барқарор бозор муносабатларини қарор топтиришдек мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва молия ташкилотлар билан, шунингдек барча хорижий давлатлар билан шу соҳадаги ҳамкорлигини кучайтириш лозим. Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳам энг муҳим аҳамиятли вазифалар қаторида туради.

Тўртингчи устувор йўналиш. Бу — инсон ҳукуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек ошкораликни, жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни амалий ҳаётда жорий қилишдан иборат. Мамлакат Президенти И.А.Каримов инсон ҳукуқларини устувор тарзда таъминлаш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг “тўртингчи ҳокимиёт” сифатида мавқеини мустаҳкамлаш ҳукукий давлат ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг муҳим шартларидан эканлиги хусусида такрор-такрор таъкидлаб келади. Бу бежиз эмас, чунки инсон ҳукуқларининг устуворлиги ислоҳотлар дастуримизнинг муҳим принципи саналади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчى сессиясида давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек: “Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио-телефизионе фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамия-

¹ Халқ сўзи. 2002 й. 30 авг.

ти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур”¹.

Оммавий ахборот воситалари эркин фаолият кўрсатиши учун тегишли қонунлар қабул қилинди, зарурий ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Албатта, бу мустақиллик йиллари давридаги катта ютуғимиздир. Лекин қилинган ишларни қилиниши лозим бўлган ишлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Қилинажак ижобий амалларимизнинг кўлами янада салмоқлидир. Бу борада Президент Ислом Каримов ўта муҳим масалага эътибор қаратди: оммавий ахборот воситаларимиз узоқ вақтлар давомида, яъни совет тузуми даврида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли уларнинг ҳали-бери бу ҳолатдан чиқиши, аввало, психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечмоқда. Ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас.

Бугунги ислоҳотлар ҳамда ёрқин келажакка интилишимиш жараёнида эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, холис баҳо бериб бориши керак.

“Матбуот эркинлигининг кафолати, — деди И.А.Каримов ўзининг парламент тўққизинчи сессиясидаги маъруzasида, — ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бугун оммавий ахборот воситалари олдида иктисодий шериклар топиш, иктисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашга эришиш борасида кенг ва реал имкониятлар пайдо бўлмоқда, бу эса ўз навбатида уларнинг эркин ва мустақил фаолият кўрсатишида асосий омил бўлиб хизмат қиласи.

Барча оммавий ахборот воситаларига... мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шароитларни яратиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир”².

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

Парламент сессиясида шунингдек “Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш фурсати етганлиги эътироф этилди. Табиийки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши тегишли бир қатор масалаларни ечиш билан бирга, мустақил нашрларни айрим эскича фикрлайдиган мансабдор шахслар, ҳомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг ноурин таъсиридан самарали ҳимоя қилишга кўмаклашади. Шунингдек, “Телерадио фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши мўлжалланмоқда. Бу ҳам оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳукуқий асосларини жиддий равищда мустаҳкамлайди.

Фуқаролик жамияти демократик тарзда уюшган, ошкоралик ва очиқлик ҳукм сурадиган эркин жамиятдир. Бу жамиятда сиёсий-ҳукуқий ҳодисаларга ижтимоий баҳо бериш, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиб ўстувор мавқега эга бўлади. Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов таъбири билан айтганда, жамоатчилик фикри — фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу.

Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, -уни шаклантириш ҳам етарли даражада йўлга қўйилмаган, сабаби бундай ёндашув ҳали сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига, таркибий воқелигига айланиб ултурмаганидадир.

Жамиятни муттасил демократлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини шаклантириш, биринчи навбатда, аҳоли кенг қатламлари сиёсий фаоллигининг оширилиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечогли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқдир. Мазкур вазифани ижобий ҳал этишда бошқа омиллар қатори мамлакатимизда ҳақиқий кўпартиявийлик, демократик парламентаризм тизими ва ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтирилиши ҳамда сиёсий майдонга конструктив йўналишдаги оппозициянинг пайдо бўлиши сезиларли самара беради, деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикасининг парлamenti — Олий Мажлисни икки палатали қилиб ташкил этиш, куйи палатага асосан сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўtkазиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга кучли туртки бериши шубҳасиз. Сайловлар тўғрисидаги қонунчиликни тўплangan тажрибамиз ҳамда партиявий

рўйхатлар бўйича пропорционал тизимда сайлов ўтказиш анъаналарига эга хорижий давлатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш лозим бўлади.

Бешинчи устувор йўналиш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида жамият ҳётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фаоллигини ошириш фуқароларнинг хусусий ҳёти соҳасига давлат аралашувини камайтириш, қонун воситасида чеклаш билан боғлиқ. “Бу масалада давлатнинг роли, — деб кўрсатди И.А.Каримов,— аввало, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва ҳукуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шартшароитлар яратишга қаратилмоғи даркор”¹.

Таҳлил этилаётган йўналишда жамоатчилик назорати алоҳида ўрин тутади. Демократик жамиятда бугун ижтимоий-сиёсий ҳёёт ошкора, жамоатчилик кўз ўнгигда ва унинг фаол иштирокида рўй бериши қонуниятли ҳолдир. Шу боис давлатимиз раҳбари ўз маърузасида таъкидлаганидек, қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳёётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Биз “Адолат — қонун устуворлигига” деган ҳётий тамойилга амал қилиб яшашимиз зарур. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

Ҳётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг куйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришини таъминлашдир. Амалда бу вазифани бажаришга аллақачон киришганимиз. Ана шу йўлда событқадамлик билан давом этишимиз лозим. Таҳсинга лойиқ жиҳати шундаки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ва нодавлат ташкилотларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг ҳукуқий асосларини мустаҳкамлаш

¹ Ўша жойда.

давлатимизнинг доимий диққат марказидадир. Шунингдек, бу соҳадаги муҳим йўналиш давлат билан жамоат бирлашмаларининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, бундай алоқаларнинг самарали усул ва шаклларини вужудга келтиришдан иборат. Шу муносабат билан “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунга зарур ўзгартишлар киритиш, “Ижтимоий жамғармалар тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида”, “Хайрия фаолияти тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади¹.

Олтингчи устувор йўналиш бу — суд-хукуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-хукуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини амалда таъминлашдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фикрига кўра, судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талааблари ва адолат бузилиши муқаррар.

“Қонун устуворлигини, инсоннинг хукуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб, — дейди И.А.Каримов, — фуқаролик жамияти ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди”².

Хукуқий тизимимизда либераллаштириш жараёнларининг бошланганлиги ислоҳотларнинг муҳим самарасидир. Бугунги кунда қонунчиликни, хукуқий нормалар мазмунини демократия принциплари асосида эркинлаштириш ва янгилашдек ижобий тенденция вужудга келди. Бу таҳсинга лойиқ ҳолдир.

Суд тизими фаолиятини (амалиётини) демократлаштиришда суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмаёттир. Суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва бошқа хукуқий нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб берилиши зарурдир. Чунки оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг хукуқий онгига таъсир

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

ўтказиш ҳамда аҳолининг хуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чексиздир.

Еттинчи устувор йўналиш — бу барча ислоҳотларнинг пировард натижаси инсон манфаатларига бўйсундирилганилиги, уларга баҳо беришнинг асосий омили ва мезони инсон эканлигидир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ инсонпарвар кучли ижтимоий сиёsat олиб бормоқда. Бу сиёsatнинг мазмунига чукурроқ кириб борилса амин бўлиш мумкинки, мамлакатда ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини жадал ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, одамларнинг социал соҳа бўйича талаб ва эҳтиёжларини қондириш йўлида мунтазам равишда иш олиб борилмоқда. Ушбу сиёsat халқ оммаси томонидан мамнунлик билан қўллаб-кувватланмоқда.

Инсон эҳтиёжлари нафақат иқтисодий соҳа билан, балки маънавий қадриятлар билан ҳам боғлиқдир. Шу боис фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб борищдан иборат. Ушбу фаолиятнинг марказида **маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат** каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак, деб таъкидлади Президент. Мазкур уч буюк қадриятни халқимиз чукур анграб, асрлар давомида ҳамиша эъзозлаб келган. Мана шундай чинакам фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилаётган инсон нафақат демократия неъматларининг соҳиби, балки уларнинг фаол яратувчи ва ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқади. Ана шундай вазиятдагина фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳақ-хуқуqlари ва эркинликларини амалда таъминлаш мумкин бўлади.

Юқоридаги баёнимизни умумлаштириб айтиш мумкинки, Президент И.А.Каримов маъруzasида белгиланган етти устувор йўналиш ва бу хусусда билдирилган теран фикр-мулоҳазалар мамлакатимизда демократик фуқаролик жамияти барпо этишнинг стратегик дастуридир. Бу дастурни қанчалик чукур анграб етиб, унда белгиланган вазифаларни сабитқадамлик ва қатъият билан уддаласак, Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини шунчалик муваффақият билан қарор топтириш мумкин бўлади.

МУНДАРИЖА

Сўз боши

3

I. Конституция — мустақиллик маҳсуди ва тимсоли	
1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши	7
1.2. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилиниши	12
1.3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: моҳияти, принциплари ва хусусиятлари	20
1.4. Мустақиллик, Конституция ва хукукий қадриятлар	42
II. Конституция ва сиёсий демократия	
2.1. Конституция ва ҳокимиятнинг демократик тизгинланиши	59
2.2. Сиёсий тизимнинг конституциявий асослари	81
2.3. Конституция ва парламентаризм: ислоҳот ва истиқбол	94
2.4. Конституция — хукукий тизимнинг ўзаги: хукукий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари	114
2.5. Конституция ва инсон хукуқларининг устуворлиги	138
III. Конституция — фуқаролик жамиятини шакллантириш пойдевори	
3.1. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг конституциявий замини	164
3.2. Фуқаролик жамиятининг таркибий тузилмалари	172
3.3. Демократик ислоҳотлар орқали янги жамият сари	210
3.4. Фуқаролик жамиятининг хукукий маданияти	219
3.5. Конституция — беназир хукукий қадрият	226
IV. Конституция ва қонунчиликни ривожлантириш	
4.1. Конституция — қонунчиликни такомиллаштириш стратегияси	234
4.2. Конституция ва қонун чиқариш жараёни	250
4.3. Конституция ва қонун устунлиги — демократия кафолати	262
4.4. Конституцияни амалга ошириш механизми	277
4.5. Конституцияни муҳофаза қилиш механизми	286
V. Конституция ва маънавият	
5.1. Конституция — хукукий маданият кўзгуси	292
5.2. Конституция ва миллий мағфура	297
5.3. Конституциянинг маънавий-ахлоқий салоҳияти	303
5.4. Конституция — хукукий хулқ-атвор андазаси	306
Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишининг устувор йўналишлари (Хотима ўрнида)	310

ХОЖИМУРОД ОДИЛҚОРИЕВ

**КОНСТИГУЦИЯ ВА
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2002**

Муҳаррир З. Мирзоҳакимова
Бадиий муҳаррир М. Аъламов
Техник муҳаррир Л. Хижова
Компьютерда саҳифаловчи Н. Аҳмаджонова, Р. Баязитова
Мусаҳҳих Ю. Бизаатова

Саҳифалашга берилди 30.09.2002. Босишга рухсат этилди 08.11.2002.
Бичими 84x108¹/₂. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
тобоги 16,8. Нашриёт-ҳисоб тобоги 18,0. Адади 3000 нусха. Буюртма
№ 4094. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41.**